



ЭЛБЕК

**ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР**



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 1999

Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи:
профессор *Ҳайдарали УЗОҚОВ*

Масъул муҳаррир:
Шарифа САЛИМОВА

Тахрир хайъати:
Иброҳим РАҲИМ
Алибек РУСТАМОВ
ШУКРУЛЛО
Абдуманноб АБДУВОСИҚОВ
Ориф УСМОН
Улуғбек ЭЛБЕКОВ
Раҳматилла ИНОҒОМОВ

Элбек.

Танланган асарлар // Сўз боши муаллифи: Ҳ.Узоқов;
Масъул муҳаррир: Ш.Салимова; Тахрир хайъати:
И.Раҳим ва бошқ./ . — Т.: «Шарқ», 1999. — 288 б.

Ўз2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош тахририяти,
1999

ЭРК ЙЎЛИДА ЭРКСИЗ КЕТГАН ФИДОЙИ

Мабодо хужжатаасров қатларини синчковлик билан ўрганадиган бўлсангиз, 20- ва 30- йилларнинг гирдобида йўқотиб юборилган юзлаб таниқли шоир, ёзувчи, журналистларнинг «ишлари»га назарингиз тушади. Улардан бири Элбек — Машриқ Юнусовдир.

Камина Элбек ижоди ва ҳаётини атрофлича ўрганишни мақсад қилган эдим. Шу муносабат билан унинг руҳий олами ва ёзувчилик, педагогик ижодига оид ашёларни топиб, халқимизга номаълум қирраларини тадиқ қила бошладим. Шоирнинг хужжатаасровда сақланган «шахсий иш»ини ўрганиб, қатағон билан боғлиқ бўлган хужжатлар ва нашр этилган китоблари билан танишдим.

Истиклол туфайли адолат қарор топган даврда Элбекдек ҳассос шоир ва ёзувчи, куюнчак педагогнинг 30 дан ортиқ алоҳида топ этилган китобларини, шунингдек, ўша давр газетга ва журналларида нашр қилинган мингдан ортиқ шеър, дoston, баллада, халқ кўшиқлари, хикоя, очерк, илмий-услубий мақола ва публицистик асарларини топишга муяссар бўлдик. Бироқ, Элбекнинг асарлари ҳали кўплаб топилади. Бунинг учун адабиётшунос ва таълимшунос, қолаверса тилшунос мутахассисларимиз хужжатаасровда сабр-тоқат билан изланишлари керак.

Инсон ҳамиша орзу ва умидлар билан яшайди, турмуш қийинчиликларини енгиш, фаровон ҳаёт кечирини ўйлайди. Аммо яшаётган муҳити зўравонлик негизига қурилган бўлса-чи? Бундай кезларда фуқаролар бошида зулм ва истибдод камчиси гир-гир айланаверади, халқ қалбида эса озодлик ва кураш туйғулари етила боради.

Чор империяси истилоси ва ҳукмронлиги шароитида Туркистон халқлари не азобларни бошдан кечирмади, дейсиз. Миллионлар қатори ўзбекнинг оташин ўғлони Элбек ҳам ўз тақдири даргоҳида бир умр эрк ва истиклол орзусида ўтди.

Машрик Юнусов 1898 йили Бўстонлик туманидаги Хумсон қишлоғида камбағал оилада дунёга келган. Саккиз жонни боқиш ва қийинтириш Юнус отага осон бўлмаган. Юнус ота очарчилик ва қашшоқликдан мадорсизланган қишлоқ аҳлининг бири сифатида анча кулфатлар, машаққатларни бошидан кечирди.

1909 йилда Машрик ўн ёшдан ошиб, қўлидан унчамунча иш келадиган бўлиб қолган эди. У отаси ёнига кириб, деҳқончилик ишларига ёрдамлашарди. Элбеклар оиласи ҳам эл қатори кўп қийинчиликларни бошидан кечирганлар.

Бўлғуси шоир 11 ёшида Тошкентга келди ва бу ерда турли жойларда тирикчилик ўтказди — бойларнинг уйларида югурдаклик қилади, юк ташишди, газета сотди... Ўз устида ишлаш, билим ўрганиш, илм олиш ёш Машрикнинг асосий орзусига айланди. У дастлаб рус-тузем ва сўнгроқ янги тип мактаблар, техникум, кейинчалик педагогик курслар ва олий муаллимлар институтида ўқиди. Олий маълумотли педагог бўлиб етишган Машрик мактаб, курс, техникум ва, ниҳоят, Низомий номидаги Педагогика институтида ўзбек тили ва адабиёти ҳамда туркий адабиётдан дарс бера бошлади.

Элбек ўз халқининг миллий истиқлоли учун курашган, туркий халқлар бирлиги йўлида фидоий инсон эди. Шу боис қизил империя ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари уни «аксилинқилобчи, миллатчи, хавфли пантуркист, панисломист, ўз асарларида шўро ҳокимиятига қарши курашган» деган айбномалар билан ҳибсга олган эдилар.

Элбек 1939 йил 11 февралда, беаёв қайноқлардан кейин қамоқхонада ҳаёт билан видолашади.

Таниқли ижодкор, фидоий педагог, турколог-тилшунос, толмас журналист Элбек бизга «Тозагул» (1934) номли шеърый роман, «Ўтмишим» (1929), «Аноргул» (1926), «Ўзбекистон» (1934), «Мерган» (1935), «Боғбон» (1934), «Туркистон» (1928) каби ўттизга яқин дoston ва балладалар ҳамда «Армуғон» (1921), «Ёлқинлар» (1925), «Сезгилар» (1927), «Кўзгу» (1926), «Фунчалар» (1935), «Чирчиқ бўйларида» (1935) каби шеърый тўпламлар, шунингдек, «Дадамат», «Кўшчи Турғин», «Ўрнак», «Гўзал ёзғичлар» сингари сочма (настрий) асарлар, дарсликлар ёдгор қилиб қолдирди.

Бу асарларда, айниқса, унинг масалларида катта иж-

тимой муаммолар, шоирнинг дард-аламлари яширинганлигини кўрамиз.

Мана, шоирнинг болалар учун атаб ёзилган, 1921 йилда чоп этилган «Армуғон» масаллар тўпламидаги «Кайси бири бўри?!» деб аталувчи асари. Ушбу масал мазмуни қуйидагича: ўрмонда ёлғиз юрган қўй бўрининг тузоғига илинади. Бўридан қутулишнинг иложини тополмай турганда, бир киши келиб қолади ва уни йиртқич чангалидан қутқаради-да ўз уйига олиб кетади. Бу ҳолдан қўй ўта хурсанд бўлиб, осмонга сакрайди. Аммо қўй учун хурсандчилик узоққа чўзилмайди — ҳалиги одам уни сўяди. Масал якунида шоир шундай хулоса чиқаради:

*Пичоқ билан қўйди уни тез сўйиб,
Унга қўйнинг икки кўзи термулиб,
Жони титирчилаб, ёниб ҳам кўйиб,
Айтар эди ул кишига: «Эй киши,
Бўрим, ё айтгил, энди ким ваҳший?!
Қутқардинг сен мени бўри илгидан,
Ҳамда қўрқинч шу ўлимнинг ваҳмидан.
Энг сўнг ўзинг бўридан-да ўздирдинг,
Кўрдим, энди чин бўри ҳам сен бўлдинг».*

Ҳа, шеър-масал яратилганда тикланиб келаётган янги мустабид ҳокимият томонидан Кўконга қўйиб юборилган арман дашноқлари бешикда ётган ерли халқ гўдакларигача бўғизлаб ташлаганликларига эндигина икки-уч йил тўлган эди. Қўй ўрнида кўрилган юввош ва андишали кишиларнинг йиртқич жангарилар томонидан сўйиб ташланганлигига бонг тарзида жаранглаган ушбу масал ғояси эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Шоир Элбек ижоди денгизнинг мавж уриб турган тўлқинларига ўхшайди. Бу тўлқин замирида меҳр-муҳаббат, шафкат, одамгарчилик, адолат, ҳалоллик, яхшилик туйғулари жамулжам. Ундан соф севгини ҳам, бетакрор табиат манзаралари мадҳини ҳам, ҳалол меҳнат нашидасини ҳам, инсоний қадр-қимматни ҳам, табиат яратиб берган бойлик — обидалардан тортиб инсон тафаккури ва кураши ила бунёд этилган буюк ўзгаришлар яратувчанлигини ҳам топиш мумкин.

Элбек ижоди бутун Туркистон халқлари яшаш тарзи учун муштарак бўлган воқеа-ҳодисалар, анъана ва урф-одатлар, яратувчанлик руҳиятини қамраб олган дейиш мум-

кин. Бу нарса бежиз эмас. Элбек Хумсондай жаннатмисол маконда, яъни халқимизнинг илк тарихий даврлардан бошлаб неча машаққатлар билан яратиб, сақлаб келаётган урф-одатлари, анъаналари, дехкончилиги, хунармандчилиги, энг муҳими, миллийлиги — инсонийлигини сақлаб қолган қатлам ичида вояга етган, бу ҳолатни ўз кўзи билан кўриб, унга амал қилгани асосий замин бўлди. Шу сабабли ҳам шоир қаламига мансуб бўлган ҳаётининг ва воқеининг «Аноргул» («Ер юзи», 1926, 15-сон) деб аталувчи лирик ҳикоя ва «Аноржон» номли баллада мазмуни ва ғоявий йўналиши халқларимизнинг маданий турмуш тарзи учун муштаракдир.

Шоирнинг ранг-баранг, бой ижоди ва фаолияти кирраларини қуйидагича гуруҳлаштириш ва тавсифлаш мумкин:

1. Муаллимлик-тарбиячилик Элбек ижодининг асосий хусусиятини ташкил этади.

2. 20—30-йиллар болалар адабиётида фольклор ва масалчиликка Элбек асос солган.

3. Болалар адабиётида ҳақиқат ва истиқлол учун кураш.

4. Она тилини эъзозлаш ва унга садоқат билан қараш — қадриятларимизни ҳурматлаш асосига қурилганлиги.

5. Табиат ва гўзалликка ошуфталик Элбек лирикасининг асосий йўналишларидан эканлиги.

6. Элбек асарларида миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз тасвири — келажак авлод учун обида бўлиб қолганлиги.

7. Элбек сочма ва тизма асарларнинг моҳир таржимони сифатида танилганлиги.

Айтилганлардан ҳар бирининг замирида ўзига хос ҳақиқат, ўзига яраша исбот бор. Чунки бу фидоий сиймонинг бой ижодига мансуб бўлган ва ўзига хос яратувчилик сифатлари билан тўлиб-тошган муаллимлик-тарбиячилик, услубшунослик илми; болалар тарбияси ва ахлоқидаги ибратли фазилатларни ташвиқ этувчи халқ оғзаки ижодиёти, айниқса, болалар масалчилигини ижтимоий масала сифатида ривожлантириш, болаларни эрк ва истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш асосидаги қарашлар; ўзбек тилшунослигидагина эмас, балки бутун туркийшуносликда тарихий изоҳли луғат-

га, қолаверса маънодош, шаклдош ва зидлов маъноларини шарҳлаб беришга қаратилган луғатларга асос солиш ва она тилидан дарс ўтишининг намунали услубиятини яратишдек олижаноблик; табиат манзараларининг лирик тасвирлари орқали «гул» ва «ёр» тушунчаларини усталик билан ифодалаш, хусусан, гўзалликка ошуфталик, интим ҳиссиётларни кўйлаш; жаҳон адабиётининг номдор вакиллари асарлари — шеърини ва сочма намуналаридан қилинган таржималар ҳам унинг номи билан боғлиқ. Мазкур таъриф ва талқинлар силсиласида шоирнинг катта тарбиячилиги ва педагоглиги яхлит ва ёрқин бўртиб туради.

Элбек шеърини ва бошқа ижодиёти хусусида гап кетганда, 20—30-йилларнинг етук мунаққиди ва адабиётшуноси профессор Абдурахмон Саъдий таъбирича, кейинги давр ўзбек адабиётида *«масалчиликни Элбек бошлади. Таржима йўли билан эмас, балки масалчиликни тугдириш йўлини тутди. Хали бу йўлда ундан бошқа киши кўринмаган»*.

Маълумки, Элбек 1921 ва 1923 йилларда чоп эттирган «Армуғон» масаллар тўпламига 18 номда турли мавзулардаги асарларини киритган. Бу тўплам ҳақида «Ўзгаришчи ёшлар» журнали таҳрир хайъати қуйидаги фикрларни айтган эди: *«Биринчи босилишдан кўра, бу гал 2-нашри чиройли чиққан, вазн ёқларига анча эътибор қилиб, усталик кўрсатмаган бўлса ҳам, айтмоқчи бўлган гапи, тушунтирмоқчи бўлган тилаги ётилиб қолмайди. Халқнинг осон тилида лўнда-лўнда қилиб, қулайлик билан айтиб берадир»* (ўша нашр, 1923, №1).

Гапнинг очиғи, шоир ўзининг «От ила одам», «Қайси бири бўри?!», «Сичқонхоннинг қиз узатиши», «Олақарға билан қурбақа», «Икки тулки», «Кампирнинг товуклари», «Кемачи ила ҳаким», «Фил ва лайча», «Қўян ила тошбақа», «Қуйруксиз маймун», «Итларнинг ўртоқлиги» сингари кўплаб масал ва эртақ-масаллари орқали замонаси билан узвий боғлиқ бўлган шахслар тилидан очиқ айтиш мушкул ўта қалтис ижтимоий муаммоларни турли ҳайвонлар ва қушлар, қолаверса нарса-ходисалар орқали ифодалайди.

Хуллас, олим Ашурали Зоҳирий холис айтганидек, *«...шоир Элбек халқ мулки — оғиз адабиётини халқдан олиш ва халққа қайтадан етказишда эл тилининг*

тушунарли таъсирларидан кўп фойдаланган, эл болалар адабиётида масалчиликни яратган катта санъаткор» эди.

Маълумки, кейинги 70 йилдан мўлроқ вақт мобайнида миллий урф-одатлар, ибратли анъаналар, гўзал маросимлар ўз ўзанини йўқотиб, «интернационализмнинг шифобахш шабадаси»га ҳамоҳанг ҳолда тагсиз-томирсиз, илдизсиз ва мақсадсиз «фестивальний» ранг-тусда давом этди. Асрлар давомида бутун борликни титратиб, ларзага солиб келган ўлан ва ёр-ёрлар, кул-гили айтишувлар, келин айлантиришлар, келин тушириш маросимлари издан чиққан, деярли унутилган эди. Бу издан чиқиш янги тузум — шўро қарор топган дастлаб паллалардаёқ бошланганди. Буни кўрган ва ундан каттиқ афсусланган шоир бутун туркийлар, асосан ўзбеклар учун муштарак бўлган келин тушириш ва тўй маросими урф-одатларини ифодаловчи қатор асарлар яратди.

Элбекнинг 1926 йили «Ер юзи» журналининг 15-сонида босилиб чиққан «Аноргул» лирик ҳикояси, шу журналнинг 1925 йил 2-сонида чоп этилган номусни ҳимоя қилишга бағишланган «Ғоҳиша» ҳикояси, «Ёр-ёр», «Бўғма билагим» каби фольклор асарлари, кўплаб шеър ва дostonларида миллий қадриятларимиз акс этирилди.

Элбек лирик шоир сифатида ҳам танилган эди. Унинг шеърларида табиат манзараларини маъшуканинг кайноқ тафти, руҳий оламию ошиқнинг пок ва садоқатли муҳаббати интим ҳиссиётлар билан куйланади.

Элбек шеъриятидаги сиёсий қарашлар ҳам қадриятларимизни улуғлаш орқали берилади. «Чигатой гурунги» адабий тўғаракка бағишлаб 1920 йилда ёзилган «Яна алдадинг» шеъри юқоридаги фикримиз исботидир.

*Кўлларингда ушлаб тургон чолгунгни
Бир кўршида «чин чолгу» деб ўйладим.
Ўйладим-да юрагимнинг тегидан
Чин севинч-ла турли куйлар куйладим.*

*Куйларимни секин-секин тинглагоч,
Ёлгондан бир алдабгина йигладинг!
Йигладинг-да туруб-туруб узоқдан,
Менга боқиб, бир неча сўз сўзладинг.*

Элбек дostonларининг мавзулари ниҳоятда халқчил бўлиши билан бир қаторда илгари сурилаётган ғоя ҳам долзарб. Ҳаёт сўқмоқларидан олға бориш, келажакка интилиш, янгилик томон одим ташлашнинг бадиий ифодасини берар экан, шоир ўзбекларнинг турмуш тарзини, унинг машаққатли лавҳаларини ҳаммабон, жонли тилда, таъсирли сатрларда англади. Халқимиз учун муштарак бўлган турмуш тарзини кўз олдингизда яққол гавдалантиради. Айниқса, бу нарса шоирнинг болаларга атаб ёзилган «Этик», «Ўтмишим», «Мерган» сингари дostonларида ўз ифодасини топган.

Автобиографик йўсиндаги «Этик» дostonида кўпфарзандли oilанинг тирикчилик ўтказишдаги қийинчиликлари, қашшоқлик, ночорлик каби машаққатлари оёқ кийимсиз, яланғоёқ қолган гўдакка этик олиб беришга отанинг ваъдаси, бунинг уддасидан чиқиш ниятида хонадондаги егулик донни бозорга олиб бориб арзон-гаровга бўлса ҳам сотиш манзараси орқали баён этилади.

Уят ва номусни ҳам йиғиштириб қўйган нафси бузук бозор паттачилари «жой ҳақи» учун икки-уч марталаб ҳақ ундиришлари ва донни арзонга сотиш натижасида ўғлига этик олиб бера олмай, ёлғончи бўлиб, ҳовлига қайтган ночор отанинг руҳий ҳолатини муаллиф усталлик билан гавдалантиради:

*Орадан андак замон
Ўтмаб эдики, ҳамон
Яна бирови келди,
«Тек жой ҳақи берил», деди.*

*«Олиб кетди-ку», дедик,
Ҳазабдан титрар эдик.
Сўзга қулоқ солмади,
Айтганидан қолмади...*

Бу мисралар орқали шоир суқ паттачилар руҳиятини очиб ташласа, қуйидаги мисраларда бозор ва яланғоёқ қолиш нохушликларидан қаттиқ ачинади, этик олиб бера олмаган отанинг руҳий ҳолатини кўрсатади:

*Этик орзу қилардим,
Мен оёқяланг қолдим.
Бунчалик иш бўлишин
Қаердан ҳам билардим.*

*Йўлда жим кетар эдим,
Отамга аста дедим:
«Этик қанча туради?»
Отам бир сўз демади...*

Бугина эмас, шоирнинг бошқа шеър ва дostonлари дeярли халқ тилида, жонли сўзлашув услубида битилганлиги учун ҳам улар халққа яқин. Улар ўзбекнинг оилавий ҳаёти қаъридан чертиб-чертиб териб олинган, кўринишдан унча эътиборталабга ўхшамаган, аммо ўта муҳим муаммоларнинг бадиий ифодаси сифатида кўзга ташланади.

Шоир Элбек рус адабларининг жаҳонга машҳур бўлган сочма ва тизма асарларидан талайгинасини ўзбек тилига ағдариб, китобхонларга етказган эди.

У И.А. Кривовнинг «Фил ва лайча», «Кўзгу ва маймун» каби масалларини, А.С. Пушкиннинг «Орзу», «Уйланиш» каби шеърлари ҳамда «Балиқча ҳақида эртак», «Олтин хўроз ҳақида эртак», «Пўп ва унинг хизматчиси» ва «Балда ҳақида эртак» сингари фольклор намуналарини таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида чоп эттирди. М.Ю. Лермонтовнинг «Елкан» шеърини ўзбек тилига ўгирди.

Элбекнинг таржима соҳасига қизиқиши айниқса рус халқининг улуғ шоири Н.А. Некрасов шеърляти билан боғлиқ. У 1935 йили Н.А. Некрасовнинг «Танланган шеърлар»ига шоирнинг машҳур асарлари: «Темир йўл», «Она бўри», «Генерал Топтигин», «Унутилган қишлоқ», «Волгада», «Сарой бўсағасида муҳокама», «Болалар йиғиси», «Катерина», «Русияда кимлар яхши яшайдилар?», «Одина солдат онаси», «Ерёмушканинг қўшиғи» шеърлари, дostonлари ва кўпгина эртак-тизма асарларини таржима қилиб киритган.

Элбек ўзининг таржимонлик фаолиятида, айниқса, асар мазмуни ва ғоясини аслида сақлаб қолиш ва бадиий жиҳатларини таъсирли қилиш йўлида сабот билан изланарди. Бу борада у И.А. Кривовнинг масалларини ўзбек ўқувчиларига тўла етиб бориши учун тинмай изланарди. Жумладан, «Фил ва лайча» масалини Элбек ўзбек ўқувчисига қуйидагича етказа олган:

*Кўз-кўз қилиб бўлса керак, филбонлар
Кўча бўйлаб филни олиб ўтдилар.
Ўз умрида буни ҳеч кўрмаганлар
Тўдалашиб, лақиллашиб кетдилар.*

*Лайча филга йўл устида йўлиқиб,
Ортиқ гайрат билан ҳура бошлади.
Ўз гайратин, кучини кўрсатмак бўлиб,
Кетидан ақиллаб ҳура бошлади.
Бунинг ақиллашин кўрган ўзга ит
Унга қараб деди: «Бас, дўстим, етар,
Ўринсиз уриниб нима қиласан?
Томогинг бекорга йиртилиб кетар»...*

Она тилига садоқат Элбекни тилшунос қилиб танитди. Чиндан ҳам Элбек ўзбек тилшунослигининг тадқиқотчиси ва жонкуяри эди. У «Тил ўкутишда саводхон бўлайлик», «Газета тилида бирлик бўлсун» каби бир қатор мақолаларида она тили софлиги, саводхонлик учун курашади, имлони такомиллаштиришда қилиниши лозим бўлган ишларни таҳлил этади. Мақолаларида кўтарилган масалалар ва ғояларни у ўз дарслари жараёнида изчиллик билан қўлларди.

Элбекнинг хайрли ишларидан бири шундаки, бутун туркий тилшунослик, хусусан, ўзбек тилшунослигида 1924 йилдаёқ тарихий изоҳли луғатни тузди. «Луғат ва атама» сарлавҳасида ўша йили «Инқилоб» журналининг 13 – 14-қўшма сонидида чоп этилди.

Ушбу луғатни яратишда Элбек Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Мавлоно Лутфий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари, Абулғозий Баҳодурхон қаламига мансуб «Шажараи турк» каби обидалар тилини асос қилиб олган ҳамда келтирилган ҳар бир сўзнинг бош ва ёрдамчи маъноларини кенг шарҳлаб берганди.

Мутафаккирлар айтадиларки, она тилига меҳр қўйган инсон ўз миллатига меҳр қўйган бўлади. Элбек 1920 йилда «Тил» деган шеър ёзиб, уни ўша йили Туркистон Давлат нашриёти чоп этган, Фитрат, Чўлпон, Боту ва Элбекнинг шеърларидан таркиб топган «Ўзбек ёш шоирлари» китобига киритди. Яхшиси, ушбу шеърни ҳукмингизга ҳавола эта қолайлик.

*Мунгли қушим, сайраб-сайраб кел, англам!
Кимлар эрур, турк тилини сотғувчи?
Булбул каби сайраб тургон бу тилни
Уёлмайин бу ўлкадан отғувчи!*

*Болдан тотли, жондан тунуқ туркчани
Тушунмайин хўрлаб ётғувчи!*

*Очунларда бойлигини кўрмасдан,
Кимдур бунга: «Ёрарли, ёрамас» деган?*

*Мунгли қушим, унларни қўй, сен сайра,
Турк тилининг донгин чиқар кўкларга.
Қўй унларни, улар йўлдан озсунлар,
Эл ичида бўш-бўғозлиқ сотсунлар.*

Ушбу фалсафий мушоҳадага бой, ғоявий пухта шеър шоирнинг 1922 йил чоп этилган «Ўзбекча ўқуш китоби»га ҳам киритилди. Кўриб турганингиздек, Элбек мазкур шеъри билан биргина ўзбек тилининг кадрляри эмас, балки бутун туркий тилларнинг нуфузини кадрламоқда, уларнинг, хусусан, она тилимизнинг ўзга тил, яъни ҳоким тилнинг соясида қолаётганлигидан ранжимокда.

Аслини олганда, Элбекнинг ушбу шеъри кадрдон дўсти Абдурауф Фитратнинг «Тил» сарлавҳаси билан ёзган тагдор шеърига жавоб тариқасида битилганди. 30-йилларнинг ғаламислари бу шеърни миллатчилик руҳидаги асар, Фитрат томонидан ёзилган «Тил» шеърининг давоми, уни қўллаб-қувватловчиси, деб тегишли идоралар ходимларига ёзиб берган эдилар. Худди ана шу ғаламисликни сабрсизлик билан кутиб турган НКВДчилар мазкур шеърни ҳам шоирнинг «иш»ига тиркадилар.

Элбекнинг ўзбек тили муаммоларини ўрганиш, айниқса, мактабларда она тили ўқитиш масалаларига бағишланган қатор китоб ва дарсликлари, қолаверса, кўплаб илмий-услубий мақолалари 20-йилларнинг бошларидаёқ чиқа бошлади. Она тили муаммоларига қизиқишига мактаблар ва техникумлар, турли педагогик курслар ва олий ўқув юртларида она тили ва адабиётдан дарс бериш жараёнида тўплаган бой тажрибалари замин тайёрлаган эди.

Маълумки, инқилобдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам мактабларимиз учун ўзбек тилининг имло қоидалари, ёзув йўл-йўриқлари ҳақида қўлланма ёхуд дастурлар йўқ эди. Бор бўлса ҳам, улар тўлақонли, асосли эмас эди. Бу соҳада қўлланма яратиш ўша давр тилшунослиги ва маорифида ўта зарур вазифалардан бўлган.

Масаланинг ана шу муҳим томонидан келиб чиққан тилшунос-педагог Элбек 1921 йилда 30 саҳифа ҳажмида

2—4-синфлар ўқитувчи ва ўқувчилари учун «Ёзув йўллари» номи билан алоҳида қўлланма чоп эттирди.

«Кириш» ва «Сўнг сўз»дан ташқари 11 сабоқни ўз ичига олган бу қўлланма мактаб она тили ўқитувчилари ва ўқувчилари учун тўғри ёзув, имло бўйича анча пухта ва илмий-услубий жиҳатдан бақувват асар эди.

«Ёзув йўллари»нинг яратилиши зарурияти ҳақида муаллиф қуйидагиларни ёзган эди:

«Элимизда шу кунгача «ёзув йўллари» йўқлигидан ёзувларимиз бир турли ёзилмасдан, ҳар кимнинг ёзгичи истаган ёққа бурилиб, истаган йўл билан кеткан ва шул орқасида бир неча турли йўлсиз ёзувлар юзага чиқиб қолгон эди. Бу йўлсиз ёзувларни бир тўғри йўлга солиб, бир йўсин остига олмоқ керакмиди?!

Буни энг олдин қайгурган ва тушунган «Чигатой гурунги» мучалари бўлдилар. Булар йўлсиз қолгон ўзбек элининг ёзувини бир йўлга ва бир негиз остига қўймоқ тилаги билан энг биринчи бўларлиқ «Билим йўллари» (номи) остида бир китобча тарқатиб, элга янги ёзув йўлларин кўрсатдилар. Табиий, бунинг билан бизнинг ёзувимиз анчагина йўлга солинди. Эл болалари анчагина бундан фойдаландилар.

Бироқ, 21-йил бошида бўлгон тил-имло қурултойи сўнгида имломизга яна янгиликлар қўшулди. Шунинг билан «Билим йўллари»даги кўрсатилган негизларнинг бир ози ўзгарди. Бунинг устига «Билим йўллари» ёлғуз ўқитувчилар учун йўлбошлиқ этатургон бир китоб бўлгонлиқдан мактаб болалари учун сабоқлик этиб тузилган эди.

Шунинг учун мен ушбу қўлингиздоги биттикча (китоб)ни янги йўлда қурултой тўқтамига мослаб ёздим».

Бугина эмас. Элбек ўша давр маданий ҳаёти билан ҳамнафас ҳолда қалам тебратди. Халқ болаларига сабоқ ўргатиш, уларни онгли қилиш йўллари устида бош қотирди. Ўз навбатида ёшларга савод ўргатар ва уларда кизил империя тутими моҳиятини онгли идрок қилишни тарбияларди. Бу нарса империя камарбасталари учун миллий тўқмоқ эди.

Атоқли педагог миллатимиз болаларини талаблар даражасида саводхон қилиш учун, энг аввало мактабларда таълим бераётган муаллимларни тарбиялаш лозимлигини қайта-қайта уқтирар, буни ўз китоб ва мақолаларида таъкидларди. У ўзининг «Матбуот тилида

бирлик бўлсун» деган мақоласида ёзган эди: «*Матбуотчилар ҳам ўқитгувчидан таълим оладир, улар ўргатганича ёзадирлар. Турли билимдаги ўқитгувчилардан сабоқ олгон ўқитгувчи ҳам устози изидан борадир. Билимлари андоқ бўлгон ўқитгувчидан ўрганган толиб-газетачи ҳам сўзларни турлича ёзадир...*»

Шу маънода, Элбек она тилини барча фанларга таъсир этувчи, уларни ўз қонун-қоидалари билан забт этувчи кенг қамровли фан деб тушунарди. Барча ўқитувчилар қайси фан эгаси бўлишидан қатъи назар — она тилини билишлари, тўғри ёза олишлари шарт деб қарарди.

Шу сабабли ҳам она тили муаллимларига катта талаблар қўйиб, уларга дарс ўтиш услуги ҳақида мақола ва рисолалар ёзди.

Тилшунос 1923 йили «Бошланғич мактабда она тили» номи остида ўқитувчилар учун китоб чоп эттирди. Асар ўз номига кўра мактаб ўқитувчилари орзиқиб қутаётган илмий-услубий дастур эди. Унда она тили ўқитиш учун қайси синфда қандай иш услубидан фойдаланиш лозимлиги, ўқитувчи қандай йўл тутса, унинг ҳар бир дарси ўқувчига етиб бориши мумкинлиги каби муҳим муаммолар ечими берилди.

Элбек ўз китобининг «Бир-икки сўз» деб аталувчи сўз бошисида ёзади: «*Ушбу «Бошланғич мактабда она тили» китобин ёзишдан бизнинг озми-кўпми бир тилагимиз бор. Ул ҳам бўлса, бошланғич мактабларда она тили дарси ўқитгувчиларига қўлимиздан келганича кўмак бермоқдир.*

Белгилидирким, бу кун мактабларимизда оз бўлса-да, она тили тўғрисида ёзгон китобларимиз бордир. Бироқ бу китоблардан тўғридан-тўғри воситасиз фойдаланмак оғирдир.

Зеро, ҳар бир ўқитгувчининг қўлига тушган асардан бирдангина текширмасдан ўқутиш ёхуд уни болаларнинг қўлларигагина бериб қўйиб, ўзининг кўнгли тинчиб, вазифасини адо этган каби бўлиш, кўб янглиш бир шидир.

Ёлғиз китобдан ўқутиш билан масала ҳал бўлмайди. Балким, ул китобдаги ёзилгон нарсаларни жонлантириб англата билиш ва ўқитгон нарсаларни амалга ошириш керакдир. Албатта, бу иш учун ўқитгувчиларнинг оз бўлса-да, мана шул китоблар каби

ўқутиш йўллари кўрсататургон бир асарни кўздан кечиришлари тегшидир...»

Элбекнинг лингвистик қарашлари замондошлариникидан бир қадар фарқланади. У тилшунос сифатида текшираётган ҳар бир мавзунини аввало замон руҳига боғларди, яратган назариясини ўз иш фаолияти жараёнида қўллаб, текширишдан ўтказарди. Ўз лингвистик назариясини педагогика, аниқроғи, мактаб тарбиясида ўқитувчи ва бола фаолиятига моҳирона сингдира олиш қобилиятига эга эди. Шу маънода, Элбек ўзбек миллий мактабшунослиги билан она тили таълимини муштарак ҳолда талқин этиб, мактабнинг вазифаси нима-ю, она тили ўқитишнинг вазифаси нималардан иборатлиги муаммоларини жон куйдириб таърифлар эди. Унинг лингвистик қарашлари асарларига ҳам таъсир ўтказганлиги табиийдир.

Мухтасар қилиб айтганда, Элбек ўзбек тилшунослиги ва педагогикасида таълимий бирлик бўлиши кераклигини асослаб, она тили барча тарбия ўчоқларида, айниқса, мактаб ҳаётида барча фанларга асос бўлиши лозимлигини илмий-услубий жиҳатдан исботлаб берган ўткир мураббий эди.

«Ҳар бир элнинг, — дейди Элбек «Бошланғич мактабда она тили» номли асарида, — янги туққон мактаби бошланғич даврида тўлуқ маъноси билан билимнинг турли бутоқларидан билим бератургон мактаб бўлмай, ёлғуз ёзув мактабигина бўладир. Янги кўзи очилгон эл эса дили билан ёзув танишқа умтиладир, бизнинг ёш мактабимиз ҳам ушбу кунгача ёлғуз ёзув танитиш мактаби бўлиб келди».

Элбекнинг педагогик қарашларида мактаб тарбияси ва оилавий тарбия муштараклиги она тилимиз орқали амалга оширилиши исботланади. Шу боис ҳам бошланғич таълимда она тили барча фанлар учун зарурлигини кўрсатиб, *«...бошланғич мактабнинг туб вазифаси... жўроғия, табиёт, тарих, ҳисоб, расм кабиларни ўрганиш даврида она тили материаллари орқали билим беришни ташкил этиш билан иш кўриш»*дир («Тил ўқутишда саводхон бўлайлик»), дейди.

Элбек таълим жараёнида она тилининг вазифаси тўғрисида гапирар экан, шундай ёзади: *«Бир элнинг мактабин тирғизатургон нарса у элнинг она тилисидир. Тили бўлак эл тури бўлак мактаб излайдир. Бир*

элнинг мактаби ўша элнинг ўз тилининг негизига қурилгон бўлмоғи тегишдир. Эл тили эл мактабига она бўлмоғи тегишдир. Чиндан, у шундай бўладир. Бироқ бир элнинг тарихида турли сабаблар билан эл мактаби бир даврларда онасидан айрилиб етим бўлиб қолиши мумкиндир.

Шундай давр биз — ўзбекларнинг мактабининг бошидан-да кечди. Тўғриси, энди кечиб турибдир».

Она тилига берилган ушбу ҳаққоний таъриф ва тавсифлар Элбекнинг ўша ҳужжатагасровда сақланаётган «иш»ида миллий сотқин «ўткур тилшунослар» томонидан тескарига бурилиб: «...инқилобга беш йил бўлибдир-ку, қанақа қилиб: «Эл мактаби онасидан ажраб қолиши мумкин?»... «Шундай давр биз — ўзбеклар мактабининг бошидан-да кечди. Тўғриси, энди кечиб турибдир», эмиш!» — деган ғаламислик талқинлари билан баҳоланган эди.

Элбекнинг ушбу илмий-услубий руҳиятаги лингвистик асари маорифимиз ислоҳи кетаётган ҳозирги долзарб кунларда мактабларимиз учун сув билан ҳаводек зарур.

Элбекнинг ўзбек тилшунослигидаги илмий ва амалий ишлари бекиёсдир. У ўша ўзбек муомала маданиятида алоқа қуроли сифатида рус тили ҳукмронлиги авж олиб, русча сўзлар «кам қўлланмас», форс ва араб сўзлари фаоллашаётган бир даврда жасорат кўрсатди; ўзбек тилининг бой тил эканлигини амалий жиҳатдан асослаб берди: ўзбек тилининг синонимлар ва омонимлар луғатини яратди.

«Иштирокиюн» газетасининг 1920 йил 18 ва 19 сентябр сонларида эълон қилган «Имло масаласи», шу газетанинг ўша йили 27 ноябр сонидан босилган «Имло ва тил қурултойининг чакирилиши олдидан» сингари ўндан ортиқ илмий мақолаларида имломизнинг пухта бўлиши ва лўндалиги йўлида қилиниши зарур бўлган муҳим омиллар ҳақида ибратли маслаҳатлар ва амалий йўл-йўриқлар кўрсатди. Чигатой ёзуви ва янги араб имлоси ҳамда лотин ёзувлари хусусида илмий қарашларини баён этди.

У «Кизил Ўзбекистон» газетасининг 1929 йил 16 май сонидан эълон қилган «Янги алифбони тўла эгаллаш учун» деб аталувчи мақоласида лотин ёзуви, яъни алифбоси асосидаги миллий ёзувимизда бўлган баъзи

ислохий томонлар ва уларни ҳаётга жорий этишда ҳал қилиниши зарур муаммолар хусусида тўхталди. Жумладан, у: «*Қабул қилинган янги лотин алифбоси жумҳуриятимизда мустаҳкам гражданлик ҳуқуқига эга бўлсун...*» деб, алифбога хайрихоҳлик билдиради.

Шоир ўз лирик асарларида зўр кўтаринкилик билан хотин-қизлар озодлиги, аёллар эрки, озодлик ғояларини баҳор ва кўклам манзараларига омухта ҳолда табиат ва гўзаллик уммонига фарқ бўлиб қалам сурди. Бундай лирик асарлар сирасига: «Эрки ўзбек қизи тилидан», «Эрк нима?», «Кўклам», «Тоғда баҳор», «Туйғу», «Куюш», «Чирчик қизи», «Чирчик», «Чимён тоғи», «Лолазорда», «Қиш», «Куз», «Ёзда мевалар», «Полизда», «Эрк қизига», «Гўзал баҳор», «Муҳит ичида», «Кечқурун», «Денгиз» сингари шеърларини киритиш мумкин.

Кези келганда шоир Элбекнинг «Тозагул» тизма асари хусусида жиндай тўхталсак.

Авалло, шоир ўта камтарлик қилиб беш катта бўлим ва 215 саҳифани ўз ичига олган 5823 мисралик «Тозагул» шеърини романини «достон» деб атайди. Асарни ўқир экансиз, ундаги Тозагул ҳамда Норйигитлар турмуши негизида содир бўлган ижобий ва салбий кайфиятлар, қишлоқдаги машаққатли меҳнат, ҳалол ва пок уринишлар ҳамда баъзи нохуш зиддиятлар шеърини тарзда ҳаётини ва бадиий тасвирланади. «Тозагул»да қаламга олинган мавзунинг кенг қамровлилиги ва воқеалар ривож, қаҳрамонларнинг кўлам даражаси, бизнингча, асарни достон эмас, балки уни шеърини роман дейишга асос беради.

Бинобарин, халқимизнинг Элбекдек кўпқиррали ижодкор фарзанди атиги 40 йил яшаб, бор-йўғи 17 йил ижод қилди. Шу қисқа давр мобайнида 30 номда китоб ва тўпламлар чоп эттириб, кўплаб таржима асарлар яратди.

Элбекнинг қўлингиздаги «Танланган асарлар»ига ижодкор манзумаларидан айримлари, назаримизда муҳимроқ туюлганлари киритилди. Мазкур бир жылдикда давр тақозоси билан ёзилган, маълум қимматга эга бўлган, аммо бугунги кун нуқтаи назаридан эса бир оз эскирган ёхуд бўшроқ асарлари («Дадамат», «Қўшчи Турғин» сингари)дан ҳам намуналар берилди. Тўпламни тайёрлашда айрим асарларни табдил қилишда кўмаклашган Дилором Расулова, Юлдуз Турсуналиева,

Ирода Махмудова, Тешабой Зиёевларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Башарти, табдилда имкони борича Элбек асарлари тилига ва мазмунига заха етказмасликка, шунинг баробарида бугунги китобхонларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини инобатга олишга ҳаракат қилдик.

Ватанимиз Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида эълон қилиниши мутелик ва ҳуқуқсизликка чек қўйди. 30-йилларда қатағонга учраган юзлаб, минглаб шоир ва алломаларимиз тақдирлари, улар қолдирган обидаларни ўрганиш бошлаб юборилди. Бу нарса ўзлигимизни англаш йўлида салмоқли қадам бўлди.

Бир гапни алоҳида таъкидлашни истардим: қўлимизда Элбекнинг ҳар бир жилди 20 босма табоқни ташкил этган уч жилдлик сайланмаси нашрга тахт қилиб қўйилган. «Танланган асарлар» ана шулардан сараланиб тайёрланди. Айтиш мумкинки, ҳали Элбек қаламига мансуб бўлган кўплаб шеър ва ҳикоялар, мақола ва публицистик асарлардан назардан қочганлари ҳам бўлиши мумкин. Буларни топиш ва тадқиқ этиш келажак авлодга ҳавола.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу «Танланган асарлар»нинг вужудга келишида арабий ва лотинча алифбодан ағдарилган матнларни асл нусхасига солиштириб чиқиш ҳамда ёзув машинкасида қайта кўчиришдек мушкул ишларда юракдан ёрдам берган тил ва адабиёт муаллималари Юлдузхон Турсуналиева ҳамда Муҳаббат Расуловаларга, биринчи навбатда, китобнинг чоп этилиши учун жон куйдирган ва ҳомийлик қилган Тошкент вилоят Ҳокими Умнат Мирзақулов ҳамда бошқа дўстларимизга нашрга тайёрловчи ўз номидан ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этади.

Бизга бой бадий ҳамда илмий асарлар мерос қолдириб, истиқлол ва эрк йўлида ўзи эрксиз кетган фидоий шоир ва куюнчак тилшунос-педагог Элбекнинг ёрқин сиймоси қалбимиз тўрида ҳамиша ардоқда яшайди.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ШЕЪРЛАР



ТУТҚУН ҚУШЧА

Олтиндан тўқулғон* тор бир қафасда
Ётарди бир қушча доим қайғуда.
Ул хар қун шул ҳолда ётғоч қамалиб,
Йиғларди кўб вақт, тинмайин ўксиб.

Бунинг қайғисидан хабарсиз инсон
Гўёким, бўлиб ул бунга меҳрибон,
Қафаснинг олдидан узмайин ўзин,
Қушчанинг сайрашин кутиб турарди.

Қушчанинг мунгли, ҳазин ноласи,
Тутқинлик қийноғин айтиб йиғлаши
Унга кўб ёқарди, лаззат берарди,
Қувончдан ўйнаб ул, тинмай куларди.

Шул чокда бу ҳолни узоқдан бир қуш
Кўрди-да қушчага деди: — «Бояқиш,
Сени бу тутқинга солғон — сайрашинг.
Эсиздир, оқизма энди кўз ёшинг!»

Бу олтин қафаслар ёлғуз сен учун,
Сенинг шул инграган бир товшинг учун.
Сенинг бу инграшинг инсонлар учун
Кенг, тотли, ёқимли турмуш бағишлар.

Сенинг бу фойдангдан кўзларин юмиб,
Қачон бу инсофсизлар қўйиб юборар?!
Қутилмоқ истасанг, сен, ҳеч йиғлама,
Уларга ёлинма, сира индама!
Куч тўпла, куч билан қафасин бузғил,
Қулликнинг олтинли бўғовин узғил!..»

1918

* Ҳозирги пайтда тилимизда ишлатиладиган «ган» қўшимчаси 10-йилларнинг охири, 20—30-йилларда мулоимроқ «ғон», «ған» шаклида қўлланган. Биз вазн, қофия талабига кўра зарур ҳолатларда «ған» шаклини, аксарият ўринларда эса «ғон» шаклини сақлаб қолишга ҳаракат қилдик. — *Наирга тайёрловчи.*

КЎЗ ЁШЛАРИМ

Қоронғи кун, қора бир тун каби эди бу очун,
Сўнилгон эрди «ёник»лар у кеч ичинда бутун.
Бутун жим ўлмиш эди тегра ёқ қоронғидан
Юрак ёниб тепар эрди кўрқинчли қайғудан.

Кўзим ўнгинда келиб тургувчи бузуқ уйлар,
Юракни эзгувчи ул қайғули гўзал мунглар...
Очарди кўзларимни озда юмғали қўймай,
Сочарди ёшларимни бирда тинғали қўймай.

Миямдаги у гўзал эзгу-эзгу умидлар,
Юракда тебранган ул қутли-қутли армонлар
Бари йўқолмиш эди, қайғунинг тегида қолиб,
Юрак ўтида совинган эди ёниб-да ёниб.

Шу чоқ кўринди секин, эзгу қутли, нурли куёш
Очунга солди кўзин, болқуниб-да кулди юввош.
Бунинг бу кулгисидан тинди кўздаги ёшим,
У кўрқинчли кўринишдан қутулди бу бошим.

1919

ҚАРҒА

Биласизми, қарға қандай бир қушдир?
Севмайдир ёз, севгани-да бир қишдир.
Ул севадир, жонсиз, ўксиз қирларни,
Истайдир ул яна совуқ кунларни.

Совуқ кундан ажраб қолмас ҳеч бир-да,
Совуқликни охтарар ул тун, кунда.
Қайға кетса, қайға етса совуқлик,
Эргашадир кетидан ул ёруғлик (?).

Қунт қилсангиз, танирсизлар уларни,
Ёз истамас гўзал қанотларини.
Улар билмас булбул каби ўқишни,
Бари билар кўрганларин чўқишни.

Шунинг учун ул қушларни нетарсиз?
Ёз келгач-да, булбулларни қутарсиз!..

1919

ТИЛ

Мунгли кушим, сайраб-сайраб кел, англат --
 Кимлар эрур турк тилини сотғувчи?
 Булбул каби сайраб турғон бу тилни
 Уялмайин бу ўлкадан отғувчи?!

Болдан тотли, жондан тунук* туркчани
 Тушунмайин хўрлаб-хўрлаб ётғувчи?!
 Очунларда бойлигин кўрсатмасдан,
 Кимдур бунга: «ёарми, ёрамас»** деган?

Мунгли кушим, унларни қўй, сен сайра,
 Турк тилининг донгин чиқар кўкларга!
 Қўй уларни, улар йўлдан озсунлар,
 Эл ичида бўш-бўғозлиқ сотсунлар.

1920

ПАРДА

Парда надирким, бор бун билмаган,
 Билишса-да, сира кўзга илмаган?!
 Парда шундай нарсадурким, юз ёпар,
 Ким кирарса, истагин ундан топар.
 Ул ёпар ўртган*** кишиларнинг юзин,
 Хам уларнинг турлича айтган сўзин.
 Шу сабабли дунёда кўб бандалар
 Юзларин парда билан ўртиб юрар.
 Билмак истарсанг уларнинг кимлигин,
 Ол, бирининг торт юзидан бетлигин.
 Шул вақт кўргач танирсанким, улар
 Барчаси: хоин, номуссиз ўғрилар...
 Тинмайин ҳар чоқ улар шул пардада
 Ёшириниб ишлар кечу ҳам эртада.
 Йўксул элнинг холиға боқмас улар,
 Кўрса, балким, молларин қўймай талар.

* Тиник, тоза.

** Яарли, яроқсиз.

*** Ўраган, ёпан.

Шул номуссиз ўғриларнинг қўлидан
Хамда унларнинг шу юрган йўлидан
Кутулиш ёлғуз қурол бирлан бўлур:
Сўнги қилич пардалиларни билур...

1920

МУҲИТ ИЧИДА

(Олгон таъсиримдан)

Учуб-учуб шу мухитнинг ичида
Юксак ерга қўнмоқ йўлин кўзладим.
Мухит ичра эсан кучли елларға
Қарши турар қанотим деб ўйладим.

Хам шу ўйда қанотимға ишониб,
Кўк устида учмоқ бўлиб шодландим.
Бироқ учқоч, синмиш кўруб қанотим,
Қайғиланиб, ўз холимға йиғладим...

1920

ЯНА АЛДАДИНГ!

(Чигатой гурунги)

Қўлларингда ушлаб турғон чолғунгни
Бир кўришда «чин чолғу» деб ўйладим.
Ўйладим-да юрагимнинг тегидан
Чин севинчдан турли куйлар куйладим.

Куйларимни секин-секин тинглағоч,
Ёлғондан бир алдабгина йиғладинг!
Йиғладинг-да туруб-туруб узоқдан,
Менга боқиб, бир неча сўз сўзладинг!..

Мен ҳам сенинг узоқлардан мунглиниб,
Айтиб турғон сўзларингни тингламга

Ёнинг сари секин бориб ёношдим,
Ёношдим-да, йўлларимдан одошдим.

Одашмасга кўймадинг, сен алдамчи!
Айладинг, сен, бу кун мани ёлғончи!
Ёш чиқармай, йиғлаб тусли кўрундинг,
«Ол чолғу», деб чин чолғуни ёшурдинг!

Берган чолғунг чолғу эмас-ку десам,
«Сен, чолғуни танимайсан!» деб кулдинг!
«Чин чолғуни бер ҳозир!» деб қичқирсам,
Кулибгина: «Ўйнолмайсан!» деб сўқдинг!

1920

БИР СЎРОФ

(... йўлдошимга)

Ўқтам юракли ботир йўлдошим,
Эзгу тилакли ёвқур кўлдошим!
Айт менга — нечун қайғулидирсан,
Қайғига ботиб нима ўйларсан?
Бурунги холинг бу кун қолмамиш,
Қизил юзларинг сўлиб сарғаймиш.
Тоғ каби гавданг, қил каби мучанг
Бурунги ҳолдан бутун ўзгармиш.
Айт, бунга сабаб кимлар бўлмишлар?
Сени бу ҳолга кимлар солмишлар?
Сен бунга жавоб бирдан бермассан!
Кимлар эканин менга айтмассан!
Майли, айтмасанг менга айтмагил,
Бу сенга сирдир, мендан ёширғил!
Бироқ, эй йўлдош, мен буни кўпдан
Сезганман, сенинг руҳсиз юзингдан...
Сенинг сирларинг менга белгили:
Йиғлағуликдир, эмас кулгили.
Майли, сен, бунга ортиқ қайғурма,
Руҳинг тушириб, умидинг узма.
Бу каби ишлар чоқли бўладир,
Узоқ бормайин битиб кетадир.
Сенга керакдир чидамли бўлмоқ,

Бир озгина чоқ жим кутиб турмоқ,
Шул чоқ сенга кўб кўмак етадир,
Қоронғилиқлар шу кез битадир,
Унгача сен ҳам қайғуриб турма,
Юрган йўлингдан орқаға бурма!
Бу сенга мендан осигли кенгош,
Кулоғингда тут, сен, буни, йўлдош!

1920

БУЛБУЛҒА

Тинмай тун-кун гул шохида сайраб турғон мунгли куш,
Айт-чи, сенинг сайрашингни гул ҳам бир оз сезарми?
Сезган чоқда сенинг шундай қизғоничли ҳолингга
Кўмак этиб исларидан бир озгина сочарми?

Сенинг ҳар кун тонг саҳардан эрта туруб, уйғониб,
Очилмаган ғунча узра қўниб ҳамда мунглониб
Айтган бутун сирлар билан оҳларингни тинглағоч,
Яшил япроқ орасидан сенга кулиб боқарми?

Агар англаб барча ишинг кулиб боқса, мунгдошим,
Бахтли сен, бутун умр қайғурмағил, йўлдошим.
Агар сенинг ҳолларингни англамаса, боқмаса:
Оқсун тинмай кўзларимдан сенинг учун қон ёшим...

1920

БИЗНИНГ ҚИШЛОҚ

Бизнинг қишлоқ шаҳардан кўб узокда,
Буюк тоғнинг этакига солинган.
Айланаси кўркам, юксак тоғ билан
Қалъа каби қаттиққина ўролғон.

Биз, шул ерда кишин-ёзин ўлтуруб,
Ўтқарамиз умримизни ер суриб.
Қишда бутун қишлоқдан ҳеч қўзғолмай
Турадирмиз молимизни боқишиб.

Қачон етиб келса баҳор ойлари,
Эриб оқса сойлардан қор сувлари,
Севинамиз «баҳор ойи келди» деб,
«Экин экар чоқлар якин қолди» деб.

Катта-кичик барча бирдан қирларга
Кетадирмиз экинларни экарга.
Мана шул чоқ бизнинг қишлоқ тинчгина
Киришадир биз қайтғунча ухларга.

1921

МЕНИНГ ТИЛАГИМ

Аллақайдан ёғду сочиб кўрингач ул тилагим,
Йиғлай бошлар ёшлар сочиб менинг кучсиз кўзларим.
Қандай қилсун, йиғламоқдан бошқа бир иш қолмамиш,
Кучсиз қолиб, севганидан бутунлайин айрилмиш.
Илгаридан ўзи билан юрган гўзал севгани
Узоқларга тушиб, бу кун бутунлайин йўқолмиш.
Унинг учун қайғуланиб, қон йиғлаган кўзларим
Холдан тойиб, кучсизланиб аро йўлда сарғаймиш...
Энди менга кўмаклашар бир кўмакчи бўлса-да,
Шул қайғунинг ўти билан ул ҳам ҳар кун ёнса-да,
Осиғ йўқдир, пайт қўлдан бутунлайин кетмишдир.
Тилак эса ўзга ерга қўпдан бориб етмишдир.
Мунга қарши ёлқинланиб ёнғон юрак ўтлари
Иссиғсиздир ҳамда энди ёнмоғида бўм-бўшдир.
Бу тилакка эришмак-чун, менга яна кўз керак,
Шундай кўзким, унинг билан бўлса узоқни кўрмак.
Шул чоқ мен севган тилак узоқлардан кўринар,
Менинг учун дохи* шул чоқ умид йўли очилар.
Ана шундай тилагимга етмак менга қулайдир,
Йўқса, бундай кучсиз кўз-ла унга етиб бўлмайдир.

1921

* Тағин, яна.

ЎКСУЗНИНГ ЎЛИМИ

Кўк устига тахтин қуриб, энг юксакда ўлтурғон,
Жонли, жонсиз ҳар нарсани ўзига бўйин эгдирган
Улуғ хоқон* ухлағали ётоғига ётмишди,
Ёлғиз уни сақлағали соқчилари қолмишди.
Бутун борлиқ — жонли-жонсиз нарсаларнинг барчаси
Тинчибгина ўз ўрнида роҳатланиб ухларди,
Уйқусидан уйғонмасди, бошқа нарса сезмасди.
Мана шундай чоқда, ўксуз, бир ёзиқсиз** ёш бола
Овлоқдаги бузуқликда инграб-инграб йиғларди.
Бунинг бундай юрак эзгич йиғисин бир кимса
Билмас эди, эшитмасди, сира-сира сезмасди.
Ёлғиз кўкда соқчи бўлиб турғон хоннинг соқчиси
Билар эди, бироқ ул ҳам кулибгина қарарди.
Бола кўб чоқ инграб-инграб тўхтамасдан йиғларди,
Сўнгра бирдан қаттиқ ўтли оҳ чекди-да тўхтади.
Илгаридан бунга буюк ваъда этган дунёга
Тиларди-да, бир оҳ чекиб, кўз ёши-ла жон берди.

1921

ПАРЧА

Олақарға, агар ул сайраса тотли тил ила,
Ўйламанг: бизни севинтиргали ул сайрар деб.
Йўқ-йўқ! Ул бизнинг учун озини очмас, қоплар,
Бари кўрса бир ўлимтик, унга севиниб сайрар.

1921

ПАРЧА

Кўкламда кўкарса кўк кўкатлар,
Кўкларга кўмилса катта-катталар,
Кўм-кўк кўкариб кўринса кўллар,
Кўнгилни кўтарса кўркли гуллар...

1921

* Куёш кўзда тугилади.

** Кимсасиз.

ПАРЧА

Табиатнинг кучли қўли орқали
Ер остидан қайнаб чиққон булоқнинг
Қаршисига турли кучлар келтириб
Қўйган билан ҳеч тўхтатиб бўлурми?

Ернинг юзин қоплаб олғон денгизнинг
Тўлкинланиб турғон тубсиз сувлари,
Булоқ сувин тўхтатмоқ-ла, айтгувчи,
Тўлкинланмай ўтун* қуруб кетарми?

1921

ЎЗБЕК ЙИГИТИГА

Тошқин селнинг томошасин кўрмакдан,
Унга қараб кулибгина турмакдан —
Налар билдинг, налар сездинг, эй йигит?
Оз бўлса-да, шундан менга сўзла, айт!

Биламан, сен мунга жавоб бермассан,
Томошадан бир нарса-да сезмайсан!
Сезган бўлсанг, тубанликда турмасдинг,
Селнинг кўчкан ўрнига тез чиқардинг.

Биласанми, сел юксакдан кўчадир,
Томошасин тубдан кўриб бўлмайдир.
Тубдан кўрмак қулай эмас, кўрқинчдир,
Сен ёнидан қараб турмоқ ҳам бўшдир.

Чин томоша кўрмак эсанг шул тофта
Чирмашғил-да, тоғ устига юксалгил.

Шундан тубанликка яхши бир қара,
Ана сенга турли-турли томоша...
Мана шунда чин томоша кўрарсан,
Селга қараб қўб нарсани сезарсан.

1922

* Майка, ўт.

ПАРЧА

Сув томизмоқ билан ўлим кишисин
Хеч вақт қутқариб қолиб бўлмас.
Тинмайин сув солиш-ла ғалвурға
Сув тушар остиға, сира тўлмас.

ТОНҒИ УЙҒОҚЛИҚ

Билмам, нечун менинг бу кунги кечам
Одатдаги кечларимдан ўзгайди?
Тонг отганин билмас юмуқ кўзларим
Бу кун энди тонг олдидан очилди.

Кўрдим, боқдим, теграмдаги нарсалар
Уйқудалар ёхуд мудраб ёталар.
Умидсизнинг кўзи каби телмирган,
Кучсиз кўнгил ўти каби милтирагон

Кўкнинг нурли юлдузлари бирма-бир
Хираланиб, сўниб-сўниб боралар.
Қайсилари умидсизлик холларин
Сездирмаслик учун бир оз илжаяр!

Менга қараб: «Улуғ қуёш сизга ҳам
Ёғдусини сочғуси» деб айталар.
Буларнинг шул ярим умидли бўлиб
Менга айтган тотли, гўзал сўзлари

Қулоғимда кўк қалдиروғи каби
Бир оз вақт қалдиради, тўхтади.
Узун туннинг қўрқинч уйқуларидан
Эндигина қутулган бу кўзларим

Севинчидан яшин каби бир яшнаб
Сира тинмай ёш ёғдира бошлади.
Сўнгра боқдим, менга ўгут қилғонға,
Эсиз, хозир ул ҳам бутун сўнибдир:

Ёлғиз унинг ўрниға хеч ўчмасға*
Ваъда билан порлоқ қуёш чиқибдир.

1922

* Сўнмасликка.

ҚИШЛОҚ ТУРМУШИДАН

Юксак қирнинг ёқасида,
Ўтли куёш иссиғида
Қизариб қизил олтин каби
Кўринарди пишган буғдой.

Қирнинг олтин қоплаб олғон
Кўк япроқли қалин ўрмон
Ёзнинг қизгин ели бирлан
Силкинарди елга томон.

Тоғ орасин янғиратиб
Эркиликда мол ҳайдаган
Бутун қишлоқ болалари
Кетар эди қирға томон.

Шилдирлашиб тоғ устидан
Оқиб тушган кўм-кўк сувлар
Яшнатмишди ернинг юзин
Яшил тусли ўтлар билан.

Кенг дала ҳам тепаларнинг,
Тоғлардаги бўш ерларнинг
Барчалари қопланмишди
Катта-кичик жонвор билан.

Кўзичоклар маърар ўйнаб,
Қайси чоқлар ётиб ухлаб,
Яшар эди тинчлик билан
Чексиз эрқда эркинлаб.

Бу ёшайиш ва бу турмуш
На гўзалдир, бир боқингиз!
Кўринг: булар қандай юрар
Ўзлик турмуш билан куйлаб.

1922

ЙЎЛОВЧИГА

Иссиқ-совук, узоқ, кўрқинч демасдан,
Очлик-сувсизликни кўзга илмасдан
Ният билан белни қаттиқ боғлаган,
Буюк умид учун ўзин чоғлаган
Эй армонли, эй умидли йўловчи,
Йўлинг бўлсун, эй эзгулик тиловчи!..

Сен, бос одим, отлан олға, қайғурма,
«Йўл узоқ» дея умидингни ҳеч узма!
Йўл узоқдир, бироқ умид ундадир,
Қайтмоқ эса бўшдир, қайтмай юравер!..

1922

КЎНГИЛ ЧЕЧАГИ

Тонг шамоли секингина қанот қоқиб ўтканда,
Умидимнинг гулбоқчасин чечак билан безайдир.
Буни кўргач хаёлимнинг ўксизгина қушчаси
Чечак узра қўниб шодлик товиш билан сайрайдир.

Бироқ менинг кўнглим бундай гўзал, кўркам боқчанинг
Узоқ бормай салқин кучга* учрашини ўйлайдир.
Шунинг учун уни шундай ёвуз, пучроқ ёвлардан
Сақлагали юрагида кучли бир ўт асрайдир.

1922

ПАРЧА

Бир йикитмоқ, бир йиқилмоқ, иккиси ҳам бирдай иш,
Йўқ буларнинг ҳеч биридан-да кишига шодланиш.
Шодланарлиқ иш удирким, йиқмаса ҳеч ким сени,
Қўйсалар ўз эркинга ташлаб бу эзгу дунёни.
Шул эркли дунёда юрсанг-да, қувониб ўйнасанг,
Сен-да ул йиқмовчилардай ҳеч бировни йиқмасанг.

1922

* Совук куч, кўнгилисиз нарсаларни англатади.

ТИЛАК ЙЎЛИДА

Зўр мухитнинг денгизинда мен бу кун
 Хеч тўхтамай олға қараб бораман.
 Денгиз қўрқинч, қора, тубсиз бўлса-да,
 Тилак учун қўркмай уни кечаман.

Минган кемам зўр денгизга нисбатан
 Жуда кичик, жуда кучсиз кемадир;
 Шундайса-да, кучли муҳит денгизин
 Ёриб, тинмай илгарига борадир...

Мана, ҳозир мен шу қўрқинч денгизнинг
 Энг қутурғон бир ўрнида тураман:
 Мунда бир вақт қўб ёзиқсиз бошларнинг
 Унга чўмиб ўлганини сезаман.

Бирок булар мени ҳеч бир қўрқитмас,
 Юрган йўлдан мени тўп-та* қайтармас...
 Чунки мендай қўб кишилар бу йўлга
 Бошларини бериб, қўркмай кирганлар.

Ана улар, ҳозир бир-бир отлашиб,**
 Шу денгизни кечиб ўтиб келалар;
 Мен ботгудай бўлсам агар шул ерда,
 Улар мени тезда келиб қутқарар...

Менинг бормоқ истаган шул еримга
 Кўмаклашиб қолдирмайин элталар.
 Шунинг учун мен қўркмайин кетаман,
 Кўнглимдаги тилагимга етаман...

ВУЛҚОН

Кўпдан сўнган қўрқинч вулқон янадан
 Ловлар*** сочиб, ер силқитмак истайдир;
 Теграсида яшағувчи элларни
 Эзиб, янчиб ерга кўнмак тилайдир.

* Тўп ҳам.

** От билан, улов билан.

*** Лава, олов.

Бирок ҳозир кучсизгина силкиниб,
Ўтганларни эсга солиб қўядир;
Такдир учун бўйинсунган қулларни
Кеча-кундуз кўб қўркитиб турадир.

Билмадимки, бунинг қўркинч ўтлари
Қайси бояқиш эл устига сочилар.
Кўб жонларни ютиб тинғон аждарнинг
Кимга тўғри яна оғзи очилар?

Албат, бу бир қўркинч ёвдир, қўймайдир,
Тўғри келгон ҳар нарсани ютадир.
Ёлғиз мундан сақланғуси, ул...лар*
Ё четлардан кулиб карагувчилар.

1922

КИЙИККА

Сўйла, менинг севган гўзал кийигим,
Нечун мунча мендан қочиб, узоқларга тушибсан?
Гўё бу ер сени сиғдирмагондай,
Бориб-бориб шу тоғлиққа қочибсан!
Айтгил менга, эй қорақўз оппоғим,
Кимдир сени бу эркинли дунё ичра қўймаган?
Сенинг йиртқич бир жонивор эмаслигинг билса-да,
Ким ул сени кўзни юмиб, мундан қўймай ҳайдаган?
Эҳтимолким, сенинг шу хислатингдан
Ҳайдаганлар эрур, бу кенг ерлардан.
Кел, мундан сўнг ўзим ила бирга бўл,
Бирга юриб, бирга туриб, ўйнаб-кул!
Сени сақлаб келгон ушбу тоғларинг
Энди мундан сўнгра сира соқлолмас.
Кеча-кундуз «ов» охтариб юрган у оч бўрилар,
Сени қўлга туширгуси, туширмагунча қўймас.
Шунинг учун қўрқма, менга кел яқин,
Ташла мангу вафо қилмас ул тоғин...

Мен сени чин асрагувчи бир тоғман,
Қўрқма энди, кел ёнимга, сени ўзим сақлайман...

1922

* Оригиналда ҳам ном берилмаган.

ПАРЧА

Қор қаршисида қарға қағирлаб қувончда
 Қоқар қанотин, қайғули қолмас қора қишда.
 Қот-қот қорини қайғисида қолмаса қорға,
 Қокмасди қанотини курик, қўрқкили қарға.

1922

УЙҒОН, КЎНГЛИМ

Уйғон, кўнглим, уйғон, бир оз юмғон кўзинг очилсун,
 Ерда бўлган шу холларни кўруб ёшинг сочилсун...
 Ёнғил бир оз ёлқунланиб, эй юрагимнинг ўти,
 Чиксун сенинг ёлқунингдан алангалар кўк сари.

Чикқач унга кўкнинг юзи томуғ каби қизартсун,
 Гулдиратсун кўкни ҳамда ёшинларни ёшнатсун.
 Чулғаб олсун очиқ кўймай кўкнинг ҳамма теграсин,
 Ексун кўймай бу кун унинг бутун борлиқ нарсасин.

Тозаласун шу очунни бу қайғили кунлардан,
 Қутқарилсун бутун жонвор шу қоронғи кечлардан.
 Керак эмас бизлар учун у кўрунган ҳаволар,
 Ҳам ердаги оқиб турғон буюк-буюк дарёлар.
 Бордир бизда унинг ўрнин қоплайтурғон «чин ҳаво»,
 Бордир бизда сув ўрниға оқатурғон чин дарё.

1922

КЕСИЛҒОН УМИД

Кўб чоқдан бери севги кўкида
 Сен билан ёшаб, сен билан юрдим.
 Бахтимнинг қуши талпиниб учқоч,
 Қўнар ўрнини юксакда кўрдим.

Кўргач ўйламай, сира тўхтамай,
 Бахтим сўнгидан ўқдай югурдим.

Бориб етишгач, ул ўрунга мен:
Бахтимнинг қушин бир гулдан тондим.

Гул очилғонди исларин сочиб,
Нозли қиз каби бағрини очиб.
Қуш ҳам сайрарди қўб севинч билан
Гул бутотида ўтли ун чекиб.

Гул-да истарди шундай бир замон,
Оҳ!.. Бахтсизлик қўймади омон.
Қушнинг бағрига ўқ келиб тегди,
Гул бутотидан тушди-да ўлди.

Қўб чокдан бери тўпланган дардлар
Юракда қолди, умид кесилди.

1922

СЕВГИЛИМГА

Юракимнинг бир бурчида сақланиб
Келгон севги дардларимни бу кунда
Сенга бир-бир айтиб-айтиб йиғлармен,
Қўз ёшларим оёғингга тўкармен...

Севги дардин сўзлаб-сўзлаб ёнингда
Барчасини айтиб-айтиб ўткан сўнг
Жавобини тизлар чўкуб қаршингда:
Марҳаматли кўзларингдан кутармен...

Эй севгили, чечак тусли гўзалим,
Шод ўл, яша, сен бир учмох* гулисен:
Порлоқ юзинг, мунгли кўзинг, боқ, нечук?
Ўшшатамен сени: хурлар хурисен.

Боқ, севгилим, ёнингдаги ул қушга,
Нечун тинмай, мунгли-мунгли сайрайдир?
Ул қуш сенинг учмох гули эканинг
Билиб, сенга эзгу бахт излайдир...

* Учмох, учмоқ — жаннат.

Қочирмағил, ул қуш турсун бошингда,
Сайрасун ҳеч тинмай тун-қун қошингда.
Ул булбулдир: гулдан умид узмайдир!
Ул ошиқдир: ишқдан сира безмайдир!..

1922

ЎКСУЗ

На қилурмен, оҳ... бу очун ичра
Эмганиб юруб, қайғилар чекиб,
Кучларим кетгач, қорлигим битгач,
Қандайин юрай бўйнушни эгиб.

Тўпланган қайғим айтайин десам,
Қўрқамен бироқ, қуларлар сўқуб.
Йўқ... ўксиз турмуш мундайин чоқда
Қўймайдир тинчим ёшларим тўқуб.

Тангрим, тангрилик отинг билан бир
Этмасанг кўмак: толдим тиз чўқуб.
Эй воҳ, йўқсулик эзгач бағримни —
Ингратиб қўйдинг, белларим буқуб.

Тўзумсиз тинмай, шундай турмушда
Кетмағай эдим бир куни ўлиб.

1922

ЁШЛИҚ

(Ёшларнинг байрамига бағишлаб)

Ёшлиқ: на гўзал севимли сўздир.
Ёшлиқни севмас кўнгил-да оздир.
Ёшлиқ ҳаётда энг тоза гулдир,
Тутқон йўли-да энг тўғри йўлдир.
Ёшлиқ ҳаётға нурлар бағишлар,
Севиб ёшлиқни дунё олқишлар.
Ёшлиқ олдинға одим отгайдир,
Бир одим бўлсун, кетка қайтмайдир.

Ёшлиқ денгиздай қайнаб тошадир,
Эскилик тоғин бузиб ошадир.
Чунким ёшлиқда ёш умид бордир,
Ул умид уни олға тортордир.
Эскилик эса эски бир йўлдур,
Узоқ бормаи ул тездан бузилур.
Шунинг учун-да ҳар бир эски йўл
Ёшлар кўзига ёмон кўринур.
Ёшлиқ ҳаётин севган ҳар бир ёш
Янгилик сари тинмай талпинур.
Мана, ҳозирги бизнинг байрам ҳам
Янгилик томон бир уринишдир;
Эскилик севган эски онгларга
Энг кескин аччиқ бир кўринишдир.
Э ёш ўртоқлар, сизга саломлар,
Кутлик бўлсун бу янги байрамлар!..

1922

ЭСЛАШ

*(Янги адабиётимизга бор кучи билан ишлаган
марҳум Мирмулла ўртоққа бағишланадир)*

Бойкушлар инглаган вайроналарни,
Кўз ёши тўкилгон ғамхоналарни
Кўрганда кўз ёшинг тинмай оқарди:
Кўзларинг қайғили, мунгли боқарди.
Ёниқ юрагингнинг ўтли оҳлари,
Ёшли кўзларингнинг қонли ёшлари
Бояқиш гавдангни сира қизганмай,
Кетканча қуйдириб, доим ёқади...
Чинлиқни кўргувчи сенинг виждонинг
Дунё бузуғлигин очик кўрарди;
Ҳар бир ингичкалиқни-да сезарди:
Шунинг-чун дунёнинг қурилиш ёғин
«Кўб тубсиз, негизсиз, асоссиз» дердинг,
Дунёдан бахт излаб юрган эрларни
«Йўқлиқ денгизига чўмгонлар» дердинг!
Сенинг бул умидсиз, чуқур қарошинг
Хаёл кафасингга сифмай бошлади.
Сенинг ул кўб сезгич, юмшоқ гавдангни

Бузиб-ёриб, бир пучмоққа тошлади...
 Мана, сен, шу тексиз дунё кийногин
 Тортаркан, кўб вақт йиғлаб, инградинг.
 Бурунда сезган ул барча нарсангнинг
 Озин-да энди ҳеч сеза олмадинг!
 Умидлар сендан-да бутун кесилди:
 Эй вох!.. Гавданг сенинг тупроққа кирди.
 Сенинг гавданг билан тупроқ тўймайдир,
 Бироқ ўлим ўз деганин қўймайдир.
 Кўз ёшларинг каби гавданг, эй йўқсул,
 Тупроқ ичра сингиб битиб кетадир.
 Ёлғиз сенинг қилғон ишинг ҳам отинг
 Мангуликка дунёмизда қоладир.
 Шунинг учун, эй чинлиқнинг қурбони,
 Эй кишилиқ дунёсининг арслони,
 Унутмаймиз сенинг қилғон ишингни,
 Қолдирамиз мангуликка отингни!..

1923

ОНГЛИ ЎЗБЕК ҚИЗИ ТИЛИДАН*

*(Билимсиз эрлар қўлида тарбиясиз қолиб қийналмоқда
 бўлгон она ва сингилларимга бағишлайман)*

«Музни тешдим, сувни ичдим, лой эканин билмадим,
 Хотини ўлгон йигитнинг бой эканин билмадим.
 Хотини ўлгон йигитга эри ўлгон йўқмиди?!
 Биргина ёлғуз бошига гулу райҳон йўқмиди?!»

Сени кўрдим, сени билдим, сўзларингни тингладим,
 Бу чуқур теглик сўзингнинг барчасини англадим.
 Англадим, тинмай шу чоқда мен-да ўқсуб йиғладим:
 Йиғладим мен ҳам сенингдек, ўз-ўзимни тигладим.
 Чунки ул чоқларда менда сўзлаш эрки йўқ эди,
 Ҳам менинг оғзим сенинг оғзингга ўхшаш берк эди.

Шу сабабли мен-да шул чоқ бир сўз айта олмадим,
 Ярали арслонча ўзни ҳарён отдим, инградим.
 Инградим, инграшдан ўзга ҳеч бир ишни билмадим.

* Бошидаги тўрт йўл халқ адабиётидандир – *Элбек*.

Тўғриси, ўқ ёғмуридан ўзни сақлай олмадим.
Чунки ул чоқларда ҳоким: зулм, ваҳшат, ўқ эди,
Золим эрлар кўнгли бул ёқдан бутунлай тўқ эди.

Ўтди ул кун, кетди ул тун, мангу келмас, боқ, бу кун,
Кулди дунё, келди шодлиқ барчамизга бус-бутун.
Отди тонг, чикди куёш нурлар сочиб, боқ, ялтираб,
Эриди музлар, оқди сувлар шодлигидан шолдираб.
Чунки бул чоқ, эркли чоқ, эрк биз учун бир мангулик,
Йўқ бериш, бор тортишиш, эрк бизнинг учун эзгулик.

Ҳар томондан бизни ёнчиб, эзгучи ул ваҳшийлар
Эркли қўллар бирла ерга барчаси сончилдилар.
Кун юзин ўртиб, бутун тун кезгучи «шабпарралар»*
Кун юзин кўрғоч чидолмай қочдилар, йўқ бўлдилар.
Чунки бул чоқ биз учун, эрк истаган бизлар учун,
Яъни қийналган, эзилган, кул саналганлар учун.

Биз учун беркли тутилғон ул эшик бул кун очик,
Бизга йўлдош қайғули кунлар бу кун биздан қочик.
Биз учун илму маориф уйлари чекдан очик:
Илм учун ҳеч ким қилолмайди сира бизни тоқик,
Чунки бизнинг давримиздир: илм ҳам бизнинг оник!
Давримиз, шундай даврдирким, бунга дунё тоник!

Ўқсиб-ўқсиб йиғламоқлик даври ўтди, ўртоғим!
Ох, бу илм дарёсида энди керакдир оқмоғим.
От ўзингни илм дарёсига, унда фарқ бўл!
Ўлсанг ўлгин илм йўлинда, бу — сенга энг тўғри йўл.
Чунки илм — энг тоза бир сувдирким, чиркингни жўяр,
Тукқан онангдан зиёд тинч ўйнатар, ҳар чоқ боқар.

Бу сенга энг тўғри йўлдошким, сира айрилмағай,
Зулм, ваҳшат ҳам ҳақоратга сени ҳеч қўймағай.
Ул сенга йўлбошчидирким, ўлгунигча ташламай,
Кеча-кундуз тинмайин доим сени етаклағай...
Чунки ул бир раҳбардирким, унга эргашгучи,
Шубҳасиз, етган умидига, бутун эришгучси...

1923

* Кўршапалак.

ОЙНАЧА

Тириклигин зўрғагина ўтказгувчи йўқсулнинг
 Уйидаги бор нарсаси барчамизга маълум-ку!
 Мана шундай йўқсул, қашшоқ бир кишининг уйида,
 Энг юқори бир ўрунда ялтирагон ойнача,
 Кўпдан бери бу йўқсулнинг уй ичини безатиб,
 Ўзига ҳам тенг юксакдан зўр кенггина ер олиб
 Турар эди доим унда кибрланиб, керилиб;
 Кўзларини ялтиратиб, кулиб, боқиб чимирилиб.
 Бояқиш қашшоқ уйи ичра кузатаркан нарсасин,
 Тенг кўрмасди шу ойнаға асбобининг барчасин.
 Ул ҳар вақт ойнасига севинч билан боқарди,
 Ойна эса бунинг қора кўнглига ўт ёқарди.
 Қаёқдандир, билмадим мен, бояқиш қашшоқ бахтиға
 Уй ичини безаб тургон ойна синиб, мангуга
 Унутилмаслиқ бир ярани қолдирди-да, йўқолди:
 Яъни синғоч, уй тўридан эркисизча жўнолди.
 Бояқишни раҳимсизча, уй тўридан олдилар,
 Олиб бориб – қандай хўрлиқ – бир чуқурға солдилар.
 Уй тўрида илгарилар ялтираган ойнача
 Мангуликка чуқурликда ётиб қолди ҳамиша.

1924

ЕР ИСЛОҲОТИ

Қаршимда гуллар бор, нурдан эмас кам,
 Гулларнинг юзига сочилмиш шабнам.
 Оё келибдирми муборак айём,
 Ёки тикибдирми чодирин хайём.*

Муборак кун келгон, чодир тикмаган,
 Ундайин суюнчнинг чоғи-мас бу дам.
 Гулларнинг қаддини буқарса** шабнам,
 Хоҳиши гулларнинг бўлмағай ҳеч кам.

Баҳор! Ҳар жонлида бир тебраниш бор,
 Сувлар дохи тинмай, тўхтамай оқар.

* Хаймадўз, чодир тикувчи.

** Агар эгса, букса.

Куёш ўтлар сочиб — сочларин ёзиб
Шўх қизлар сингари кулимсаб боқар.

Нима, асрларнинг офир юклари
Гавдалар устидан тушибми кетди?!
Гулгунлар гул юзин куёшга товлаб,
Унинг кулар юзин мунглими этди?!

Йўк! Гулгун боқишлар куёш юзини
Хира этиш эмас, равшанладилар,
Меҳнатдан бўшалмас кадоқли қўллар
Бу эркин ҳаётни олқишладилар.

Жим, нима? Қандайин шодлик кўринар,
Ки бўлмас табиат ҳуснида тоғ, ер.
Қандайин қувват-куч унинг дилига
Бу куни айламиш чуқур бир таъсир?..

Қишлоқнинг кўзлари одатдагидан
Кўб эрта очилгон эди шу бугун.
Киприклар қатламин банд этган уйқу
Боғлари узилиб, битмишди тугун.

Кўзлар Тонг юлдузин уялтиришиб,
Суюнчлар кўкида чакнар эдилар.
Суюнчлар қишлоқда қанот ёзишиб,
Кўкларга юксалиб учар эдилар.

Кулоқдан кулоқга юрувчи хабар
Кечаёқ қишлоқга ёйилгон эди.
Шу тунда кўпчилик қувониб кулиб,
Озчилик ҳушидан ай(р)илгон эди.

Тонг чоғи, қишлоқнинг кўпчилик ёғи
Уйқусиз, кўпдан оқ* уйғонишдилар.
Гузар — «кўшчи саюз» ўрнашгон ерга
Тезрақ етиш учун тебранишдилар.

Ҳали куёш ётоғидан кўзголиб,
Кўзларини уйқусидан очмаган

* Оқ — анча олдишрок.

Чоғи эди, булар аста юрдилар,
Белгиланган ерга келиб турдилар.

Куёш бу йиғинни томоша қилғон
Уй қизи сингари тепадан секин
Йиғинға мўралаб жилмайиб боқди,
Қишлоқ — олтин денгиз мавж уриб оқди.

1925

ЎЛИМ

Кун чарчаган, узок юрган йўлчидай
Кўзи тиниб, нафаслари сиқилди.
Зўрға-зўрға оёқ босиб, гангираб
Беткай ерга бориб секин йиқилди.

Дала-тошни қадлаб олди бир сукут,
Ваҳималар қанотларин кердилар.
Қушлар япроқ-барглар узра ястаниб,
Тонгни кутиб тинч уйқуга кирдилар.

Чулғаб олди кўкни қоронғи булут,
Ой ўртук ёпинган қизлар сингари
Баъзан булутлардан мўралаб қарар,
Сўнгра ўртуғига бурканиб олар.

Ховли ёнидаги айвонча узра
Лопиллаб ёнувчи қорамой чироқ
Тегра ёкқа қалтироқ нур сочарди,
Гўё нур ташийди бир титрак япроқ.

Бурчакда узаниб биров ётарди,
Унинг юзларида хазонлар ўйнар,
Тили ниманидир такрорлаб сўйлар,
Кўзлари чироқдан нурлар эмарди.

Унинг теграсида кезарди хаёл,
Бир йигит, бир ёш қиз, бир неча аёл
Кўзларин тикишиб, нурсиз кўзига
Боқишиб, очарди истикболдан фол.

Совиб бормоқдаги самовар товши
Сингари бояқишнинг товши секинлар.
Борғонча ошарди юрак тепуви:
Қафасдан чикмоқчи қушдай урунар.

Кўб йиллар яшаган бечора бир қуш
Ахийри қутулиб бўшлиққа учди,
Қафас қушнинг қанотлари зарбидан
Турғон ўрнида бир тебраниб тушди.

Уйда фарёд-фигон сув каби тошди,
Шодлик чаманларин тошқинлар босди.
Ажалнинг ялмоғиз, жаллод кампири
Ўлим туморини бўйнига осди.

Чол боши ёстиқда, кўзлари юмук,
Фарёд нағмаларин тинглаган каби,
Ўтмиш ҳаётини ўйлаган каби
Ётоқда ўйланиб жимжит ётарди.

Ёш йигит ўридан кўзғолмай унга
Қарарди, кўзидан ёшлар оқарди.
Кўнгли шу аламли ёш денгизида
Тошланган тош каби чўқар, ботарди.

Шу онда эшиқдан биров секинлаб
Келди-да сўзлади аста шивирлаб.
Гўё шамолларда тўкилгон тутдай
Тўкилди кўз ёшлар қаттиқ дувурлаб.

Фамли тун бағрида йигит кўзлари
Кечага қўшилиб бирлашиб кетди.
Ишонган Тангриси ҳақиқа аччиқ,
Ҳазабли сўзлар-ла хитоблар этди.

1925

ОҚ БУЛУТЛАР

— Оққушлар каби тизилиб учгон
Оппоқ булутлар, менга айтингиз:
Шошиб учишиб қаён борасиз,
Нега тубанга тушиб юрмайсиз?

Ишингизми кўб, қайғунгизми зўр,
Борар ерингиз кўб узоқмидир?
Ё буюк тоғлар тўй қилишдими,
Тўйға сизни-да чақиришдими?
Ёсаниб шунга борасизларми,
Кўнгилни шунда ёрасизларми?!
Айтингиз бизга, тезрак айтингиз!
Бир оғиз сўзланг, бўлса пайтингиз...

— Биз юксаклардан ерга тушмаймиз,
Кўкни айланиб, кезиб ўйнаймиз.
Бизнинг кўнглимиз оқдир, енгилдир,
Кийганимиз ҳам оқ бир енгилдир.
Биз баландликда жавлон этамиз,
Истаган томон юриб кетамиз.
Сизларга тушар кўнгли қоралар,
Кўнглингизда кўб очар ёралар...
Улар бизлардек юксала олмас,
Биздек юксакда туриб ҳам қолмас.
Юракларига тўлган қоралиқ,
Ер билан кўкда қўймас оралиқ.
Уларни ерга элтиб йикитар,
Ернинг тубига қадар киритар.
Сиз билан ҳар чоқ сўзлашар улар,
Истаган қадар ўйнашар улар.

— Эй ҳовриққонлар, телба, мағрурлар!
Сизни йикмишдир, бундай ғурурлар.
Юксакларда сиз ўйнаб учасиз,
Буюк тоғларнинг бўйнини кучасиз,
Аммо сизлардан ер фойдаланмас,
Ер тугул кўк ҳам бир баҳра олмас.
Шу сўкканингиз, қора булутлар,
Жониворларга фойда элтдилар.
Сизлар эсангиз кўкда кулдингиз,
Ер узра сира бир индамадингиз,
Тубанга бокмай кўб хўрладингиз,
Кулиб сўкишдан ҳеч тинмадингиз.
Яхши англагким, эй оқ булутлар,
Ел сизни ҳар чоқ харёққа элтар.
Ўзлигингизда эрк сира йўқдир,
Буни сезмайсиз, кўнглингиз тўқдир.

Лекин тушунинг, ел эсмай колмас,
Бу ел, сизларни не кунга солмас?..
Тоғларга урар, ҳар томон сурар,
Энг сўнг тепкилар, йиқар, парчалар.

1925

ТУН-КУН

Тун хони кунга қарши очди уриш,
У томон шиддат ила қилди юриш.
Минди жимжитлик отини ул эр,
Бўлди дунёға кучли қўрқинч шер.

Унга қарши томонда қолгувчилар,
Ёв дилига зўр ўтни солгувчилар
Енгилиб тутқин ўлдилар бариси,
Едилар тепкини ёшу қариси.

Кечага ёлланиб иш олгувчилар,
Минг буёқлар билан бўёлгувчилар.
Излашиб ҳар томон қараб чопишиб,
Тун жонин олдилар булар топишиб.

Бунда энг катта рўлни ўйнагувчи,
Тун бўйи еб-ичиб-да тўймагувчи
Шабпарра эрди, у махтаниб дерди:
«Йўқ, юрак кунда бўлса чиққай эди!..»

Майдон ичра бунинг совуқ сўзини
Тингламоқ истагувчи ҳеч йўқ эди.
Тун деган хоннинг аскарлари қўлида
Барча жонлар асир-тутқин эди.

Гердайиб барча ёқни қўлга олиб,
Тун узоқ чоқ дамдин олиб ётди;
Буни кўргоч дохи уётсиз қуш
Кун томон таъна тошларин отди.

Қўрар эркан унинг бу ҳолотини,
Эл миниб чиқди отланиб отини.

Ғазабин тунга қарши қўзғотди,
Тинмайин унга тонг ўқин отди.

Тун хони ҳеч чидолмади қочди,
Йўқотиб ақлини бутун шошди.
Шабпарра туннинг ҳологин кўрғоч,
Қайғадир ул-да жим бўлиб қочди.

Тун тузалмай бу енгилиш ҳолига
Юзини қўллари билан юлди:
Буни кўрганда, кун хони унга
Қаради ҳамда илжайиб кулди.

Бошлади дунё зўр қувонч тўйини,
Қизиди кун бўйи булар ўйини.

1925

ЎЛАНГА

Қишнинг совуқ кунларидан қутулиб,
Ёзнинг юмшоқ кунларига етишгач,
Кечмиш кунларингни бирдан унутиб,
Ер юзига кўкрак кериб чиқасан!..
Энди қишнинг қўрқинч совуқ кунларин
Сира эсга олмай тинчиб ўйнайсан!
Баъзан тушғоч эгинангга ул кунлар.
Қўлларингни силтайсан-да қўясан!
Сенинг учун гўё энди бу дунё,
Чин эркинли дунё бўлиб кўринар.
Яшамоқнинг қандай бўлишин сезмаган
Эрка кўнглинг бу турмушдан севинач...
Бирок, ўйла, менинг севган кўноғим,
Сен дунёга янги келган кўноқсан!
Эркинли деб билган ушбу дунёнда
Нима ишлар бўлишини билмайсан!
Биласанми, эй юмшоғим, ўланим,
Бу дунёда қандай нарса борлигин?..
Бу дунёда сенинг севган эркиннинг
Энг зўр ёви, энг қўрқинчли «турмуш» бор.
Мана шу ёв «эрк» деган нарсангни
Ютмак истар, унга қарши талпинар...

Кучи етса, бир нафас ҳам қўймасдан
Ер юзидан уни бутун йўқ этар.
Шунинг учун яшамоқчи бўлгонлар
Унга қарши кучларини тўпларлар.
Ўзларини ундан сақлаш йўлида,
Чора бор эса барчасини қиларлар.
Йўқса, эркинли деб билгон дунёнда
Турмуш буйруғи-ла сени эзарлар.
Сени бир оз ёшошингга қўймасдан
Чайнаб, ютиб орадан йўқ этарлар.

Шунинг учун кўкка қадар юксалгил,
Турмуш учун сен ҳам энди кучлангил!

1925

КЎКЛАМ ЧОҒИДА ЯПРОҚЛАР

Кўкарган япроқлар оғочлар узра
Жилмайиб, қувониб яйраб турурлар.
Тўқтовсиз эсгувчи кучли шамоллар
Буларни аяшиб, секин урурлар.

Оғочлар ям-яшил япроқлар ичра
Кўмилиб, жимгина пусиб ўлтирар.
Кўкламнинг ёғмури ёққоч буларга,
Кўзлардан ёққувчи ёшдай милтирар.

Ким билур, бу ёшлар балким чиндакам
Оғочлар кўзидан чиқиб томадир.
Кўкламнинг бу эркин мезгилларининг
Доимий эмасин яхши биладир...

Кузнинг у қоп-қора совуқ туслари
Балким оғочларга ёмон кўринар.
«Кошки кўрмағайдинг!» деб шу кунларни
Бояқиш япроқлар ғамдан сарғаяр.

Қайғирмоқ ярашмас, бўшдир қайғурмоқ!
Кўклам бир келмас, эй гўзал япроқ!...

1925

СУВ

Кўз олдимда юқоридан тубанга
 Шалдир-шулдир оқиб турғон оқар сув,
 Эҳтимолким, бу кетишда сенинг ҳеч
 Қаршинг узра бўлмас моне ҳам тўсув.

Сен кучлисан, чаққон ҳамда ботурсан,
 Тубанликка шиддат билан оқурсан.
 Қаршинг узра гар келгудек бўлсалар,
 Не бўлса-да босиб-ёнчиб ўтурсан!

Бироқ сенинг бу кучингнинг кетиши,
 Англавилким, тубанликка томондир.
 Юксакликдан ўрун олғон ҳар нарса
 Бундай кўрқинчлардан албат омондир.

Эй табиий кучга эга бўлғон сув,
 Сенинг бу хил кучларинг, бил, бўм-бўшдир.
 Ер юзига кўрқинч солар чоғларинг
 Ҳозир энди бутунлайин ўтмушдир...

Сени инсон деган уста бир махлук
 Бу холотда кўрғоч чиқарди қилиқ.
 Техниқо деб от қўйишғон жоду-ла
 Пардоз бериб, сени килдилар силлиқ.

Сен бу холда кетар эсанг, ким билсун,
 Келгусида сени қандай ўйнарлар?
 Сенинг борлигингни минг ёққа бўлиб,
 «Яшаш бозори»да тинчиб тўйнарлар.*

Эй тоғ-тошга шовқин солиб оққан сув,
 Ўйла, тушун, англа, қизиқ ҳаёт бу!
 Сен кучингни сақламоқчи бўлсанг гар,
 Тубанликдан юқориға юксалгил:
 Юқорига мингил-да бир гердаийб
 Ўз кучингни барча ёққа кўрсатгил.

1925

* Тўйнарлар.

НЕЧУН?

(*Ўртогим ... га, эски усулда*)

Нечун кутурди яна кўзларингда тўфонлар,
Нечун туташди яна кўнглинг ичра вулқонлар?
Нечун гўзал, кувонч ичра юзларинг сўлғун,
Нечун юзингда урар қайғу денгизи тўлқин?

Нечун у шамъи хаёлинг бу кун бутун сўнди,
Нечун у тотли майинг косаси бу кун синди?
Нечун сенинг у буюк миянг ичра ўрнашқон
Тилак қуши бу куни учмади-да яшринди?

Нечун, нечун? Бунга сен бир жавоб-да бермассан,
Менинг сўроғларима илтифот-да этмассан!
Хайр-хайр! Гўзалим, дўстим, айтмасанг айтма,
Бироқ айтилгуси сўз бор, эшит шуни, тингла!

Билармисан, бу очун эски бир гузаргоҳдир,
Ки бунда ҳукм сурувчи-да «оҳ» ила «воҳ»дир.
Бироқ бу ҳоким мутлақ, сураш шу чок даврон
Қаю эл-у, ким уни ўз холиға қўйса омон...

Бунинг бу холиға ёрдам этар оқар ёшлар
Хотин каби ўтуруб уй ичинда йиғлошлар...
Агар бу «оҳ» ила «воҳ»дан қутулмоқ истасанг,
Очунда сен-да кулуб, роҳат, ўйнамоқчи эсанг,

Арит кўзинг ёшини, йиғлама, пусуб ётма!
У «оҳ», «воҳ» сеҳрига ўзингни олдатма!
Қўлингга ол, у билим-маърифат таянчигини,
Айир сенам бу очуннинг ширин ва аччигини.
Ёшингнинг ўрниға оқсун танингдаги қонлар,
Шу қонинг ила йўқ ўлсун бу «оҳ» ила «воҳ»лар.

1925

ПАРЧА

Кўр кўзгуда кўр кўзин кўрарса
Ўз-ўзингини ўзи биларса,
Қолмасди очунда бирта тиртик,
Бўлмасди биров бировдан ортик.

1925

ИШЧИ

Денгизда осифлар жуда кўб эрур,
Истасанг эсонлик, у — чет ердадур.

Шайх Саъдий.

Чиндан-да денгизда осиф кўб эрур,
Ким буни олмоққа жонидан кечур?!
Кенг денгиз бағринда ёшринган бойлик,
Милёнлаб инсоннинг қонин сўрайдир.

Ишчи меҳнати-чун теккуси ойлик
Унинг теграсин қаттиқ ўрайдир
Йўқликқа томон учгувчи сўзлар,
Текин егувчи ўйноқи кўзлар

Денгизга ёқин сира бормайдир,
Тинч ерда туриб балиқ овлайдир.
Ишчи бояқиш тинмай ёзу қиш,
Кўрқинч денгизига ўзин отадир.
Турмуш истаги бўйинча ишлаб,
Ҳаёт сувига чўмиб, ботадир.

Лекин бу турмуш денгизи ҳар чок
Бу ҳолат-ла ҳеч туриб қолмас.
Табиат кучи ишчи қошида
Тиз чўқар, унга бир сўз айтолмас.

1925

ОТЛАН

Кетардим чўлда, кўрдим мен йўлда
Бир киши йиғлаб фарёд қиларди.
Оғзидан чиққон ўтли товишлар
Киши кўнглини эзиб, тиларди.

Дедим: «Эй киши, на бўлди сенга?
Ёширма дардинг, сўзлагил менга!»
Киши оҳ чекди, мен томон боқди,
Оҳи гўёким борлиқни ёқди.

Деди: «Эй ўртоқ, қизғон ҳолим, боқ:
Еримдан дохи ҳайдаб қўйдилар.
Ёш-ёш ёзиқсиз болаларимни
Кўзим олдида қўйдаё сўйдилар.
Нечун золим, ёвуз махлуқлар
Озгинагина инсоф қилмаслар?»

Дедим мен унга: «Эй ўртоқ, тингла!
Кулоқ сол, зинҳор сўзимни англа!
Кутма инсофни сира улардан,
Яхшилиқ чиқмас оч бўрилардан.
Инсоф бўлсайди, улар келмасди,
Ўрнингда бу кун жавлон қилмасди...
Яшамоқ бўлсанг, бундайин турма,
Йиғлаб, оҳ чекиб қараб ўлтурма!
Тўпла тегрангга мазлум қўлларни,
Ерсиз, оч қолғон қашшоқ элларни!
Зул(и)мга қарши қўпорғил тўфон,
Байроғинг бўлсун сенинг қизил қон».

1925

УМАР ХАЙЁМДАН МАФҲУМАН ТАРЖИМА

Куниким, ўтмишдир, уни ўйлама,
Эртаким, келмамиш, унга додлама!
Ўтган, келмаганга сира суянма,
Ҳозирғи холингни қўлингдан берма!

Бир турким кимсалар дин-мазҳаб ўйлар,
Ўзгаси шакку жазмда толар.
Ногоҳ ёшринча бир товиш келар:
«Йўл на у, на бу, эй хабарсизлар!..»

1925

ПАРЧА

«Ёкин дўстинг ким?» деб қилдилар сувоЛ,*
Дедим: «Ёкин дўстим менинг бир қуроЛ.»
Дедилар: «Душманингни-да айтақоЛ?»
Дедим: «Душманим ҳам яна шу қуроЛ.»

1925

ТЕВА

Кенг чўлда ўтлаб юрган бир тевага
Бир йўловчи учраганда ундан сўрган:
— Ўртоқ тева, хунарингиз айтинг нима,
Минасизми айрупилон ёхуд кема?

Тева бунга бошин чайқаб гурур билан,
Салмоққина этиб бундай жавоб берган:
— Бизнинг хунар шоҳи тўқиш, йўқ ўзга иш,
Шунинг билан ўткизамиз биз ёзу қиш.

Йўловчи ҳам бунинг сўзига жим турмаган,
Борлиқ товши билан кулиб бундай деган:
— Сизнинг шоҳи тўқишингиз қизиқ эмас,
Оёфингиздан кўриниб турур, шуЛ бизга бас!

1925

ПАРЧА

Юксакда кўринғач оининг ёғдуси,
Итнинг-да ортадир ҳасад қайғуси.
Бўлмағоч чиқишнинг унга иложи,
Юксалар хуришнинг энди ривожи.

* Савол.

Ул ҳам юксакка чиқмоқчи бўлур,
Ой янглиғ кўкка минмоқчи бўлур.
Бироқ ул чиқолмас, ер узра қолар,
Товиши ҳам бўшлиқда битар, йўқолар.

1925

ЭЙ ХОТИН!

Тиканлар ичиндан чечаклар тердим,
Буларни тўшладим, қўлингга бердим.
Нечундир, билмадим, буни олмадинг,
Озгина боқмадинг, назар солмадинг.

Сен учун кўнглимда гулшан яратдим,
Алам-қайғуларнинг барин таратдим.
Фикримнинг дохи эркини олиб,
Уни-да сенга бутун қаратдим.
Сен эсанг буларни сира сезмадинг,
Келиб бу гулшанда бир оз кезмадинг.

Кўнглим гулшанинда очилгон гуллар,
Хидлар сочгувчи лола-сунбуллар.
Сени кўб замонлар кутиб турдилар,
Энг сўнг ҳасратингда хазон бўлдилар.
Сен эсанг бу ҳолни сира билмадинг,
Билсанг-да нечундир кўзга илмадинг.

Кел, энди гулшаннинг хазонини кўр,
Ўқсинган кўнглимнинг ҳолини бир сўр!
Кел, энди ёнимдан бир чоқ ўтур,
Юрак тутунини кўр, очунни тутур.
Буни ҳам кўзларинг хануз кўрмасми,
Бир оғиз сўз билан тилинг сўрмасми?

Кел, энди етар, эй хотин, тингла,
Ёритғил кўнглим ўтли ёғдинг-ла!
Қуриган гулшанда кўкатлар ўссун,
Қайғимнинг олдини чечаклар тўссун.
Ё нечун бунга-да жавоб йўқ сендан,
Ё эса бир ёзиқ ўтдимени мендан?

Сабабин англадим бунинг, эй куёш,
Кўнглингда бор эрур кизик бир талош.
Сен бунга қарши жуда кўб юввош,
Шунинг-чун турмушга нафрат-ла қарош
Бошланмиш сенинг гўзал кўзингда,
Ўт қол(ма)мишдир сенинг сўзингда.

Эй гўзал куёш, севимли хотин,
Отлангил, турма, мингил эрк отин!
Тўсиқ бўлгувчи булутларни йиқ,
Менинг қаршимга куёш каби чиқ!
Нурларинг кўнглимга тугал сочилсун,
Гулшанда янгидан гуллар очилсун.

Бўлмаса кўнглимда ҳаёт сўнгуси,
Гулшаннинг ўрнида музлар тўнгуси.

1925

ТИЛАК

(Тилак сўзин қўллагувчиларга)

Тилак-тилак бизнинг тилак,
Тилак учун ўйнар юрак.
Қуриқ тилак кимга керак?
Тилак учун синсун билак.

Тилак сўзи улуғ сўздир,
Тилак юзи икки юздир.
Гоҳ чиройда қизлар каби
Безак ичра жилваланар:

Кўб кўзларни телмуртириб
Ёкин келмай қочиб юрар.
Гоҳ ёнгувчи чироқ каби
Кўз олдингда ёнар, учар.

Сени эмас, бор кучи-ла
Қоронғини севиб кучар,
Менча тилак: кучли билак,
Билак билан ишлаш керак.

Қуриқ тилак: сувдаги элак,
Уни олиб йиртмоқ керак!
Уни билан сув тошимоқ
Мумкин эмас, қўйғил, ўртоқ!

1925

АСКАР

Бу муқаддас сўз устида мен кўп
Фикр этиб, истадим баҳо қўймоқ,
Бу баҳо завқиға қониб тўймоқ,
Деди кўнглим: Сен, они олдин ўп!..

Борлигим тўхтатолмайин ўзини
Хонининг буйруғин адо этди.
Ўйларим тўпланиб, унинг сўзини
Текшириб охири шунга етди.

Деди: — Аскар, ў, мухтарам, гўзал от,
Тинч ҳаёт ўткизиш паямбаридир. —
Қувонч келтирур ғам ўрниға бот,
Чунки ул шодлик — кулги раҳбаридир.

Аскар, аскар, бу юрт сенинг-ла ёшар,
Эл сенинг ҳурматингни билгусидир.
Эл қони сенсиз юрт ичинда тошар,
Ёв келиб барча элни тилгусидир.

Юрт-элин севган эл бўлур аскар,
Қочмағай эмгагу машаққатидан.
Элни сақлаш учун тузар лашкар,
Этмас умид ҳеч ўзга шафқатидан.

1925

ЕР

(Ер ислоҳоти муносабати билан)

Ер: севикли ва мухтарам онадир,
Кишилар ҳам бунинг билан қонадир.
Лекин ул мухтарам севикли она
Тинч туropolмайдир, ҳар вақт ёнадир.

Чунки ер барча жонлини боқадир,
Жонлига бу — шунинг учун ёқадир.
Қолмоқ умидида қилар исён,
Севгили ёр кучоғига бул он
Қўрқув-дахшатлар окқувсидир кон.

Мехрибон ер — она нечун бундай
Қон ичинда чўмиб ҳаёт кечирар?!
Нега ўз мехрибонли авлодиға
Ўз қўли-ла оғу-заҳар ичирар?
Бунинг остида белгисиз сир бор,
Ул бу сир орқасинда мангу ёнор.
Биласизми, у очқўз инсонлар,
Киши олдинда «аҳли виждонлар»,
Қорни тўйғоч, улар ўзин унутар,
Ҳар томон фисқу фитна ўқин отар.
Тепкилаб кучсиз, оч-ёлонғочни
Ер юзиндан бутунлайин йўқотар...
Сўнгра ернинг кучоғида унлар
Тинч ёшашлик учун очар йўллар...
Ер бу ҳолларни оп-очиқ кўрадир,
Ул-да нетсин, қарабгина турадир.
Йиғилинг, ер юзиндаги қуллар,
Бева-бечоралар, ятим, туллар,
Парчоланг қўл, оёқ бўғовларини,
Йўқотинг тинчлик аҳли ёвларини!
Нетайким, унлар — теп-текинхўрлар,
Ишламаслар, бари ётиб ерлар.
Кучсиз элнинг молин талаб олғоч
Яна-да ўзларин одам дерлар.
Йўқ, уларга ишонмангиз, унлар
Қўй терисин ёпингивчи шерлар.
Кишини алдамоққа алдовлар
Қилгувчи йўлбосар ва ёлқовлар.
Ер юзи — ишчиларга ишдаш учун,
Теги — золимға мангу ухлаш учун.

1925

БИБИХОНИМ МАДРАСАСИ

«Ўтмишдан эсдалик» дедим буни мен,
Чиндан-да эсдалик учун ёрашар;
Хувхувлаб ўйнаган бир кўб кўгарчин
Менга ўтмишлардан эртак айтишар.

Бир замон кўкларга қанот ёйгон бу
Севгили мухташам, ҳайбатли бино
Емрилиш соатин кутгандай бўлиб
Кўринур кўзларга қайғулиғино.

Ер юзин титратган зўр ботирларнинг
Ўлғоч — қолдирғуси суякларидай,
Ер узра тўплонган карпич йиғини
Юракка урадир алам тигини.

Нетайин, билмайман мен ҳеч йиғини,
Билсайдим, бошлардим йиғи-сиғини!
Кўзим ёш ўрнига олов сочадир,
Емрик ўрунларга қўйнин очадир.

Олтин-ла ёзилган тарих бетига
Қарайдир, ўзига боблар очадир;
Ўқийдир ул бобда бундайин маъни:
«Хар бир иш бир ҳолда қолмағай!» яъни
Хар бир камчилик қолмас мангилик,
Бир кун чиққуси яна янгилик...

1925

ҚОРАҚУЛОҚ*

Ёвузликда донғи чиққон арслон деган жониворни
Билмагувчи кимса йўқдир, орамизда бул кун уни.
Барчамиз ҳам уни ёшлиқ чоқдан бери эшитамиз,
Бола тугул каттамыз ҳам ундан каттиқ кўрқишамиз.

Биз эмас, бутун бошқа жониворлар ҳам кўрқишарлар,
Улар ҳам кўрган чоқда бизнинг янглиғ қочишарлар.

* Шайх Саъдийдан фойдаланилди.

Шул қўрқинчли жониворнинг кетидан қўб кетмай узоқ
Эргашиб унинг билан юрар экан Қорақулоқ.*

Бунинг бундай холин кўрғоқ бошқа бутун жониворлар
Абдироб бориб, ундан секингина сўраганлар —
Айтганлар: «Нечун унинг ёвузлигидан кўркмайдирсан,
Хамда унга якин бўлиб, доим бирга юрадирсан?!»

Буларнинг у сўроғларин тинглаб олғач, Қорақулоқ
Уларга қараб туриб, жавоб берган мана мундоқ:
«Мен арслоннинг паноҳида сақлангувчи жониворман,
Хар чоқ унинг сарқути-ла қорнимни-да тўйғузорман!..»

1925

ТЕКИНХЎРЛАРГА

Бир мақол бор ўзбекда, унда ўзбек бундай дер:
«Чигирткалар экин ер, экмай-тикмай текин ер!»
Хой уятсиз жониворлар, икки юзи қаролар,
Сиздан эмасми бизга бундай ёмон балолар?!
Сиз ишламай ётасиз, номус, виждон сотасиз,
Манглай тери чиқармай, бизни талаб оласиз.
Талаб олмоқ, сизларга кўпдан қолма одатдир,
Аммо талаб егувчи, бизча, ёлғуз бир итдир.
Одам одам бўлса, ул албат, буни якин бил,
Текин, талаб емағай, чунки ул ҳам биздай эл.
Биз емағач, унинг-да емаслиги керакдир:
Ўз кучи-ла ўз қорнини тўйғозгувчи эркакдир.
Кимки талаб, теп-текин еса, билгил, ҳаромдир:
Ҳаромни-да егувчи яна ёлғуз бир итдир.

1925

ТУРМУШ ЙЎЛИДА КУРАШГУВЧИЛАРГА

Эй ҳаёт денгизинда чўмгувчи эр,
Айт-чи, дунёда сен налар биласан?
Жон чекиш, талпиниш чоғи келгач,
Нетасан, индамайми жим турасан?
Бок, ҳаёт денгизи тошиб борадир,

* Қорақулоқ — бир турли жонивор.

Сўнг суянч тоғини-да ошиб борадир.
Индамай жим турар эсанг, билгил,
Сени ул энг тубанга ирғитадир.
Сен тубанларда инграниб ётғач,
Гердайиб ул сени босиб ўтадир.
Чунки пастанмак, бизча, энгилмак,
Энгилиш эрса доимий ўлмак.
Юксалиш ул ҳаётга имтилмак,
Имтилиш тинч яшашга бот етмак!
Қаҳрамон, ёвқур, эй ботир эрлар,
Сўнг кураш майдонидаги шерлар.
Имтилиш, юксалиш, бўсун* ишингиз,
Гарчи етмай битарса-да кучингиз!..

1925

КЎРГИЛИК

— «Кўрмайин босдим тиканни, тортадирман дардини.
Кўрсам эрди, босмас эрдим, тортмас эрдим дардини». **
Кўргилик, эй кўргилик, биздан йўқол сен мангилик,
Биз бу дунё ичра сендан кўрмадик бир янгилик.

Ҳар вақт сен деб бутун турмушни биз оғуладик,
Сенга ўйдик, *** сенга талпиндик, туну кун йиғладик.
Сен эсанг ёлғончи, маккор, бизни доим олдадинг,
Йўқ экансан, бовужуд йўқлик ичра боғладинг!

Боқ, бу ўтли икки йўл шеър сен учундир, англағил,
Ундаги туб маънили сўзларни бир-бир тинглағил:
— «Кўрмайин босдим тиканни, тортадирман дардини.
Кўрсам эрди, босмас эрдим, тортмас эрдим дардини».

Бошға тушганни кўрармиш кўз — бу бир бўш сўз эрур:
Ким ишонса бунга, албат, шаксиз, ул бир телбадир.
Кўз эмасдир, ул кўзиким, бошқа тушганни кўрур,
Бўйнин эгиб, доимо унга чидаб, тинчиб турур.

Кўз, ўшал кўзким, кўролса бошға тушмасдан бурун,
Ажратолса кўргиликнинг кўзгусиз турли турин.

1925

* Бўлсун.

** Бошдаги икки йўл эл шеъридандир. — Элбек.

*** Интилдик.

АЙИРМАМИЗ

Бу кадар чиркин кўрганинг шу йигит,
 Янглишарсан, тоза ва пок кишидир.
 Уни чиркинли кўрсатучи эса
 Тинмайин ишлаган қора ишидир.
 Ул бутун ҳар кун шундайин ишда,
 Ишлар ул тинмағай ёзу қишда.
 Нечун ул тўхтамас, бу бизга аниқ,
 Барчамиз бунга бошли, кўзли таниқ.
 Тўхтамаслар улар туну кунлар,
 Қўймағай тинч «яшаш учун шартлар».
 Чунки биз топ-тоза қизил юзлар,
 Ёлтироқ тўнлилар, ширин сўзлар.
 Барчамиз шул заволли-бояқишлар
 Елкасидан тўят* олиб турамиз.
 Унларнинг ҳиссасин талаб олғач,
 Яна унларни камситиб куламиз...
 Тўплаган барча нарсамиз бул кун
 Оқа келмиш заволлилар қўлидан.
 Кўрқувли нафас топувчи зўр кемамиз,
 Суза келмиш шу «кўз ёши» қўлидан.
 Фарқимиз шул, улар толонганлар
 Толониб энг тубанда қолғонлар...
 Устимиз бизнинг ялтироқ тўндир,
 Кўксимиз эрса тўп-тўла киндир.
 Унлар усти кўришда чиркиндир,
 Тубда эрса ёриқ ва эркиндир.

1925

ПАРЧА

Ҳақ учун, ҳақлиқ учун ким тортишиб,
 Олса бир от, ёвлари чекдан ошар.
 Ўлгудек бўлса агар ул бахтсиз,
 Дўст бўлишиб ёвлари-да махташар.

1925

* Тўйит.

ДЕНГИЗ

Чукур, кўрқинчли денгиз, ернинг бағриндадир тутқин,
Ўраб эзмакда эрсанг-да, пасаймас сендаги тўлқин.
Нетай дерсан; бутунлай бағринга кўммакни истарсан,
На қилди бу сенга, бундай эзиб бояқишни қистарсан?
Вужудинг бир ўлим исканжасиким, унда кўб инсон
Ютилмишдир, кўмилмишдир, бари бағринга бермиш

жон.

Яна холо тўйиб тинмоқ сенинг кўнглингда ҳеч йўқдир;
Бу тутқин ер сари ҳар тўлқининг ўлдиргувчи ўқдир.
Чекингдан ошма, эй йиртқич, етар бу зулм ила

жабринг!

Бу кундан сўнг йиқилғунг, қолмағай тоқат била сабринг.
Кўзинг оч, бок, бу кун ер сендан ўч олмоққа бел боғлаб,
Юбормоқда бутун ўғлонларин устинга хўб чоклаб.
Булар ҳар кун сенинг бағринга ўйнар, кўрқмағай

унлар,

Тўсолмас олдини асло бу кун кўрқинчли ўпқонлар.
Яна ул зўр қуёш ҳам сенга кўрқинч ёв эрур албат,
Ёқар бағрингни ҳар чок, тинмайин сенга берур кулфат.
Сенинг зулм этганинг ер энди зулминга бўйинсунмас,
Кучинг бўм-бўшга кетқай, қилмишингдан ҳеч унум

унмас.

Ёшар ер, етқизар эр, эр йигитлар сенга ҳар чок дер:
«Тугангунг, бус-бутун битгунг, сени охирда бу Ер ер».

1926

СЕЛ СУВИНИНГ АШУЛАСИ

(Русчадан мафҳуман)

Узоқ ердан келамиз,
Тинмай юриб еламиз.
Куйлаб-куйлаб чопамиз,
Жойимизни топамиз.

Йўлимизга ҳар нарса
Тўсиқ бўлса йиқамиз,
Ҳеч аямай, қизғонмай
Чуқурларга тикамиз.

Баҳорнинг элчисимиз,
Тўхтамасдан тошамиз,
Юқори, қуйи ерлардан
Ҳеч қўрқмай ошамиз.

Биз шодликни севамиз,
Қайғини тук билмаймиз.
Жимжитликни севмаймиз,
Кўзимизга илмаймиз.

Чопамиз-да, чопамиз,
Ўрнимизни топамиз.
Ундан бурун тинмаймиз,
Отимиздан инмаймиз.

1926

ҚУРБОН

(Қурбон байрами учун)

Бугун қурбон -- қон дарёси оқар қун,
Милён-милён жонни йиқиб -- ёқар қун.
Худо учун оқизилар бу қун қон,
Қурбон бўлар марҳамати учун жон.
Худо ғазабига қарши жон сўйиб
Ўзларини ул ғазабдан сақларлар.
Қурбон қилиб, унинг этин еб-тўйиб,
Юзларини Ҳақ олдида оқларлар.

1926

ОЗОДЛИҚ ҚУРБОНЛАРИҒА

Эркинлик севган фикру дилингиз
Золимлар ўки бирлан эзилди.
Қийноқ остида чеккан оҳингиз
Ҳар бир томонга етди, сезилди.

Аммо, сизларким, курашчи эрлар,
Ўлимдан қайтмас қаҳрамон шерлар!
Эрқнинг йўлинда қурбон бўлдингиз,
Номусли ўлим билан ўлдингиз.

Сиздан бизларға қолғон у излар
Мангулик қолар, сира йўқолмас,
У издан чикмай борамиз бизлар,
Бу йўлда бизни кимса тўсолмас.

Тездан мазлумлар ўзгариш ёсар,
Ўзгариш сели дунёни босар.

1926

БИЗНИНГ ВАЪДАМИЗ

Эзилган биз йўқсул, ишчи, дехқонлар
Кўб замон қулликда ютишдик қонлар.
Бахтимиз йўлига солинди ровлар,
Оёқ, қўлимизға тушди бўғовлар.
Золимлар қўлида қулликлар тотдик,
Толандик, ёнчилдик, ғамларга ботдик.
Кишилиқ дунёсин хўрликқа солғон,
Бу ишдан ўзича лаззатлар олғон —
Хонлар ва хоқонлар бизни эздилар,
Устимизда истаганча кездилар.
Эрк дея чиққонлар ҳибс қилинди,
Ҳақ сўзни сўзлаган тиллар тилинди.
Ўралди теграмиз жаллодлар билан,
Йўқ сўзни сўзловчи жосуслар билан.
Оҳимиз юракка сиғмайин тошди,
Оловлар ёндириб кўкларга ошди.
Кўзғолдик мазлумлар зул(у)мга қарши,
Чалинди ҳар ерда эркинлик марши.
Ўзгариш селлари тинмай тошдилар,
Золимлар уйини бузуб ошдилар.
Узилди золимнинг қалин бўғови,
Кўзғолди, бўшади боғлонган ёви.
Титради золимнинг оёқ-қўллари,
Беркилди зулмнинг очик йўллари.
Эркинлик қуёши ёғдулар сочди,
Золимлар чидолмай ҳар томон қочди.
Чакнади, ўйнади қайғули кўзлар,
Юзага чиқди сақланган сўзлар.
Эркинмиз; эркинлик туғин соқлаймиз,
Ишчи, дехқон манфаатин ёқлаймиз.

1926

ЛЕНА ҚУРБОНЛАРИФА

Кесдилар, осдилар, отдилар,
Қул қилиб сизларни сотдилар.
Ўзлари кайфланиб ётдилар,
Тинчликнинг лаззатин тотдилар.

Яшашнинг у оғир гардиши,
Айланди доимо сиз билан,
Меҳнатнинг енгилмас ўрдуси*
Юкунди сизларга тиз билан.

Чарчашни билмаган қўлингиз,
У, эркин, ойдинли йўлингиз
Милтиқнинг зарби-ла боғланди,
Ёзиқсиз кўнглингиз доғланди.

Ленанинг кун кўрмас ерлари
Безалди қип-қизил қон билан,
Ёзиқсиз у меҳнат эрлари
Ишлади шунда ҳам жон билан.

Золимнинг у мағрур сўзлари
Тинмади отилғон жон билан,
Ҳақликни кўрмовчи кўзлари
Қамашди тўкилғон қон билан.

Ишчининг зарбидан энг охир
Йиқилди жабру зул(у)м уйлари,
Тиқилди барчаси чуқурга,
Йўқолди у манхус қуйлари.

Ўчмас ҳеч ўзгариш олови,
Йиқилмас тикилғон ёлови.

1926

* Меҳнат лашкари.

ЭЙ ХОТИН, ТИНГЛА!

*Олмали боққа кириб, шафтолини ерми килиш?
Ўз ёри уйда туриб, бегонани дерми киши?*

Эл адабиёти.

Нақадар тубли, ўтли, жонли бу сўз,
Ким бу ҳақ сўзга қарши юмғуси кўз?!
Лекин, эй ҳақни сўзлагувчи хотин,
Ҳақ сенингдир дейишга ҳаққинг бор.
Аммо, аммо... бу сўзни тинглагувчи
Кимсаларнинг юраклари кўб тор.
Шу сабабдан-да дунёни тутмиш
Мунгли, сирли фиғон ила оҳ-зор.

Кел хотин, сен-да йиғлама, ўйла,
Дардларинг тўк, борин очик сўйла!
Ким сабаб бўлди оху зорингга,
Ким қўлин урди мунгли торингга?
Менча, бунга бўлак сабаблар бор,
Бунинг олдинда барча тиз чўқар.

Сенга энг тўғри йўл, хотин, тингла:
Ўз-ўзингга ўзинг кўмак этмак;
Ҳақ, ҳақиқатни яхши билмак учун
Ғамни ташлаб, билим сари кетмак.
Бир қанот бирла қуш учолмайдир,
Истаган ўрнини кучолмайдир.
Қўш қанот бўлса, қуш учар албат,
Биткуси оҳ, зор, фиғон, кулфат!..

1926

КЎЗГУ

Боққоч, ялтироган тиниқ кўзингга,
Тортдинг мени шул чоқдаёқ ўзингга.
Кўргач, сенда кўзим билан ўзимни,
Айта олмай қолдим айтар сўзимни.
Бўлмасайди агар сенинг юзинг бир,
Сақланмасди сенда ҳикмат-сир.

1926

ҚУЁШ

— Қуёш, қуёш, гўзал қуёш!
Нечун бу кун кўзингда ёш?

Хар кун кулиб чиқар эдинг,
Қайғимизни йиқар эдинг!

Бу кун нечун ғамга толдинг,
Юзларингни юлиб олдинг?

Севгилинг ёр боқмадими,
Ё сўзлари ёқмадими?

Кўнглинг шунга бузилдими,
Севгинг ипи узилдими?

Қўй йиғлама, бизга қара,
Олтин сочинг ёриб тара!

Ёғдунг бизга ҳаёт сочсун,
Қоронғилик мангу қочсун!..

— Менинг ишим ёғду сочмоқ,
Қайғилилар кўнглин очмоқ.

Лекин бу кун хол ўзгача,
Ўзгармишдир кўр кўзгача.

Қоп-қоронғи пучмоқлардан
Чикмоқдалар кўкка нурлар.

Бахт эшиги учмоқлардан
Учмоқдалар кўкка хурлар.

Севганим ер менга боқмас,
Энди сўзим унга ёқмас.

Бағридаги хурлар, нурлар —
Мендан яхши кўринурлар...

— Йўк! Сўзларинг тўғри эмас,
Эси борлар бундай демас!

Ер сенсизин ёшай олмас,
Лекин ҳаққин олмай қолмас...

1926

БУГУН

Йил бўйи кўнгиллар ичра сақланиб қолғон тугун,
Қолмаган ҳеч бир кўнгилда торқолиб биткай бугун.

Юксалар кўклар сари бул кун қизил қонли ялов,
Ёндирар бойлар уйин бу инқилоб — кучли олов.

Ишчиларга энг муқаддас кучли байрамдир бу ой,
Ёв эрурлар бунга барча сотқин, қотил ҳамда бой.

Чунки ёв бўлмоқ уларнинг «энг муқаддас» ишлари
Қайралар йўқсуллар устинда уларнинг тишлари.

Лекин «афсус» фойда бермас эндиги қилмишлари,
Қанча қайрар эрсалар-да, ўтмағай ҳеч тишлари.

Қутли байрам ишчиларнинг кўнглига ўтлар солар,
Ўтли кўнгиллар яқинда ер юзин кўлға олар.

1926

ЭРК НИМА?

(Эрк маъносин янглиш тушунгувчи хотин-қизларга)

Кўб замонлар эрксиз қолдиқ,
Энг сўнг эркини кўлға олдиқ.
Отни «чув!» деб қамчи солдиқ,
Тез юрдик-да йўлда толдиқ.

«От ёзикли!» дедик, сотдиқ,
Лаш-лушларни кўлдан отдиқ,
Қимирламай тошдек қотдиқ,
Оёқ чўзиб, жимжит ётдиқ.

Эрк муқаддас қонун эрур,
Мазлумларга эрклик берур.
Кимки бунга кўкрак керур,
Эрк чечагин албат терур.

Эрк отиға бермай озик,
Қаттиқ чопмоқ — гуноҳ-ёзиқ!

Эрк маъниси — чопмоқ эмас,
Эси борлар бундай демас!

Эрк маъниси: эркин бўлмоқ,
Илму хунар билан тўлмоқ.
Йўқсул элга билим бермак,
Машаққатга кўкрак кермак!

1926

ҚОРОНҒИДАН БИР ТОВИШ

«Дарёнинг нарёғида хойхойлаган,
Қамчисининг сопига зар бойлаган.
Қамчинни қайириб отга солғон,
Ўз ёрини ёмонлаб хатга солғон».

Қора халқ энг қоронғи пучмоқдан
Бизга энг оппоқ ёғдулар сочадир,
Зулум эзган у эзги учмоқдан
Тубли, сирли улуғ эшик очадир.

Лек, биз ёп-ёруқ хаволарда,
Назм этиб ўйноқи наволарда,
Уни билмай унутғумиз ўзни,
Кайф этиб, қаттиқ юмғумиз кўзни.

Бўлса эрди очик бу кўзларимиз,
Бунчалик бўлмас эрди сўзларимиз!
Англр эрдик уларнинг аҳволин,
Тугатардиқ бу оҳ ила зорин.

Хой табиатнинг уста шоираси,
Бунчалик кучни қайдан олдинг, сен?
Балли, тасвирнинг кучли моҳираси,
Мени-да ўз йўлингга солдинг, сен!

Тўғри, кўзлардан оккувчи ёшлар,
Эр, хотин ичра катта дарё очар.
Буни ишловчи, оҳ, тубан махлуқ
Ўзин оқлаб узоқ-узоққа қочар.

Сўнгра майдонда қолғуси бир хат:
«Дунёда энг ёмон хотин!» албат.

1926

ТУРМУШМИ БУ?

(Янги турмушни янглиш тушунгувчиларга)

Ёзмишми, ёзиқли ё юриш-туриш,
Нечундир бу йилги ҳар кунги уриш?

Бояқиш хотинларни уйлардан қувиш,
Бумидир янгилик — чин турмуш қуриш?

Хотинлар ҳаққини буми соқламоқ,
Янги, чин турмушни буми ёқламоқ?

Ўринсиз қўймоқ — янгисин олмоқ,
Ёзиқсизларни ўтларга солмоқ —

Янги турмушга чиқмоқликмидир?
Эскиликларни йиғмоқликмидир?

Чин турмуш қурмоқни истаган ҳар ёш
Ёзиқсиз кўзлардан оқизмайди ёш!

Эскиликларни бузиб чиқишда
Бўлур бу уларга қаҳрамон йўлдош.

Бусиз турмушни янгилаб бўлмас,
Ўксик ўрунлар ҳеч замон тўлмас!

1926

ОНА

«Алла, алла, алла, алла,
Ухла, қўзим болам, алла!
Икки кўзим болам, алла,
Ширин сўзим болам алла!..»

— Ким бу, тун ичра ухламай, ётмай
Аллалаб мунгли-мунгли куйловчи?
Ким бу, аллавақтда, тонг отмай
Бунчалик ўтли-ўтли сўйловчи?

Уй совук, тишда қор ёғиб турадир,
 Бояқишнинг танин совуқ урадир,
 Шунда ҳам «алла!» товиши тинмайдир,
 Учадир кўкка, ерга инмайдир.

Нега бу, — бунча жон чекиш, уриниш,
 Бешиқ олдинда тинмайин суруниш?
 Бу — унинг-чун машаққат эрмасми,
 Кимса унга кўмак-да бермасми?

Боласин аллалаб боқар оналар,
 Дунёмизга чироқ ёқар оналар.
 Шунчалик хизмат этсалар-да, қизик,
 Яна ўтларда ўртаниб ёналар.

1926

ой

Тунда осмонга боқаркан, эй воҳ,
 Ойни мағмум* ва маъюс кўрдим.
 Нега бу ҳоллара тушдинг, эй моҳ?
 Деярак, холи табоҳин сўрдим.
 Қайғули юзлари-ла, менга боқиб
 Ҳолу аҳволидан ул сўз очди.
 Ўтли оҳлар билан бағримни ёқиб,
 Ёркироқ кўзларидан ёш сочди:
 — Кўб замондан бери тинмай кутаман
 Шарқнинг ўртикли хотин-қизларини.
 Қўрмагач, қайғуда қонлар ютаман, —
 Қутилиш йўлларида, изларини.
 — Ўз-ўзинг қийнамағил, хой тўлин ой,
 Йиғлама, йиғлаш уёт, ёшинг арт!
 Ёки чиқмишми эсингдан, эй вой!
 Келгуси тезда гўзал, эркин март.
 Шунда эркинли шамоллар турадир,
 Ел булут — пардани ҳарён сурадир.
 Шодланиб барча қизилгул тоқадир,
 Кўкда эрк офтоби порлоқ боқадир.

* Хирарок, булут ичида.

Шул замон тенг бўладир, бил, барча,
Эски турмуш бўладир кул — парча.

1926

«СЎЛҒИН ЧЕЧАК»КА

Ҳой сўлғин чечак,
Ўксуз келинчак!
Айт, нечун сўлдинг,
Ғамларга тўлдинг.

Малъун печакка
Гирифтор бўлдинг?
Дунёга келгон
Чоқда иккинги

Ул қора ердан
Чиққон эдингиз;
Ҳаёт озиғин
Фарқсиз — теп-тенг

Ҳар иккинги ҳам
Йиққон эдингиз!

На учун бу кун
Бундайин ахвол,
Сенга юз бермиш
Етим ҳам завол?..

— Тўғри, ҳаётда
Бирдек эдик биз,
Лекин, ул ўғил,
Мен эдим бир қиз.

Буйидим, ўстим,
Йўқди кам-қўстим,
Табиат эди
Менинг чин дўстим.

Қачонки, бирдан
Ғунча боғладим,

Шул кундан бошлаб
Юрак доғладим.

Раҳимсиз печак*,
Номуссиз печак
Менсиз яшашнинг
Зарарин сизди.

Ўз фойдаси-чун
Сўнг мени эзди.
Кўрингиз уни,
Тинмай тун-куни

Япроқлар отиб
Ўсиб борадир.
Менинг йўлимни
Тўсиб борадир.

Мен эсам, эй воҳ!
Ўлиб бораман.
Ғамга чидолмай
Сўлиб бораман.

Менга йўқ шафқат,
Эзилиш фақат!

— Умидсиз бўлма,
Саргайиб сўлма,
Бекордан бекор
Ғамларга тўлма!

Холо танингда,
Албат, санинг-да
Ўз жонинг бордир,
Шул сенга ёрдир.

1926

* Шеърдаги «печак» сўзи умумий маънода оғлашилмасун. — Элбек.

КЎКЛАМ

Қишнинг қўрқинч ковоғи,
Қордан солғон овоғи
Қўз ўнгимиздан кетди,
Гулбаҳор келди, етди.
Очилдилар лолалар,
Севиндилар болалар;
Ўртикдаги ҳой қизлар,
Нечун севинмайсизлар?
Борлик бу кун яйрайдир
Қушлар учиб сайрайдир,
Қиш чидолмай йиғлайдир,
Ўз бағрини тифлайдир.
Қўйингиз йиғласин қиш,
Нечун энди бояқиш?
Мумкинми қарши чиқиш?
Чикса-да чикмас бир иш!
Аммо сизки, кўкламнинг
Севикли йўлдошисиз.
Кўркли чечак тўпламнинг
Энг азиз қўлдошисиз.
Чиқинг сиз ҳам ўртикдан.
Гўзал баҳор баҳордир,
Ёлиниб, сизга боқодир,
Сувлар кутиб сизларни,
Ўксиб-ўксиб оқодир.
Сиз-да кулингиз бугун;
Дилда қолмасун тугун.
Синглим! Баҳор чоғидир,
Дунё – ҳаёт боғидир.
Пайт қўлдан кетмасун,
Қиш қайтадан етмасун!

1926

ЧИМЁН ТОҒИГА

Ёшлигим, ў-ў, эркин чоқларим менинг
Ўтди шодлиқ билан бағрингда сенинг.
Устингга ёпинган оппоқ энгинг,
Хаёлимда эрди ҳар замон менинг.

Ўйлардим, сен томон қараб сўйлардим,
Тавсифларинг қилиб, куйлар куйлардим.
Ёқимли, у тотли отинг «Оққошқа»,*
Таъсирлар берарди менга бир бошқа.
Бир куни тун ярми — эл ётар чоғда,
Булбуллар сайрарди тинмай ҳарёғда.
Сенга кўз тикардим мен ҳам бирёғда,
Фикру хушим эрди сен гўзал тоғда.
Сен шунда кўриндинг менга бошқача,
Қоп-қора тун ичра «кичик қошқа»ча.
Сескандим, тез сендан юзимни бурдим,
Кўб замон сенга ҳеч қаралмай турдим.
Хаёлот аскарлари чулғади, олди,
Фикр денгизига келтирди, солди.
Кечалар мазорда тунаб ётгувчи,
Ўзини тубанлик сари отгувчи
Оқ тўнли дарвишлар каби кўриндинг,
Кўзларим олдида ҳарён сурундинг.
Ўйладим, тушундим, бошим ҳам қотди,
Ҳолимга юлдузлар қулишиб ботди.

II

Турмушнинг истаги мени бу ердан
Кўб узоқ нарига отиб тошлади.
Бахтимнинг раҳбари тутиб кўлимдан
Тўғри йўл сарига мени бошлади.
Кўб йиллар шу йўлдан юрдим, толмадим,
Бошимни ҳарёққа урдим, қолмадим.

Кун, тунлар сен сари қараш ўрнига,
Ўзга бир оламга қорай бошладим.
Кўзларим у эски кўрқоқлик ҳолин
Тошлади, у ҳолни мен ҳам тошладим.
Энди кўз олдимда бир бошқа олам,
Тенг келмас у олам бирлан бу олам.

* Оққошқа деганда Чимён тоғининг энг баланд чўккиси тушунилади. —
Элбек.

III

Бу олам сарига кўзни кенг очдим,
Умидли кўзлардан оловлар сочдим.
Хар томон талпиндим, елдим, югурдим,
Сендан... сендан... эй воҳ... юзим ўгирдим.
Ойлар, йиллар ўтиб, ўтиб кетдилар,
Фамнинг кўшинлари келиб етдилар.

IV

Эшитдимки, бормиш шифоли бир тоғ,
Кимки борса, фамдан бўлур эмиш соғ.
Оти унинг эмиш буюк Чимён тоғ,
Чимён тоғи эмас, балки жаннат боғ.
Эшиткач отингни, тез чопдим, юрдим,
Юзларим қайтадан сен томон бурдим,
Шифо тупрофингни кўзимга сурдим,
Сенда неча тунлар тунадим, турдим.
Бағрингда сақланган даво оппоқ қор,
Фамларни кеткизар, кўнгилни очор.
Э, излаб келгонлар бағрингга тўлди,
Яна қарошларим бир бошқа бўлди.

1926

ЧИРЧИҚ

— Қатор қишлоқлар бўйлаб,
Алланарсалар ўйлаб,
Лаззатли куйлар куйлаб,
Тўлганиб оққан Чирчиқ,
Дилларни ёққан Чирчиқ!
Арслон каби айқириб,
Кўпик сочиб бақириб,
Айт-чи, қайга борасан,
Кўнглинг кимга ёрасан?
Сирдарёгами бориб,
Кўнглингни унга ёриб,
Дардинг тўқмакчимисан,
Ёвинг сўқмакчимисан?
Индамасдан оқмағил,

Юрак-бағрим ёқмағил!
 Қутаман, тез жавоб бер,
 Эй ғазабли, ботир шер!
 – Сўкатирғон ёвим йўқ,
 Бу тўғридан кўнглим тўқ.
 Лекин оғир дардим бор,
 Аммо юрагим кўб тор.
 Сир янглиғ, ҳар нарсани
 Кўнглим сақлай олмайдир.
 Менинг додимга эса
 Кимса қулоқ солмайдир.
 Арзим эшит, қулоқ сол,
 Мени бунда қўйма, ол!
 Менинг учун тўғри йўл
 Ҳовриқиб оқмоқ эмас,
 Лаззатли куйлар куйлаб
 Қулоққа ёқмоқ эмас!
 Менинг учун тўғри йўл –
 Эксииз-чексиз кенг бир чўл.
 Мени уни кўб ўйлайман,
 Ҳар чоқ шуни сўйлайман,
 Куйламайман, йиғлайман –
 Юрагимни тиглайман.
 Менинг йиғим кўбларга
 Тотли куйдек туюлди,
 Кўб хассос қулоқларга
 Сезилмасдан қуюлди.
 Етар энди, йиғлатиш!
 Юрагимни тиглатиш...
 Бўм-бўшига оқмайин!
 Вужудимни ёқмайин!
 Чўлни гулистон этай,
 Муродимга тез етай!..

1926

ЧЎПОН

Олти ойлаб ёз бўйи
 Бошланар чўпон тўйи.
 Ўтлайдир қўзи, қўйи,
 Ҳар ердир унинг уйи.

Айниқса, кўклам чоғи,
Чўпоннинг тегра ёғи
Чечак билан безаниб
Бўлур унинг гулбоғи.

Чечак ҳидин сочадир,
Чўпон кўнглин очадир,
Унинг ёниқ куйлари
Етти кўкдан ошадир.

Қўзи, қўйлар, маърашар,
Ўйнашиб юмалашар.
Ҳар она қўй қўзисин
Эмизишар, ёлашар.

Тунда қўйлар тўпланар,
Ухлаб бари дам олар,
Чўпон қўшнаин чолар,
Борлиқ уйқуга толар.

1926

ИККИ БОШОҚ

Қуёш олтин нурун сочиб,
Ерга кулиб боқар эди.
Она каби бағрин очиб,
Уни севиб боқар эди.

Ўсимликлар роҳатланиб
Қулоч отиб ўсардилар.
Ҳасад қилиб бир-бирининг
Йўлин бўғиб тўсардилар.

Гўё таъзим қилғон каби,
Барчалари бўйин эгиб,
Бошоқларин қўтаролмай
Турардилар ерга тегиб.

Лекин бири кўкка томон
Қаққайганча турар эди,

Эсан шамол қўймай омон
Уни ҳарён сурар эди.

1927

КУЗ

Дала-тошда яйраган,
Учиб, қўниб сайраган
Қушлар бу кун кетдилар,
Юртларига етдилар.

Турли-туман оғочлар
Япроқларин тўқдилар.
Аччиқланиб чидолмай
Кузни тоза сўқдилар.

Жимжит бўлди дала-тош,
Қўк ҳам йиғлаб тўқди ёш,
Йигит-яланг, қари-ёш,
Уйга кириб чўқдилар.

Моллар тўлиб оғилға,
Озиқ чайнаб ётдилар.
Етим-есир бояқишлар
Совуқларга қотдилар.

1927

ҚИШ

Тўнгдиргувчи, музлатгувчи оппоқ қуш
Парларини ерга соча бошлади.
Бунга қарши жонворлар келмай туш
Хар томонға қўркиб қоча бошлади.
Оқар сувнинг нағмасини тиндирди,
Қўлидаги чолғусини синдирди.
Ёғочларни оқ пар билан ўради,
Ҳоким бўлиб ер юзини сўради.
Хаммаёкни ўраб олди оқ пар қор,
Жонворларга ернинг юзин қилди тор.

Авжга чиқди ер юзида оху зор,
Барча маъюсланиб деди: «ёғди қор!»
Эй совуқ қиш, эй совуқ қиш, совуқ қиш!
Сўнгги ишинг эрур сенинг йиқилиш.
Турулмассан, охир бир кун эрурсан,
Бор нарсангни, албат қўлдан берурсан.

1927

ТЕМИРЧИЛАР

Темирчилар, болғаларни олинглар,
Сандон боши* узра йиғилиб уринглар.
«Шароқ-шароқ» темирнинг товиши чиқсун,
Темир сизнинг кучингизни англасун.
Темир каби қаттиқ нарса дунёда
Қўлингизда эзилишини кўрсун.
Ва билсинким, сизнинг кучли қўлингиз,
Бутун дунё борлиғидан кучлидир.
Ва билсинким, шул қўлларнинг устида
Кучли қўллар, ҳақсиз қўллар бўлмайди.
Темирчилар, дами яхши босинглар,
Ўчоқлар ҳам яхши алангалансун.
Ўзингизнинг алангангиз билан, сиз,
Бу қоронғи уйингизни ёритинг!
Кўнглингизнинг софлигига, ишчилар,
Дунёнинг ҳам ёруғини қўшинглар!..

1927

БОҚОЧАЛАР

Бизлар ёш-ёш боқочалар,
Севадирмиз гимнастика,
Бундан шўнғиб, ундан чиқиб,
Ундан шўнғиб, бундан чиқиб,
Сув ичида эртадан-кеч
Ўйнайдирмиз гимнастика.

1927

* Палёсмон оғир темир ёўла.

ЁЗНИ ЭСЛАШ

Ох, қандайин ёқимли денгиз, эй гўзал ёз,
 Сени қанча мақтасақ-да, бўлғуси оз.
 Ўтиб кетдинг, эсизгина, бизни тошлаб,
 Сендан ажраб қолдик бизлар кўзни ёшлаб.
 Далаларда, кўкатларда моллар боқиб,
 Ўтни қалаб, гулхан солиб, олов ёқиб
 Қайнатардиқ «жижи кўки» ўтдан чойлар,
 Билинмасдан ўтар эди кунлар, ойлар.
 Қуёш ботғоч, уйимизга қайтар эдик,
 Севинишиб ашулалар айтар эдик.
 Шундай эркин чоғлар ўтиб кетди,
 Ўйин-кулги бари бутун қўлдан кетди.
 Майли, бунга қайғурмаймиз сира бизлар,
 Қайғурадир бунга фақат умидсизлар.
 Тездан яна ёз ойлари келиб етар,
 Табиат ҳам бизлар билан байрам етар.

1927

БАҲОР

Баҳор элчиси ўйноқ тонг ели
 Мужда келтирди табиат сари.
 Сени келишинг сезгач, ишқ ели,
 Шошилиб турди ўрнидан бари.
 Табиат кутиб севикли ёрин,
 Безаб ўзини, чечаклар тоқди.
 Юксакка осғон буюк попугин
 Ёрининг келиш тўйига ёқди.

1927

КЕЧҚУРУН

Қуёш секин биқинди
 Қаршимдаги тоғларда.
 Борлиқнинг кўзи тинди
 Ёлғиз дам шу чоғларда.

Қир туман-ла буринди —
Тоғдан тушди сурувлар.
Ұйноқ киздек буралиб
Оқарди пастда сувлар.

Сўнгра кўкни ёритиб
Чикди сариқ бир чечак.
Оқшом кўнглин овутиб
Аллаларди шаршарак.

1927

ОВЧИЛАР*

Тўпланишиб бир кун арслон, тулки, эшак,
Ов овлашга қарор қилди, булар бешак.
Қирға томон йўл олишиб кетишдилар,
Анча юргач, бир ўрмонға етишдилар.
Файрат билан овға ўзни чоғладилар,
Тезда овни тутиб, уни боғладилар.
Энди фақат тақсим қилиш иши қолди,
Арслон буйруғи-ла буни эшак олди.
Баб-баравар қилиб овни учка бўлди,
Севиниб эшак бу ишга мағрур бўлди.
Арслон бунга чидолмади, пилон тузди,
Югуриб бориб тақсимчининг бўйнин узди.
Энди тақсим қилиш ишин тулки олди,
Овни бўлиб, ўзига озин олиб қолди.
Буни кўргач, арслон кулиб тулки томон
Қараб деди: «Эй тулки дўст, бўлрил омон!
Мана бу кўб тўғри-тубли тақсим қилиш,
Эшакка ҳам керак эди буни билиш!»

1927

* Русча сочма асардан фойдаланилди. — Элбөк.

ПОЛИЗДА

Куёш иссиқ ёғдусини полизларға қаратиб,
 Шафқат билан, меҳр билан турғусидир таратиб.
 Ўз кучини кўрсатадир, кўкда туриб борлиққа,
 Турли яшил ўсимлик ҳам сабзаларни яратиб.

Памидори, карам, пиёз, сабзи ҳамда картўшка
 Шукир қилиб ўзларини яратгувчи куёшга,
 Қизил, яшил, оқ туслар-ла ўзларини безарлар:
 Марҳаматли зўр куёшнинг буюклигин сезарлар.

Қизаришиб памидори, қалампирлар ям-яшил,
 Ўсимликлар орасидан ўзларини кўрсатар;
 Буни кўргач, деҳқон бобо севиниб-севиниб тезгина
 Тўплаб олиб барчасин элтар-да уни сотар.

Оппоқ бўлиб оқ пиёзлар «Бизларни ҳам олинг!» дер,
 «Йиғиб-териб барчамизни саватларга солинг!» дер.
 Деҳқон бобо пиёзларнинг сўровини қайтармай,
 Уларни ҳам бирин-кетин йиғиб-териб оладир.
 Сўнгра «Навбат сизга келди!» дегандек:
 Серсоқолли сабзиларга кўзларини соладир.

Шундай қилиб, деҳқон бобо барчасини терадир,
 Бир озини кўпиратирга, солиғига берадир.
 Қолғонини, лозим бўлса, керагига ишлатар,
 Ортиб қолса, ўраға солиб баҳорғача қишлатар.

1927

ЎРТА ОСИЁДА КЕЧ КУЗ

Узун-узун чўзилиб кеткан карвон йўллар,
 Куйдиргувчи, ёндиргувчи иссиқ чўллар,
 Аччиқ-совуқ еллар билан қопландилар,
 Ўтли, иссиқ ҳаволардан покландилар.

Тоғ-тошларни қоплаб ётган қушлар, қуртлар
 Яшириндилар, учишдилар, йўқ бўлдилар:
 Олти ойлаб бўшаб ётган уйлар, юртлар
 Жонландилар, жонлар билан лиқ тўлдилар.

Ошлиқ билан ўралиб ётган экин ерлар
Яп-яланғоч бўлиб, жимжит, бўш қолдилар.
Иш деб тинмай жонин отган ишчи эрлар,
Экин-тикинларни тўплаб дам олдилар.

Турли емиш мевалар-ла тўлган боғлар,
Кўк япроққа эга бўлгон ўрмон, тоғлар —
Шумшайишиб ёзни кутиб қолишдилар,
Қишнинг узоқ уйқусига толишдилар.

1927

САҲРОДА

Юлдузлар қўқда порлар,
Сахро жимгина ухлар.
Тевалар секин-секин
Қўлкадек олға босар.

Тарқалар қўнғироқдан
Бир товиш умид тўла.
Акс этиб келиб узоқдан,
Дерки: «наридан сўра!»

Қўб йўллар ортда қолди,
Кетиш, сурилиш яна.
Мени ким йўлга солди?
Интилиш бор қўнгилда.

Чарчамайди тевалар,
Йўқмидир йўл сўнг-боши?
Сўйлар алланималар —
Юлдузларнинг қароши.

1927

ТУЙҒУ

(Ютуғлар муносабати билан)

Бир ўйноқи, шўх ёр,
 Жон ороми дилдор
 Этди мени хуштор,
 Бўлдим унга мен зор...
 Ҳисларгами чўмдим,
 Фафлатними кўмдим?!
 Дур маржони тоққоч,
 Ошиқ каби боққоч,
 Ул мархами жоним,
 Ул тотли забоним —
 Қат-қат яна куйдим,
 Ох-ох, нима туйдим?!

Кўкда уни мактаб,
 Зар сочгувчи офтоб:
 Ишқ рамзи атаркан,
 Мен шунгами куйдим,
 Ох-ох, нима туйдим?!

1929

МУЖДАЛАР

Ел кезар, еллар кезар, еллар кезар,
 Эл сезар, эллар сезар, эллар сезар.
 Қўрқули денгиз сувин ҳарён урар,
 Кайфланар, лаззатланар, даврон суар.

Ел кезар, еллар кезар, эллар кезар,
 Эл кезар, эллар кезар, еллар кезар.
 Кучли тоғлар йўлни боғлар, гердаяр,
 Ел уларга қўлни чоғлар, эрдаяр.

Тўскин ўлмоқ, тутқин этмак истаган
 Тоғлар ортиқ тортишолмас, жим қолар:
 Наъра тортиб ел-да кетмак истаган
 Ёқлариға ғолибона от солар...

Ғамли елда, тутқин элда бандилар
Қол-қоронғи зиндон ичра термилар.
Ел эсар, инлар сари йўртар, елар,
Элтмак истаб эркин элдан муждалар.

Тўхтамас тун-кун юрар, селдек тошар,
Ҳовриқар, тоғлар ошар, сувлар ошар!
Ел кезар, еллар кезар, эллар кезар,
Эл сезар, эллар сезар, эллар сезар.

1929

БАТРАК ҚОРАВОЙ

(Кўклам экин кампанияси муносабати билан)

Батрак Қоровой ака ҳам
Ер, асбоб, хўкиз олди.
Бўз ерни гуллатишга
Оғзига-да сўз олди:

«Ер ҳайдайман, экаман,
Ўзим меҳнат чекаман,
Жимжит қараб ётмайман,
Бировга куч сотмайман».

Манглай танғиб борурди,
Сакраб ўрнидан турди:
Қир бошида қор кўргач,
Яна қайтиб ўлтирди.

У кўкламнинг ғамин еб,
Хўкизни қўшиб тарайдир:
«Қор тамом кетдим» деб,
Хар кун қирға қарайдир.

Мана, мана севинчи!
Осмондан ёғди инжи.
Гуркираб ўтлар чиқди,
Қишни курашиб йиқди.

Шодланди унинг уйи,
Бошланди унинг тўйи:
Тинмай ишлар Қоровой,
Чопиб ўтар йилу ой.

1929

БАҲОР ИШҚИ

Кўргачок* севдим гулбаҳор қизини,
Юкиниб, ўпмак истадим изини.
Бўлмади, ел уни олиб қочди,
Ўзга тупроқни мен сари сочди.

Ям-яшил майса, барра барг, ўтлар
Гулбаҳор кўркини оширди яна.
Ёккувчи, йиккувчи олов — ўтлар
Телба ошиқ дилин шоширди яна.

Дил ҳамон талпиниб умид этадир,
Кўй, дилим! Мақтанишка шул этадир.
Чунки олдинг етарли бир савфо,
Яна сенга нечун керак гавфо?
Телбалик ишқ учун раво эрмиш,
Қийналиш дил учун даво эрмиш.

1929

ТЎРҒАЙ

(Паранжидаги она-сингилларим учун)

Бўз далада ўскан тўрғай
Сайрамасдан қандай турғай.

Мунгли сайраб тўрғай тагин
Жонлангирди терга ёгин.
Қўмсаб-қўмсаб кўклам чоғин,
Эслаб ўтди чечак боғин.

* Кўришданок.

Тинглагувчи йўқ-ди сўзин,
Қор босмишди дала-тузин.
Юпатди у ўзи-ўзин,
Катта очди икки кўзин.

Кўклам келса эрир қор, муз,
Очилғуси дала, тош-туз.
Кулгусидир ҳар қаю юз,
Қайғирма, эй бояқиш туз!..

Ой ёғдусин ерга сочди,
Тун бағрига йўллар очди.
Сирли боқиб, юрак ёқиб
Ўзи аллақайга қочди.

Қуйлаб эсди тавачи* ел,
Қуйланишдан уйғонди эл.
Тошди ҳарён кучли бир сел,
Қиш курашиб синдирди бел.

Ҳар томонга чопар кетди,
Шовқин-сурон кўкка етди.
Борлиқ яйраб байрам этди,
Қайғу-алам битти, кетди.

Тўрғай сайраб қанот қоқди,
Кўк денгизда юзиб окди.
Қунга бу хол жуда ёқди,
Бунга у ҳам кулиб боқди.

1929

ЯЛТА ОҚШОМИ

Тоғларга илинди қуёш этаги,
Оғочлар узокда эр тўплам кўлга
Денгизда порлаган Фуруб** чечаги
Сувларнинг кўйнида қирмиз машъала.

* *Тавачи* — чакирғучи.

** *Фуруб* — Ялта тепалиқларидан бирининг номи.

Учиб бир гала куш аллақайларға,
Йўқолди кўзимдан нукталар каби.
Сукунат чўзилди Ғуруб сойларға
Харёқда кундузнинг учди шўх дами.

Фақат онда-сонда юксалар секин,
Қирим қизларининг мунгли қўшиғи.
Ёнаркан юлдузлар жим, бирин-сирин
Кўнглимга қуйилар олтин туйғуси...

1929

ЁЗГИ ТУН

(Эскиз)

Кун ботар, эл ётар, тинар ҳар жон,
Шам ёқар, ой боқар, тоқар маржон.
Ел турар, чарх урар, кезар ҳар он
Севганин охтарар, бўлар сарсон.

Нуркар* от сингари оғоч-буталар
Пишқирар, тишланар, кулоқ чимираар.
Барг ичиндан кўзин сузиб, дил узиб
Мевалар севгили ёрин куталар.

1929

КУЗГИ КУН

(Эскиз)

Тонг отар, ой ботар, сўнар юлдуз,
Тун қочар, йўл очар, бўлар кундуз.
Жонланар, шонланар, кулар борлиқ,
Бошланар шавқ-завқ-ла хушёрлиқ.

* Отнинг бир тури, човқарга ўхшаш.

Хар замон, ҳар томон юрар чанглар,
Кўзғолиб, тўзғолиб турар чанглар.
Кувлашар, хувлашар, эсар еллар,
Жанг қилиб, чанг йўлин кесар еллар.

Шув этар, қалтирар, тинар барглар,
Дув этар ялтирар, инар барглар.

1929

ОҚШОМ

(Парча)

Субҳнинг сиймин ёқаси йиртилиб, сир бўлди фош,
Ҳимралиб, минг тўлғониб, кўзлар сузиб чиқди қуёш.
Соқчи ойнинг, нурли ойнинг юзлари сўлди юввош,
Чарчаған чўпон каби мудраб уфукқа қўйди бош.

1930

ҚИШЛОҚДАН ХАТ

I

Ёз кунлари — дала-тошлар унлари
Қанот ёзар, ҳарён учар, ёйилар.
Дунё — буюк кўзгу, ҳар он товланар,
Турмуш унда гаудаланар, акс этар.

Дарёлар ҳаётнинг қон томирлари,
Ботирлар қонидай, жўш урар, тошар.
Томчилар борлиқнинг инжу-дурлари,
Бирлиант сингари қиммати ошар.

Тоғлар асрлардан қолмиш хазина,
Бағрида зўр бойлиқ сақланиб турар.
Бойлиқлар — динамо, кучли машина,
Фалакнинг гардишин тек ул кўзғотар.

Куч — юрак истаги, мақсад — тилаги,
Хар замон юракнинг тегар кўмаги.
Куч — ишчининг қўли, толмас билаги,
Кўмакчиси — унинг тоза юраги.

Турмуш онгни белгилар ҳам ўстирар,
Хаётда ҳаракат шов-шув кўзготар.

II

«Қишлоқ тинчлик, омон-эсон юрибмиз,
Экин-тикин ишни ўтаб турибмиз.
Иш жуда кўб, тек турувга вақт йўқ,
Унум яхши, ҳамма хурсанд, қорин тўқ.

Янги хабар: юртни хатга солдилар,
Йигитларни аскарликка олдилар.
«Инвалид» деб мени «атказ» қилдилар,
Гўё дилим ханжар билан тилдилар...»

III

Сўнмас тилак, кучли билак эгаси,
Ҳеч шубҳасиз, сен — ўзгариш меваси!

Сен ишлагач: қора ернинг қоқ бағри
Юмшаб, «қизил», «оқ олтин»га айланар.
Илк сахарда аҳволингни сўрғали,
Тонг юлдузи вакилликка сайланар.

Товиш қўйиб, завққа тўлиб айтганинг
Ашулалар дала-тошни уйғотар.
Ухлагувчи қушлар, ошиқ булбуллар
Дилларини қайта бошдан кўзготар.

Сенинг ботир, чарчаш билмас юрагинг —
Виждонингга энг ишончли гаровдир.
Буюк эркинг сари борув йўлида
Энг қадрли, қимматбаҳо яловдир.

Эй азамат йигит, дала лоласи,
Сен-да аскар ва сен аскар боласи.

1929

ИШЧИ ҚЎЛ

*(Чоржўй — Хива темир йўли солинuvi
муносабати билан)*

Чексиз, кўрқинч кум денгизи — куруқ чўл
Кўксин бир кун ёражақдир темир йўл.
Тезда бўшаб колар эски карвон йўл,
Обод бўлар, яшнар, тўяр шу оч чўл.

Аниқ-равшан яқиндирки, бу оч чўл
Ўз бағрида миллионларни боқажак.
Жайхун — Сайхун дохи йўлни ўзгартиб
Бу томонға суръат била оқажак.

Қизилкумнинг у — ялтироқ кумлари
Чин қип-қизил олтинларга айланар.
Меҳнат билан ўстирилгон гуллари
Очилар-да, даста-даста бойланар.

Ўлик, зўр чўл қайта бошдан жонланар,
Маданият касб этар-да шонланар.
Порлар ҳарён, кулар ҳар он ўнгу сўл,
Албат, буни яратажак ишчи қўл!..

1929

ҚУЁШ

Шарқнинг уфқи кун бўйинча қип-қизил
Юмшоқ, майин парда ичра ўралар.
Келинчаклар каби қуёш қизариб,
Баъзан ерга секингина мўралар.

Эҳтимолки, Шарқнинг буюк тоғлари
Кўнгилдаги сирларини очгондир,
Ёки емишлар-ла тўлгон боғлари
Ўксиб-ўксиб ёшларини сочгондир.

Қуёш-да уларнинг ўтли сўзларин
Тинглағач, ким билар, балки шошгандир,

Шунинг-чун ўйноқи, чакноқ кўзларин
Сузиб-сузиб, юмиб-юмиб очғондир.

Йўқ! У қуёш, кўзин юмиб очмайдир,
У севадир, севганидан қочмайдир!
Ул севикли ошиқларин кўрмакчи,
Кулиб-кулиб ҳолларини сўрмакчи...

Фақат баъзан унинг юзин қоп-қора
Манхус қанот қопламоқчи бўладир,
Фақат олғоч тифларидан заб — яра,
Чидолмайдир, типирчилаб ўладир.

Шундан жиркангани учун кўзини
Сузиб, пир-пир юмибгина очадир,
Парда билан ўраб-чирмаб ўзини
Бир нафас бўлса ҳам нари қочадир.

Унинг ошиқлари ёлғуз Шарқдамас,
Ғарбда ҳам милёнлаб кутиб ётадир.
Севганин билдириш учун қуёш-да
Уларга қаратиб гуллар отадир.

Лекин Шарқнинг табиати, қилиғи
Унинг кўнглин сўнг даража ёқмишдир.
Хатто ўз кўли-ла даста-дасталаб
Шарқ кўксига қизил чечак тоқмишдир.

Қуёш Шарқдан чиқиб Ғарбга ботадир,
Сўнг шуъласин яна Шарққа отадир.
Қарши чиққон билан манхус шабпарра*
Унинг олдидадир кичик бир зарра...

1929

* Кўршанапалак.

КЎКАТ ПАХТАЛАР

Очилди, яшнади қизилгул, чаман,
Сочилди, тарқади ҳидлар ҳар томон.
Безанди, яшарди қиздай арғувон,
Келтирди табиат ҳадя-армуғон.

Сувлар кўзгу каби ёниб оқдилар,
Қушлар ишқ ўтида юрак ёқдилар.
Сунбуллар, суманлар қулиб боқдилар,
Оғочлар ясаниб гуллар тақдилар.

Юраклар ёлкинлар, ўтлар сочдилар,
Кўзлар қанотларин кенг-кенг очдилар.
Бошланди тебраниш, уриниш менда,
Завқ ортди, шавқ ортди ҳарён, ҳар жонда.

Сезгилар сув каби тўлиб-тошдилар,
Севгилар чекидан чиқиб ошдилар.
Шавқларга, завқларга чўмғоним дамда
Ўзгариш туюлди борлиқ танамда.

Мақтадим баҳорни, гўзал баҳорни,
Чунки жонлар ундан тотли завқ олар.
Айниқса қуёш — қиз сочин ёйғонда
Кулф урар, жонланар кўкат пахталар.

Бошланар авж олар меҳнат қуйлари,
Кундузга алмашар дала тунлари.

1930

КЎК ҚИЗИ

Оҳ, битди сабру тўзим,
Қорайди икки кўзим.
Фигонларимни фақат
Тинглагувчи бир ўзим.

Туғилғон кунимданок
Севган эдим мен уни.

Кўз очиб кўргач шунд,
Севмайми яна уни?

У ҳар куни ясаниб
Кулиб-кулиб боқадир.
Кўзин сузиб, дил узиб
Борлигимни ёқадир.

Баъзан ётар чоғида
Ёстиғига суялиб
Ўйлабгина қоладир,
Хаёлларға толадир.

Ким биладир шу чоқлар
Хаёлними кучоқлар?
Ёки меними ўйлар,
«Севдим» деб қачон сўйлар?

Йўқ-йўқ, ҳеч бир ўйламас,
Сира-сира сўйламас!
Мени кўрса қочадир,
Нафрат ўтин сочадир.

Теграм қора тун каби
Парда билан ўралар.
Ёшли кўзим, на ўзим,
На ўзгани кўралар.

«Эҳтимол-ку, у менинг
Қийналишим туймағай,
Юрагидан мен каби,
Чин ишқ билан суймағай!..»

Мен буларни сўзларкан,
У тепадан мўралаб
Секингина қарайдир,
Олтин сочин тарайдир.

Кўргач, кўзим ялтираб,
Кетар юрак қалтираб.
Боқар дилим ёр сори,
Тинар фиғон, оҳ-зори.

Ўз янглишин у англаб
Андаккина қизарар,
Сўнгра, аста одимлаб
Бирдан кулиб юборар.

Олтин сочи тўзғолиб
Юзларига тирмашар,
Марҳамати қўзғолиб
Кўпириб тўлар, тошар.

Мени баъзан ёнига
Чорлағондай бўладир,
Қарар экан кўзларим
Ёшлар билан тўладир.

Шу чоқ гўзал юзини
Ёт томонғо бурадир.
Кўз олдимда қора тун
Жилваланиб турадир.

Ўртар ҳар бир ёғимни
Қора, қалин бир тумон,
Чулғар сўлу соғимни
Шубҳа, ваҳималар шу он.

Шу чоқ бирдан тонг ели
Ўйлаб ўтар ёнимдан.
Ўйинчиси — раққоси
Таълим олар қонимдан.

Кўргач буни кўк қизи
Кўзларини чакнатар.
Қизил шоҳи кўйлагин
Кийиб дилга ўқ отар.

Кўнглим уни олқишлаб
Мадҳиялар ёғдирар,
Билмадим, қачон уни
Ўзи сари оғдирар.

1929

КЎК ҚИЗИ ЭМАС

«Ичим тўла ғам-алам,
Хасратим ғарам-ғарам.

У ҳар куни ясаниб
Қулиб-кулиб боқадир.
Кўзин сузиб, дил узиб
Борлиғимни ёқадир...»

Қун эмасдирки, қараб бўлмасун,
Ўт эмасдирки, ушлаб бўлмасун,
Суратини айтай қисқа сўз билан,
Бирок мақтангуликдан бўлмасун:
Сочлари қора, кўзлари ўйноқ —
Қурашчи эл қизи ёш, соғлом уйғоқ.

* * *

У эмасдирки, кўз сузиб боққон,
Кичиклик билан кўнгилни ёққон,
Ёки нозик, сўлғин бир гулга ўхшаш
Кечалари қўйиб ёстукға бош
Белгисиз чуқур хаёлға ботқон,
Шоирнинг кўнгилни доғлаган.

* * *

У эмасдирки, ишқ учун туғулган,
Паризод эмас, шабнамдан тўкулган,
Қиё боқиб зулфини тўзватган,
Шоир кўнглига ҳасрат тутатган.
Солиб юрагина қора қайғи,
Айлаб ҳаётини қоп-қоронғи,
Сўнг кулиб истехзо билан
Яшаган фақатгина ноз билан.

* * *

У ҳам кўк қизи ё сув қизи,
Ноз ичра ўскан буржуа қизи.
У — оғир қисмат билан курашган
Ёшлигиданоқ меҳнатда ўскан,

Оддий эр кизи, бироқ Шарқнинг
Кураш йўлида умидли юлдузи.

* * *

Даштдан келмишди, тунов кун бордим,
Деди жилмайиб: «Келинг, ўртоғим,
Сўз кўб, сен билан ўртоғлашмоққа
Мен бориб келдим йироқ қишлоққа».
Хикоя қилди: бу кун қишлоқда
Қора кучлар нечук бўғилмоқда.

* * *

Жон, мол деб муфтхўр синфий душманлар
Нечук биз билан кураш тушганлар.
Нечук енгилиб улар ёқ-ёқда,
Вовиллаб бизга пичинг отмоқда.
Янги қишлоқ нечук қурилмоқда,
Ёрилиб янги тонг туғилмоқда.

* * *

Йўқ хасратим, йўқ кўнглимда ғамлар,
Ғам-ғуссалар бўлади тору мор:
Кўрган замон шу курашчи қизни,
Шу қора кўзни — ёруғ юлдузни.

1930

КЕЧКИ ОЛМОШДА

Туннинг тундан сочларига
Шуълалардан лента тоқдиқ.
Унинг юмшоқ кўйни сари
Нур сингари юзиб оқдиқ.

Қара, майин қумрол сочлар
Олгин тусга айландилар,
Электрик ипи билан
Тулум-тулум бойландилар.

Олтин сочининг тулумлари
Сари тўймас назар солдик,
Меҳнат қизи этиб уни,
Ўзимизга қўшиб олдик.

1931

ҚАЛБИМ

Хаёлим қўлимдан капалак каби
Учқиниб йўқолди, билмадим, қайга?
Уни охтараркан қалбим назари
Ташланди ялтираб турувчи ойға.

Хой, сўйла, ой! Менинг ҳаётим қайда,
Ёки сен ўғирлаб олиб қўйдингми?
Хой қалбим, айткил сан, у қайси жойда,
Ёки сен ҳам охтаришдан тўйдингми?

Англадим, тушундим, хаёлим менинг
Шу чиройли ойнинг қўйнига қочкан.
Қалбим боли сенга, кўзларинг сенинг
Уни кўра олгон, ой сирин очқан.

1934

БИР ЎЛИМ ХОТИРАСИ

Мудроқ кўзларини юмдилар тоғлар,
Зулмат қўрғонига айланди дара.
Милтираб сўндилар сўнгги чирөөлар,
Ер юзин қоплади қоп-қора парда.

Чигирткалар гўё қайрашиб арра,
Тунинг қора бағрин қиймалаб узди.
Қишлоқнинг ёнида оқувчи дарё
Арралар овозин емирди, бузди.

Ёзнинг дим ҳавоси уйнинг нафасин
Бўғуб ташламоқда, энтикмақда у.
Бояқиш қуш тебратмақда қафасин,
Орзу, тилаги бир ютқулиқ сув.

Унинг вужудини парчалаган шу —
Қафаснинг қийноғи, ғам-алам доғи.
Билмадим, дилидан кетдими, йўқми,
Ўйлайман кетиши кўб қийин чоғи!

Қушнинг аламлари чекидан ошди,
Сакради, йиқилди, чўзилиб ётди.
Кўнглим бу аҳволдан ортиқча шошди,
Дилимга бу дарднинг ханжари ботди.

Онам ўлди! Онам мени боққанди,
Онам менга ҳаёт шамин ёққанди.
Менинг учун кеча-кундуз ғам чекиб,
Шафқат ёши юзларига оққанди.

Онам ўлди, фақат ундан ёдгор
Қолди менга фақирлиқ ҳам алам, зор.

Мен онамни жуда яхши кўрардим,
У мени ўстирган, боққан эди.
Ундан ҳар нарсани эркин сўрардим,
Жавоб бериш унинг жўн иши эди.

Ямоқли кийимни менга сақловчи,
Мени кўриқловчи, ортиқ ёқловчи
Шу онам-ди, буни яхши биламан,
Мен уни айниқса ҳурмат қиламан.

У — йўқ энди, аллақачон ўлди у,
Ўлганида мен жуда ҳам ёш эрдим.
Энди ёшим тўлгач, фарзандли бўлгач,
Яна кадрин билдим ва баҳо бердим.

Она! Ёшлигида боққан гўдагинг
Ота бўлди, унинг ҳам ёш ўғли бор.
Лекин бу ёш ўғил сенинг ёш ўғлинг
Қаби эмас, узоқ ундан қайғу, зор.

Замон таг-тубидан ўзгарган бутун,
Сен буни кўролмай кетдинг-а, эвоҳ!
Сени ўйлаганим чокларда у тун,
Кўришиб, ғам билан бўламан ҳамроҳ...

1934

ҚИЗИЛ ОЛМАЛАР

(Гўдаклар уйи ёнидан ўтаркан)

Шу жажжи гўдаклар қандайин яхши!
Қарадим уларнинг юзига бир қур:
Худди бир олманинг қип-қизил нақши,
Юзларда ялтирар қирмизи бир нур.

Олма юзлар сари назар ташлагач,
Кўзларим олмадай товланиб кетди.
Олмалар, сизлардан ёза бошлагач,
Рухим сизлар каби яшариб кетди.

Қаёғда ва қайси боғларда ўсиб,
Бундайин ёқимли бўлдингиз, айтинг!
Сўрайман сизлардан йўлингиз тўсиб,
На қилиб шу қадар тўлдингиз, айтинг!

Қанчалиқ боқсам-да кўзларингизга,
Назарим сизларға яна йўл солар,
Неча қулоқ оссам сўзларингизга,
Қулоқларим яна тиккайиб қолар.

Ихчам қутиларга терилфон олма
Сингари, тартибли тизилмишсизлар.
Оппок чойшаб узра қаторланишиб,
Худди шеърим каби чизилмишсизлар.

Гўдаклар! Сизларни олмалар, дедим,
Қизил олмаларга сизни ўхшатдим.
Чунки олмалардай қизаргандингиз,
Чунки олмалардай тозаргандингиз.

Чиндан-да, олмасиз барчангиз бир боғ
Емиши, буни мен яхши биламан,
Сизнинг дилингизда кўринмайди доғ,
Аллақачон битган у боғчадан зоғ.

Эй эркин боғларда ўскан гўдаклар,
Эй топ-тоза мия ва пок юраклар!
Сизлар, юртимизнинг хандон гуллари,
Сизлар, гулистоннинг шод булбуллари.

Тусингиз, турқингиз бир бўлмаса ҳам,
Рухингиз, дилингиз бир-бирига банд.
Кўзингизда асло кўролмадим нам,
Қунтим билан излаб кўрсам-да ҳарчанд.

Эй миллат фарқини унутган миллат,
Эй ўсиб келувчи тоза, ёш бўғун,
Эй ёв тишин синдирувчи тош бўғун,
Олмадай танларинг кўрмасун иллат.

1934

АНОРЖОН

Ариқ бўйида ўскан кўкатлар
Сувнинг елкасига қўлин солай деб,
Унинг юзларидан ўпиб олай деб
Интилиб турибдир, кўрдингми, Анор?

Бир вақтлар шу ариқ бўйида сени,
Сувлардай тўлғониб турғон бир ҳолда
Кўргандим, бироқ сен кўрмовдинг мени,
Кўзларинг кезарди баргакли толда.

Паришон дилингдек сочилғон сочинг
Ичидан толбаргак сингари юзинг
Сарғайиб кўринди ўшал замонлар.
Булутли кўкларда айланиб учғон
Қалдирғочлар каби қийғоч қошларинг
Юзинг кўки узра учар эдилар.

Ариқдан одимлаб ўтканинг чоқда
Қалтираб кетканди бутун борлигинг,
Дилинг хасрат-алам, ғам-ғусса, доғда
Коврилиб битканди бутун борлигинг.

Нима бу, Аноржон, нега шунчалар
Ўзгардинг, қани у ялқов замонлар?
Очилмиш лабингда хандон ғунчалар,
Елкали учдилар юздин самонлар?

Шу кўрганинг толдек турмуш кулочи
Кенгайиб, баргакдек ёшлиқ чоғингни.
Япроқлар ичига кўмибми кўйди,
Айткил-чи, Аноржон, сенга на бўлди?

Тарихий ариқдан оқиб ётгон сув
Сингари у кунлар оқибми кетди?!
Турмушнинг хушчақчақ, ўйноқ йигити
Сўлмас чечакларин тақдимми этди?!

ҚИШЛОҒИМ

Энг олдин кўзларим очғоним замон
Кўргандим сени мен, эй гўзал қишлоқ.
Кўнглимда сақланиб турмоқда ҳамон
Муҳаббатдан асраганим армуғон.

Ёшлигим тер каби кўйнингга оққан
Чоқларни эсласам кўзимга шу он
Кўринар қир, ўрмон, дала, боғларинг,
Чўққисин қор босгон буюк тоғларинг.

Тоғларинг бағрида ўскан долалар
Кўзларим ўнгида оловдай ёнар.
Хаёлим қўллари бу оловларни
Келтириб дилимга оҳиста солар.

Ёнингдан ўйноқлаб оқувчи дарёнг
Кўёшнинг тиғида товланиб ҳар ранг
Тўлғонар, буралар, химралиб оқар,
Кўзларни телмиртар, дилларни ёқар.

Мен сени ўйлагач, ўшал кўруниш
Жилваланар, дархол намоён бўлар.
Дилимда ховриқиш, чексиз тебраниш
Бошланиб, вужудим тўлқинга тўлар.

Мен ҳам дарёнг каби тўлқинланаман,
Тўлқиним қирғоқдан ошиб кетадир,
Мен кучли оловдай ёлқинланаман,
Юрагим ўт сочиб тошиб кетадир.

Эй дабдаба бирлан олға босгувчи,
Кўлликтив хўжалиқ макони қишлоқ,
Эй энгиш туғини баланд осгувчи,
Шаҳар билан бирга боргувчи, қишлоқ!

Сендан айрилғоним замондан бери
Ортди, камаймади юрагим меҳри.
Эй ёшлигим каби пусиб қочгувчи
Илҳомим, қайдасан? Келсанг-чи бери!

Менга бўйсунувчи қалам, қоғозлар
Шеъримни кутишиб қараб қолмоқда!
Илҳомим, қилсанг-чи менга оғозлар,
Фикрим йўлларингда ҳориб-толмоқда.

Қаламим қоғозлар устида ўйнар,
У ҳам мен сингари бир нарса ўйлар
Ками гоҳ замонлар тўхталиб қолар,
Бу ишдан юрагим сикилар, толар.

Ахийри, ўйланган мақсад топилар,
Қўнғлим ёш боладай чапаклар чалар.
Қаламим, фикримнинг на учун тўхтаб
Турғони шу замон билиниб қолар.

Қишлоғим! Ўтмишда сени эздилар,
Йирткичлар бағрингда эркин кездилар.
Лолангдек очилғон маъсум жонларинг
Шу қора кунлардан ортик бездилар.

Безганларнинг қаторида мен ҳам бор
Эрдим, ғамли эди сенинг юзларинг.
Табиий кенг, гўзал бағринг бўлди тор,
Фарқсиз қолди қиш, баҳор, ёз, кузларинг.

Қишлоғим! У кунлар абадий кетди,
Кўрдим юзларингни лолалар каби.
Дилимга дилингдан муждалар етди,
Юрагим севинди болалар каби.

Қишлоғим, сени мен ортиқ суяман,
Сенинг ишқинг билан ёниб, куяман.
Сен, менинг биринчи ҳаёт бешигим,
Сен, менинг ҳаётга чиққон эшигим.

Кўб замон ўтса-да, эй гўзал қишлоқ,
Сени хотиримдан чиқарганим йўқ.
Доимо эслайман, сени ўйлайман,
Эслашдан, ўйлашдан зерикканим йўқ.

Нега ҳам унута олайин сени,
Ки, сен энг биринчи ошинам бўлсанг.
Нега ҳам кўзимдан ташлайин сени,
Ки, сен мени боққан бир онам бўлсанг.

Онам билан мени боққан, эй она,
Топиб олдим азиз бир она яна,
Бу онамдир — менинг буюк ватаним,
Бу онамдир менинг жоним ва таним.

Бу онам бағрида яшамоқдаман,
Унинг бағри сеникига нисбатан
Чексиз буюк, гўзал ҳамда ардоғли,
Сенинг-да ҳаётинг ўшанга боғли.

Мен сизларни баб-баравар суяман,
Сизга бўлғони юмушимни туяман.

1934

ҚУТЛАЙМАН

*(Пахта планин вақтидан бурун тўлдирган
колхозчиларга бағишлайман)*

Нега ҳам қутламай ёруқ юлдузни,
Ки унинг кетидан тонг юзин очса.
Нега ҳам мақтамай у порлоқ юзни,
Ки у жонбахш нурин жаҳонга сочса.

Кун нурин кўрганда кўзларим менинг,
Тонг юлдузин эслаб ўйга толаман.
Шуълалардек оқар сўзларим менинг,
Қуёшни мақташдан лаззат оламан.

Кечалар осмонга боққаним замон
Тушар хотирамга ер юлдузлари,
Хаёл дарёсига оққаним ҳамон
Кўринар кўзимга қишлоқ қизлари.

Тунов кун Анорни қишлоқ кўкида
Юлдузлар ичида ёруқ юлдуздек
Ялтираб турғонин тонгда кўргандим,
Шу ондан, шу дамдан шеър ёзишни
Ва шоирликни-да ундан ўргандим.

Менга илҳом берган тонг юлдузлари —
Тангларда ялтираб пахта тергувчи
Қишлоқ йигитлари, хотин-қизлари,
Дилимда қолмишдир уларга бўлғон
Хурмат, муҳаббатнинг чуқур излари.

Мен ҳам муҳаббатга топширдим ўзни,
Фақат бу муҳаббат — иш муҳаббати.
Муҳаббат исмидан бошладим сўзни,
Муҳаббат шеъримнинг қўша қаноти.

Электр лампаси ялтираб ёнар,
Уйимда ёғдулар кезган замонлар
Эшиқдан пириллаб учуб кирди Нор,
Тозагул юборган қуш-хат, хушхабар...

Ютганим кўк чойнинг ярмиси совиб
Қолди оғзим ичра ўтмай тўхталиб,
Хушхабар қўш қанот ёзгани ҳамон
Қулчадек юрагим кетди чайқалиб.

Мукофот! Нондаин ширин ҳикоят,
Нечун ҳам куш — хабар ёзмасун қанот?
Мукофот қандаин ардоқли бир от,
Мукофот отидан шеърим олди тот.

Норларнинг қишлоғи бахти юлдузи
Пахталар сингари очилиб қолмиш,
Планни энг олдин, вақтидан бурун
Бажаргани учун мукофот олмиш.

Мукофотлар учун лойиқ, сазовор
Бўлғон меҳнатчилар, Анорлар, Норлар.
Диллари нега ҳам ёруқ бўлмасун,
Кўнгилга нечун ҳам севинч тўлмасун?!

Планни тўлдириб мукофот олғон
Қишлоқдаги дўстим ботир Норйигит!
Сени, колхозингни қутламоқ учун
Менинг шу газетнинг ичига солғон
Кичкина ҳадямни, лутфан қабул эт!

1934

ТОЗАГУЛ УЧУН

Кунлар ўтмакдалар тунларни қувиб,
Биламан, лек бунни санай олмайман.
Сувлар оқмоқдалар қирғоқни ювиб,
Сезаман, тек унга назар солмайман.

Чунки назарларим бўш эмас, боғли,
Бунни боғлагувчи жуда ардоғли.
Мен учун у тансиқ, қимматбаҳо гул,
Унинг қаршисида доғ коллар сунбул.

Хаёлим кўзлари шунга термулиб
Унинг ўсишига нур сочмоқ истар,

Дилим дохи унга ортиқ берилиб,
Мени шул томонга юрмоққа қистар.

Бу йўлда у барно ишқида дoston
Сўйладим, лекин бу унга нисбатан
Кўб тубан эканин аниқ биламан,
Мақташдан ортиқдир у хақиқатан.

Кунлар ўтмақдалар тунларни қувиб,
Сувлар оқмоқдалар қирғоқни ювиб,
У барно ишқида сўйладим дoston,
Достондан ортиқдир у, хақиқатан.

1934

МЕНИНГ ҲИКОЯМ

(*О.Р. га*)

«...Шеър ёзаверма, ҳикоя ҳам ёз...»
Деб эди тунов кун маъноли йигит,
Мен шу дам жавобга қилсам-да оғоз,
Жим қолғондим, бунинг учун афв эт.

Мен шоир ҳам эмас, ҳикоячи ҳам,
Шоирликдан сира урмадим мен дам.
Лекин шоирликни орзу қиламан,
Аммо буни кўб қийин деб биламан.

Шеър ёзиш менга эрмак иш эмас,
Бунчалик иш менинг қўлимдан кemas.
Мен ҳали битта ҳам шеър айтмадим,
Фақат шеър йўлидан сира қайтмадим.

Ёзганим шеърлар келажакдаги
Ҳақиқий шеъримга йўл очса эди,
Шеърим қуёш каби порлаб юртимга
Кучли нурларини бир сочса эди.

Мен шундайин шеър учун қуяман,
Юрак шеърин дилим билан туяман.

Шунга томон қанотимни кераман,
Бир шеърим-чун борлиқ шеърим бераман.

Унинг ошиқиман, излаб юраман,
Қўйнимни унинг-чун очиб тураман.
Агарда у порлоқ юзин кўрсатса,
Парвонадек унга ўзим ураман.

Дўстим, қабул этгил менинг арзимни,
Ўташ учун тиришаман қарзимни.
Орзум шоирликдан сўз очиш эмас,
Лекин шоирликдан ҳам қочиш эмас.

Мен аччиқ хафалиқ одатин ташлаб,
Қарши олғон эдим сени олқишлаб.
Сўзларинг эсимда, яхши биламан,
Шунинг учун сени ҳурмат қиламан.

Лекин нима қилайин, ки илож йўқ,
Шеър дейман, орқасидан кетаман.
Бу тўғрида ожизона қарашим
Бор, буни мен сенга баён этаман.

Шоирликдан мурод сўз кўчиришмас,
Шоирлик — маънони тиза билишдир.
Мазмунни рассомдек чиза билишдир.

Турмуш лавҳаларин тасвирлай олиб,
Йўлларни тартиблаб, қолибга солиб,
Жамият қошида манзур этишдир,
Кўзланган тилакка тезроқ етишдир.

Шеър шоирликдан мақсад ҳам тасвир
Этмақдир турмушни, бу эса рассом
Қўлида жонланар, шубҳасиз, албат,
Шеър қийин, шоирлик кўб машаққат.

Дўстим, ҳикоятим менинг мана шу,
Шеър ҳам турмушдан бир ҳикоя-ку.
Қўй мени, майли, мен шоир бўлайин,
Ўлгунимча шеър-шеър деб ўлайин.

1934

ТОШКЕНТ КЕЧАСИ

Тоғлар бошида шуъла — чироқ милтирар эркан,
Алвон кадрин ерга тикиб аста ётар кун.
Кўкларда оловлар кўзи йилтирар эркан,
Салмоқ қадамин ер юзига аста отур тун.

Олтин кийимин бир йўла ечканда гўзал ер,
Қизилт танида қоп-қора сочлар учар, ўйнар.
«Э жилвали Тошкент, менга бир ўпич бер!»
Ой суқланар эркан, тили доим шуни сўйлар.

Тошкент кечаси кундузидек жонли ва порлоқ,
Йўқ унда сукунат асари, қоп-қора тунлар.
Иш, меҳнату ҳам шодлик ила тўп-тўла ҳарёқ,
Тунларни қувиб енгмиш уни ёғдули кунлар.

1935

ЙЎЛЧИ КУЙЛАРИ

Мўйсафид тоғларнинг чўққиларида
Куёш дам оладир окшомга довур,
Улкан дараларнинг қўйинларида
Шуълалар қалтираб оҳиста совур.

Адирларга қора бир қуш қўнадир,
Чўпон ўти туссизланиб сўнадир.
Шўх дарё сойларда қиладир ғовур,
Қирғоқда кўринур енгил бир ховур.

Сонсиз бекатларни ошиб ўткан шу
Йўлчининг ётоғи қаерда экан?
Кўзларидан ўпиб куёш ичди сув,
Унинг ётоғини шу билармикан?!

Изладим йўлчининг турар ерини,
Сўрадим куёшдан, юлдуз, ойлардан.
«Бир ўзимдан сўра нари-берини!»
Деган товиш келди чуқур сойлардан.

Тингладим буни мен тоғлар бўйинча
 Қарашдилар бўйин чўзиб арчалар.
 Ўтириб дам олдим хаёл ўйида,
 Йўлчини сўроқлаб ёздим парчалар.

Турар ерим бўлди Чирчиқ бўйлари,
 Йўлчининг ётоғин мен топиб олдим.
 Дилимга завқ берди кувнок куйлари,
 Унинг теграсида айланиб қолдим.

1935

СЎЛМАС ГУЛ

Кетдим — йўлакай, қолди фақат ерда узун из,
 Етдим далалар бағрига кўклам елидек тез.
 Тоғлола оғиз, кўзлари юлдуз, юзи гул қиз!
 Хай, хай, шу гўзал ергами чорлаб эдингиз, сиз?

Келдим, мана, айтаман яна: келди ана ул, деб,
 Мақсад-тилаги, истаги, дарди — лола-гул, деб.
 Гул-лола билан бирга ўсар, бирга яшарман,
 Гул мадҳида булбул нима? Ундан-да ошарман.

Лекин биламан, қирмизи юз, сочлари қундуз,
 Гул ишқида дардлар била сайраб кеча-қундуз,
 Олам аро гар солса-да гулу ўша булбул,
 Тездан тинадир: фасли ўтур, сўлгусидир гул.

Мен севганим ул гул қошида лолаю сунбул,
 Бошлар эгадир тиз чўкадир райхону жанбул.
 Ўргат менга, кўрсат менга ишлаш йўлин, эй гул,
 Кул, кул, яна бир кул, гул, кун каби бир кул!

Гул денгизи кўрсун шу кулишларни ўшал дам,
 Жунбишга кириб кўк сари ортиб қулоч отсун.
 Мен ҳам бўлайин долғали денгиз била ҳамдам,
 Ёв елкани денгиз тубига тош каби ботсун.

Кел-кел, қани, бирдамлик ила тер сочайлик биз,
 Сўлмас гул учун, сунбул учун йўл очайлик биз.

1935

«ГУЛСАРА»НИНГ ЭГАСИГА

Гуллар ичида гул каби андоққи очилдинг,
Эй бахт гулининг нашъаларин сўргувчи кувват!
Гуллар ҳақида айладинг, эй ёғду, сочилдинг,
Сендан Тозагул, Гулсаралар олди мурувват.

Кўрдим сени ул кунки, дилим Гулсара бирлан,
Хамдард бўлиб ўтмиш учун лаънат ўқуркан,
Сўрдим тўлин ойдан кўзим ўнгинда сўлуркан,
«Қайларға йўқолди ўша қашқир?» деди: «Сиртлон».

Ваҳший далалар бағриға қочғон эди, альон,
Ул ерда яшай олмагусин билгач, ўшал он
Таслим қўлига берди ўзин, оғзи қизил қон,
Манхус* тиши бўлди азамат мушт ила талқон.

Эй Гулсаралар андуҳи билан қалам олғон,
Порлоқ шу гўзал турмуш учун кўксини қалқон
Қилғон баҳодир, ўтли қалам, руҳли, курашчан,
Ёвлар бошиға ўчли яшин чаққувчи Нўъмон!**

Кўйлар тўпидан унга кийимлар бичирибсан,
Шеъринг ўқидан ёвга захарлар ичирибсан.
Кўйларға чўмиб Гулсаралар «эрк» дея сўлди,
Термилгувчи кўзлар косаси ёш била тўлди.

Шеъринг била кўйлар, сара гуллар яратибсан,
Нур ўлкага мунглар ила шавқлар таратибсан.
Мақсад, тилагинг қаршисида ишга ботибсан,
Ахир, тилагинг мевасини шунча тотибсан.

Ким мен бунни бир кўргувчи оғзи билан сўйлаб,
Эрк ишқидаги Гулсаралар куйини куйлаб,
Жамият ичинда сенга гул бермадим, эвоҳ,
Шеърим гули тақдим сенга, эй дўст ва ҳамроҳ!

1935

* Наҳс босган.

** Компл Яшин Нўъмон ўғли назарда тутилмоқда. — *Нашрга тайёрловчи.*

ЙЎҚЛАШ

Ўтди кулоқларим ёнидан товиш:
 «Ўлди Турсун, ботир йигит, бояқиш».
 Тутди баданимни бир турли совиш,
 Гўёки боғлади қонларим совиш.

«Нега ўлди, нима учун ўлди у?»
 Гўдақларнинг саволидек бир сўроғ.
 Ихтиёрсиз чиқиб кетди оғзимдан
 Босди борлигимни белгисиз титроқ.

Сўроғим қулоғи оғзидан чиққон
 Сўзларни тингламак истаркан, шу он
 Унга жавоб берди ёзиқсиз бир қон:
 «Ўлдирди, ўлдирди бир ёвуз душмон».

Душман. Демак, ўлди Турсун ўч билан,
 Тугади ҳаёти душман кўлида.
 Эй оғу сочувчи, чақувчи илон,
 Тўсиқ бўлолмайсан кураш йўлида!

Қаламим кўлимда, ўйланиб қолдим:
 Фамли, ўйли бошим куйига солдим.
 Ёшлигим ўйладим, охири толдим,
 Фикримдан қаламға ижозат олдим.

Қаламим тебранди толганди худди
 Турсуннинг жонталаш дами чоғидай.
 Қўлларим қаламни қилолмай удда
 Қалтираб тўхтади чол таёғидай.

Нега мунча алам, изтироб мени
 Ўзи сари тортди? Биламан ўзим.
 Эй ажал жаллоди, кўрдим мен сени
 Қаламим учига қараркан кўзим.

Томди ўчли томчи қалам кўзидан,
 Кийдилар қоғозлар мотам либосин.
 Марсия тўқидим унинг сўзидан,
 Бу сўзлар дўстимдан ёдгор қолсин.

Ёшлиқда тоғларнинг бағрида бирга
Тирикчилик учун кезаркан, шу чок
Кўзимиз экинлар экилгон қирға
Тушарди, тўсатдан сўрарди: «Ўртоқ!

Нимага бўғдойлар бедалар каби
Қайта-қайта ўсиб турмас эканлар?»
Мен саволдан ожиз ва музтар қолгач,
У яна шиддатли ҳамда асабий.

Товиш билан деди: «Ботмон буғдойни
Экиш учун қанча меҳнат кетади.
Беда бўлса бир экилгач ўзича
Ўсиб анча йилларғача етади.

Буғдойлар ҳам бедалардек бўлса-чи,
Уйларимиз буғдойларга тўлса-чи.
Қандай қилинганда шундай бўларкин,
Қачон бизнинг қорнимиз ҳам тўяркин?»

Унинг жаранглаган кучли сўзлари
Қулоғим остида ҳамон турмоқда.
Менга тикилувчи ёниқ кўзлари,
Киприklarин ништар қилиб урмоқда.

Кўзларим йўлингга термулиб қолди,
Эй узулмас ошно, ёвқур кўлдошим!
Ўлимнинг дилимга ўч ўтин солди
Эй ёшдошим, садоқатли йўлдошим!

Эсизки, мен сени кўра олмадим,
Чақиримлар орага тўсиқлик қилди.
Ҳолингни яқиндан сўрай олмадим:
Шум хабар бағримни тиф каби тилди.

Дўстим, сен колхозда бир чироқ каби,
Ялтираб, тер сочиб ишлаган чокда
Душманнинг ғазабдан осилиб лаби,
Сенга қарши пичоқ қайраб бу ёқда.

Сенинг ўлимнинг-чун йўллар изламиш,
Энг сўнг сени бўғизламиш, йиқитмиш.

Йўлдошим, душманнинг бу уруниши,
Калтакесакларнинг бу суруниши —
Бизни йўлдан қайтаролмас, чўчитмас,
Дилимизга ундан ваҳима етмас.
Тонг шамоли эсиб турғон замонлар,
Дала йўлларида кўрганимиз шул.

Оч бўри сингари йиртқич хайвонлар,
Бизга недайин-да хужум қилсалар,
Барибир, бизларни қайтаролмас,
Улар энди эркин, тинчгина қолмас.

Дўстим, ўлимингга ачийди жоним:
Ёвинг сари отдим ғазаб тошимни.
Эй менинг ўртоғим, чин қадрдоним,
Мотамингни тутиб эгдим бошимни.

1935

ЁЗУВЧИЛАР БОҒИДА

Ёзувчилар учун очилмиш бу боғ:
Қандайин завқли, ёқимли шу чоғ.
Шодликдан қуёшдай ялтирар кўзлар,
Оташин, хушчақчақ, умидли сўзлар.

Ўтирайлик, дўстлар, дам олайлик биз,
Бу боғда даврамиз даврин суриб сиз,
Биз билан хурсандлик қилрон хотин-қиз,
Қани, биз айтмайлик, айтинг ўзингиз.

Шу дамлар майдонга келмасдан бурун
Қандай кунлар кечиргандик, сўзлангизлар...
У чоғлар бу аҳвол бормиди бизда,
Айниқса эзилган, сиз, хотин-қизлар.

Тўрт қабат деворнинг ичида ўткан
Кунларни кўнглингиз тамом унутмиш.
Ғамли куйлар билан ўзни овутган
Аёллар шу бахтли ҳаётга етмиш.

Тўппи, қийиқлардан бўшалиб қўллар
Завод, фабрикаларда мошин буралар.
Қаламлардан найза, сўзлардан ўқлар
Ясаб, ёвнинг кўкрагига уралар.

Гулбоғ юртимизни қоровуллашда
Чоқ бўлиб тетиклик билан илгари
Борамиз биз ботир қалам қўшуни,
Юрагимиз биздан сўрайдир шуни.

Ўйнаймиз, куламиз, бу боғ бизники,
Гулбоғнинг гулига шеърлар қўшамиз.
Кулингиз, кулингиз, гуллар, зораки
Сиз кулсангиз, биз дарёдек жўшамиз.

Айтингиз, айтингиз, эй дўстлар, қўшиқ,
Қўшилиб бизлар ҳам ашулангизга
Сайраймиз гулбоғнинг булбули бўлиб,
Яйраймиз сиз билан завқларга тўлиб.

1935

БОҒЧАДА

Шу гўзал боғчанинг кучоқларида
Чарчаган танларимга дам бердим;
Шу баҳорнинг суюмли чоғларида
Кўкрагим кенг очиб қулоч кердим.

Майсалар кўзларимда акс этди,
Шўх қўшиқлар қанот ёзиб учди.
Лолалар юзларимни беркитди,
Жонни роҳат севинч билан кучди.

Қиз саси сингари майин ва гўзал
Сочларин елга ўптириб ёш тол
Қарашида им қоқиб кулиб туради,
Қўзни овлаш учун тузоқ қуради.

Олмалар ерга тангалар сочишиб
Гул чаман бирла тўй, базм қилади;

Қарғалар кўк сари оғиз очишиб,
Қишни чорлаб, юракларин тилади.

Долғали сув бўйинда жиблажибон
Гулбахор таърифин қилиб дoston,
Шўх қўшиқларга нағма қўшмоқда,
Боғда сув, унда нағма жўшмоқда.

Уйқудан янги уйғониб ялпиз
Ариқ олдинда юзларин ювади,
Шу маҳалда боғ ичра мен ёлғуз,
Ишк қуши кўнглим ичра ин қуради.

Бош қўйиб, ясланиб майин тизига,
Ўзни бердим баҳор — ҳаёт қизига.
Мени олди севиклигим қўлига,
Мени солди ҳаёт қуриш йўлига.

1935

КУЙЛАРИМ

(Чирчиққа)

Биламан сени мен, биламан сени,
Эй забардаст дарё, биламан сени.
Соф, сучук сувинг-ла ўстурдинг мени,
Сезаман сени мен, сезаман сени.

Сени олқишлайман, эй гўзал дарё,
Тўлкининг дилимдан жой олғон сенинг.
Сени мактайдирман, эй ҳаёт барпо
Қилувчи, севикли илҳомим менинг.

Сен шундайин бир шарафли ном олдинг,
Ки бу сенинг учун мангу-абдий
Қолажак, эй дарё, сенинг маъбадинг —
Йўқсуллар кучидир, дилимда қолдинг.

Мен ҳам сен сингари тўлкинланаман,
Қувончим дилимдан тошиб кетадир,

Таърифнинг шеърининг сахнига сифмай
Кувончим устидан ошиб кетадир.

Шу гўзал ҳаётдан нусха олишга,
Шу эркин турмушнинг созин чолишга
Хавас билан кирдим, куйлар куйлайман,
Қалблар тилидан дoston сўйлайман.

Созим тўлкинингдан ўрнак олажак,
Куйларимни мақомингга солажак.
Қирғоқларга қанот қоққан наърангдек,
Созим товиши юракларда қолажак.

Куйим тўлкинингдан намуна бўлсун,
Тўлкинингга тамом қўшулуб кетсун.
Юракларга сингиб таъсирлар етсун,
Тинч диллар сен каби тўлқинга тўлсун.

1935

ЧИРЧИҚ ҚИЗИ

Елларни кесиб, йўлни тўсиб тўхтадим ортик,
Эй манглайига кирмизи дурра ўраб олғон,
Эй ўзни ҳаётбахш қурилиш қўйнига солғон
Чирчиқ қизи — тонг юдузи! Шеърим сенга тортиқ.

Қўргач мени, йиллар варағин ағдара кетдинг,
Ўтди кўзимиз ўнгидан ул давр ва йиллар,
Раққоса кабутар каби ўйноқлади диллар;
Хай қуш, етар энди, нега бунча фиғон этдинг?

Бетлардаги тўлкинда кўзинг юзгани чоқда
Сочлардаги оқларни кўриб менга сўз отдинг.
Хай қиз, на учун фикру хаёлимни тарқотдинг?
Қўйгил уни, куйдирма мени тарихий доғда.

Чирчиқ қизи! Ўтмиш изи сочлардаги доғлар,
Кўрдингми уни, ел қўли оҳиста тароғлар.
Мен бунга назар солмагум, эй иш қизи, дилбар,
Қалбимда ёнар янги ҳаёт ишқи — чироғлар.

Қаршимда қизарган шу баҳор гулдек очилгон
Чирчик гули, қир сунбули, қўй энди, етар, бас!
Кўз ёшлар ила бирга униб, бирга сочилгон
Умрим гулини ўйлама ортиқ, керак эрмас!

Чирчик гули, кулгиндан олар лолалар ўрнак,
Ўлтур шу гўзал майсада, гулбоғчада андак.
Бирга ҳаракат, иш қўшигин куйлашайик биз,
Ўтмишни қўйиб, келгусини ўйлашайик биз.

Боққил, анави дарёга, эй моҳ — тўлиной қиз,
Йиллар бўйи қуйлар била дилларға солиб из,
Оқди менинг ўтмишдаги умрим каби бўм-бўш,
Охирда уни қўллади ҳам йўллади турмуш.

Мен ёш шу қадар йўлни босиб ўткан эсам-да,
Хордиқ нима билмай яна олдинга отилдим.
Ўтмиш заҳарин, қайғуларин юткан эсам-да,
Соғландим охир, соғ ва тетик тилга қотилдим.

Чирчик қизи, бўйдоқ ел ила бирга бўлиб сен,
Турмуш ҳаваси, ишқи билан шунча тўлибсан.
Кўргач сени қутлашни унутдим, нетайин мен,
Қутлашгина оз, қандақа таъриф этайин мен?

Улкан қурилиш бағрида сен гўё бир офтоб,
Ёвдунгда вужудим била ётдим сени олқаб.
Шўх дарёни меҳнат сарига ундаган, э моҳ,
Олгил мени, мен ҳам бўлайин сен била ҳамроҳ.

«Чирчикқурилиш» — йўқ, у гўзал боғча, чамандан
Чирчик суви минг тўлғониб этганда хиромон,
Жонсиз далалар танларига кирғонидек жон,
Кўргач сени, жонланди вужудим югуриб қон.

Келгил, кўтарайлик шу оғир тошни икковлон,
Ҳамдам бўлайлик, иш қилайлик, бизники даврон.
Чирчик сувини банд этайлик, йўлга солайлик,
«Чирчикқурилиш» бағрида биз мангу қолайлик.

1935

ТОҒДА БАҲОР

Тоғлар, тоғлар, хай тоғлар,
Чиройлисиз шу чоғлар.
Сизни жоним, юрагим
Севиб-севиб кучоқлар.

Тоғлар бағрида баҳор,
Лолалар кулиб боқар.
Унинг юмшоқ кулиши
Дилимни ўртар, ёқар.

Хай баҳор гули, қара,
Сен-ла мактанар дара!
Ишқим ортар тобора,
Эй тоза гул, гулсара.

Баҳор бир келинчакдир,
Исми унинг чечакдир.
Қўшиғидир «ёр-ёр»,
Сойлар ошиқ — ух тортор.

Тоғда мўйсафид ётар,
Келинчакка сўз отар.
Унинг дили жуда тор,
Лақаби муз, исми қор.

Шу унинг дилин сиқар,
Ҳар ишга бурин тикар.
Келинчак уни қувар,
Тоғнинг бошига чиқар.

Баланд чўққида ётғон,
Кўкраги ичга ботғон,
Қор бобо унга боқар,
Кўзидан ёшлар оқар.

Бобо, қўй энди етар,
Сени севмас баҳор-қиз.
Ғам сени хароб этар,
Қолмас сендан нишон, из.

Майли, сендан нишон, из
Қолмасун, гул очилсун.
Хандон урсун чечак-қиз,
Дилларға завқ сочилсун.

Тоғлар, тоғлар, хай тоғлар,
Ўзаллик ҳам шунчалар...
Тоғлар бағрида яйраб
Очилингиз, ғунчалар.

1935

ЧИРЧИҚ БЎЙЛАРИДА

Йўллар манзилларни излаб, сўроқлаб,
Орқамиздан қувиб етолмадилар.
Шамоллар бизларни силаб, ардоқлаб
Юрдилар тарк этиб кетолмадилар.

«Пича ўлтирайлик!» дедилар дўстлар,
Дуркун қуш сингари қўндик далага.
Қуёшда қизариб қўйдилар пўстлар,
Рақиб бўлди хандон урган лолага.

Майса денгизларда кўзимиз қайиқ,
Кипригимиз унинг эшкаги бўлди.
Овозимиз дала бағридай ёйиқ,
Ялламизга сойлар, далалар тўлди.

Кетиб борадирмиз қорли тоғларга,
Бизни чорлаб дарё шовқин солмоқда.
Етиб бормоқдамиз ўрмон, боғларга,
Йўлимиздан Чирчиқ чиқиб қолмоқда.

Ана қишлоқ, ана Чирчиқ манбаи,
Ана колхоз, ана унинг гулбоғи.
Қишлоқ обод, янги қишлоқ бўлмишдир,
Юраклар севинчлар билан тўлмишдир.

Кўзларни тўлдириб қарадик бизлар,
Кўринди бир тўда колхозчи қизлар.

Дедик: «Эй Чирчикдай ўйноки қизлар!
Чирчикдан намуна олингиз, сизлар».

Сочлари паришон, юзлари хандон
Қизлар тоғлар сари ўрлашар экан,
Колхоз ерларига қадам ташлаб биз,
Қолдирдик юракда, ерда нишон, из.

Эй илҳом котиби, сенга айтамиз,
Ёзгил, сен шу завқли кунларимизни.
Эй севимли қишлоқ! Бизлар қайтамиз,
Ёзамиз, ёямиз унларимизни.

Руҳимиз, танамиз тетик ва чакқон,
Учамиз, ётмаймиз ердаги чўпдек.
Шўх қиздай ўйноқлаб, дилларни ёққан
Дарёни тутдик-да, кучоклаб ўпдик.

Гуриллаб ўсувчи юртимиз каби
Ёшардик, қувондик, кўнглумиз ўсуқ.
Эй янги турмушнинг сайровчи тори!
Қувноқ куйларингга қўшамиз қўшиқ.

Бу қўшиқ қурилиш қўшиғи бўлур,
Сайровингдан диллар завқларга тўлур.
Эркин куйимизни торингга солдик,
Куйлаш йўлларини ўрганиб олдик.

1935

МАСАЛЛАР



ҚУЙРУҚСИЗ МАЙМУН

Зўр қамишли қалин бир ўрмонда,
 Қоп-қора тун каби оғочликда,
 Илгаридан бери неча маймун
 Унда қолғон эди бўлиб турғун.
 Барчасин ул ернинг оғочлигини
 Севмиш эрди, яна емишларини.
 Негаким, ундаги оғочликлар,
 Кўм-кўк ўт қопламиш у созликлар
 Турли емишни етказиб ҳар кун
 Тўйғузарди, бутун улар қорнин.
 Шунинг учун улар бу созликдан,
 Кўкка чиққан гўзал оғочликдан
 Чиқмайин ёзу қиш ёшарларди,
 Емишин ойу йил ошарларди.
 Қайси чоқлар, қоринлари тўйғач,
 Қайғуликлар бари битиб кетғач,
 Ўйнашарди оғочлар устида
 Тинмайин сакрашиб туну кунда.
 Онгсизин шул пайтда бир маймун
 Келди ул ерга қуйруғи юлғун.
 Кўргач улар муни узоқ ердан,
 Чопишиб келдилар ўнгу сўлдан.
 Кўрдилар, кулдилар унинг ҳолиға,
 Хайрон ўлуб боришдилар ёниға.
 Сўрдилар: «Қуйруғинг нечун мундай,
 Буйла юрмоғинг дунёда қандай?»
 Уларнинг мундайин сўроғларига,
 Кулди Тангрининг соддадилларига.
 Ҳам деди уларга: «Аё дўстлар!
 Қуйруксизга боқинг, налар ишлар»,
 Деб чиқиб, минбар узра сўз отди,
 Барча қуйрукли кўрди, шоқ қотди.
 Ҳам тушиб минбар устидан сўйлаб.
 Турли қуйларни қуйлади ўйнаб.
 Муни кўргач, улар қизиқдилар,
 «Эзгу дум»ни узуб-да қўйдилар.
 Ўйнашиб, қуйлашиб сира тинмай
 Ҳовриқиб турли ёққа чопдилар.

Кўрдилар, фойда йўк чопишмоқдан,
Яхши иш йўк очунда тинмоқдан.
Муни билгач улар тушундилар,
Алданишғониға ўқундилар...

СИЧҚОНХОННИНГ ҚИЗ УЗАТИШИ

Айталар илгариди бир ёш сичқон
Бўлиб турғон эмиш барча сичқонға «хон».
Ер юзининг сичқонлари ёлғуз унга
Қарар экан бўйинсунмай бошқаларға.
Унинг кучин билар экан барча жонлар,
Еру кўкда бўлғон бутун борлик хонлар.
Сичқон хони шул ҳолинча кўб чоқ турғоч,
Энг сўнг кучсизланиб жуда қариб қолғоч,
Ўзидан сўнгра хонлиқни бир бошқаға
Ўйлаган бутунлайин топширмоқға.
Ҳам шул ўй-ла йиғиб барча сичқонларни,
Уларнинг-да фикрини бир билмак бўлғон.
Кенгашга йивилишиб бир кўблари,
Кенгашганлар шул тўғрида ёш ҳам қари.
Энг олдиндан сўзни бошлаб хоннинг ўзи,
Уларга томон қараб шуни деган:
— Сичқонлар, сизларга мен хонлиқ қилдим,
Хонлиқда, шул кунгача ишлаб келдим.
Бироқ бу кун ишломаслик ҳолға келиб,
Кучдан кетиб, харобликка тушуб қолдим.
Энди мендан сўнгра сизга бир хон керак...
Лозим бизга, шуни тездан белгуламак.
Кенгашга йиғилғонлар хоннинг сўзин
Тинглашиб ўзларича ўйлашғонлар.
Бирлари ҳам ўзларича сўз айтмагач,
Сўзни қари бир сичқонға ташлағонлар.
Қари сичқон хонға бир оз қараб туруб,
Икки қўлин қовуштириб ҳам букулуб
Демиш: — Хоним, йўқдир сизнинг бир ўғлингиз!
Бордир ёлғуз ёшиға тўлган бир қизингиз!
Бўлса эрди бир ўғлингиз, «хон» бўларди:
Сизнинг қилғон ишингизни ул қиларди.
Лекин сиздан мундай ўғул топилмайдир:
Хонни бизга қиздан қилмоқ ҳеч бўлмайдир.

Керак сизга энг олдиндан куёв топмок!
 Хам куёвга қизингизни тездан бермак.
 Сиздан сўнгра куёвингиз хон бўладир:
 Мана шул чоқ бизларнинг-да иш битадир.
 Қари сичқоннинг бу фикри тўғри келиб,
 Хон ўзи-да бу фикрдан кўб суюниб,
 Барчалари бул тўғрида кенгашканлар,
 Сичқонлардан яхшироқни излашганлар.
 Бирок хоннинг қизин оддий бир сичқонга
 Бермак уят бўлғонлигин эсга олғоч,
 Барчалари бу фикрдан айнашганлар.
 Энг сўнг булар бу тўғрида кўб тортишиб,
 Куёвликка шул куёшни сайлашганлар.
 Куёшга етишиб борғоч, салом бериб,
 Нечун келғонлигин унга баён қилиб,
 Айтган унга: — Ёлғиз сизмиш бу дунёда
 Ошиқлардан кучлиликда биттагина.
 Куёш мунинг сўзин тинглаб турғандан сўнг,
 Хонга қараб хурмат билан муни деган:
 — Мен кучсизман, кўкда бўлғон шул булутдан,
 Олдим тўсса қутулолмайман ҳеч бир ундан.
 Бориб унга сўзлаб боқинг сўзингизни,
 Балким олғай тезда сизнинг қизингизни.
 Хон куёшдан бу сўзларни эшиткан сўнг
 Келмиш тушуб зўр булутнинг хузурига.
 Куёшнинг айткан сўзин ҳам айтмишдир,
 Булут шунча ўзининг-да кучсизлигин,
 Шамол келгач чидамайин қочишлигин,
 Ҳеч қолдирмай айтиб ўтмиш барчасини,
 Шамол сари юборибдир ҳамда уни.
 Хон шамолни кўб охтариб бир эшиқдан,
 Топиб кирмиш салом бериб бир тешиқдан.
 Унга ҳам барча сўзни айтиб ўтмиш
 Бу тўғрида ундай яхши хоқон келиб,
 Кўймай бутун барчасини сўзлаб ўтмиш.
 «Тездан боринг деворга!» деб йўл кўрсатмиш.
 Хон ундан-да маъюс бўлиб, девор сари
 Тинмасдан бир неча кун юруб келмиш.
 Деворга ҳам барча сўзни бир-бир айтгач,
 Ундан ҳам илгаригидек жавоб олмиш.
 Ул демиш: — Қайда менда топилсун куч,
 Сиртим бутун бўлғон билан ичимдир пуч.
 Чунки менинг ичимни бир йигит сичқон

Кўпдан бери кавлаб катта уя солғон.
Кавлай берса ул хар куни агар шундай,
Тез кун ичида юролмайн йиқиламан.
Шунинг учун, сиз, борингиз шул сичқонга,
Сўзингизнинг бирин қўймай айтинг унга.
Эшиткан сўнг бу сўзларни хон девордан
Тўхтамасдан сичқон сари югуриб борган.
Тошиб унда сичқонни бир кавакчадан,
Барча сўзни қолдирмасдан бутун айткан.
Барча сўзни эшитғон сўнг хондан сичқон,
Қизни ўзига олмоқни қабул қилғон.
Хон суюнуб, ундай ҳолдан, ақли шошиб,
Бир тўхтамай тез уйига қараб чопқон.
Уйга келгач, бошқаларга хабар бериб,
Шодлиқ билан қизнинг тўйин ҳам бошлағон.
Бу тўй донғи узоқ-узоқ ерга кетиб,
Ул ерлардан «қутлаш» учун сичқонлар келиб
Биткандан сўнг, узоқ ўтмай шул куни кеч
Дабдабали, тантанали бир тўй билан
«Хон саройи» ҳузурда никоҳ бўлган.
Шундай қилиб, энди бизнинг ботир сичқон,
Хоннинг қизин олиб, сўнгра «хокон» бўлғон.

1921

ОЛАҚАРҒА БИЛАН ҚУРБАҚА

Олақарға бир кун кўлдан қурбақани
Тутуб кетди, емак истаб суюниб уни,
Бориб кўнди бир оғочнинг бутогига
Боқибгина қурбақанинг ҳарёғига:
Тумшуғиндан суви сачраб, ичи ёниб,
Суюнибгина емак бўлди жуда қониб...
Қурбақа ҳам ўлишлигин сезиб олғач,
Қутулишнинг мумкинлигини ҳеч булмағач,
Киришди мақтамоқға ул қарғани,
Деди: — Эй, барча қушнинг сен гўзали!
Дунёда кўрмадим мен сендай қушни.
Барча қушдан гўзалдирсан, гўзалликда
Сенга тенг йўқ, ерда эмас, кўк устида.
Ёлғиз сенинг товишинг, билмам, қандай эрур,
Балким ул ҳам гўзаллигинг каби бўлур?

Қани, бир оз сайраб бергил, мен эшитай!
 Армоним йўқ шундан сўнгра ўлсам ўлай!..
 Қурбақадан бу сўзларни эшитғонда,
 Қарға бутун севинчидан керилди-да,
 Борлиқ товши билан оғзин катта очди:
 Қурбақа ҳам ерга тушиб секин қочди.

1921

ОТ ИЛА ОДАМ

(Эл эртаги)

Кенг ўтлоқли улуғ бир тоғ ёқасида,
 Кўм-кўк бўлиб ўскан ўтлар орасида
 Кўб вақтдан бери бир от турар эди,
 Эркинликда ёлғуз ўйнаб юрар эди.
 Унинг учун қайғи, кўрқинч каби ишлар,
 Қайси чоқ тўқ, қайси чоқда оч қолишлар
 Сира-сира бўлмас эди-бўлмас эди,
 Ул бундайин ишларни ҳеч билмас эди.
 Чунки уни унда бўлғон ўтлоқ ерлар,
 Жилдирашиб оқиб турғон ул булоқлар
 Очлик, сувсизликдан ҳар чоқ сақлар эди;
 Қаттиқ холға уни сира қўймас эди.
 Мана, бир кун мунинг ёниға аллақайдан
 Биттагина хўкиз келиб қўшни бўлди;
 Унинг шундай тўйиб юрган ўтлоғидан
 Ул ҳам тинмай эртаю кеч еяверди.
 Отнинг бунга қаҳри келиб аччиғланди,
 Уни бундан ҳайдамакка бел боғлади.
 Бироқ унинг ғазабидан ул кўрқмади,
 Парво қилмай кеча-кундуз ўтлайверди.
 Буни кўргач от ўзича хўб ўйлади,
 «Қаттиқ чора кўриш керак!» деб сўйлади.
 «Яхши шулким -- деди, -- бундан қутулмоқ-чун,
 Бунда ёлғуз ўз эркимда яшамок-чун
 Кўмак олмоқ керак менга одамлардан,
 Балким улар қутултирар мени ундан».
 Ўзига-ўзи шу қарорни бериб ўтди,
 Тўхтамай одам сари қараб кетди.
 Кўб чоқ юргач етиб борди бир одамға,

Қолдирмасдан бўлмишларни айтди унга.
Одам ҳам тез қабул қилди бунинг сўзин,
Чимрилтирмай унинг сира қошу кўзин,
Деди: — Ўртоқ, мен ҳеч яёв юролмайман,
Яёв юрсам-да, ҳеч унга етолмайман.
Яхши улким, эгар, нўхта мен келтирай.
Эгарлабон ҳам нўхталаб сени минай.
Шунда уни қочғонда ҳам тез тутармиз,
Ушлаб уни бу ўтлоқдан йўқ эгармиз».
Отға унинг бу сўзлари жуда ёқди,
Энди унга бутун дўсти каби боқди.
Одам отни эгарлаб тез нўхта солди,
Шул чоқдаёқ устиға ҳам миниб олди.
От севиниб, ўтлоқ сари чошиб етди,
Хўкизни-да кўрган ҳамон қувлаб кетди.
Узоқ бормай бояқишни тутишдилар,
Таёқ билан ўлдиргудек уришдилар.
Энди отнинг димоғи чоғ бўлиб кетди,
Одамға кўб қайта-қайта раҳмат айтди.
Одам «раҳмат» сўзи билан от устидан
Тушмай, турди қаттиқ тутиб нўхтасидан.
От бунга кўб маъюс бўлиб, қайғиланди,
Одам сари юз ўгириб, шуни деди:
— Иш битди-ку, нечун мени қўймайдирсиз,
Ёхуд мени хўкиз каби ўйлайдирсиз!
Мени қўйинг, мен эркинлик севадурман,
Шул ўтлоқда тинчиб умр ўтказурман.
Агар сизга керак бўлса бир жонивор,
Мендан бўлак қўлингизда бир хўкиз бор!
Шул етадир, мени зинҳор қўйворингиз —
Бағишланг, менга зинҳор раҳм этингиз!..
Одам бунинг барча сўзин тинглаб турди,
Ўз-ўзича ундан бир оз кулиб қўйди.
Отнинг бундай ялинишларин кўзга илмай,
Унинг шундай ҳолиға ҳеч раҳм қилмай,
Қамчи билан айлантириб тўрт-беш урди:
Хўкиз билан бирга қўшиб боғлаб қўйди*...

1921

* Бунинг асли халқ эртакларидан олинмишдир. — *Элбек*.

ОНГЛИ ЭШАК

Тоққа яқин бир қишлоқда кўпдан бери
 Бир дехқонда бир оқ эшак ишлар эди.
 Ул эшакнинг кучи, ақли кўплигидан
 Донғи бутун қишлоқ ичра чиққон эди.
 Барча уни мақташарди кучлилиқда,
 Тенглардилар одамларға эслиқда.
 Шунинг учун ҳам ким унга яхши кўз-ла
 Қорар эди: ҳам мақтарди яхши сўз-ла.
 Эшак мундай мақташларға суюнар эди.
 Суюнчидан кўкка сакраб ўйнар эди.
 Шишиб кетгач мақташларға, думоғида
 Эгасидан чиқмоқ йўлин ул излади.
 Эгасининг парво қилмай ҳам ўйламай
 Юклар ортиб, калтак билан урганларин
 Ўйлағонда унга қарши юрағида
 Ёнғон ўтнинг ёлқунини сезар эди.
 Шунинг учун ул мундан сўнг ишламасга,
 Унинг уйдан бир чўбни-да ташламасга
 Қарор бериб, ул ердан тез қочмоқ бўлди,
 Чиқиб чексиз далаларда юрмоқ бўлди.
 Эшагининг мундай ўйда юрганлигин,
 Ишламасга бутун қарор берганлигин
 Эгаси билиб қолиб, секингина
 Бошлади туруб уни калтаклашга.
 Эшакнинг мунга қаттиқ қаҳри келиб,
 Ҳеч тўхтамай кеча билан кетди қочиб.
 Шул кетканча бир далаға етиб борди,
 Сира қайтмай тунда бутун туриб қолди.
 Энди мунга бутун шодлиқ, бутун роҳат,
 Бор ейишга унга турли овқат.
 Гўё эшак, шул даланинг хони бўлди;
 Кеча-кундуз роҳат яшаб, ўйнаб-кулди.
 Лекин мунда роҳат яшаб, ўйнаб-кулиш
 Қўб узокқа, қўб нарига бормай қолди.
 Қора ёзмиш эшакка-да юз кўрсатиб,
 Унинг ўйнаб юрушига йўл қўймади.
 Шул даланинг ёнидағи бир тўқайдан
 Кучли арслон чиқиб мунга томон юрди.
 Эшак кўргач: «Мени арслон кўрмасун-о!» деб
 Икки кўзин секингина юмиб турди.
 Арслон келиб эшакдағи ҳолни кўргач,

Кулуб-кулуб харёғига бир карағач,
Томоғидан қаттиқ бұғуб тишлаб олди:
Бояқиш эшак шул минутда ўлиб қолди.

1921

ИТЛАРНИНГ ЎРТОҚЛИГИ

Тоғнинг юксак бир ерида кўбдан бери
Бир бой қозоқ қўйин боқиб турар эди.
Кечалари қўйларини бўрилардан
Мунинг икки ити яхши сақлар эди.
Бу икки ит бир-бирини кўб суярди,
Бир-биридан сира-сира айрилмасди.
Кундузлари бирга ётиб, бирга ухлаб,
Кечалари навбат билан қўйни пойлаб
Турардилар, жимжитгина тотувликда:
Кўрмас эдик буларни ҳеч бир айрилиқда.
Мана бир кун қўйнинг бири касал бўлди,
Узоқ ўтмай шул касалдан ул қўй ўлди.
Мунинг этин емай ерга ташладилар:
Ёлғиз терисини олиб ошладилар.
Этни кўргач икки ўртоқ бир оз шошди,
Ўртоқлигин унутиб ҳам кўб талошди.
Урушдилар, талошдилар, тортишдилар,
Бир-бирининг этларини чайнашдилар.
Ҳар иккови қизил қонға бўёлишиб,
Ўртоқликдан мангуликка ажрашдилар.

1921

ҚАЙСИ БИРИ БЎРИ?!

Бир кун бир қўй ўрмонлиқнинг яқинида,
Бир бўрининг бармоғига тушиб қолди.
Ундан ўзин қутқармоқ-чун тортишса-да,
Ул бўри бармоғидан чиқармади.
Қўй бунга маъюс бўлиб кўб илади.*
Ўзининг ўлушлигин ҳам англади.

* Йиғлади.

Шул вақт четдан биров шовқин солиб,
 Булар томон етиб келди чопиб-чопиб,
 Бўри муни кўргач, қўйни ташлаб қочди,
 Қўйнинг мунча суюнчдан ақли шошди.
 Ул бояқиш бутун энди қутулғондай,
 Сакради, суюнди, шодланди.
 Бирок ёзмиш унга эрк бермади,
 Бу суюниш, сакраш узоқ бормади.
 Ул киши ҳам қўйни уйга келтириб
 Пичоқ билан қўйди уни тез сўйиб.
 Мунга қўйнинг икки кўзи телмуриб
 Жони типирчилаб, ёниб ҳам куйиб,
 Айтар эди ул кишига: «Эй киши,
 Бўрими ё, айтгил, энди ким ваҳший?
 Қутқардинг сен мени бўри илгидан,
 Хамда қўрқинч шу ўлимнинг ваҳмидан.
 Энг сўнг ўзинг бўридан-да ўздирдинг,
 Кўрдим, энди чин бўри ҳам сен бўлдинг».

1921

ШАБПАРРАЛАР ҚАРОРИ

Бу кун неча кунлардирким, бир ташландиқ
 Вайронага йиғилишиб шабпарралар
 Қуёшга қарши нафрат эълон қилиб,
 Бир қарор чиқаришга тиришалар.
 Гўё, булар сўзларича, қуёшли кун
 Энг ёмон, энг ёқимсиз бир кун эмиш.
 Буларнинг эркли умр суришига
 Энг осияли, энг ёқимли бир «тун» эмиш!
 Шунинг учун бу қуёшга* қарши булар
 Бир нафратли қараш билан қарармишлар.
 Хамда нафрат қарор билан иш битмаса,
 Барчалари унга қарши чиқармишлар.
 Ай тентак, ховрикқонлар, нега мунча
 Бўлмайтурғон ишларга-да уринасиз?!
 Ёруғлиқни кўрмайтурғон кўзингиз-ла,
 Аҳмоқ бўлиб, йўл тополмай туртинасиз!

* Қундузга.

Сизнинг қилгон нафрат ила қарорингиз,
Англингизким, сира сизга фойда бермас.
Сизнинг мундай минг қарор ҳам нафратингиз,
Қуёшнинг-да чиқишига тўсик бўлмас!
Яхши улким, ай уятсиз шабпарралар,
Бўм-бўшига эманишиб ўлтирманглар.
Агар сизга ёкмаса бу ёруғ дунё,
Лутфан бизга тез топшириб, йўқолинглар!

1922

ЖОНИВОРЛАР БИРЛИГИНИНГ БУЗИЛИШИ

Айталар, бутун дунё жониворлари
Бу замондан бир неча минг йил илгари,
Бу кунгидек, бир-бирига ёв бўлмаган,
Бирга яшаб, бирга туриб, ўйнаб-кулишган.
Булар ҳам, инсонлардай бир қонунга
Бўйсунушиб катта-кичик барча унга,
Қонуннинг буйруғидин чиқмаганлар,
Ҳар чоқ шул қонун билан ишлаганлар.
Жониворлар дунёсининг идораси
Ҳамда улар учун подшоҳ сайлаш иши
Барчаси ҳам шул қонунда кўрсатилгон,
Қонундан ташқари иш ҳеч қолмагон.
Мана булар шул қонуннинг йўли билан
Янги подшоҳ сайлаш учун йиғилгонлар.
Ҳар томондан сайлангон ҳур вакиллар
Етиб келгач, сайловни-да бошлагонлар.
Энг олдидан эски ишлар тўғрисида
Бўри — подшоҳ вакилларга доклад берган.
Докладида ул ўзининг қилгон ишин
Мойлантириб, жонлантириб мақтаб чиққан.
Бунинг бундай докладини ҳур вакиллар,
Тинглабгина боқрайишиб ўлтирганлар.
Доклад битгач, вакиллардан бир ит тургон,
Зўрға-зўрға, қўрқиб-қўрқиб сўз бошлагон,
Ул деган: — Мен Қалтатоннинг итларидан
Ҳам шул ёкнинг бутун жониворларидан
Бу мажлисда бир неча сўз айтмакчиман,
Этсангизлар рухсат, ҳозир гапираман!
Қурултойга йиғилгонлар рухсат берган,

Энди ит ҳам сўзга киришиб, бундай деган:
-- Бизнинг томон жониворлари, хон зулмидан
Зорланишиб, чидолмайин йиғлошалар.
Агар энди бундан сўнг-да бурунғидай
Хон сайласа, биз розимас, дейишалар!
Итнинг бундай сўзларини хур вакиллар
Маъкул топиб, итни-да кўб ёклаганлар.
Чиндан-да бу бўри каби золим хоннинг
Керак эмас эканлигин сўзлашганлар.
Шул тўғридан, йиғилгонлар бир оғиздан
Янғидан бир хон сайлашни қабул қилган.
Хон бўлғувчи зотнинг бўридек золим бўлмай,
Пахта каби юмшоқ ҳамда кўб савлатли
Бўлишини барчалари бир оғиздан,
Узил-кесил чин кўнғилдан ишташганлар.
Мана, кўринг, хонлик учун кўрсатгани,
Яъни юмшоқ, кўб савлатли жонивори
Бизнинг ўшал тубан кўрган тева бўлган,
Улар буни шодлик билан сайлаб кўйган.
Тева хонлик тахтига-да чиқиб олгач,
Мамлакатнинг идорасин қўлга олгач,
Ўз холича кайфу сафо билан юрган.
Буни кўргач жониворларда зулум ошган,
Кучлилари кучсизларин еб талашган.
Шунинг билан жониворларнинг орасиға
Мангу битмас ёвлик келиб бот ўрнашган.
Мана шундан қолгон ёвлик билан булар
Шул кунгача бир-бири-ла тортишалар.
Кучсизлари кучлисининг қўлиға тушса,
Хеч аямай уни тутиб ейишалар...

1923

ЕЛКАН БИЛАН КЕМА

Зўр бир кема денгиз ичра бир елканни
Учратди-да унга қораб шундай деди:
— Нечун сизлар доим биздек юролмайсиз,
Ўзингизни сира тутиб туролмайсиз?
Кўрасизми, биз қандайин кучлидирмиз,
Денгиз сувин ёриб олға борадирмиз.

Бизга қарши денгиз, шамол бир сўз демас,
Бир сўз дейиш уларнинг кеч қўлидан келмас!
Елкан кема зўр кеманинг сўзларини
Қулоқ солиб барчасини тинглаб турди.
Унинг сўзи биткач, энди сўзга кириб,
Бу ҳам унга жавоб бериб бундай деди:
— Сизда куч бор, шунинг учун сизга йўл бор,
Шамол, денгиз сиздан ҳар чок қўрқиб турар.
Бизда эса, на униси бор, на буниси бор.
Сизга кенг-кенг қўринган йўл бизларга тор.
Шамол бизни қайға элтса, шул ёққа биз
Йўл оламиз, юзимизни ўгирамиз.

1925

ШОЛИ БИЛАН КУРМАК ОРАСИДА

Шоли билан курмак бир кун тортишди,
Бу тортишда турли сўзлар айгишди.
Шоли деди: — Эй курмаги муттаҳам,
Биз бўлмасак сенинг еринг бўлмас нам.
Биз орқали сен-да сувлар ичасан,
Сувга тўйиб тинчибгина яйрайсан!
Биласанми, сенга бу эл на деяр:
«Шоли орқасидан курмак сув ичар!»
Биз бўлмасак, чўлда қуриб ўларсан,
Балки ер юзига қайтиб чиқмайсан!
Курмак шоли сўзларини тинглади,
Аччиғидан унга қараб сўзлади:
— Эй ховрикқан, телбаланган кўр шоли,
Кўрмас кўзинг, қандай курмакнинг ҳоли.
Бизсиз яшамоқлик сенга кўб қийин,
Қилмағил сен бизнинг билан ҳеч ўйин!
Биз ёйилган бутун шолизорларга,
Уймаймиз ўзимиздан озларга.
Шолизорнинг кўпчилиги биз учун,
Қолғон қисми, истасангиз, сиз учун!
Буларнинг бу тортишини шоликор
Эшитди-да, қилмаган сира ошкор,
Сув қўймайин бир неча кун соқлади,
Шоли ила курмакни хўб қоқлади.

Шоли, курмак қизаришиб пишдилар,
 Тепкиланиб обжувозга тушдилар.
 Обжувознинг турткисини едилар,
 Турткидан сўнг бўлак-бўлак бўлдилар.
 Бирок, бизча, ҳар иккиси боякиш,
 Иккисининг бошида ҳам ейилиш.
 Бири одам қурсоғига эм бўлур,
 Иккинчиси эшакларга ем бўлур.

1925

ҚОРАҚУШЛАР ИЛА ТОШБАҚАЛАР

Ов охтариб учиб юрган қорақушлар,
 Чўл орқали аллақайға йўл солганлар.
 Кеча-кундуз қанотларин тинмай қоқиб,
 «Қайда иян ер борикин?» деб чопишганлар.
 Кела-кела бир далада тўхтаганлар,
 Уя солиб барчалари ўрнаганлар.
 Булар бунда гоҳи ўйнаб, гоҳи учиб,
 Юришканлар оғочларда қувонишиб
 Кулишаркан кўкда учиб-қўниб булар,
 Кўришиб қолғон буларни кўб тошбақалар.
 Булар ҳам қушлар каби учмоқ бўлган,
 Ўзлари томон уларни-да чақиришган.
 Буларнинг бу сўроқларин учар қушлар
 Қабул қилиб, кўтаришиб учишганлар.
 Тошбақалар бунга жуда севинганлар.
 Кўкракларин кериб, тоза керилганлар.
 Лекин, эсиз, иш бошқача бўлиб қолган,
 Қорақушлар кўкда турли ўйин солган.
 Тошбақалар кўкка эмас, ерга томон
 Қанотсиз тез учишганлар, оҳ-эй, омон.
 Ерга тушиб пачоқ-пачоқ бўлишганлар,
 Шунчаликка орзу қилиб кўришганлар...

1925

ЧИВИН ИЛА ЧУМОЛИ

Юк кўтариб кетаётгон чумолиға
Йўлиқиб чивин, кулди унинг аҳволиға:

— Хой-хой, очкўз, ўз қадрини билмас бояқиш!
Терлаб, чарчаб ишлайдирсан тинмай ёз, қиш.
Бу қандай ҳол? Ишламасанг ўласанми?
Ишлаганинг билан бахтли бўласанми?
Кўрдингми сен мени, қандай яшайдирман?
Учиб-қўниб озиқ-овқат ошайдирман!
Ишламасдан емаклик ҳам мумкинкан-ку,
Сен ҳам, ахир, менинг каби жониворсан-ку!

— Тўғри, сизлар ишламасдан топасизлар,
Қайда текин овқат бўлса, чопасизлар!
Ишламасдан озиқ топиш, бахтли бўлиш,
Бизча, тубанликдир, ундан яхши ўлиш!..

1927

ҚЎЯН ИЛА ТОШБАҚА

Тарозидор* тошбақа
Харёнга боқа-боқа
Охиста келар эди,
Кимдир: «Хой, тўхта!» деди.

Тошбақа бошин тортди,
Дилида ваҳма ортди.
Қимирламасдан қолди,
Жимгина нафас олди.

Югуриб келиб қўян,
Ўтирдилар ёнма-ён.
Қичқириб деди унга:
— Тарозидор ўртоқжон!

* Халк афсона-эртақларида тошбакани тарозбон деб юритилган. — Э.Г. бек.

Ким югурик*, ким чаққон,
Бир чопишиб билайлик.
Қани, ўтмасин замон,
Тез ҳаракат қилайлик!

Аста бош чиқариб у,
Деди: — Эй, бу қўян-ку!
Жуда суюниб кетди,
Чопишга ваъда этди.

Иккови бас бойлашди,
Маррани ҳам сайлашди.
Хўп, деб чопишди бирдан,
Қўян сакради қирдан.

Тарозичимиз шу он
Кўздан йўколиб кетди.
Кетига қараб қўян,
Керилиб мазах этди:

«Эҳа, қачон етади
Бу судралган жонивор,
Қандай ўзи кетади
Оғир оёқ тароздор?»

Қувончга тўлиб қўян,
Қўб мағрур бўлиб шу он
Ўзини четга олди,
Ўтди-да, ухлаб колди.

У эса бўйнин чўзиб,
Қўяндан кетди ўзиб,
Маррага бориб етди.
Қўянни мазах этди.

Қўян уйқуга қонди,
Тошбақага кўз солди,

* Югирад.

Аттанг деб чапак чолди.
Бироқ энди фойдасиз,

Ҳар қандай аттанг эсиз.
Қўян буни сезарди,
Қайғи уни эзарди.

1936

ТОЗАГУЛ

(шеърий романдан боблар)



1. ТОҒЛАР ОРАЛАБ

Т О Ғ Л А Р

Тоғлар хазиналар,
Хазина тоғлар.
Тоғлар дафиналар,
Дафина тоғлар.

Тоғларда ёгалар
Зўр-зўр бойлиқлар,
Тоғларда ёгалар
Чуқур сойлиқлар.

Сойлиқлар, сойлиқлар,
Чуқур сойлиқлар,
Сойлиқдан оқалар
Дурлар-бойлиқлар.

Бу дурлар, бу дурлар
Қимматлидирлар,
Ҳаётнинг юраги,
Манбаидирлар.

Ҳаётлар, ҳаётлар,
Тотли ҳаётлар
Тилларда қолдирар
Лаззатли тотлар.

Лаззатлар ва тотлар
Бахш этар тоғлар.
Гўзалдир, гўзалдир,
Гўзалдир тоғлар.

Мустаҳкам ва улкан
Қурилишимиз
Сингари дилларни
Ўзига боғлар.

Чиндан-да, шириндир,
Гўзалдир тоғлар,
Ундан-да шириндир
Бизнинг бу чоғлар.

ЧИМЁН ТОҒИ

Кўшинига буйрук бераётувчи
Шонли командирдек жиддий Чимён тоғ;
Тепа, адир, кир, далалар устидан
Кўзин олмай доим қараб турадир.

Унинг кўкси ботирларнинг кўксидир
Юксак ва кенг, юрак-дили бакувват,
Гавдасига қон таратган томирлар
Ирғиб-ирғиб нўрмал, соғлом уради.

Боши узра учкан қушлар-лочинлар,
Ўлкамизда парвоз уриб айланган
Кучли, маҳкам дирижабллар сингари,
Учиб-учиб чўккиларга қўналар.

Лола, гуллар ҳидларидан завқ олиб
Яйраб-яйраб сайрагувчи қушчалар,
Қатор-қатор учғон айрупланлар
Каби кўкда гир айланиб учалар...

Тоғ бошида ўскан сочлар — арчалар —
Толаларин шўх ва ўйноқ шамоллар
Юмшоқ, майин тароқлар-ла тарашиб,
Жингалаклар ясаб, фарқлар очалар.

Кўкси узра ёнган лампа-чироқлар —
Ботир кўксидаги ўрденлар
Янглиқ порлаб, ёғдуларин сочалар,
Ёғдулардан нур эмалар кечалар.

Кўк бетида пахта каби очилиб
Толаларин тортувчи юлдузлар —
Узоқлардан мўраловчи шўх қизлар —
Чимён сари қараб кўзлар сузилар.

Саф тортишиб турғон турли экинлар:
Жонли, шонли, кучли бизим қўшиндай,
Қўлларига қуролларин тутишиб,
Ёвга қарши тайёрланиб туралар.

Чимён кўб чиройли, Чимён чиройли,
Кўзлар қараш билан суқланиб боқар.
Чимён шифо ери, даволар ери,
Хаста-касалларни даволар, боқар.

Чимён қувноқ йигит, Чимён ёқимли,
Чимён хар қандайин кўнгилга ёқар.
Чимённи кўрганда гўзал қиз-бахор
Қаримас, кундан-кун тўлиб яшарар.

1. ТОЗАГУЛ

Тоза гуллар билан ўскан Тозагул,
Хусни гуллар хуснин тўскан Тозагул.
Тозагул қишлоқда тенги йўқ бир гул,
Тозагулсиз қишлоқ гўзалликда тул.

Тозагул Чимённинг қишлоғи қизи,
Бадани оқ-пахта, юзи қирмизи.
Қадам қўйганида ерлар бетида
Кўринмас, билинмас оёғи изи.

Қишлоқнинг бўз йигит, навқиронлари
Тилида, дилида гул дostonлари.
Хатто бу дostonни суюб тинглашар
Қишлоқнинг чол, кампир, қиз, жувонлари.

Шамоллар ошиқлар, ошиқ шамоллар,
Сочлари паришон, мажнуў-телбалар
Оёқ изларини ўпиб, қучалар,
Талашиб, опқочиб кўкка учалар.

Тоғлар чўққисиди ястанган рақиб —
Булутлар кўзлардан ёшлар сочалар,
Қора дилларида ҳасадлар йиғиб,
Шамолларга қарши уруш очалар.

Тозагул шу мафтун ошиқлар сари
Назарин солмайди, қиё бокмайди.
Унинг ишқи касалига бу дори —
Илтифотлар, хушомадлар ёкмайди.

Унинг ишқи кўзи бошқа ва сирли
Нарсага банд, доим унга қарайди.
У, шу ишқнинг талабини ўташда
Ҳар қандайин оғир ишга ярайди.

Тозагул ёшлиқдан отадан етим
Қолиб ўскан ёлғуз бир дурри ятим.
Отаси умрини кўшчилик билан
Ўтказган бояқиш камбағал Татим.

II. ТАТИМ

Татим ака туғилгани кунидан
Ҳасрат, алам, қайғу ва ғам унидан
Алла тинглаб, йиғлаб, инграб яшади,
Кундалигин зўрға топиб ошади.

Қарори йўқ, тебранувчи юракдек
Оёқлари ерда топмади қарор.
Кичиккина, митти, мурғак човидан
Кўб эшиклар кўрди, бўлди у қарол.

Эшиклар-эшиклар — ўргумчак тўрлар,
Кўшчи, қаролга ясалган гўрлар,
Балохўрларнинг оғзига ўхшар,
Илон, бўрилар инига ўхшар:
Кўб жонлар бунда қурбон бўлдилар,
Кўб гул-ғунчалар кулмай сўлдилар.

Меҳнат ва ишнинг тимсоли — Татим,
Куч, ҳаракатнинг мисоли — Татим.
Қуёшсиз қолган гуллардек бўлди,
Қоронғиликда бўғилиб сўлди.

Ундан эсдалик қолди Тозагул,
Чақалок, жажжи қизча — ғунча-гул
Ҳамда у гулни асровчи она,
Юраги яра, кимсасиз бир тул.

III. НОРҲИГИТ

Қишлоқнинг тупроғидан унган йигит,
 Меҳнатга ёшлигидан кўнган йигит.
 Юраги-дили ўтдай ёнар йигит,
 Кўзлари ёғду сочар — «фонар» йигит.

Норйигит бир камбағал деҳқон бола,
 Кўлида, бийлигида бир оз дала,
 Кичкина ҳовли билан учта жон бор,
 Норйигит экин экиб жонлар боқар.

Йил бўйи меҳнат қилмоқ унинг иши,
 Меҳнатда ўтар унинг ёзу қиши.
 Ўзгармай келгон унинг шу турмуши,
 Шу хилда жавлон урар бахти қуши.

Норйигит қўшчилардан узоқ турмас,
 Уларнинг кучларига тузоқ қурмас.
 Доимо бирга турар, бирга юрар,
 Сўзлашар, чақчақлашар, кайфлар сурар.

Буларнинг тилаклари — чечаклари
 Бир замин, бир тупроқдан ўсиб чиққан,
 Лек қуёш юзин тўсқан қора булут
 Бу чечак тусларини ортиқ сиққан.

IV. ҚИШЛОҚ

Тозагул, Норларнинг яшаган ери
 Деҳқонлар қишлоғи қадимдан бери.
 Унда яшадилар неча бўғунлар,
 Қолдириб дунёда авлод, турунлар*

Ўтдилар ўзлари карвонлар каби,
 Қишлоқда қолдириб тек — фақат излар.
 Замон ўтди, ўтди ортиқ кўб замон,
 Ўзгармайин келди ҳаётлар ҳамон.

Қишлоқ ичра тирикчилик умиди
 Билан унда жон чекишиб яшаган

* Уруғ, қавм.

Ҳар бир эмгак(чи) ботирнинг юраги
Қонга тўлиб, ошиб-тошди оҳ-фигон.

«Тирикчилик тошдан қаттиқ» мақолин
Оғизларда дoston қилиб инсонлар,
Тузук роҳат кўролмайн армонда
Кетишдилар жонлар бериб, кўб жонлар.

Ҳаёт шуми, улар ҳаётни шу деб
Яшашдими, шунга қондиларми?
Шубҳасиз, йўқ, чин ҳаётни кутдилар,
Шу ҳаёт-чун хунобалар ютдилар.

Лекин ўзга кучин боғлаб олувчи,
Бошқаларни шу ҳолларға солувчи,
Таловчилар, роҳат яшашди булар,
Ўзгалар топганин ошашди булар.

V. КАПТАРХОНА

Қишлоқ четидаги қия бетида
Гўё ерга қўнган қушча — ҳовлича
Тепалар бағрида узанган чўпон
Сингари ёнбошлаб мудраб ётади.

Унинг ёнидаги чуқурлик-пастак
Ерда гирдоб ичра тўпланган хастак
Уюлган уйчалар қалқиб туради,
Кимлардир уларда ғимраб юради.

Юқориги ҳовлига бир хаста қизча
Сочлари, шу қадар майин бўлса ҳам,
Эзилган, сирқироқ, қақшоқ танига
Гўёки игналар янглиғ ботади.

У худди патлари юлинган қушча,
Учарга бояқишда қўша қанот йўқ,
Уни ҳаракатга келтириш учун
Ёрдамчи, кўмакчи, раҳимчи зот йўқ.

Хамушлар* ўлкаси — мозорлар каби

* Мўл-кўлчилик, хомашё. — Элбек.

Унинг бағри бўлган қушу қуртга ин.
Ғам унинг эшигин пўпаклар каби
Беркитиб, бўлмишдир шодликка тикин.

Қапгарлар у ерда бўлиб жонишин,
Тўпланиб барчаси қилишар йифин.
Гўё уй эгасин хотирлагандай
Бўлишиб бошлашар ғамли хонишин.

Ховлининг ичида ўскан якка тут
Қайғули бошини қуйига солғон
Етимлар сингари хаёл суради,
Ким билсин, нималар ўйлаб туради.

Бурчақда ётувчи эски бир чорик
Иссиқдан қовжираб ортиқ қуриган.
Ким билур, бу қачон, кимлардан қолган,
Кимга, кимлар учун хизматлар қилган.

Ховлининг сири кўб, сирлар кундайки,
Булут босган билан очилмай қолмас.
Сир қуши қаноти кучли, шундайки,
Қанча учкан билан чарчамас, толмас.

VI. БИР ОИЛА

Чуқурлик ичидаги ҳовли ичра
Яшовчи оиланинг сони уч жон.
Бу рўзғор бешигини тебратувчи
Ёшгина бир камбағал, кичик деҳқон.

Бу ёш жуда ишчан, кучли, чаққон,
Шунчалик оилани ўзи боқғон,
Ёвга қаттиқ, дўстга юшоқ йигит,
Кўб танти, қўли чақчақ йигит.

Қўшниси Татим ҳали унинг кўзин
Кечалар юмдирмайин очиб қўйди.
Юраги алам ўти ичра қолиб,
Шу ҳолга чидолмайин ёниб-қуйди.

Ўксиз қиз — Тозагулни, тул онани
Келтирди ўз уйига бир кун бориб.

Унинг бу ёрдамига, ҳамдамига
Суюниб қувонишди икки ғариб...

VII. ҚЎШ МАҒИЗ

Янги ой борган сайин тўлишмоқда,
Хуснига хусн йўлдош бўлишмоқда.
Ғунча-гул даҳанлари очилмоқда,
Ислари димоқларга сочилмоқда.

Норйигит Тозагулнинг суяр ёри,
Тозагулнинг борлиги унинг бори,
Тозагул бир қизилгул, у — япроғи,
Айрилмас, иккисининг бир тупроғи.

Бир хилда қувончлари, шодлиқлари,
Бир тусда қайғулари, аламлари.
Гўё Нор бир дутору севган ёри —
Тозагул шу дуторнинг қўша тори.

Норйигит далаларда ётиб қолиб
Ишлайдир ерлар ҳайдаб, кетмон чопиб,
Тозагул ўчоқ қалаб, ўтлар ёқиб,
Элтадир ош тайёрлаб, нонлар ёпиб.

Иккиси худди эгиз — қўш мағиздай
Қўша лаб ёки худди бир оғиздай,
Сўзлар бир, ҳаракат бир, қарашлар бир,
Жой топмас бу диллардан ўзга-ёт сир.

VIII. ТОҒЛАР ОРАЛАБ

«Қор ёғадир, қор ёғадир, тоғлар оралаб,
Ёрим кетди, орқасидан қолдим моралаб».
Кунлар нақ чопқир отдай одим ташлаб
Ерларда из қолдириб ўтиб турар.
Тунлар нақ кундан қўрққан шабпаррадай
Кун кетгач, қанот ёзиб учиб юрар.
Норйигит эрта туриб, қирга қараб,
Гўнг солди омоч ортиб, хўкиз хайдаб.
Тозагул эшиккача бирга чиқиб
Узатди, қолди узоқ лабин ялаб.
Тоғларнинг ёнбағирлик жойларидан,

Кимсасиз ва кўрқинчли сойларидан
 Парвосиз борар эди ботир йигит,
 Тоғларни ораларди шотир йигит.
 Буғдойкор ери унинг кўб олисда,
 Қишлоқдан ярим кунлик ерда эди.
 Эрталаб юрганича тушда етди,
 Мўндисин қўлга олиб сувга кетди.
 Кўб йироқ эмас эди булоқ боши,
 Бироқ у сувга бориб узоқ қолди.
 Тўкилди унда унинг қонли ёши,
 Белгисиз бир куч унга тузоқ солди.
 Бир-бири билан булар тортишдилар,
 Улар Нор оёғидан чолишдилар.
 Ётқизиб оёк, қўлин боғладилар,
 Ўлдириб ташламоққа чоғладилар.
 Тўсатдан эшитилгач от дукури,
 Ташлашиб қочишдилар босқинчилар.
 Отларин суғормоққа келишганлар
 Бояқишнинг оёк, қўлин ечишдилар.
 Эс-ҳуши кетган мастдек гангиди Нор,
 Ерига қайтиб келиб йиғлади зор.
 Синай деб қолган эди соз-дутори,
 Тинай деб қолган эди мунг куйлари.
 Эзилган юрагини тутолмай Нор
 Бош кўйиб ерга, ётиб кўб ингради.
 Хаёллар, ваҳималар орасида
 Кўзлар ҳам юмилишди — Нор ухлади.
 Уйкуда у бир баланд ерда эмиш,
 Тозагул унинг билан бирга эмиш.
 Ёнидан Жума ўтиб борар эмиш,
 Қовоғин солиб унга қарар эмиш.
 Жуманинг кўрқинч афғи-ангоридан
 Тозагул жуда ёмон кўрққан эмиш.
 Нор сари унга қараб ялинармиш,
 «Бу ердан кетайик» деб ёлборармиш.
 Тозагул бирдан шу чоқ йўқолганмиш,
 Қайгадир қараб кетиб қолган эмиш.
 Қўкқисдан шу замони калхат келиб,
 Нониға чангал солиб қочғон эмиш.
 Нор калхат орқасидан югурармиш,
 Товишини кўйиб қаттиқ қичқирармиш.
 Бояқишнинг бахти учун чангалдан
 Учқиниб ерга тушиб қолган эмиш.

Уйқудан турганида Норйигитнинг
Сирқираб оғрир эди борлиқ тани.
Йўқ эди қимирлашга ҳеч мажולי,
Қуриган эди бутун куч-дармони.
Кун ботар чоғи зўрға қаддин ростлаб,
Оҳиста оёқ судраб йўлга тушди.
Ишламак умидлари, пилонлари
Емирилиб, тўзон каби кўкка учди.

IX. ЎРГУМЧАК

Ўргумчак қон сўрувчи палид жонвор,
Ўргумчак қонлар билан озиқланар.
Ўргумчак йўллар узра тузоқ қураб,
Ўргумчак йўлчиларни йўлдан ураб.

Тузоқлар — ўргумчаклар қуроллари,
Тузоқлар — ўргумчакка хизмат қилар.
Тузоқлар хийла, найранг ипларидан
Нафсу хирс қўлларида тўқилалар.

Жумабой — бир ўргумчак — тузоқ қураб,
Жумабой — қутурғон ит — тинмай хураб.
Жумабой — нафси чуқур ва кенг,
«Юҳо»нинг еб тўймаган оғзига тенг.

Жумабой қишлоқ ичра энг катта бой,
Жумабой бийлигида кўб ер, сув, жой.
Қишлоқда энг баланд том унинг томи,
Теграда энг баланд ном унинг номи.
От миниб чикса агар кўча бўйлаб,
Кўрганлар орқасидан қолар сўйлаб.

У, шунча ер, жойига қоникмасдан,
Яна ер қўшмоқ учун талпинади,
Хаттоки бутун қишлоқ ери, сувин
Қўлига киритишга уринади.

Норйигит чорбоқ-ери унга ёқиб, —
Нор ишлаб қилган уни олтин каби, —
Жумабой кўрганида унинг ерин,
Фазабдан буришади тумшуқ, лаби.

Ерига кўшиб олмоқ хаёлида,
Лекин Нор сотмоқ истамайди.

Жумабой совуқ қонга солиб қортик,
«Даволаб кўймоқ» йўлин охтаради,
Нор билан кўшниликни узиб ортик
Хотиржам бўлиш учун уринади.

Ер, сувда очкўз эмас фақат Жума,
Хотиннинг умрига ҳам офат Жума.
Қарайдир унга «бори» тўртта хотин,
Буларнинг энг каттаси сўфи — «отин».

Дин унинг кўлида бир қурол, тузок,
Дин билан овларига қураб тузок.
Дин билан қилган иши сонсиз, чексиз,
Қизарган унинг кўзи қонга ташна,
Хар ёмон балохўрлар унга ошна.

Кўб туғиб кўпаймаган ит сингари,
Тўртгала хотинидан бир бола йўқ.
Ўзидан кўрмай доим хотинига:
«Нега ҳеч туғмайсан?» деб уради дўқ.

Яна у уйланмаклик ҳавасида,
Белгисиз тикилинч бор нафасида.
Ким билсин, кимнинг қизин зўрлаб олар,
Яна ким ўз қизини ўтга солар?..

Х. СОВЧИЛАР

Совчилар — қорасовуқ, эсар эллар,
Совчилар — гуллар бандиң кесар еллар.
Совчилар — бевақт ёққан музлар, дўллар,
Совчилар — экин хароб этар селлар.

Жумабой Холжон хола уйи сари
Совчилар юбортириб, қиз сўратди.
Қизини бериш учун кўнса агар,
Холжонга кўб пул ва мол ваъда этди.

Совчилар — қутилмаган бу меҳмонлар
Холжоннинг уйи сари жўнашдилар.
Боришиб, Тозагулни Жумабойга
Қаллиққа беришларин сўрашдилар.

Бироқ гап кесимида сўз бўлди «йўк».
Отилди ёв дилига биринчи ўқ.
Сўррайиб совчилар ҳам қайтишдилар.
Бор сўзни бориб унга айтишдилар.

XI. ЎҒРИ

Бой уйида шовқин-сурон, ғала-ғиш,
Қий-чув, йиғи-биғи, қарғиш-алақиш:
Ўғирламиш унинг сандиғи тўла
«Энг қийматли бисотин» бир ғаламис.

Хотинлари атрофга зир югуриб,
Фарёд солиб, ҳамма ёқин чарх уриб
Чопишалар куйик оёқ товукдай,
Бой тўлқинли сувда юзган қовукдай.

Ким олибдир бунинг молин, ўғри ким?
Маълум эмас ўғри ким-у тўғри ким.
Кўблар юраклари бой тухматидан
Урмоқда гупиллаб ҳеч тўхтамасдан.

Кимлар бу тўсатдан чиқувси ҳодис
Ҳақида ўйлашга фикрда ожиз,
Кимларга бу сирни билиш ўзи сир,
Барчанинг юраги титрайдир дир-дир.

«Текшириш, охтариш» сўнгида бу иш
Очилди, топилди ўғирланган мол.
Ўғрининг уяси шу «Қаптархона»,
Бас, демак, ўғри ҳам тул Холжон хола.

Татим ўлганига кўб йиллар бўлди,
Ёш қизи етилиб, ой каби тўлди.
Ўғирлик қилмаса эди, ҳар ҳолда
Яшай олармиди булар бу ҳолда?!

Ўғирлик буларнинг касби-корлари,
Ўғирлик буларнинг кирдикорлари.

Ўғри булар, ўғри, айникса Холжон,
«Кўлидан қутулмас ҳеч қандай мол, жон».

ХII. ТУРДИ ОҚСОҚОЛ

Қишлоқнинг оқсқоли мулла Турди
Ғазабли чехра билан мийиқ бурди.
Тишларин кавлаб туриб бир кекирди,
Хотинга қараб туриб қаттиқ бир жекирди:
— Энди ишинг шу бўлдими, баччаталок,
Текин касбни топибсан-да, эй итялок!
Шариатдан ва худодан кўркмадингми?
Халқдан сира уйлайин, демадингми?
Мана, энди жазоланиб сен ўласан,
Умр бўйи турма ичра тиқиласан!..
Оқсоқол уйи тамом халққа тўлган,
Кичкина меҳмонхона лиқ-лиқ бўлган.
Булар бу ажойиб ҳол томошасин
Кўришиб, эшиталар машмашасин.
Бояқиш кўб қийналди, кайфи қочди,
«Ўғрилик қилмадим!» деб ёшлар сочди.
Холжонни тинглаб тургач домла-имом —
Носиржон дин халтаси овзин очди:
— Ҳалоллик-ла топилғон мол ҳеч йўқолмас:
Сувда оқмас, ўтда сира куймас, ёнмас.
Тўғриларга худо ўзи ёрдам қилар,
Ўғриларга ўзи қаттиқ жазо берар.
«Ҳалол мол» тўғрисида ўлтирганлар
Кўз қисиб бир-бирига қарашдилар.
Хотинни «тергаш» учун сақлаб қўйиб,
Катталар кўзғалишиб тарқашдилар.

ХIII. ҚИЗАРҒАН УФҚ...

Уфққа қизил — алвон чодир тикиб
Ястаниб ётди унда йўлчи қуёш.
Норийгит кетар эди тоғ оралаб,
Юзлари — сўлғин япроқ, юраги ғаш.

Эшикка келганида у яқинроқ,
Кўринди кўз ўнгида ёнар чирок.

Қаршилаб олди уни тонгги юлдуз,
Гўёки унинг туни бўлди кундуз.

Норйигит оху афғон чеккан булбул,
Тозагул қаршисида бир гунча-гул
Сингари кулиб унга лабин очди,
Йўқ, атир қутисидан ислар сочди.

Бироқ кўз денгизида бир фўртана
Қирғоққа сувлар сочиб турар эди,
Тўлқинда қолган кема каби тана
Ҳар томон ўзин эрксиз урар эди.

Норйигит бу тўлқинлар суръатини,
Кўнглига солган кўрқинч даҳшатини
Англади, ўқиб олди кўзларидан,
Тушунди, ўқиб олди сўзларидан.

Ботувчи қуёш – кўзлар уфқи узра
Қадалган қизил алвон байроқ борди,
Оғзидан эсаётган еллар билан
Бу байроқ астагина елпинарди.

Отилиб, қайнаб ётган булоқ суви
Товишидай, юрагидан чиққан хар сўз
Қўймасди асабларни қўзғатмасдан,
Бўларди ўлдиргич тоқ душманга кўз.

XIV. «СИР ТЎЛҚИНЛАРИ»

«Сирнинг тўлқинлари» қафаслар ичра
Қамалган қушларнинг товишларидай,
Гоҳ тушиб, гоҳ баланд чиқиб турадир,
Ўзларини қирғоқларга урадир.

Баъзан булар кўпирилар, тошалар,
Қирғоқларни босиб, янчиб ошалар.
Қирғоқларга ин қўювчи бўрилар
Бу тўлқиннинг даҳшатидан шошалар.

Тинимсиз қўшчи, қарол, хизматкорлар,
Ҳар ишда бўлиб ночор пармонбарлар,

Кунларни тунга улаб ишлайдилар,
Киш бўйи молхонада кишлайдилар.

Туну кун ишлаш билан қорин тўймас,
Озгина дам олишга бойлар қўймас.
Яшарлар меҳнатларин арзон сотиб,
Қолалар йилдан-йилга қарзга ботиб.

Буларнинг ер-сувлари бой қўлига
Ўтадир, қарзга берган «нос пули»га.
Қани, бир бойга «ғинг» деб кўрсин бири,
Ўлдирар уни бойнинг кўзи қири.

Дилларда сирлар ётар бўлиб қат-қат,
Тарқалар булар авлоқ ерда фақат.
Авлоқда сир қушлари қанот ёзар,
Авлоқда сир қушлари эркин учар.

Кишлоқнинг қароллари, қўшчилари
Тоғларнинг орасида ер ҳайдашиб
Юраркан, тегра ёққа қараб олар,
Ундан сўнг кўнгли тинчиб қўшиқ айтар:

«Бу тоғлар — баланд тоғлар,
Ғарибнинг йўлин боғлар,
Ғарибга ғариб йиғлар,
Биз ғарибга ким йиғлар?»

«Худо олсин золимни,
Олиб қўйди ёримни.
Минг тиллага бермасдим
Лабидаги холини...»

Шамоллар югурук отдай учиб ўтар,
Буларнинг бетларидан кучиб ўтар.
Бир-бирин кутган ошиқ қиз-йигитлар
Юраклар ошиқиниб вақт кутар.

Кўб кишлар, ёзлар келиб етишдилар,
Сувлар ҳам тошиб, лойиб тинишдилар.
Далалар бағри неча донга тўлиб,
Нечалар қонга тўлиб сўнишдилар.

XV. ТУН БАҒРИДА

Тепада мўраловчи ой-қиз сочи
Паришон кўнгиллардай эди тарқок,
Раққоса қизлар янглиғ ўйнай-ўйнай
Чарчашиб ухлашганди борлиқ япроқ.

Хасадчи кўнгли каби ўта қора,
Рақиблар фикри янглиғ пора-пора
Тун дилин қопламишди зўр қалтироқ,
Юзлари эди унинг туссиз — оппоқ.

Сой бўйлаб оқаётган сувлар товиши
Учқичнинг овозидай туюларди.
Товишлар денгизларга оққан дарё
Сувидай тун бағрига қуйиларди.

Қишлоқнинг бинолари қўйлар янглиғ
Ётишиб уйқуларга қонар эди.
Фақат бир уйдагина қўша чироқ
Оч бўри кўзларидек ёнар эди.

XVI. ҚОРА ЎЙЛАР

Қоп-қора кўнгиллардан чиққан ўйлар
Шабпарра каби тунда учар, ўйнар.
Тунда кўб режа — пилон бажарилар,
Тунларда жонлар тандан жудо бўлар.

От миниб чирангувчи эгасидай
Тумшугин солиб турган қўшқат бино
Лаблари бу кун ортиқ очилмасди,
Захарли, совук сўзлар сочилмасди.

Бироқ куз каби ўзга суюнч нури,
Булутлар яширса-да, кўринарди.
Бу нурда, дурбинларда кўрингандек,
Кўрқинч тус гавдаланиб кўринарди.

Бунда бир неча йиртқич тўпланишиб,
Қайгадир бормоқ бўлиб турардилар.
Овлашиб еганидан маст бўлишиб,
Суйкалиб бир-бирига бурардилар.

XVII. ҰНГМАГАН ОВ

Уй ичи жим, гүё у хам эгасидек
 Роҳатгина уйқуларга ботган эди.
 Ой хам мудраб, кўзин сузиб, уйқусираб
 Ётоғига аллақачон ётган эди.

Том бошида пайдо бўлиб битта бўри
 Уёқ-буёқ енгил оёқ билан юрди.
 Томдан ерга қандай тушув йўлин ўйлаб
 Андак замон бир нуктада қотиб турди.

Сўнгра юрди бир томонга бир оёқлаб,
 Хар минутда теграсиға минг аланглаб,
 Бир нарсани тортиб олар эди ердан,
 Арқон узилиб кетди, ўзи бирга қулаб.

Товиш сезиб уйқусидан турган йигит
 Чирок ёқиб ҳамма ёқни қарар эди.
 Ови ўнгламай қолган чўлоқ бўри
 Оқсаб-оқсаб йўл устида борар эди.

XVIII. ТҰЙ

Гирдобдаги «хас»лар тўлқинланалар,
 Билинмас: уларми, сувларми жўшқин.
 Ёки сикадирми дарёлар кўксин.
 Баҳорнинг наъравор арслони — тўлқин.

Хар нечук «хас»ларда бир ўзгариш бор,
 Улар чумолилар янглиғ кимирлар.
 Сувлар юзларинда суюнчлар учар,
 Кўзлар қараб тўймас, чарчаб жимирлар.

Норйигит, Тозагул бу кун ўзгача,
 Ўзгалик етмишдир юзу кўзгача:
 Буларнинг кўзлари чакмоқ чақалар,
 Қайғулар уйини ўртаб, ёқалар.

Қарилар кўзинда кўринмас умур
 Гўркови, қазилган кўрқинчли чукур
 Бўлмишдир суюнчининг тўлқинида фарқ,
 Буларни ёшлардан қилиб бўлмас фарқ.

Йиғилиб ҳовлига кўб хотин-қизлар,
Баҳор гулларидек очилиб яйрар.
Қафаслар бетида қолдириб излар,
Бўшалган қушлардай тинмайин сайрар.

Ҳовли биқинига ёпишган кичик
Уйчада йигитлар хандон қулалар.
Рақиблар чидолмай, телбалар каби,
Ўзларин уралар, сочлар юлалар.

Озгина таомил, ичиш-ейишдан
Бўшалгач йигитлар ирғиб турдилар.
Ҳовлининг ўрталик ерини чоғлаб,
Ўтинлар қалашиб гулхан қурдилар.

ХІХ. ЛАПАР

Гулларнинг теграсида айланувчи
Капалак, булбул каби бўз йигитлар.
Гулханнинг теварагин қуршаб олиб
Қизларга қараб лапар айтишалар:

«Лапар айтсанг тўйда айтгин, сулув қизлар қочар-о,
Очилмаган гулғунчани булбул сайраб очар-о,
Эй булбул, мунча сайрайсан тоғу тошни уйдириб,
Иссиқ-совуқ сув ичасан: май-юрагинг куйдириб».

«Дарёга тош отманглар, ботар кетар,*
Узоққа қиз берманглар, олар кетар.
Узоққа қиз берганни ранги сариф,
Кўзидан ёш оқади мисли ариф».

«Дарёни ўртасидан йўл соламиз,
Қизилгул новдасидан уй соламиз.
Қизилгулли новдаси тарам-тарам,
Биззи ёрни қошлари куйган қалам».

«Қизларжон, қайноқ булоққа бошланг,
Моли кўб деб бой боласин хушланг.

* Бунда тирнок ичида олинган лапарлар халқ адабиётидан ўзгича олинган. — *Элбек*.

Мол деган кўлли кири, ювса кетар,
Тирик қулга мол битар, ўлган нетар?»

«Дарёни нарёғида бир тўп ғўза,
У ғўзани тағида олтин кўза.
Жон янга, жоним янга, арзим сизга,
Бир кеча кўшиб қўйинг қорақўзга».

Қизлар жавоб қайтаришга тайёр-дилар,
Лапар ишида йигитлардан айёр-дилар.
Йигитлар лапарига қулоқ солиб,
Жавобни шундай бошлаб юбордилар:

«Лапарни аввал боши — мармар тоши,
Чит рўмолни ҳўл қилғон кўззи ёши.
Чит рўмолим хоса-я, қўлимда чинни коса-я,
Қизлар лапар айтганда йигитлар қулоқ соса-я».

«Оқ уйингга токи тердим, санамадим: жупми-тоқ,
Рўпарамда ўлтирибди қоши қора, юзи оқ.
Қоши қора, юзи оқ, асти ололмайсан мани,
Сочбоғим санинг баҳонг, сарсон қиларман, ёр, сани».

«Лапар айтмоқ боқия, бошингга бахмал тоқия,
Бўйларингдан ўргилайин арпа, буғдой тоқия.
Лапар-лапар дейсан-о, лапар курсун бенаво,
Бир кўзидан ёш оқадир, бир кўзидан қахрабо».

«Оқ узум, қора узумни уздилар,
Ширасини тоғарага суздилар.
Кимми ўғли, кимми қизи дейдилар,
Иккаласи холавачча дейдилар».

«Биззи уйлар қиёда, бўйлай-бўйлай чик, сан-о,
Қўлларингга дастрўмол ўйнай-ўйнай чик, сан-о».

«Қизил-қизил олма тердим теппа шохидин эгиб,
Бир йигит ўтиб бородир белбоғи ерга тегиб.
Салом берсам алик олмас толхивичдек эгилиб,
Ўстирган онангга раҳмат, ўлмағайсан кўз тегиб».

Қизларнинг қочирик тўла лапарлари
Йигитлар йўлларини боғлаб олди.

Йигитлар нима жавоб бериш билмай
Уларнинг қаршисида ганграб қолди.

Буларнинг ҳолини кўргач қизлар қизиб,
Лапарни ташладилар яна тизиб.
Лекин бу лапарларга қарши жавоб
Йўқ эди, турар эди кўз жовдираб.
Қизлар яна авжга чиқиб кетишдилар,
Йигитлардан кулиб танқид этишдилар:

«Тегирмонга буғдой солдим, нам эканин билмадим,
Шу йигитга лапар солдим гунг эканин билмадим».
«У томдан бу томға ирғийди малла мушук,
Манга лапар топганни оғзи қийшиқ».

Ҳовлини тўлдиришиб, қиз-йигитлар
Кулишиб, лапар айтиб бўлишдилар.
Қуришиб қолган юрак-ҳовузчалар
Хурсандлик суви билан тўлишдилар.

Тозагул — гўзал гунча хандон урди,
Нор — булбул гул бетига юзин сурди.
Меҳнатнинг чаманида ўскан кўш ёш
Турмушнинг ётоғига қўйишди бош.

XX. ОЧИҚ КУРАШ

Яшириқча борувчи курашнинг бети
Очилди Жуманинг манхус бетидак.
Тинчликда юзувчи шодлик кемаси
Силкинди Жуманинг ифлос этидак.

Жумабой — занжирдан бўшалган кўпак,
Кўринган қорага ҳура бошлади.
Йўл узра Норйигит кўрингач, уни
Тўсатдан қамчилаб ура бошлади.

Нор бунинг сабабин билмай гангради,
«Нега урасан?» деб ундан сўради.
Жавобнинг ўрнига бўйнига арқон
Солинди, бурнидан окди қора қон.

Норйигит ўзини ўнглади, турди,
 Жуманинг оғзига икки мушт урди.
 Ғазабли йигитнинг мушти зарбидан
 Унинг оёқлари кейинга юрди.

Йўл узра кетаркан Нор сари қараб,
 Тишларин гич қилиб мушт билан янди.
 Норйигит бу ҳолга қарши ғазабли
 Қичқирди, ғазабдан кўзлари ёнди.

Ғам суви шодликнинг тупроғи узра
 Тўкилди, йўллари лой бўлиб қолди.
 Норйигит бу лойдан ўтмаклик учун
 Қўлига букулмас таёғин олди.

XXI. АМРИ МАЪРУФ

Эрталабки намоз — бомдод ўқилғон сўнг
 Имом юзин қавмларга айлантирди.
 Сахийликнинг фазилатин сўйлаб хўп кенг
 Қилиб уни сомийларга тушунтирди.

Деди имом томоғини қира-қира:
 — Хайр қилмоқ бало йўлин тўсмоқ турур.
 Сахийларға бало ёпишмайдир сира,
 Садақа қилғон гуноҳидан тозаланур.

«Хайр» эса фақирларга бериладир,
 Бенамозу рўзахўрга бермак бўлмас.
 Бундайларға хайр қилмоқ каффоратдир,
 Худо ўзи Куръонида ёд қилибдир.

Фақир-фақир кўкрагига уриб аста —
 Художўйдир, тун-кун демай худо дейдир.
 Садақани унутмайин ҳар нафасда
 Бегоналарнинг ҳақлариға омин дейдир.

Биров ҳақин олиб емак динда ҳаром,
 Аммо қурби келганича фақир учун
 Ёрдам қилғон киши сўзсиз савоб топар,
 Жумла қилғон гуноҳининг устин ёпар.

Намоз ўқиб, рўза тутиб юрганларнинг
Ризқларини худо ўзи етказадир.
Бенамозу рўзахўрни хор-зор қилиб
Молю жонин баракотин кетказадир...

Ўз нафсининг таронасин қавмларига
Жон куйдириб, эшиттириб бўлгач имом,
Кўз югуртиб теграсиға қараб чиқди,
Бир кесакда гўё икки қарға йиқди.

Фотиҳани бетға тортиб қавмлар секин
Жиловхона томонига кўзғолдилар.
Масжид эшиги ёнларида қатор туриб,
Олдиларига имомларин солволдилар.

Дарвозадан чиқиш билан бир қанчалар
Йўталишиб уйларига жўналдилар.
Аmmo имом, сўфи, яна бир нечалар
Биргалашиб аллақайга йўл солдилар...

XXII. МЕҲМОНЛАР

Бой уйида имом, сўфи ва оқсоқол,
Яна маълум беш-олтита патак соқол
Ўлтиришиб ниманидир ўйландилар,
Баъзан қараб бир-бирига сўйландилар.

Дастурхонда турар эди турли овқат,
Ширинликлар ётар эди бўлиб қат-қат.
Имом ошдан оғзин олмай букулганча
Еб турарди ошға бўлиб бало, офат.

Бир оздан сўнг сўзга кирди Турди оқсоқол
Кўзларини кўзлар сари қилиб яққол:
— Холжон ишин шундайича тўхтатайми?
Ёки уни турма сари хайдатайми?

Кеча уни тонг отгунча хўб қийнадим,
Кўб дўқ урдим, лекин уни унатолмадим.
Хотин тушкур ўз бўйниға олмай сира,
Табиатимни ҳам қилди ёмон хира.

Энг сўнг дедим унга қараб: «Агарда сен
Жумабойни ўз қизингга куёв қилсанг,
Молни олғон мен эмасман, Норйигит деб
Ўғруликни ул бўйнига сен тўнкасанг,

Сени турма солиш тугул, ҳаттоки, биз
Ҳар қандайин оғирликдан қутқарамиз.
Бойнинг менга бу тўғрида ваъдаси бор,
Ёрдам қилиш учун сенга Жума тайёр...»

Энг сўнг ундан шу тўғрида ваъда олдим,
Яъни Холжон ҳеч кимсага қилмай паём
Тинч уйига бориш учун ваъда берди,
Тилхат ёзиб бармоғини бостирволдим.

Агарда у сирни очиб кўя қолса,
Шу тўғрида оғзига сўз ола қолса,
У ёғини тўғрилаш ҳам ўз кўлимда,
Ҳеч ким тўсуқ бўла олмас бу йўлимда.

Уни бутун қишлоқ ичидан айлантириб,
Эл кўзида шармандасин чиқартириб,
Сўнгра қамаб қўйишлик ҳам жуда осон,
А, мулла Тош! Бу сўзимга нима дейсан?

Мулла Тош ҳам калласини лиқиллатиб,
Оқсоқолнинг сўзларини тасдиқлади.
Аммо ўзи бу тўғрида узул-кесил
Оғиз очиб бир сўз бўлсун сўйламади.

Сирдошлардан иккинчи бир қари тулки:
Япоқ соқол, чўчка тумшук, кўзи укки —
Тўйчи полвон оғзидаги ошни чайнаб,
Гапга кирди сўзни қилиб дакки-дукки.

— Шошувчига лаббай топилмагандай,
Турсунбойни шошиб тортар чоғимда,
Арқон қурғур чўрт белидан узилди:
Мен ҳам йиқилиб, пилонимиз бузилди.

Тушган ерим ёмон қирра тош экан,
Бир оёғим унга тегиб ёрилди.

Хатто шундай қон оқдики оёқдан,
Турғон ерим қора қонга қорилди.

Чироқ ёқди билиб қолиб йигит шум,
Биз ҳам қайтдик кетимизга аста-жим.
Бўлмасайди жонин олғон бўлардик,
Суюнчларга, қувончларга тўлардик...

Бой мийиғин силаб сўзга киришди,
Қоқ теридек пешонаси тиришди:
— Ўткан ишни сўзлашдан ҳеч фойда йўқ,
Норйигитнинг қорни ҳали очмас, тўқ.

Менга қолса янги пилон қурайик,
Унинг молин ўғурлайик-урайик.
Ўғурланса агар унинг хўкизи,
Тўртта бўлиб боқиб қолар кўш кўзи.

Сўнгра қолмас ейиш учун овқати,
Битар рўзғор боқиш кучи, тоқати.
Ховли ерин сотиш учун ҳам кўнар,
Балки хотиндан ҳам ҳаваси сўнар.

Ана ундан сўнгра ишлар тузалур,
Ховли, жойи теппа-текинга қолур.
Энди иш шу, қани менга айтингиз,
Ким бу ишни енгил энлай олур?

Бой ювиндисин ялаб умур ўтказган,
Унинг ҳар бир қийин ишин битказган
Ўсар олди буни ўзига шу он,
Бўғзигача тўлди эски ҳамён.

XXIII. ЙИҚИЛИБ ЎЛГАН ХЎКИЗ

Эрта баҳор, сойлар тўлиб сувлар оқар,
Сувлар ўтлар гарданига маржон тоқар.
Қорлар эриб, юрак-бағри эзилганлар
Каби йиғлар, кўзларидан ёшлар оқар.

Қишлар бўйи офилларда сомон чайнаб,
Фамлар тошиб, юраклари сувдай қайнаб

Ётган жонлар — моллар бу чоқ яйрашалар,
Далаларни эслар — қўмсаб маърашалар.

Кишилар ҳам ёзги ишлар куйин куйлаб,
Бир-бирига ўз ишини айтиб-сўйлаб,
Ёзги ишга тайёрланиб турмоқдалар,
Тинмай тун-кун қимирчилаб юрмоқдалар.

Турли тусда кийинишиб дала-тузлар,
Байрам қилиб ясанишган келин-қизлар
Каби қувнаб, хандон уриб кулишалар —
Қипқизариб кўринадир лола юзлар.

Подачилар молларини ўтлоқларга
Элтиб унда чалқан ётиб дам олалар,
Камишлардан ясаб олгон қўшнайлари
Тепаларда ўлтиришиб чолишалар.

Жониворлар чайирлардан бош кўтармай
Куйруқларин силкиб-силкиб ўтлайдилар.
Текин, маҳкам-пишиқ, жонли елпиғичлар
Чивинларни уриб-суриб ҳайдайдилар.

Қуёш ботар чоғи келгач подачилар
Подаларни қишлоқ сари ҳайдадилар.
Йўл устида чоқда фақат булар
Қўнғир хўкиз йўқлигини пайқадилар.

Қирга қараб, ҳаллос уриб, зар югуриб
Қўнғир хўкиз орқасидан чопишдилар.
Излаб юриб, ўтлоқзорнинг ёнидаги
Жар ичидан ўлугини топишдилар.

Шундай кичик жарда хўкиз ўлишини,
Унинг мунга нечун кулаб тушишини
Ўйлай-ўйлай подачилар қайтишдилар,
Келиб Норга воқеани айтишдилар.

XXIV. САХИЙЛИК

Диний байрам намозига йиғилгонлар
Масжид ичра сифишмайин қолишдилар.
Қўплар масжид сахни узра чопон солиб,
Хайит намозини унда ўқишдилар.

Намоз битгач жойдан туриб ҳамма бирдан
Қўл беришиб бир-бирларин қутлашдилар.
Сўнгра имом домланинг «амри маъруф»
Сўзларини кулоқ солиб тинглашдилар.

Домла имом бу фурсатни ўлжа билиб,
Узунгина ҳикоясин бошлаб кетди.
Энг сўнг сўзинг нафси билан йўлдош қилиб,
Хайру эҳсон тўғрисида хитоб этди.

Ҳар ким унга кучи-қурби етганича
Ўз атаган садақасин бериб ўтди.
Бу чоқ адрас тўнин кўзга ялтиратиб
Жума халқнинг қаршисида кўрук этди.

Чўнчагини кавлаб, элнинг кўзинг овлаб,
Имом қўлига бир неча сўм пул қистирди.
Сўнгра ўзи маддох каби сўзлаб-жавраб,
Худо учун иш қилишни эшитдирди:

— Халойиқлар, кўрасизми, масжидимиз
Бу кун бизга жуда торлиқ қилаётир.
Художўлар намоз учун келганида
Ичкарига сифмай ташда қолаётир.

Бу масжидни бузиб, катта масжид солиш —
Худо учун хизмат қилиб савоб олиш
Ниятида бўлгонларнинг иши эрур,
Қани, бунга ким ўзидан ёрдам берур?

Бошлаб ўзум икки юз сўм чиқараман,
Тенглашишга бошқаларни чақираман.
Қани, Тошмат, Мулла Холмат, нима дейсиз,
Шу ишимиз учун ёрдам берарсизму?

Халқ ичидан унда-бунда чиққан товиш
Битгач, қайноқ кўнгилларни босди совиш.

Кўплар жавоб бермай ерга қарашдилар,
Секин-секин уйларига тарқашдилар.

XXVII. ЎЛИМ

Кун чарчаган, узоқ юрган йўлчидай
Кўзи тиниб, нафаслари сиқилди.
Зўрға-зўрға оёқ босиб, гангираб
Беткай ерга бориб секин йиқилди.

Дала-тошни қоплаб олди бир сукут,
Ваҳималар қанотларин кердилар.
Кушлар япроқ-барглар узра ястаниб
Тонгни кутиб тинч уйқуга кирдилар.

Чулғаб олди кўкни қоронғи булут,
Ой ўртук ёпинган қизлар сингари
Баъзан булутлардан мўралаб қарар,
Сўнгра ўртуғига бурканиб олар.

Ховли ёнидаги айвонча узра
Лопиллаб ёнувчи қорамой чирок
Тегра ёкка қалтироқ нур сочарди,
Гўё нур ташийди бор титрак япроқ.

Бурчакда узаниб биров ётарди,
Унинг юзларида хазонлар ўйнар,
Тили ниманидир такрорлаб сўйлар,
Кўзлари чирокдан нурлар эмарди.

Унинг теграсида кезарди хаёл,
Бир йигит, бир ёш қиз, бир неча аёл
Кўзларин тикишиб, нурсиз кўзига
Боқишиб, очарди истикболдан фол.

Совиб бормоқдаги самовар товши
Сингари бояқишнинг товши секинлар,
Борғонча ошарди юрак тепуви:
Кафасдан чикмоқчи кушдай урунар.

Кўб йиллар яшаган бечора бир куш
Ахийри қутулиб бўшлиққа учди.

Қафас қушнинг қанотлари зарбидан
Турғон ўрнида бир тебраниб тушди.

Уйда фарёд-фигон сув каби тошди,
Шодлиқ чаманларин тошқинлар босди.
Ажалнинг ялмоғиз, жаллод кампири
Ўлим туморини бўйнига осди.

Чол боши ёстикда, кўзлари юмук,
Фарёд нағмаларин тинглаган каби,
Ўтмиш ҳаётини ўйлаган каби
Ётоқда ўйланиб жимжит ётарди.

Ёш йигит ўридан кўзғолмай унга
Қарарди, кўзидан ёшлар оқарди.
Кўнгли шу аламли ёш денгизига
Ташланган тош каби чўқар, ботарди.

Шу онда эшикдан биров секинлаб
Келди-да сўзлади аста шивирлаб.
Гўё шамолларда тўкилгон тутдай
Тўкилди кўз ёшлар қаттиқ дувурлаб.

Ғамли тун бағрида йигит кўзлари
Кечага қўшилиб бирлашиб кетди.
Ишонган Тангриси ҳақиға аччиқ,
Ғазабли сўзлар-ла хитоблар этди*.

XXVIII. СОВУҚ ЕЛ

Ўлук кўмиб, ғамга тўлиб Норйигит
Гўё қорда қолиб музлаган чигит
Сингари қорайиб, гужунак бўлди,
Юзлари ҳасратли ел билан сўлди.

Уйчада ўлтириб қўллари билан
Алланарса ўйлаб ерни чизарди.

* Ушбу боб мисралари алоҳида шеър сифатида ҳам мазкур китобга киритилган. — *Муҳаррир.*

Тозагул эрининг ҳолига йиғлаб
 Ёшларни маржонлар каби тизарди.

Шу чоқда эшикдан кирди бир совук,
 Уйчада кездилар алам еллари.
 Юзлари буларнинг бўлиб сап-сарик,
 Совук урган гулдек синди беллари.

Хирожчи кеккайиб Нор сари қараб,
 Ўз фикрин маъқуллаб узоқ сўйлади.
 Энг охир хирож пул ишки дostonин
 Ёқимсиз товиш-ла айтиб куйлади.

Унинг даъвосига кўра Норйигит
 Хирож пулин кўпдан бери бермаган,
 Шунинг учун «иштараф» ҳам бериши
 Лозим экан, хатда шундай ёзилган.

Бирданига ерга тушган бир совук —
 Тўнгдирувчи, музлатувчи бевакт қор,
 Кенг даланинг бағрин булар кўзига
 Торайтирди, дунё юзи бўлди тор.

XXIX. ЧИГАЛ ИШ

Қор гуриллаб тинмай ёғиб туради,
 Юракларда ғамлар қолдирар из.
 Хаёт тўлғонадир, умур суради,
 Жонлилар чорасиз қишга чўкмиш тиз.

Факирона уйда Норйигит яшар,
 Унинг юраклари селлардек тошар,
 Лекин баҳор эмас, қорлар ёгадир,
 Қорлар чигирткадек ҳарён огадир.

Норйигит, Тозагул кўб қишлар кўрган,
 Аммо бу қиш оғир, бундай совуқки,
 Айёми ажузнинг хидини берар,
 Балиқчи қушлардай қанотлар керар.

Қийналиб ёталар дардлилар уйда,
 Уларнинг кўнглида нима ўйлар бор?

Аммо роҳатлилар лаззатли куй-да
Эшитиб ётарлар чолишиб дутор.

Киш сўнгги дамани кечирмакдадир,
Тездан сочажақдир қуёш ерга нур.
Кўк бетин тўсувчи қора пардани
Эркин баҳор қизи тездан йиртадир.

Баҳор қандай гўзал, сеvimли баҳор,
Сувлар шодланишиб тўлғониб оқар.
Баҳор чолғучиси қиз чолса дутор,
Ҳар қандай қулоққа сингар ва ёқар.

Баҳор кўб гўзалдир, баҳор сеvimли,
Баҳор кўзларидан ҳаётлар оқар.
Баҳор кўб сулувдир, баҳор кўримли,
Қимматли дурлардан маржонлар тоқар.

Ҳаволар ҳам бир оз эса бошлади,
Музлар нафасларин қиса бошлади.
Қорлар ерга тушмакдалар қалтираб,
Юзларида томчилар ҳам ялтираб

Кўриндилар, нима баҳорми яқин?
Ҳаво ярим очик, кунлар ҳам илиқ.
Ўқтун-ўқтун бошланадир изғирик,
Ҳали чиқмамишми айёми ажуз?
Зарбидан баданлар қиладир жиз-жиз.
Нима, совуқ қорлар ёғарми, тағин?

На эса бу, қишнинг энг сўнгги оёи,
Бу ой ўтгач қолмас сифинар жойи.
Оппоқ чодирини йиғиб олиб қочар,
Баҳордан енгилар — унга йўл очар.

Ярми баҳор, ярми қишга қараган
Қора дилли, қулар юзли феврал ой:
Ўтиб кетар шу ҳолича қолаолмас,
Келар тезда сеvimли, чин баҳор-ой.

Унда Норлар қувонишиб яйрашар,
Тозагуллар хандон қулар, очилар.
Қуёш нури тоза гуллар қонига
Жон киргизар, унга мўл-мўл сочилар.

НАСРИЙ АСАРЛАР



ФОҲИША

I

Емирик* бино қолдиқлари, қай вақт бўлса-да, бунда тузуккина бир бинонинг бўлғонлигин кўрсатарди.

Ер юзида тепачалар ясаган бу хароба халқнинг энг уринишли бир ўрнида турарди. Кўргувчига қандай бўлса-да, бир турли таъсир бермасдан қолмасди: «Бир вақтларда қайси бояқишнинг ҳовлиси бўлғон экан, ул бояқиш бунда қандай умидлар билан яшаган экан...» каби сўзларни қайта-қайта айтишиб ўтқувчилар, буни қизғонч аҳамиятин янада очикроқ кўрсатардилар.

Хароба қайғули бир ҳолда турарди. Ул ўзининг бу кунги емирик ҳаётидан ўксирди. Бошларин кўкка кўтариб турғон бинолар қаршисида уялиб, ўзини ер бағрига тортишга тиришарди.

Унинг қайғули юзини сассиқ ўтлар қоплаган эдилар. Гўё, ўтлар буни англаганлар, унга кўмаклашмак учун бор кучларин сарф этиб, ўз юмишларин ўтаган эдилар.

Гўристон ҳолини олғон бу бинонинг хароба ҳолига айланганига ҳали кўб вақт ўтмаган эди.

Кишилиқ дунёсига алам, эмгақлар келтиргувчи фақирлик ва бунга кўмаклашгувчи очлик ўз кучини бундагиларга ҳам кўрсаткан эди.

Бурунларда бу бинода бир косиб яшар эди. Унинг ўзи ила яшагувчи хотинидан бўлак яна 8 ёшли бир қизи ҳам бор эди.

Тириклигин зўрға ўтказгувчи бу бахтсиз бундан бир неча йил бурунги очликда хотини ила баробар ўлган эди.

Ёш, боқимсиз қолғон қиз ўз тириклигин ўтказиш учун турмушнинг турли кўчаларига бахтсиз бошин уриб кўрди.

* Емриклан, қулаган.

Ўзини тарбиялаган бу емирик уйи бу кун унга кўр-кинч, даҳшат ўрни бўлиб кўринди. У хали турмушнинг аччиқ-чучигин тотмаган холида бу харобани ташлашга мажбур бўлди.

Куримсақларнинг эгри, қора кўнгиллари каби эгри кўчалар уни юпатмас эдилар. Унинг мунгли бошини айлантриб, алдашга тутинардилар. Нақ улар ҳам бу ишлари билан тош кўнгилларига кўмаклашар эдилар.

Ўксизнинг қоп-қора сочлари унинг қайғули юзини ўритган эдилар. Ёзиқсиз пок юзидаги тошиб турғон қайғу денгизини улар тўхтатмоққа тиришардилар, тубан кишиларнинг кўзларидан у пок юзини сақлаш учун бу сочлар табиий ўртук вазифасин ўтар эдилар. Кичкина, нозик қўллар унинг хаёти учун бирдан-бир кўмакчи эдилар.

Бояқиш қиз шу ҳолатда бир неча йилларни кечирди. Унинг ўткур, ялтираб турғон кўзлари турмушнинг харёғига ўзларин бир-бир ташлаб ўтдилар.

II

Киш куни эди. Жонлилар учун кўрқинчли ўлим вазифасин ўтагувчи қиш ўзининг зулм кучини сарф этиб турарди. Унинг совуқ баданидан сочилғон туклари ердаги борлиқ нарсани босиб, бўғишга тиришадилар. Бунинг ўткур тирноқлари бояқиш ўксизнинг-да баданига қадала бошлади. Ул ҳар қанча бунга қарши курашса-да бир иш қилолмади.

Ул ўзининг енгилғонлигин сезгач, жонин сақлаб қолиш умидида тузукроқ бир бино топиб, унга ўзин олди.

Бино қизнинг бахти учун ўйлаганича фойдали эмас эди. Бу, ярамас ҳолни сақлагувчи манхус бир бино эди. Ўзининг хасис ва пастлиги билан донг чиқорғон «Б» отли бой турар эди. Ул бошқага бир тийин бериш эмас, ҳатто ўзига сарф этилатурғон нарсаларни ҳам қизғонар эди. Икки бўйға етган ўғлини шундай чиқимлардан қочиб ўқитмаган. Буларга сарф бўладурган оқчаларни ўйлай-ўйлай бир неча йилларни ўтказганин билмай қолғон бир мурдор, ўзининг бўйидай бўлиб қолғон ўғилларини хали ҳам ўйлантирмаган эди. Қизнинг ўз оёғи билан келиб кириши унга қутилмаган даражада севинч берди, лекин сўнградан унинг: «Бу камбағал қизи, мен

бўлсам, бой бир киши, уни ўғлимга олиб беришим юрт ичида уят», деб ўйлаган фикри бу севинчи бўшга чиқарди.

Ўксиз қиз киши бўйи туриб қолди. Тирикчилик мажбурияти бояқишни ўзи истамаган ишларга-да бўйинсунишга мажбур этди.

III

Қиз ўн олти ёшдан ўтиб, ўн еттига қадам қўйган, ҳаётнинг аччиқ-чучугин тотиган, лекин-лекин ул турмушнинг қирли қопқонига илинган эди.

Бойлигига мағрур бўлгон, камбағалларни «тубан махлуқлар» деб ўрганган бу инсофсиз хасис оила қиз учун қопқонлик юмушин ўтади.

У бояқишни турмуш деган мунофиқ бу қопқонга илинишига мажбур этди.

Қиз эски ҳолини йўқотди. Ул, бу ишни олдинлари ўзига лозим билмас-да, бу ярамас оилада кун кечир-гач, ўз табиатиға сингдирди. Унинг кўз олдида бошқа бир сурат пайдо бўлди. Бу сурат бойларнинг кайфи учун милёнларча наслнинг ишдан чиқишиға сабаб бўлгон нарса эдиким, қиз учун-да ҳозирча қулай бир касб бўлиб кўринган эди.

Йўқсуллик нималарни ишлашга мажбур этмайдир? Бойнинг ярим очик эшиги бунинг учун энди бутунлай ёпилди. Қиз учун ер юзи уй ҳукмини олди.

Турмушнинг аччиқ тажрибалари кишининг фикри ўзгариши учун бирдан-бир сабабчи эмасми? Мана бу қиз ҳам шул турмушнинг ёмон ёқларидан яхшигина дарс олди.

Энди ул бу ишда яхши ихтисос касб этди ва ҳар кимни алдашға ўтди.

Элнинг гул, содда гўл йигитлари бунинг сўзига ҳар дақиқада учар ва унинг алдов тузоғига тушар эдилар.

Ул, ҳар бир киши билан гаплашар экан, унга: «Мен сен учун, сендан бўлакни демайман, сўзим сўз, шу ваъдам ваъда, сен ҳам мендан бўлакни дема!» дер эди.

Бунинг бу сўзларини эшитгонлар шу замониёқ учар, унинг белини кучар эдилар.

Бироқ бу ваъдалар, бу сўзлар, бу қучишлар унинг кўнглида узоқ сақланмас эдилар, оқар сувдай тўхтамай оқар, гўл йигитларнинг юракларин ёқар эдилар.

IV

Кун ила тун каби бир-бирининг орқасидан кувлашиб келатурғон қайғу ила шодлиқ қизнинг бошида ҳам ўз рўлин ўйнамай қолмади. Илгарилари, ёлғуз корни қайғусида эзилгучи қизнинг пок гавдаси бу кун белгисиз, қўрқинчли бир ёвнинг қўлида эзилмакда эди.

Қўб таъналар билан курашган унинг гавдаси бу кун енгилғон ва оғир бир касал билан оғриган эди.

Бойнинг машъум кайфи орқали майдонға келғон бу касал бояқиш қизнинг гавдасин парчаламоқда эди. Қизнинг бахтли вақтларининг ҳар бир минути бу кун бахтсизлик елига айланган, бояқишнинг оёқ, қўллари қайғу ипи билан боғланган эди.

Ул ўзининг бу қўрқинч касалидан соғ қолмаслигин англади, оғриқ гавдасин ҳар томонға отиб, тинмай йиғларди. Лекин иш ўткан эди. Турмушнинг тўхтамай оқиб турғон лойқа, ифлос суви уни фарқ этган эди.

1925

ОНА

Эртаға Йўлдошнинг ўқушға кетадурган куни. Даланинг ёқимли ҳавоси, қушларнинг мунгли товиши, кишиларнинг хайқириқ ғавғоси унинг кўнглига бошқача таъсир бера бошлади. Эртадан бери унинг хаёли бир масала устида боғланган, юраги эса алланарсадан инглаган эди.

Ҳар кунги шодланиб юрган Йўлдош бу кун қайғули, маънос бир ҳолда. Нега бундай? Буни Йўлдошнинг ўзи ила меҳрибон онасигина билади.

Куннинг кеч бўлиб бориши Йўлдош билан басмабас ўйнашган каби кўринарди.

Кеч бўлди. Кундузги товишлар ҳам қуёш сўнгидан секин-секин йўқола бошладилар. Энди кеча жонворлари товишлари борича қичқира бошладилар: чигирткалар чириллай, қалин уя солғон япалоқ қуш ёқимсиз товиш билан кукулай бошладилар.

Кенг қирнинг бағрида ётғон Йўлдош бу аламли товишлар ичида ёстикқа бош қўйиб тушунарди: ул эртаға қишлоғидан шаҳарға жўнашин ва шаҳар узра узок қолиб, ёлғузликда ўқушин ўйларди. Уйқу унинг кўзидан узокқа қочди.

Ул ёшлиқдаги ҳолларидан тортиб, ҳозирги ўкумок-да бўлгон вақтларигача бир-бир ўйлаб чиқди. Кенг далаларда яйраб ўйнашлар, уй ичида ота-она бағрида кувониб юришлар уни кеткизишга қўймас эдилар.

Йўлдош бошин кўтарди. Теграсига қаради. Онасини уйғоқ ҳолда кўрди. Ўз-ўзига: «Бу қандай ҳол, соат иккилар бўлса-да онам ухламайдир!» деди-да, яна ёстиққа бошин қўйди. Турли хаёллар ичида уйқуга кетканин-да, билмай қолди.

Унинг ухлаганига ҳали кўб вақт ҳам ўтмаган эди. Бирдан уйғонди. Кўз олдида бир инсоннинг ёстиққа суянган ҳолда қўлин жағига қўйиб термилиб турғонин кўрди.

— Она, нечун ухламай ётибсиз? — деди. Онанинг бунга қарши жавоби ёлғуз хўрсинишигина бўлди.

Йўлдош учун юзларча чақирим йўлни юриш керак. Унинг минадурган оти ҳам йўқ. Қўмаклашгувчи киши-си-да йўқ. Ёлғиз кўмакчиси икки оёқларигина.

Тонг чоғи эди. Йўлдош йўлга тайёрлана бошлади. Қўлига бир таёқ олди. Белбоғига икки-уч нон солди-да белига боғлади. Энди ул бу икки йўл яроғи билан узоқ сафарни чоғлади.

Ул маъюсланган бир ҳолда йўлга тушаркан, қулоғига: «Тўхта, болам!» деган ўтли бир товиш эшитилди. Бояқиш она кун, тун бўйи қовурилгон юрагидаги ўтни «тўхта, болам!» деган сўз билан яна алангалатди. Кўз ёшларини оқизиб, ўғлининг бўйнига қўлин ташлади:

— Ўғлим, айлансин онанг! Киши деган иссиқ жондия, мен сени кута-кута жонимдан ҳам айрилай деб қолдим. Йил ўн икки ой сенинг йўлингга термуламан. Энди онангни соғинтирмағил!..

Йўлдошнинг юрагин эзгувчи бу сўзлар унинг-да кўзларига ёш келтирмай қўймади. Ул товиш чиқаришга-да улгура олмади. Ўпкаси тўлган ҳолда ерға қараб кета бошлади. Лекин она севгиси буни ўзига тортди. Эркисизча кетиға ялт этиб бир қаради. Она бояқишнинг ҳали ўрнидан қўзғолмай турғонин кўрди. Унинг икки қўллари боласини қучғон ҳолида қандай вазиятда эса ҳали ўшал вазиятин сақлаб турарди, кўтарилгонча қолгон эди.

Йўлдош ўзига тасалли берди. Йўлига давом этди.

— Хайр, қишлоқ, хайр, менинг онажоним! Узоқ вақт ўтмас, мен сенинг бағрингда ўйнарман, мехрингга қонарман...

Йўлдош шаҳарға етиб ўқий бошлади. Қиш бўйи ўқуб, мактабини тугатғач, яна қишлоғига қайтди.

Унинг кўнгли энди севинчлар билан тўлган эди. Кўзига ҳар нарса кулиб қараган каби кўринарди.

Икки кун йўл юриб қишлоққа етди. Ошиққонича уйига кирди. Бу келишда меҳрибон онасини севинтирмак ва унинг севинчига ўзи ҳам қўшилиб севинмак истарди.

Лекин, лекин... она боякишни кўрмади. Бир бурчакда оппоқ соқолини селкиллашиб, ўғлининг кўзига тикилиб тургувчи отага кўзи тушди.

Ота ёшли кўзи билан:

— Онангни охтарма, онанг ўлди... — деди.

Йўлдошнинг юраги эзилди, йиғлади. На чора? Йиғи уни юпатмади, ул онасининг қабри ёнига борди.

Қалин оғочлар, кўм-кўк япроқлар ичра қизариб кўринган тупроқ тўплами Йўлдош учун бир нарса демади.

Кўзи олди қоронғилашган ҳолда қабр ёнидан қайтаркан, онасининг: «Онанг айлансин, киши иссиқ жон-дия, мени соғинтирма», деган сўзлари эсига тушди.

АНОРГУЛ

(Қишлоқ турмушидан кичик ҳикоя)

I

Олмани отдим харига,
Харидан ҳам нарига;
Аҳмад акам қиз берди
Ўзидан ҳам қарига.

Ховлининг ўртаси чағир тут оғочининг тагига ясалган супада ўлтуруб, қийиқча рўмол тикар экан, юқоридаги ашулани айтиб юборди-да, Аноргул ўз теграсига бир қараб қўйди.

Уйда ўзидан бўлак ҳеч ким йўқ; отаси ила акаси буғдой ўроғида; укаси Турсун мол боқиб юрадир; фақат онаси бўлса, у ҳам бу кун қариндошининг уйига азага кеткан.

Кўлидаги қийиқча рўмолни тикиш уни анча зериктирди. Қийиқчага игнани санчиб, тиззасидан олиб қўйди. Кичкина ёстикка бир оз суялиб ётти. Дам олиб бўлди, шекилли, ўрнидан туриб яна рўмолини тика

бошлади, игнани рўмолға ўткизиб-ўткизиб, гинқиллаб ашула айтти:

Рўмолим бор мушкули,
Тиколмайман қиш қуни.
Тиксам тикай қиш қуни,
Жума, пайшанба қуни.

— Ух, жуда ёмон чарчатди бу ўлгур! Бор, тикмасам нима қилади?

Рўмолни бутунлай йиғиштириб қўйишга ҳаракат қилмасдан:

— Ким бу? — деди.

— Ҳа, ўлақолгур, сўрамасдан очақолсанг, нима бўлибдир, битта яримта йигит келиб қолди деб қўрқдингми, нима бало?

— Ҳа, сенмидинг, нима қилай, уйда ёлғуз эдим, албатта қўрқаман-да!

— Ҳа, қўрқмай қўяқолинг, сен ила менга қараб турғон киши ҳам, еядурган ёв ҳам йўқ!

Икки ўртоқ ҳоҳолашиб кулиб, супага келиб ўлтирдилар.

— Ҳа, Аноргул, нима бало тикаётибсан? Тезроқ эрга тегмакчимисан.

— Вой ўлай, сўзинг қурсун! Рўмолни эрга тегмак учун тикадиларми? «Бекор ўлтиргандан бекор ишла!» деганидек, эрмак қилиб ўлтирибман.

— Ҳа-ҳа, тузук, бўлмаса ишла, ўртоқ.

— Йўқ, ҳозир ишлагим йўқ... жуда зерикдим, гапинг бўлса, уёқ-бу ёқдан гапир!

— Ростми-ёлғонми, эрталаб, ойим анави Ўринжон холанинг қизи Қумрихонни қочибти эмиш деб айтган эди-а, сен ҳам шу тўғрида бир нарса эшитмадингми, ростми-ёлғонми?

— Тўғри бўлса, тўғридир. Унинг дадаси жуда қарздор бўлиб қолиб, охирида шу қизини Рустам бойга уч юз сўм пулга сотмоқчи бўлиб турғон эмиш, деб эшитиб эдим.

— Ҳа, ундай бўлса, тўғри экан! Қани, ўртоқ Буни-со, шунга бир қўшиқ чиқармаймизми?

— Майли, қани, сен бошлагин, мен сенга эргашай.

Тоғ бошига қор ёғди,
Қумрихон сифир соғди;
Юрт-элидан уёлмай,
Йигит сўзига оғди.

Шахар йўли тош экан,
Ичканлари мош экан,
Қиз ўстирган отанинг
Икки кўзи ёш экан.
Оқ олма, қизил олма,
Йигитларга кўз солма,
Йигитларга кўз солиб,
Уят-номусга қолма!

Ашулаларни айтиб-айтиб куйларини тўғриладилар.

— Бўлар энди, қўй, қочмай ҳам ўлсун. Қоринлар ҳам очиб кетди. Бир чой ичишиб олайлик, — деб Аноргул қора кумфонни ўчоқчага элтиб қўйди.

Дала-тошдаги экин-тикинлар йиғиб олинган, табиат жимжит. Гўё булар қишнинг келишига дамгин бўлиб, маъюслашиб турғондек. Қишлоқнинг ёз бўйи ҳарёкка югуришган кишилари ҳам энди тинчишган; тўйларига, меҳмонхоналарига йиғилишиб, қишлоқ (аҳли) «Тўкма», «Гап»лар билан ётмоқдалар. Кўча-кўйда одам оз кўринади, шовқин-суронлар ҳам йўқ. Қишлоқнинг ўртасидаги узун, тартибсиз кўчанинг катта гузарига тақалган еридаги уйдан икки хотин чиқиб келаберди. Буларнинг бири кампир, иккинчиси ёшқина жувон эди.

Гузарда ўлтирган бекорчилардан бири бошқа бирига сўз бошлади:

— Анави — Норқиз кампир эмасми, у Холтой аканинг уйига нимага келгон экан?

— Ёнидагиси ким?

— Ёнидагисини тузук билмадим, Солих аканинг кизига ҳам ўхшайди.

— Балли, бўлмаса бўлди. Булар Холтой аканинг кизини Солих аканинг ўғли Йўлдошга олиб бермоқ учун совчиликга келгонлар.

— Эҳтимол.

— Эҳтимол эмас, нақ тўғриси шу!..

Улар ўзаро тортишиб турар экан, хотинлар иккинчи кўчага қайрилиб, кўздан узоқлашдилар.

II

Баҳорнинг энг яхши чоғи. Далаларга қушлар чиққон, баъзилар баҳориларин экиб ҳам бўлгон. Пичан ўроғи ҳам яқинлашиб қолгон, қишлоқ яна эски ҳолига қайтган, кишилар тинмай ҳарёқга югурмоқдалар.

Йўлнинг бир чеккасидан келаётгон бир хотин ўзининг тўрт ёшлар чамасидаги боласига: «Тез юр, чоп!» деб хитоб қилиб ўзи шошиб-пишиб чопиб бормоқда эди. Буни кўргач, кимдир:

— Чопмаса ҳам бўларди-ку, ҳали, қизларининг йиғилишига анча бор. Ўйин деган кечка яқин бўладир-да. Шунга етиб борса бўларди-ку, хотин-да, тўй деса тишини синдиради, деб қўйди, бунинг сўзидан бир нарса ҳам англай олмаган кимдир-биров:

— Нима, ўзи нима гап? — деб сўради.

— Нима гап бўларди, Холтой аканинг қиз тўйи бўлар экан бугун, шунинг ўйин кечаси бўлар эмиш, — деди.

— Ҳа, ҳа, бўлмаса биз ҳам борсак бўлар экан-да...

Ўйин кечаси

Кеч, ҳовли юзига ўтлар ёкилгон, ўтинлар ловиллаб ёниб турадир. Ҳовлининг юзи йигит-яланг, қари-қартанг, кампир, қиз-жувонлар билан тўлган. Чирмандалар тинмай чолиниб турмоқда. Унда-бунда қизларнинг чўзиб-чўзиб айткан ашулалари ҳам эшитилиб қолар эди. Шўхроқ қизлардан ўйинчироклари ўртага тушиб ўйнаб ҳам юбордилар. Йигит-ялангларнинг шўхлик қилиб айткан сўзларига кампирлардан бири:

— Ҳой болалар, тинч туринглар, бўлмаса барчангни ҳам уйдан чиқариб юбораман! — деб уларга пўписа қилиб қўйди.

— Хўп-хўп, оқсоқол, товишимизни чиқармаймиз! — деб йигитлар қулишдилар. Ўйин-кулгу, шовкин-сурон ичида «пўшт-пўшт, куёв келаётибдир» деган товиш эшитилди. Ҳамма жим бўлиб, куёв томонга қаради. Куёв ўзига яқин ўртоқлари билан келди-да, йигитлар орасида беркиниб турди. Куёв келиши билан ўйин тартиблари ҳам ўзгарди. «Кани, лапарни бошла!» деган товишлар ҳарёқдан эшитилиб қолди. Барча лапарнинг ҳаракатиға тушди.

Лапар

— Ҳой қизлар, ҳой болаларим, барчанғиз ўз ўрнинғизни топиб олинглар, ҳозир лапар бошланади, кани куёв тарап зўр чиқармикин, қиз тарап, — деб бир

кампир шовқин солиб, йигитларни бирёқ, қизларни бирёқ қилди, — ўзи ўртада турди. Барча ўз ўрнин олиб бўлғоч, кампир чўзиқ оҳанг билан лапарнинг бошланғичини бошлади:

Лапарнинг аввал боши — мармар тоши,
Чит рўмолни ҳўл қилғон кўзнинг ёши,
Чит рўмолим хоса-ё, қўлимда чинни коса-ё,
Қизлар лапар айтканда, йигитлар қулоқ соса-ё.

Бундан сўнг келин томондаги қизлардан бири келин тилидан:

Жийда кесдим, сувға солдим, сув бўлиб оқармикан,
Чин кўнглимни ёрға солдим, оғрисам боқармикан:
Оғридим, боқолмади, қўйлар олиб қоқолмади,
Жон онам, жоним онам, юртларда эмчи қолмади.

«Бўлинг» билан йигитларга бир оз «тош» отиб, пичинг қилиб, куёвнинг бу тўғрида қандай ҳаракат қилишлигин билмак бўлди. Куёв томондан биров салмоқликқина қилиб лапар бошлади:

Лапар айтсанг тўйда айтғил, сулув қизлар қочар-о,
Очилмаган гул ғунчани булбул сайраб очар-о,
Эй булбул, мунча сайрайсан, тоғу тошни уйдириб,
Иссиқ-совуқ сув ичарсан, вой, юракни куйдириб.

Бу лапар билан йигитнинг қизға ошиқ эканлигин ҳам уни ташламасликқа сўз берганин билдирди. Қизлардан бири бунини танқид қилиб, унинг қаршисига сўзлади:

Каклигим қаҳ-қаҳ уродир шодарахтнинг шохиди,
Пастга тушмай қошиға ўсма тилайдир каклигим.
Ўсмаси ёмон экан қулф урмади,
Ваъдаси ёлғон экан бир келмади.

Куёв томондан «Бу сўз тўғри эмас» дегандек қилиб ишонч сўзи ўрнида жавоб берилди:

Эшигингга супа боғлай, лой қилиб қоним билан,
Сен менга ошиқ эсанг, хизмат қилай жоним билан.

Келин томондан «Хали ҳам сўзингга ишонмайман!» дегандек қилиниб шарт ўрнида қўйилди:

Чин менга ошиқ эсанг, томдан ўзингни ташлағин,
Ота-онанг сўраса «беморман» деб йиғлағин!

Ҳар икки тараф ҳам ўз ваъда ва шартларини шул йўлда битиндилар. Тун ярмидан ўтиб азон вақти яқинлашди. Барча секин-секин тарқалди. Ўйин битти.

III

Йиғи кечаси

Бу кечаси ўйин билан ўтди, иккинчи кун ҳар икки томоннинг ҳам уйида эрталабдан бошлабоқ кишилар тўплана бошладилар. Тезда кеч ҳам бўлди. Қиз бояқиш бир бурчакда ихтиёрсизгина термилиб ўлтирарди. Унинг теграсини ёндошлари ўраб олдилар. Келин-қиз ўртада айланиб уларнинг ҳар бири билан кучоқлашиб кўришиб йиғлашди. Буларнинг барчалари ҳам чин кўнгилдан йиғлашдилар, чунки, барчалари ҳам шул Аноргулдек бўлишларин сезардилар. Қизлик ҳаётидан хотинлик дунёсига кўчиш — ҳаётнинг энг яхши вақтидан айрилмоқ демак.

Бунинг учун улар қайғуриб йиғлардилар. Буларнинг юракларин эр-хотин жанжаллари ҳам анча эзарди.

Ота-она қўлидаги ярим эркини эрга теккач, тамом йўқотадилар. Кўб вақт ҳам ўтмаган эди икки-уч кишилар келиб: «Қизим, Аноргул! Ўз томонингиздан Беркин отангизни вакил ота қилдингизми?» деб қайта-қайта сўрай бошладилар. Қиз бояқиш зўрғагина йиғи аралаш «Ҳа» деди-да, яна йиғлай бошлади.

— Хой Аноргул, сенга нима бўлди? Вой, уёт, йиғлама! — деб хотинлар кизга дўки-дўки ўгитлар қилдилар.

Ёр-ёр

Кеча, хуфтон чоғи эди. Бир отни яхшилаб эгарлаб олиб келдилар-да, қизни унга миндирдилар, унинг орқасига қизнинг укаси Турсунни мингаштирдилар. Бутун хотинлар кўчани бошларига кўтариб, ёр-ёр айтавердилар:

Ёр-ёр-э-э-э, тўй саники,
Остонаси тиллодан уй саники...

Тоғда тойчоқ кишнайди: «от бўлдим» деб,
Уйда келин йиғлайдир: «ёт бўлдим» деб.

Кўчанинг ўнқир-чўнқир ерларини кечиб келар экан, бир тўда болалар арқон тортиб, буларнинг йўлини тўсдилар. Озроқ пул беришиб булардан қутулиб ўтдилар.

Келинни кўтариб керилиб келаётган от маълум ерга келгач, тўсатдан тўхтади. Келинни отдан тушириб ҳовлига олиб кирмасдан бурун «Келинсалом» килдилар:

Ассалому алайкум, келинсалом!
Бобою бобокалонларига салом!
Қайиноналарига салом!
Қайиноталарига салом!

Келинни ичкарига олиб кирдилар. Келинни кўтариб келган отга бир оз ем, укасига битта пичоқ бердилар. Шунинг билан бола билан от хизмати битти.

Ичкарига келин кириши билан ҳовли юзи хотинхалаж, бола-чақа билан тўлиб кетди. Хотинлар икки тараф бўлиб тортишмачоқ ўйнай бошладилар: «Қаниқани, ха, ха, ха, хуув» деб бакиришиб, бир-бирларининг орқаларидан ушлашиб, тизилиб тортишдилар. Куёв томон зўр чиқди. «Ҳай, баракалла, куёв зўр чиқди» деб хотинлар бакира бошладилар.

Куёв ҳаммадан бурунроқ чимилдикқа кириб жойлашиб олган. Туруб кўз билан келинни кутиб турар эди. Хотинлардан бири: «Қани, энди, куёв почча, пуллари ни чиқарсунлар, бўлмаса киз йўқ!» деб пул сўради. Куёв томонидан бир миқдор оқча чиқарилгоч кизни бўшатдилар. Чойшаблар билан ўратилган келинни янгалари икки томонга ўтиб уйининг тўридаги чимилдикқа киритдилар.

Куёв-келин иккилари анча вақт тушсигино* ўтирдилар. Қиз бояқишнинг кўз ёшлари тинмаган эди, куёв келинга илжайиб қаради.

— Ҳа, онангиз сизни жуда ҳам эрка қилиб ўстирган экан-да, ха, мунча энди? Қўйинг йиғи-сигини, менга қаранг!

Қиз юзини беркитди.

* Индашмасдан.

— Ҳа, сизнинг юзингизни кўриш — жуда қийин экан-ку...

Ёнани ковлаб, тўрт узук, икки билакузук, битта ироқи совун олди-да келиннинг қўлларига, билакларига узукларини тақишга тутинди. Қиз қўлларини бир оз тортиб кўрса ҳам бўлмади: узуклар қўлини, совун эса юзини алдади.

— Қани, бир қаранг, сиз билан урушганим йўқ эди-ку! Мунча аразламасангиз...

Келин, ниманидир, билинар-билинемас қилиб сўзлаб қўйди.

— Ҳа, э, тилингиз бор экан-ку, ҳа, мана шундай сўзлаб ўлтиринг...

Қўб вақт ҳам ўтмади. Улар сўзлаша кетишдилар. Уйда чимилдиқ орасидан мўралаб турувчи икки янгадан бўлак ҳеч ким қолмади, чироқлар сўнди.

«Юз очик»

Эртаси кун эрта азонда куёв кўчага чиқиб кетди. Уни кутиб турғон ўртоқлари аллақайга олиб кетдилар. Келин эса чимилдиқ ичида қолди.

Кундузги соат ўн иккилар чамаси бўлғон эди. Бир қозон тўла ош дамланди. Кишлоқнинг ҳарёғидан хотинлар келиб тўпландилар. Қизнинг онаси, яқин қариндошлари ҳам қизга қилғон моллари билан келишдилар.

«Юз очик» оши ейилиб бўлғондан сўнг, келинни қайинота, қайинона ва уларнинг яқинларига кўрсатдилар. Келин кўргувчилар «кўрмана» учун кучлари етган нарсаларин атадилар. Сўнгра, қизнинг онаси молларни ховлининг ўртасига олиб келиб санай бошлади.

— Мана бу бош-оёқ кийим (қайин)оталарига; мана буниси қайиноналарига; мана буниси куёвнинг ўзларига...

Бир, икки, уч... Мана бу ўттиз рўмол, йигирма қўйлак... Келинники.

— Раҳмат, раҳмат, қиз ўстирганга ҳам, куёв катта қилғонга ҳам балли, — деб атрофда хотинлар чувиллашиб турар эдилар.

Булар молларни санашиб бўлғач, қизнинг янгасидан бири секин келиб қизни онасига бир нарса топширди. Буни кўргач барча хотинлар онага раҳмат ўқудилар.

Кечга томон тўй тарқалди. Қиз ўстирган она ҳам муваффақият билан уйига қайтди.

Чиндан ул «рахмат олишға лойиқ иш қилғон эди». Қизни шундай нозик вақтларида тинч сақлаб, поклик ҳолида олиб бориб янги турмушға топшириш кичик гап эмас.

1926

ДАДАМАТ

I

Баҳор. Угом дарёси айқиради, тошларни бир-бирига уриб кўпиради, тепаликка ёнбошлаб ётгон қишлоқнинг этагини ювиб ўтиб донғли Чирчиққа кўшилади, у билан гангур-гунгур сўзлашиб йўлда давом этади. Бу икки сувнинг бир-бирига кўшилишида кўзга кўриниб қолатурғон нарса — Угом дарёсининг тоғлар бағридан келтирилғон оқиндилар бўлиб, булар Чирчиқ дарёсида тезлик билан ўйноқлаб оқадилар.

Угом дарёси бўйидаги бу қишлоқ бошқа кўшни қишлоқларга қараганда оқар сувға сероб ҳисобланадир. Лекин бу сувларнинг экинларга фойдаси оз тегадир. Халқининг кўпчилиги қиш-ёзин тинмаслигига қарамасдан қашшоқ, тирикчилигини насяга ўтказадирлар. Бундай гўзал табиий манзаралар ва тоза, соғлом ҳаво, нима учундирки, у ерда яшовчиларга қолғонда фойдасиз каби кўринарди; қишлоқ халқи шу соф ҳаводан касал бўлаётгондай, доим ҳар турли юқумли касалликлардан азоб чекар эдилар. Атрофдан келиб қишлоққа бир назар солғон киши унинг гўзал табиатига ва баҳор, ёзи, кузи ҳамда қишларининг ўзига яраша бир таровати борлигига таслим бўлмай иложи йўқ эди.

II

1916 йил, ёз охирлари, қишлоқ халқи ўзининг ўзгармас каби туюлган тирикчилиги билан машғул. Ҳар ким далада ўз иши билан овора. Ҳайит яқинлашиб келаётир. Аммо қишлоқ ҳайитга кўра бошқа нарса билан овора, унинг ҳақида ўйлай бошлайди.

Қишлоқни ғовур-ғувур босди. «Оқпошшо мардикор олар эмиш». Мана энди, ишнинг учини ким топиб оладир? Содик пучук кўзларини пириллатиб Эрматта қарайдир:

— Эрмат, нима қиламиз, боламизни олиб кетар эмиш!

— Бермаймиз! Ё ўламиз, ё қоламиз. Қўлимиздан келганини қиламиз!

Ёлғон арафа куни қишлоқ гузарига хабар қилинган халқ ҳаяжонли бир ҳолда тўпланаётир. Ҳамма бу чакириқнинг нима учун эканини олдиндан билғон. Оқсоқол «Оқпошшо ҳазратларининг амри-фармонлари бўйинча фуқаролар ўз ўғилларини уруш майдонига хандақ қовлашга жўнатишлари керак» эканини эълон қилди.

Халқ жим.

— Нега товишингиз чиқмайдир? Гапиринг!

Оломон орасида сабрсизлик ва аламзадалик сезиладир. Ораға Абулқосим бой чиқади:

— Халойиқ! Биз бугун оқпошшоға қарашмоққа ваъда беришимиз керак, пошшо ҳазратларига бўйсуниб!.. Уезда ҳокими жаноби Тилла тўранинг буйруқларига биноан қишлоғимиздан бир қанча йигитларни тездан юборишимиз зарур.

— Қаёкка! — деди кимдир.

Уруш майдонига эмас, бойбобо, янглишманг, зовур қовлашга, мардикорликка, — деди оқсоқол.

— Ха, майли зовур қовлашга! Қани, сизлар нима дейсиз?

Оломон чуввос солди:

— Биз йигит бермаймиз!

— Йўқ, хато қиласиз! Йигитларни унда бўри емайди, барибир, бермасангиз зўрлаб олиши ҳам мумкин. Аммо биз шунга сизларни мажбур қилдирмаслик учун жаноби Тилла тўраға арз қилдик ва юртнинг қатталари кенгаши билан ҳар бир борувчига бир миқдор маблағ, яъни унинг оиласига етарли оқча бериш чорасини кўрдик. Мардикорга боришни истамаганлар бошқа борувчиларга пул тўлаб, қутилишлари мумкин. Қани, Бадал полвон, шундай қилғонда ёмон бўладирми, айтинг-чи!

Бадал полвон кенг елкаларини кўтарди ва қип-қизил юзларини ҳамда сариқ қошлари остида ўрнашғон чағир кўзларини жаланглатиб:

— Албатта, яхши бўлади! — деб, у ҳам ўзича ўгит қила бошлади.

Ўсиқ қошларини қимирлатиб, чимирилиб ўтирган чол нурсиз кўзларини Бадал полвонга қаратди ва энтикиб:

— Бадалжон! Пул билан бўлса, албатта, сиз қутулиб қоласиз; чунки сизда пул кўб, пул сизни ўзи охтариб келади, — деди, унинг ҳокимларга тилмочлик қилиб, пора билан қорин тўйғизишига ишора қилди. — Аммо мендақалар қандай қилади? Менинг биттагина ўғлим бор, ўзим бўлсам қариб қолғонман, ишга кучим етмайди. Агар менинг ўғлим мардикор бўлиб кетса, мен ва унинг онаси қандай яшайди? Ўйлаб гапиринг. Тўғриси, йигит бермаймиз, ё биттамызни ҳам қўймасдан урушга жўнатсун!

— Ана гап! Сен Эрмат, шу миянг билан одам бўлиб юрибсанми? Башарти, ўғлинг борганда ҳам сен ўлиб қолармидинг. Мана биз бошқалардан пул йиғиб берамиз, иншоолло, ўғлинг бир кун қайтиб келадир, сендақаларнинг бойигани қоладир.

— Ундай бўлса, ўз ўғлингизни юбора қолинг-да, бой ака! — деди Эрмат чол чидолмасдан, — Бир эмас, тўрт ўғлингиз бор, бири кеткани билан нима бўлади?

— Ихтиёр мендами? Майли, борса борар, аммо юзларча сўмни олғон киши бир неча ой туриб келиши учун қорни оғрир деб ўйлайсанми? Менинг ўзимни юборсалар ҳам борар эдим, аммо қариб қолғонимдан мени олмайди. Қани, кўрамиз, сенинг ўғлинг бўлмаса, яна бошқаси топилар, одам қуриб қолғони йўқ, қок нонга зорлар ачиб ётибдир...

Одам қуриб қолғони йўқ, одам кўб, лекин мардикор бўлиб борувчи йўқ. Ҳақиқатдан ҳам бу ўғирсиз* ишга ким ўз жонини берадир ва ким жонининг азоби учун тиришадир?

Эрмат букчайган белини тўғрилай олмагани ҳолда таёққа таяниб гузарда ҳўнграб йиглайдир. Унинг ўғли Дадамат эса ишдан эндигина келганича гузарга бориб, бу воқеанинг устидан чиқади, аҳолини кўриб, гарангсиниб қоладир.

4—5 соатлаб давом этган бу можаро ҳам ахийри натижасиз тугайди. Қишлоқ халқи инига сув кирган чумолилар сингари тўзғиб қоладир.

Куёш ботар олдида тарқалган бу мажлис зарби туни билан хар бир кулбада жаранглаб турадир.

Эрмат чол ўғли билан бирга уйига қайтди. Ўчок бошида ўлтирган Рисолат кампир буларнинг аҳволи-

* Оқибатсиз, бефойда.

дан ортиқ кўрқди. Эшитғон гапларининг барчаси унинг, тўғриси, шу оиланинг бахтсиз турмушининг тиканлари янглиғ сезилди. Кампир ўзини зўрға йиғиштириб олишга уринди, бўлмади. Ота ва боланинг тўлқинлари уни ҳам ўз гирдобига тортди. Ҳаммаси бир дард билан ингради ва бир товиш билан оҳ урди. Рисолат кампирнинг ўз ўғлига энтикиб айтган сўзлари ҳавога учиб, уни тутиб олгувчи қулоқ йўқ эди.

Булар қайғу ўти билан ўз юраklarини ёндирдилар, қора қумғонда қайнаб турғон сув совиди, дастурхондаги қоқ нон ёйилғонича қолди. Бир-бирларига тикилғонича қолғон кўзлар қоронғилик ичида йўқолдилар.

III

Минг уйга яқин хонадондан иборат бўлғон қишлоқ бу кун одатдагидан эрта уйғонди. Кўчалар жонланди, 7 яшардан 70 яшаргача кўзғолғон бу халқ дарёси қишлоқ марказига эмас, четга мазорға қараб юрмоқда.

Неча юз йилларни ўтказган кекса бақатерақдан тортиб, бир-бирига қўл узатиб, аймоғлашиб кеткан қалин қайрағочлар макони бўлғон бу мазорда абадий дам олиб ётувчи хомушлар маҳалласини ташкил этган қабрлар доирасидан босиб ўтиб бораётғон бу оқим бир чеккадаги сайхон ерда тўхтади. Мазорнинг кунбоғиш томонидан ҳали қабр ўрни бўлмаган ва устини барра ўтлар қоплаган ерда тўхтаган оқим ўзи билан бирга келтирган жойнамоз, ё бўлмаса устки тўн, белбоғ каби нарсаларини ерга ёзиб ҳайит намозини ўқишга тутинди. Қайғи ва ҳасрат ичида ярим ҳафсала билан ўталган бу ибодат ортиқ такаллуфдан холи эди. Халқ тезгина белбоғ ва тўнларини қокиб қия ва ўрай бошлади. Бир-бири билан «ҳайит қутлуғ бўлсун» қилиб сўрашиш ва кўришиш ўрнига баъзилар бир-бири билан қучоқлашиб йиғиға киришдилар. Шу вақт: «Халойиқ, тарқалманглар!» деган йўғон ва аламли бир товиш ҳаммани ўзига қаратди.

Ярим умид ва ярим кўрқинч ичида бир-бири кетидан сиқилишиб, ғужанак бўла бошлаган оммани ўзига қаратувчи бу киши ўрта бўйли, қора тўри, мўйлови қилтириқ буғдой каби сийрак, кўзлари ўт сочиб ёнувчи, юзларида чечакдан қолғон онда-сонда доғлари кўриниб турувчи ўрта яшар бир киши эди. Бу, қишлоқда ёшлиғи-

дан бери подачилик ва баъзан қўриқчилик билан кун кўриб келувчи Ёдгор исмли бир киши бўлиб, халқ уни «Ёдгор подачи» деб атар эди. Ёдгор подачи халққа қараб кичқирди:

— Хой халойик! Биздан мардикор олар эмиш, бу тўғрида кенгашиб олайлик, қани, нима дейсизлар? Индамай беравераизми ёки қўлимиздан келгон ишни кўриб, шунга яраша жавоб бераизми?

Атрофдан қалдироқ товиш билан кичқирдилар:

— Бермайиз, биттаиз қолгунча қарши тураиз, ўлаиз, бермайиз!

— Бўлмаса бирор чора кўрайлик!

Харёқдан товиш чиқди:

— Хўп, чора кўраиз, қани, хой йигитлар, гапиринглар!

Энди жим турувчи аламзадаларнинг ҳаммаси деярли тўлғонишди, мардикор бермасликка тарафдор бўлгон фақир, фуқаролар бир оғиздан узил-кесил қилиб қарор бердилар. Ҳатто мардикор бергани «Мозор бобо урсун» деб қасам ичувчилар ҳам кўпайди.

Киши бермасликка ният қилгон ва, мумкин бўлса, қарши урушмоққа қасд қилгон бу туркумнинг қўлида қурол йўқ эски замондан қолгон бир неча шохли милтиқ ила сони 2—3 га етмайтургон ов милтиғини ҳисобга олмаганда, қурол отиға муносиб бир нарсалари йўқ эди. Бу ҳол уларни ўйлашга мажбур этди. Қандай курашув ҳақида чора излай бошладилар. Хар ким хар хил чора излаб топган бўлди. Орадан пакана бўйли, кўсанамо бир киши туриб, айтди:

— Бизга қарши келаётгон аскарларга томон бутун қишлоқ подасини хайдаб, унинг кетидан ўзимиз югурсак, молларнинг чиқоргон чанги ва тўпалон орасида бориб уларга ташланиб, қуролларини тортиб олиб, ўзларига урсак қандай бўлар экан?

Иккинчи бирови унга қараганда бошқачароқ фикр берди:

— Аскар кўб нарса, у билан курашиш бу ҳолда қийин бўлар деб ўйлайман. Менимча, энг олдин куч тўплаш лозим, биз бошқа қишлоқлар билан кенгашиб, ҳаммамиз бирга ҳаракат қилсак, жуда бўлмағонда Тошкентни кутсак ёмон бўлмас эди.

Бу фикрни ўртага отувчи шу қишлоқда бир неча йилдан бери темирчилик қилиб яшовчи Қоратой ном-

ли мусофир бир киши эди. Халқ унинг ҳам, бояги биринчи сўзловчининг ҳам, фикрига ҳамон қатъий жавоб бера олмағач, ҳамманинг хаёли ҳар кўчага кириб чиқмоқда эди. Қоратойнинг сўзига қарши истехзо аралаш товиш эшитилди:

— Биз ўзимизни бекорға қийнаб қўямиз, ҳукумат аскарига қарши қандай курашиб бўладир? Беш-олтита қишлоқ эмас, ҳатто бутун мамлакат халқи қарши турғонда ҳам уни енгиш мумкин эмас! Сиз, Қоратой ука, темирчилигингизни билинг, бу иш темир эмаски, оловга қиздириб босқон билан истаганингизча чўзиб, асбоб яасангиз, менимча, энг яхшиси мардикор бериш, бошқа иложимиз ҳам йўқ ва илож излашнинг ҳожати ҳам йўқ...

Бу фикрни ўқтамлик билан ораға отиб, халқни итоатга ундовчи Абулқосимбойнинг ҳамқурбларидан Ниёзали исмли бир киши эди. Унинг сўзи оломоннинг тутаб турғон ғазаб ўтиға гугурт чакқандай бўлди. Бирданига ҳарёқдан унинг устиға ташланувчилар, уни туртиб, сўкуб, эсини чиқара бошладилар. Қариликда кўзлари кўр бўлиб қолғон бир деҳқон ўзича бир ёққа қараб, бақириб сўкинар эди. Унинг ўғли: «Бу ёққа қараб сўкинг, сўкилатурғонлар бу томонда» дегандек қилиб, отасининг кўлидан тортиб Абулқосимбойға рўпара қилиб қўйди. Чол ўзича юлқиниб, кўлидаги таёғини қуруқ ҳавоға ўқталган ҳолда, оқсоқол ва халиги бойларнинг номларини айтиб сўкинар эди. Шу вақт «дод, кутқаринглар!» деган бир товиш эшитилди. Эрмат чолни ўғли Дадамат ила Қоратой темирчи оқсоқолнинг ёқасидан бўғиб, муштлар эдилар. Халқ ҳужумға ҳозирланди. Баъзи бир йигитлар Абулқосимбойнинг гирдини ўраб, уни уришға ҳезланар эдилар. Шу вақт «уриб ўлдир, бу итларни!» деган бир товиш эшитилди. Бу халиги подачи эди. Мозор ичи қий-чувға айланди. Болалар йиғлашдилар. Калтак остида судралиб бораётғон оқсоқолнинг салласи чувалаб, ўзи ариққа йиқилди. Бир-бирини суриб борувчилардан бир нечаси унинг устиға босиб тушди. «Мана сенга мардикор!» деб тўхтамасдан яна ура бошладилар. Ҳушидан айрилаёзган оқсоқол ва калтак остидан қандай қочиб қутилишни билмай гарангсиниб қолғон Абулқосимбойни шу кун «ўликлар қаторига қўйган» халқ бу ҳолдан руҳланиб, ўзини тамом озод бўлғон каби сезиб, уйларига аста тарқалди.

IV

Кишлокнинг Угом дарёсига бориб тақалган бир муюлишида кичик, пачаккина бир ҳовли. Эски намат устида устунга суяниб ўлтирувчи чол оғир касал каби нафас оладир, ҳатто пашшасини қўригани мадори йўк. Қўлидаги эски кир рўмолча билан баъзан манглай терини артиб қўярди. Бу кимсанинг қаршисида, унинг зўрға чиқаётган сўзига яқиндан қулоқ солғондай энгашиб турувчи бир кампир икки қўлини ерга тирағон ҳолда котиб қолғондай сезиладир. Чол узоқ хаёл суришдан сўнг бошини аста кўтариб, унга қаради ва нимадир деди. Чол сувни бир симириб тугатди, бошини чайқаб оғир бир нафас олди-да, «Рисолат!» деди. Бошини қуйи солиб, хаёлга чўмғон кампир ялт этиб унга қаради.

— Энди ҳолимиз нима бўлади? — деди чол. — На сен ва на мен ишга ярай оламиз, экатурғон еримиз, қўшатурғон қўшимиз бўлмаса, энди тирик ўламиз.

Кампир унга жавоб бериш ўрнига қаттиқ хўнграб йиғлади, ёнида ухлаб ётган қора мушук, унинг товишидан чўчиб уйғонди ва кампирга қаради-да керишиб, яна кўзини юмди.

— Бирор ерга ариза берсак тингловчи тошилармикан?! — деди чол.

Бу гапни кампирга тасалли бериш учун бошқа сўз тополмаганидан айтди. Кимга ариза беришади? Қурбон оқосоқолгами?!

Дарёнинг у юзидаги тоғ устига ёнбошлаб, қизариб ботаётган қуёшнинг ёғдулари сув юзида ўйнайди, ҳовли ичидаги бир туп толда чумчуқлар чириллайди. Кампир тахмонда ётган увадаларни ерга ёзди. Эрмат чол ярим узанган ҳолда қуроқ ёстикка бош қўйди.

Хайитнинг биринчи куни бўлган тўпалон натижасида бир қанча кишилар калтак зарбидан кўрпа-ёстик қилиб ётиб олди. Абулқосимбой ва Қурбон оқосоқол эса ўлим тўшагида ётар эди.

Хайитдан кейин кишлоқдан олинатурғон мардикорларнинг сони ёзилган бир қоғозни келтирган ясовул воқеадан хабардор бўлиши билан отга миниб жўнаб қолди.

Орадан 2 кун ўтгач, ҳалиги ясовул бошлиқ бир неча қуролли кишилар кишлоқга етиб келдилар. Булар кишлоқга кириши биланоқ тездан мардикор топширишни ҳалқдан талаб эта бошладилар. Оқосоқолнинг

кўрсатиши билан бир неча кишининг номи мардикорлик рўйхатиға тиркалди, булар қишлоқнинг камбағал тоифалари эдилар, мана шу рўйхатдагилар орасида Эрмат ўғли Дадамат, Ёдгор подачилар ҳам бор эди.

Рўйхатка кирганлардан бирортаси боришдан бош тортмоқ истаса, унинг пул тўлаши, яъни ўз ўрниға бировни пул бараварига ёллаб юбориши тегишли эди. Боришни истамаган, пул тўлаш қўлидан келмаган бечоралар уруш, ғалва кўтарганда қуролли куч билан бостирилди. Энг сўнгғи чора қаторида ўзларини майиб қилишға, яъни бирор ерларини уриб чўлоқ қилишғача бориб етдилар. Нурмат кал исмли бир йигит ўз бармоғини болта билан чопди, Турди деган бир камбағал томдан ташлаб, ўзини майиб қилиб олди.

Йил ўтди.

Апрел куёши қишлоқ устиға нурини сочиб, дарахтларнинг хуснини орттирар, ерларни кўм-кўк гиламлар билан қоплади ва тоғлар чўққисида ялтираб турғон қорлар куёшнинг кечки шуъласи билан товланиб турар эди. Кун тоғ орқасига ўтди, қишлоқға қоронғилик астагина ёйила бошлади. Мана шу вақт бир йигит тўмтоқланиб келиб, Угом дарёси бўйиға ўлтирди ва дарё сувидан тўйиб ичди.

Гира-ширада уйиға етиб келғон Дадамат дарвозасини очиқ холда кўрди. Ховриққонича уйиға кирди, уйда товиш эшитилмас, ҳаммаёқ жимжит эди. У ёқ, бу ёққа кўз ташлади, ота-оналарини чақириб ҳам қўйди, лекин унинг товишиға қарши жавоб берувчи бўлмади, фақат том бўғотида ётувчи тоғ чумчуғининг питирлаб қўзғалган товиши эшитилди. Дадамат хайрон қолди: «Булар қайға кеткан эканлар!» — деб ўзига-ўзи савол ҳам қўйди. «Тамом бирёққа кўчиб кетканмиканлар, қаёққа ҳам кўча олар эдилар, кўчканда ҳам уйдаги синиқ кўмғон билан тоқчадаги бир-икки сопол товоқларни бирга олар эдилар-ку, булар кўчмагандир, бирор қариндошларникига кетканлар» деса; эшик қулфланмаган. Дадамат жуда гарангсинди. Ховли ўртасида қаёққа борарини билмасдан бир оз қаққайиб турди, янгигина чиқиб келаётғон ойнинг нури ҳар ерга тарқалди, ховлидаги толнинг сояси ўзига неча баробар бўлиб чўзилди, Дадамат ўзи каби қимирламай қолғон қўланкасиға кўз ташлади, ховлидаги жимжитлик уни сескантирди. Шундай ҳолатда бир неча минут шу жойда қолди, энг сўнг

ташқарига чиқди, қишлоқ ичига оралади. Мўлжаллаган ховлиларга кириб, ота-онасини сўрашга қарор берди.

Угом дарёси бўйлаб, кўприккача чўзилган пастки йўл билан кета бошлади. Йўлда эшик олдида чикиб турғон итлар бунга хураар эдилар. Дадамат уларни калтак билан ҳайдаб, ўзига йўл очар ва илгарига борар эди. Қишлоқнинг гузарига яқин ерда чойхонадан чиқаётган бир йигит Дадаматга йўликди, чироқ ёрувидан яхши кўраолмаган бу йигит қўлини кўзи устига тутиб, Дадаматни кўриб, қалби ва товшининг борича: «Ҳа, Дадамат, омон-эсон келдингми, вой ўртоқжон-ей...» деб қулочини ёзиб, у билан кўришди. Бу йигит Нишон чўлоқ исмли бир камбағал эди; мардикор олиш вақтида докторнинг қоғозига қарамасдан, порахўрлар ундан ҳам дўк билан пора олган, яъни ўзи кетмагани учун бошқа кетувчиларга тўлаш ҳақи деб ундан солиқ ундирган эдилар. Нишон чўлоқнинг кичкиригини эшиткан чойхўрлар бир-бир югуриб чиқдилар ва барчалари унинг атрофини ўраб, ҳол-аҳвол сўрай кетдилар. Шу вақт таёкни тўкиллатиб қайдандир келаётган Абулқосимбой булар ёнига келиб, илтифотсиз назар билан Дадаматга қаради ва ҳафсаласизлик билан жўнаб кетаркан: «Ҳа, келдингми?» деб ғўнғиллаб қўйди. Дадамат бошқалар билан сўзлашиб, унга жавоб беришга ҳам улгурмади, тўғриси, жавоб бермади.

Ўртоқлари уни чойхонага таклиф этдилар, лекин Дадамат уйдан ташвишли эканини айтқач, улар кўб кистамадилар ва бир-бирига қарашиб, нима деймиз дегандек кўз билан сўзлашдилар. Шунда ҳалиги биринчи учрашган чўлоқ йигит астагина унга: «Даданг сендан 3 ой сўнг ўлди. Онанг нариги қўшни қишлоқга кеткан эди, ҳозир «тиланчилик қилиб юрган эмиш» деб эшитдик», деди. Дадаматнинг нафаси ичига тушди, кўз олди коронғиланди, ҳатто ёнидоғилар ҳам кўзига кўринмай кетди.

Ўқ еган ботир каби инграиб, шу ердан уйига қайтди. Кечаси ухламай тонг оттирди. Эрталаб тўғри ҳалиги қишлоқга жўнади.

Қишлоқдан онасини келтирғач, Дадамат уйдан чиқмай бир неча кун дам олди; узоқ-яқин қариндошлар, айниқса эски дўстлар уни кўргани келар ва ундан рабочий воқеасини сўраганлари каби, ўзлари ҳам Дадамат кетканидан сўнг бўлган воқеаларни унга сўзлар эдилар. Бир неча кунгача келди-кетди давом этди. Бу-

лар орасида Ёдгорнинг кўринмаганига Дадамат жуда хайрон бўлди. Оқибат унинг қамалганини англади. Хайит куни бўлгон воқеадан сўнг уни ва бир неча жанжал қатнашчиларини қамаган эдилар. Дадамат ўлтирган ўрнида бир қимирлаб қўйди, кўзларини катта очиб, қаршисида ўлтирувчига қаради:

— Хали ҳам Абулқосимбойлар ва Қурбон оқсоқоллар баҳузур юра берадимиз? — деди.

Келгун меҳмон бунинг сўзига узоқ ўйланмасдан жавоб берди.

— Энди бизнинг замонамиз келибди, ҳукумат бизнинг томонимизда бўлганидан сўнг улардан ким кўрқар эди? Илгариги қамалганлар ўрнига буларни қамайтиш керак, мана сиздақалар бош бўлса, бу иш жуда ҳам қийин эмас.

Дадамат бошини қимирлатиб, иккиланиб, тасдиқлагандай бўлди.

Орадан бир неча йиллар ўтиб кетди.

Дадамат қишлоқда хали қўшчи, хали атрофка бориб мардикор ишлаш билан кун кечириб юрди, ахийри, ер ислохоти бўлгач, унга ҳам ер берилди, у ер ислохоти чоғида қўмисия ишига яқиндан аралашди ва бир қанча бойларнинг, шу жумладан, Абулқосимбойнинг яширган ерларини ҳам топиб беришда яхши ишлар қилди. Бу вақт Абулқосимбой ўлган, унинг энг яхши ер-суви Угом дарёси ёнида, мазорга қўшни жойда ва Дадаматнинг уйи ҳам унга жуда яқин ерда эди. Дадамат ҳукумат қўмисиясига ариза ёзиб, унга ер берилгонда ана шу ерни беришларини илтимос қилди. Қўмисия унинг сўзини қайтармади, айтганини бериб, уни қолдирди. Дадамат янги ерида ишлаб юрган вақтларида қишлоқда қизил қўшин сафига ёзилиш давом этар эди. Шу вақтларда Дадамат қишлоқ шўросига бориб, ўзининг аскарликга ёзилишини сўзлайди. У мардикорга борган ерида қарағай кесиб юриб оёғини совуққа олдирган, оқсоқ бўлиб қолгон эди. Шунинг учун дўхтирлар қайтарди.

Қарағайзордаги ахволини эслаб сўкинади. Баъзан ўртоқлари билан сўзлашганда бу ҳақда, яъни аскарга ёзилиш тўғрисида гапирар ҳамда ўзининг аскарликка ярамаганига жуда афсус қилар эди.

Дадамат ўттизинчи йилгача ер ислохотида олгон ерида ишлади.

Колхоз қурилиши бошланғач, у биринчи галда колхозга кирди. Ўзига ўхшаган ўртоқлари билан биргаликда «Угом» колхози исмида колхоз курдилар. Олдинлар колхозда фақат аъзо бўлиб ишлаган Дадамат сўнгралари бригада бошлиғи, ундан кейинроқ уни колхозга раис қилиб сайладилар.

«Угом» колхозида ишловчиларнинг сони ҳозир — 450 га етган. Қишлоқда умуман 4 колхоз бўлиб, шулар орасида энг жонли ва каттаси мана шу «Угом» колхози ҳисобланадир, колхоз ҳукуматка тегишли мажбуриятларни ўз вақтида бажариши устига, колхоздагилар учун яхши ёрдамлашар, жумладан, уларнинг болаларига мактаб, чойхоналар ҳамда колхоз моллари учун катта саройлар солғон. Дадамат бу ютувларни гаширганда ўша эски замонларни ҳам қистириб ўтадир. Ҳовлисига солинган 2 уй, бир айвонли бинонинг ичида яйраб ўлтирган ёш болалари, хотини ва онаси эса ҳозирги ҳаётнинг лаззатини тотиб, унга ёрдамлашадилар. Айниқса катта ўғли Холмат ила қизи Шарофат ўз илмлари билан Дадаматни яна ҳам суюнтирмоқдалар.

Дадамат бу куннинг кадрига етгани сингари, шунга ўзини мослаш учун урунадир, ҳатто у хотинини ҳам савод мактабига бериб, аллақачон хат танийтирган қилғон. Булар орасида саводсиз фақат Рисолат кампиргина. Баъзан Дадамат унга: «Онажон, қачон саводингизни чиқарасиз?» деб ҳазил билан сўзлаганида, кампир: «Мактабга бораолсам ўқур эдим, афсуски, бораолмайман, қаридим, болам!» деб ўзининг ўқинганини билдиради ва «Қани, шу замонлар бизнинг ёшлиқ вақтимизда бўлганида бояқиш даданг билан иккимиз ҳам мулла бўлиб, ўша қора кунларни ҳам кўрмаган бўлар эдик. Эсизгина даданг бояқиш бу кунларни кўрмай кетди!» деб қўяди.

ЧИРЧИҚ

I

Чирчиқ тувилгон ерлар

Шоирларимиздан бирининг «Бахтлар водийси» деб атагани Фарғона водийсига сув бериб, уни бахтли этган ва тоза гулларнинг униб, яшашига сабабчи бўлгон

Норин ҳамда Корадарёни майдонга келтирган Фарғона тоғлари бошларини кўкка етказиб, кўкракларини кўтарган ҳолда Фарғонанинг кунчиқиш томонидан одим ташлаб, тўғри шимолга қараб йўл солади. У шу юришда узоқ давом этади, Ўзбекистоннинг пойтахти буюк Тошкентнинг бош томонидан ўтиб, Қозоғистоннинг кум чўллари орасига кириб кетади.

Тошкентдан 60 чақиримча нариги томонидан кесиб ўтатурғон бу улуг тоғ Фарғона водийсига қилғон марҳаматини Тошкент водийсидан ҳам дариф тутмайди. Бу водийни (ҳам) ўз шарбати билан ҳўллайди.

Бизга сув бағишлаган шу азамат тоғларнинг кенг ва чуқур даралари бор. Тоғлар бу дараларни ўз бағирларида сақлайдилар. Даралар ҳар нарсага бойдир. Уларнинг бағирлари ёввойи жониворлар ва дарахтларнинг ватани. Турли мевали дарахтлар ўрмонлар ҳосил қилғонлар, ўрмонлар эса дараларнинг ҳусни, улар тоғларнинг безакларидирлар.

Ёз бўйи даралар ичи кўм-кўк тус билан қошланади. Тоғларнинг чўққилари бўлса, доимий қорларнинг ватанлари, бундай қорлар янги қорларни кутиб оладилар. Ёз кунлари булар ўз юмиш, ишларини бажарадилар, шифолик рўлини ўйнайдилар. Иссиқдан тинкаси қуриган меҳнаткаш омма тоза ва салқин ҳаво излаб, тоғлар бағрига, айниқса унинг ўрмонли ерларига келади. Ундан ўзига шифо олиб, жонланиб қайтади.

Ёз кунлари тоғлар бағри кеч кириши билан худди сувда эриган қантдек унда эриб кетадилар. Даралар орасида шамол ва сувгина ўкира бошлайди. Шамоллар ўйноқи, бир нафасда ҳали у, ҳали бу чўққи, даралар ичини кезиб чиқа оладилар. Буларнинг шўхликлари жонга ёқадир.

Соф ҳавони ким истамайди? Ким майин шамолнинг бетга тегиб ўтишидан ҳурсанд бўлмайди? Шубҳасиз, ҳеч ким!

Чотқол тоғлари бағри салқин, қуёши эса ўткур. Қуёшнинг иссиғи салқин аралаш танға сингади ва кишиларнинг танларига ажойиб даражада роҳат беради.

Бу ерларда қуёш тоғдан кўринмасданоқ тун тебрана бошлайди, сойлар орасида йўқолиб, қуёшга йўл очади. Тоғ бошидан кўтарилғон ёғдулар — нурлар секин ва юмшоқ жимирлаб, ўтлар, дарахтлар устидан йўрғалаб, хиромон қадамлар билан юради ҳамда сувларнинг ўст-

ларида тўхтаб, мавж уриб ўйнай бошлайди. Ногаҳоний ташланган кўзларни ўзлари сари тортиб, уларни ҳам бирга ўйнатадилар. Булар сувлар устида ўйнаб, даралар ичида йўрғалаб, ахири, яна тоғлар орасига беркинадилар. Ҳаётбахш куёшнинг кўзидан тўкилгон бу нурлар даралар орасига яширинадилар.

Тоғларнинг чўккилари қовоқларини солиб, ўзларидан қуйида тургонларга қарайдилар. Даралар орасида эса, тун карвони кўзғолади. Атрофда ҳайқирик, шовқин жаранглайди, гўё арслон ўрнидан кўзғолиб, бўкира бошлайди. Тоғларнинг кўксига урилиб, пачақланаётгон бу товиш парчалари бир-бирига аралашиб, нақ тоғдан узилиб тушган шағал тошларнинг кўзғолгон чоқларида чиқоргон товишларидай овоз беради ва даралар ичини улғворлик билан силкитгандек бўлади.

Сиз бу ерларда илгарилар бўлмаган, фақат биринчи галгина бўлаётгон эсангиз, бу шовқинга ҳайрон қолмагингиз мумкин. Лекин бу ҳайронлик сизда узок давом этмайди. Тезда сиз бу шовқинга улфатлашасиз. Бу кучли шовқин арслон товиши эмас, балки йигит дарёнинг қўшиғи, даралар орасида югуриб бораётгон айғир — сувнинг кишнаши эканин англайсиз ва тоғларнинг ёнбағирларидан ўйноқлаб чиққон қулун — булоқларнинг худди унинг кетидан узулиб қолишни ис-тамагандек мулойим кишнаб, чопаётгонларин кўриб, бу нўхтасизларнинг кенг яйловда эркин чошиб юришлари ҳақида ўйлашга мажбур бўласиз.

II

Ажойиб кўприк

1932 йилнинг июл ойи. Ҳаво иссиқ. Дарё бўйига ўрнашгон Хўжакент қишлоғи уйқудан уйганганича йўқ, Тонг юлдузи Қўнғирбуқа* тоғининг устида нақ ёқиб қўйилгон электр лампадек чарақлайди. Дарё устига кучсиз нурларини тўкуб, кўзга элас-элас кўринувчи ой, тун бўйи ухламаган чўпондай, уфқ — тепа устига бошин қўйди. Юлдузлар бирин-кетин аста сўна бошладилар. Қишлоқнинг бир чеккасидаги катта чинорда булбул

* Хўжакент қишлоғи ўрнашган ердаги тоғнинг исми.

ғазалхонлик қилмоқда, унинг ўткур ва ёқимли товиши дарёнинг шовқинини кесиб ўтиб, кенг далаларга ўрмалашга уринади. Бироқ дарё унга йўл бермасликка тиришгандек, борган сайин қаттиқроқ товиш чиқаради, булбулнинг товиши сувға қўшилиб, оқиб кетаётгондай туюлади.

Қишлоқ уйғонди. Шерикларидан кейин қолғон Тонг юлдузи, қишлоқнинг уйғонишини томоша қилиб турғон сингари, Қўнғирбуқа устидан узоқ мўралаб қараб туриб, у уйғонган (дан) сўнг ўзини тоғ панасига олади.

Тоғнинг тепасидаги бир туп дўлана дарахти бор бўйи билан кўринди.

Биринчи марта уйғонган товишни чанг солиб олиб қочғон дарё қишлоққа қараб, маст туядек кўпиклар сочиб бўқирди. Лекин бир оздан сўнг қишлоқ товиши унинг овозини кесди, тўғриси, кесмади, ҳар икки товиш бир-бирига аралашиб, бирикиб кетди.

Бир томони тоғ, бир томони дарё билан ўралган ва узун, тор дарё ичига ўрнашғон бу қишлоқнинг устига тоғ йиқилиб кетай деб турғондек сезиларди. Ҳақиқатан ҳам бу қишлоқ тоққа ёпиштирилғон каби, унинг бағрига чирмашиб ётарди, аммо дарё эса унинг оёқларини ювиб турмоқда эдики, қаровчиларга қизиқ таъсир қолдирмасдан қўймасди.

Қишлоққа қарашли экин ерларнинг бир қисми дарёнинг у томонида, қишлоқнинг шимолида ажралиб қолғон, экинчилар бу ерларга дарё оша ўтиб борадилар, дарё устига солинган кўприк қишлоқни анави ерлар билан боғловчилик рўлини бажарарди. Оғир юклар ортилғон эшак ва аравалар туркум-туркум бўлиб, бу кўприкдан ўтадилар. Кўприк эса, буларнинг салмоғига лоақал тебраниш тугул, дирилламас ҳам эди.

Чотқол тоғлари бошидан кўринган прожектор — қуёш қишлоқ юзини ялтиратиб юборди. Дарё устида нурлар оқар эдилар, кўпиклар кўприк ёнидаги гирдобларда бир неча бор айланиб, гўё уни тавоф қилгондек деворига юзини суртар ва сўнгра оқимға ўзларини ташлар эдилар.

Кўприк устидаги тепаликдан дарёга қараб турғон бир неча кишининг диққатли башараси нур ичида аниқ кўришиб кетди. Булардан бири баланд бўйли, бақувват гавдали, қулоқлари ирвайган, қўй кўз, қўнғир соқол, оёғига

чўқай* кийган ўрта яшар бир кимса эди. Иккинчиси ҳали 25 ёшлардан ошмаган, ўрта бўйли, соқол, мурти қирилғон, қизил юзли, боши каттароқ, қуюқ қошли, сўзига керак-керакмас жойда русча «ида!» сўзини қўшиб сўйловчи йигит; учинчиси эса нозик гавдали, зангор қўзли, кулимсиб туратурғон, қушбурун ва ҳали 20 лардан ошмаган рус хотин, қолғонлари эса кўринишларидан муҳим бир вазифа бошида турғон кишилар экани бир қарашдаёқ англашилтурғон кимсалар эди.

Булар дарё устидаги кўприкни томоша қилмоқда эдилар. Кўприкнинг тузилиши чиндан ҳам ажойиб ва кишини қизиқтирарли эди. Қай вақтларда тоғданми юмалаб тушиб ёки сувнинг оқими таъсирида ер ўйилгач тупроқ остиданми чиқиб қолғон, ҳар тугул қайси йўл билан бўлмасун, кўприк ўрнашғон ерда иккита катта тош пайдо бўлғон. Азамат дарё бу тошларнинг орасидан даҳшатли равишда пишқириб ўтиб боради ва шу тошларнинг устига қулайлик билан қўндирилғон темир кўприк: усти очиқ вагонларни эслатиб, сув устида қимирламай туради.

Кўприк остидаги икки йўғон тошнинг нақ қўл билан келтириб қўндирилғондай туриши, тепадан қараб, томоша этувчиларнинг назарини ўзи сари тортди, улар бири-бири кетидан тизилишиб, тор йўл билан кўприк устига етиб келдилар. Кўприкнинг уёқ-буёғини текшириб, ўзаро сўзлаша бошладилар. Буларнинг сўзларига қулоқ солиб турувчи узун бўйли, деҳқон ҳам сўзга аралашди, кўприк остидаги тошлар ҳақида эшитгонларин сўйлай кетди:

— Бир вақт ҳазрат Али дулдулларини миниб, бу ерга келғон эканлар, бундаги кофирларни мусулмон қилиш учун урушган, яъни жанг қилғон эканлар, шу вақт у киши мана шу ерга келиб, дулдулларида тушиб, дам олғонлар, бу ер у кишининг «қадам жойлари», ишонмасангиз, мана у кишининг дулдулларининг излари ва охурлари — деб кўприкнинг қоқ устида, мажусийлик давридан қолғон, тошга ўйилғон от туёғи ва охур изини кўрсатади. — Ана шу киши душманлар (кофирлар)га ўз кучларини кўрсатмоқчи бўлиб, бир қуни уруш қизиб турғон вақтда ғазаб билан шу тошларни кофирларга

* Чорик ўрнида кийилатурғон, от почасидан ишланган оёқ кийими. — Элбек.

отган эканлар. Тошлар уларни мажаклаб ўтиб, юқоридан юмалаб, шу ерда тўхтаган экан...

Унинг сўзларига бошқалар табиий кулимсираб, қулоқ солар ва унга ишонмаганлари ҳолда тузук жавоб ҳам қайтармас эдилар. Лекин новча йигит жим қолмасди, кўприк ва у тошлар ҳақида билгонларини айтишдан чарчамас эди. Уларнинг кулишларидан руҳланган йигит иккинчи бир ҳикояни бошлади:

— Бизнинг қишлоғимизда бир этикчи бор эди. У ёши ўтиб қолғонига қарамасдан уйланмай юрар эди. Бир кун шу одам билан иккимиз кўприк ёнидан ўтар эканмиз, ҳалиги киши менга бу тошлар тўғрисида шундай деди:

«Ўтган замонда бир кучли киши бўлгон экан, у киши шу тошнинг бирини отиб дарёнинг ўртасига туширибдир, сўнгра иккинчи бир тошни қўлига олиб, отай деб турғонида чиройли бир қиз қўлига кўзасини олиб, дарёга сув олғони келаберибдир, ботир буни кўриб, маҳлиё бўлиб қолибдир, тош бўлса, қўлидан тушиб кетибдир-да, юмалаб бориб, дарёнинг бўйида тўхтабдир...»

Йигитнинг сўнғи ҳикояси айниқса хотинга ёқди, у товишини борица кулди ва ўрнидан қўзғолиб, нақ ўша ботирни охтаргандай, кўприкнинг тагига бўйини чўзиб қарай бошлади.

Сокол-мурти қирилгон ёш йигит кўприк ва унинг остидаги тошлар ҳақида унча ўйланиб турмас эди. Гарча унинг қулоқлари бояги афсоналарга диққат билан берилгон бўлса-да, кўзлари азамат дарёда эди, кўз нурлари, қуёш ёғдусидан товланиб оқаётгон дарёда банд, ундаги ялтироқ нурлар билан бирга ўйнайдилар. Хаёли эса, дарёдек тўлкинланиб, унга қўшилиб оқар эди.

Ёш йигит дарёга узок қаради, сўнгра кўзларини астагина ундан узди ва узокларда ялтираб тургон тоғларга тикилди. Дарёнинг келаётгон томонида устлари қор билан қопланган баланд тоғлар кўринардилар, бу тоғлар орасидаги сойлар, даралар ихтиёрсиз равишда, йигитни ўзларига тортардилар. Йигит тоғ ичига тикилди ва қаршида муҳим, катта уч дара борлигини сизди. Бу даралардан бири Фарғона водийсига тақалатургон Идрис пайғамбар довонидан бошланиб, Бурчмулла қишлоғига етар, иккинчиси эса, Авлиёота яқинлигидан бошланиб, чиройли Нанак, Богистон ва Сижжак қиш-

лоқлари оша ўтиб, Бурчмулла ёнида ҳалиги дара билан тўқнашатурғон Писком ва учинчиси эса Хўжакент қаршисида шимолдан Чимкент белидан бошланиб, Хумсон қишлоғи оша келувчи Угом дараси эди. Бу даралар бўйлаб оқувчи дарё (сой)лар йўл-йўлакай анҳор, булоқ сувларини ўзларига қўшиб, бирга элтардилар ва Хўжакент ёнида ҳаммалари тўпланиб, кучли оқим ва қиттак шовқин билан кўприқдан ўтардилар.

Йигит куш боқиш билан бир қараб олғач, узоқ тоғлар ва даралар ичида кезган кўзларини астагина қайтариб кўприкка солди. Кўприк остидан ўтаётган сув жуда гурқираб ўтарди. Унинг кўнглида ва кўз олдида ўз ҳаёти келди, унинг илгариди Селмаш заводиди ишлаган чоқлари, ҳозирда бўлса, Чирчиқ қурилишидаги ҳаёти жонланди.

III

Чанқоқлар

Иссиқ кунда терга тушган Тўхта бобо юзидаги терларни сидириб, чўққайганча дам оларди. Унинг чўлоқ кетмони ҳам у билан бир қаторда туриб дам олар ва уни кутарди. Умри иш билан ўткан, қўллари кадоқланиб, ёрилиб битган Тўхта бобо олтмиш беш ёшлар орасида, йўғон гавдали, узун соқолли, сариқдан келган тусли, қарилик натижасида кўзларини парда босай деб қолган, кўкраги ичга ботган ва мулойим бир киши эди. Қишлоқда кишилар унинг исмини атамас, фақат «Полвон бобо» дебгина юритар эдилар.

Ёшлиқдан меҳнат билан ўскан бу киши йигитлик чоғларида киши ҳайрон қоларлик ишларни бажарган, бошқаларнинг кучи етмайтурғон ишларни унинг ёлғуз ўзи ишлай олган. Ҳатто қишлоқ халқининг айтишича, унинг қамрамидаги буғдой дастаси хирмонда хўп остида ҳам бир-биридан ажралмасдан, сочилмасдан турар эган, бошқаларнинг 10 қамрами бир боғ бўлғонда, бунинг 2—3 қамрами бир боғ бўлаберар экан.

Тўхта бобо ёлғуз кучдагина эмас, ботирликда ҳам ўз вақтида донг чиқорган киши экан. Бир вақт қишлоқга оқпошшонинг тўраларидан бир қанчалари айланибми ё бирор иш биланми келиб қолғонларида, кўплар қўрққанидан тоғлар орасига қочғонлари ҳолда,

Полвон бобо яккакифт бўлиб, уларнинг ёнига келгон ва тўралар эса ундан хайиққонлар эмиш.

Хуллас, бобонинг эски тарихи шундай мақтовли экан... Зотан, Тўхта бобонинг ўша замонлар (мен у вақт ёш бола эдим) менга айтган сўзлари, халқ оғзидаги хикоялардан кўра мухимроқ ва кизикроқ эди. Балки, Полвон бобо ўз қилмишларини ва ботирлигини ўз оғзи билан сўзлаб юришни истамагандир, шунинг учун биз ҳам бошқаларин қўя туриб, ундан битта ва мухим бўлгон бир воқеани баён этамиз.

Полвон бобо андак дам олди, сўнгра кетмонини қўлига тутиб, ишда давом этди. У Хўжакент қишлоғининг устидаги Қўнғирбуқа тоғининг бағрига боқча қурган эди, бу боқча шу тоғнинг бир чеккасидан жилдираб оққан булоқ суви билан кўқарган, яна тўғрироғи бобонинг меҳнат тери билан майдонга келгон эди. Бобо ўша булоқчани ариқ исмли «чилвир»га боғлаб, бу ерга келтирган эди. Хозир хаво ортиқ исигандан, сув букқа айланиб камайган, ҳатто кундузи боқча етиб келмас, кечалари бир оз дилдираб оқар, эрталаб офтоб чиқиши билан яна қурир эди. Бобо ҳарна бўлса ҳам, сувнинг кўпроқ ва тезроқ келиши учун уриниб, унинг йўлларини тозалар, сувни ўринсиз тутиб қолувчи лойларни ариқдан олиб ташлар эди.

Мен бобонинг ёнига бориб, унинг аҳволини сўрадим, у букчайган белини ростлаб, парда босаётгон хира кўзларини мен сари тикди ва ўзининг боғчаси тарихидан сўз бошлаб, охири сув масаласига келиб етдик. Бобо бу ерга, яъни сув масаласига ҳикоясини келтиргач, дарёдай тўлқинланди, товишини ҳам каттароқ чиқарди. Гўё йигитлардек бўлиб кетди. Жонли ҳикоя кино лентасидек кўз олдимдан ўта бошлади:

— Эй болам, сувсизлик жонга тегди! Бизнинг боболаримиз ўйламай-нетмай бу ерларга келиб қолгон эканлар, чоғи! Улар бу ердаги меваларга қизикқон ва ишламай, тайёр меваларни еб юраверамиз деб ўйлаганлардир балки, бизнинг болаларимиз қандай яшар экан, улар замонида ҳам шу дарахтлар, шу ҳолда қолаверарми экан, деб ўйлаб ҳам кўрмаган чиқарлар деб биламан.

Полвон бобо ҳикоясини шу ерга келтиргач, чолларга махсус йўтал билан бир йўталиб олди ва қарилик натижасида оқатургон кўз ёшларини қўли билан сидирди-да яна сўзида давом этди:

— Аввалда ҳатто бизнинг ёшлигимизда 30—50 уйдан иборат бўлгон мана шу кишлоқ бу кун юзларча хонадонга эга, ер етишмайди, сув камчил, бор сувни тоғ ораларидан келтириш ўта қийин. Боболаримизнинг ўйлаганларича бўлгонда-ку, яхши бўларди-я, бироқ бугун фақат мева ёки тонда бекор юриш билан умр ўтказиш мумкин эмас. Экинга ярарли ерлар оз, етишмайди, сувли ерлар бойлар қўлида. Бунинг устига ерларнинг ҳам мазаси кеткан. Айниқса сув бўлмаганидан сўнг қийин экан.

Бобо дамани ростлаб олиш учун тўхтади, менинг фикрим ҳамон унинг ҳикоясининг натижасига кўз тиккан эди. Чол сўзга киришди:

— Мен йигитлик чоғимда шундай фикрда бўлгон эдим. Яъни шу бўлисга қараган сув ва ери камчил кишлоқлардан одам йиғиб, дарёдан ариқ қазиб, чўлга олиб чиқсак ва ўзимиз шу ерға кўчиб кетсак деган эдим, бу фикримни бошқаларга ҳам айтган эдим, лекин кўпчиликка ёқмади, кўплари мenden кулар эди, мен ҳам нафасим ичимга тушганича қолавердим...

Полвон бобо ўзининг тарихий сўзларини тугатар экан, мен тоғлар орасига кўз ташладим. Чиндан ҳам дарёнинг бош томонидаги кишлоқлар сувдан махрум, тоғнинг ўнқир-чўнқирларидан оқаётгон сувларни кишлоқга келтириш қулай эмас ва келтирганда ҳам кишлоқ ерлари кўпроқ қия, тик ерлардан иборат бўлиб, уни сув ювиб кетиши аниқ эди. Бу ҳол менга бир қарашдаёқ сезилгандек бўлди ва бобонинг ўринли даъвосига қўшилгондай бўлиб, унга бу ҳақда ўз билгонларимни сўзлаб ҳам ўтдим. Полвон бобо шовқинланиб оқаётгон дарёга қаради ва бошини иргатиб:

— Эй-й, бу бахил дарё, шунча кўб сувға эга бўлгани билан бир ариқ сувни бизга раво кўрмайди, қаранг, у жуда чуқурдан оқади, ҳай аттанг-а! — деб сувға тикилиб қолди. Мен у билан хайрлашиб ўз хаёлим билан йўлдош бўлиб йўлга тушдим.

Тўхта бобонинг сув чиқариб, кўчишни орзу этгани ва боболари тўғрисида сўзлаб, уларнинг табиат бойликларига берилиб, шунга маст бўлишларини танқид қилғони ҳақида мен кейинроқ кишлоқ қарияларидан кўб эшитдим. Тўхта бобонинг миясига бу фикрнинг келишига сабаб, унинг тажрибаси ва иши натижасидан бўлак бир нарса эмас, деб биламан. Дарҳақиқат, дарё бошидаги

қишлоқлардан бир қанчаси сув бошида турғон ҳолда сувсизликдан қийналади ва ер ёмон, камчил.

Мана шундай сабаблар Тўхта бобо кабиларни бошқа ерга кўчишга мажбур этса-да, бу юзага чиқмаган, бундайларнинг ташаббуслари ҳам ўзлари билан бирга йўқолгон. Мен Тўхта бобонинг ўлиmidан 5 йил сўнг қишлоққа бориб, тириклигида гуллаб ётгон боғининг хазонга айланганини кўрдим. Демак, булоқ суви ҳам Тўхта бободан сўнг боққа қадам босмаган.

IV

Чирчиқ

Хўжакент қишлоғи ёнидан шовқин солиб оқувчи ва юқорида зикр этилгон бир қанча кишининг томоша этиб турғони — кўприкни ларзага келтирувчи дарё буюк ва донгдор Чирчиқдир.

Чирчиқ — Угом, Чотқол ва Писком дарёчаларининг бирлашувидан ҳосил бўлиб, Тўхта бобо айтганича, бош томонидаги қишлоқларга тузуккина сув ичирмасдан, қишлоқларга нисбатан жуда қуйида оқади. Тоғлар орасидаги қишлоқларнинг ҳаммалари деярлик кичик булоқ сувлари билан яшайдилар ва бундай ерлардаги бир қисм булоқлар ҳам тоғнинг элтир ерлари ичидан ўтканлари учун қишлоққа яқиндан ёрдамга эришмайдилар. Булар пастликлардан бирлашиб дарёчалар ҳосил қилиб, қишлоқлар остидан шовқин солиб оқадилар.

Чирчиқ* қачонгача шундай оқиб ётади ва бу нўхта-сиз айғир тоқайгача тоғ бағирларида қуруқ кишнашдан бўлакни билмайди ва унга муҳтож бўлгонларга тутқич бермай ўйноқлайди?

Унинг қувватиға суқланган ва бекор ўйноқлашиға чидамаган кимсалар ёлғуз Тўхта бобо эмас: кўпгина

* Чирчиқ «Сирчиқ» деган сўзнинг ўзгарган шакли бўлса керак, чунки бу дарё Сир дарёсига бориб қўшилади. Иккинсининг орасидаги масофа ҳам кўб узок эмас. «Сир» сўзининг «чир» шаклига айланиши иккинчи бўғиндаги «чиқ» қўшимчасининг рўли натижасида бўлгондир деб биламан. Чунки бундай ҳол тилимизда кўб учрайди ва ҳатто бу тилимизнинг хусусиятларидан биридир, масалан, «соч» — «чоч», «сичкон» — «чичкон» равишида қўллашмиз каби. Қўшимча «с» товиши «ч» га алмашадир ва айниқса кичрайтириш қўшимчаси бўлгон «чиқ» «с»ни «ч»га ўзлаштирилишида яна ҳам катта рўл ўйнайдир. Бу ҳолда «Чирчиқ» «Сирчиқ», яъни *Кичкина Сир* деган сўз бўлиб чиқади. — *Элбек*.

Тўхта боболар шу тўғрида ўйлаганлар. Ҳатто авом халқ қошидаги алдамчи «саховат» билан шуҳрат касб этган княз атрофдаги қишлоқлардан тўпланган камбағалларни арзон ишлатиб, ҳозирги Сойлиқ ва Хондайлиқ қишлоқлари этагидан 3—4 тегирмон келатурғон сув чиқаради ва бу сув билан мингларча ботмон ер обод бўлади.

Бизнинг Тўхта бобомиз ҳам шу ариқ қазишда қатнашган ва ўзининг тилагига етмаса ҳам асосан ўзи кўзлаган ерига сув чиқаётғонига суянган эди. Орадан 30—40 йил ўтмасданок бу ариқнинг бошини ҳеч бир кимса ва кучга бўй бермайтурғон даража-ла кишнаб ўйноқловчи Чирчиқ туёқлари билан майдалаб юборди, тўган бошида қаттақон жар ҳосил бўлади. Сувли дала яна чўлга айланади.

Юқорида сўзлаганимиз ҳалиги кўприк ёнида турғон кишилардан узун бўйли, йўғон гавдаси маълум Тўхта бобонинг ўғли Юсуф полвон эди. Бу Тўхта бобо ўлганда 10 яшар чамасида эди. Отадан сўнг қишлоқда сарсон бўлиб қолди, онаси эса отаси ўлмасдан бурун ўлиб кеткан эди.

Юсуф қишлоқдан-қишлоқга қарол тушиб, сўнгралари эса қўшчи бўлиб, хизмат этиб юрди, ҳатто Тошкентда ҳам бир неча бор келиб, мардикор ишлаб кетди. Ўшал вақтдаги қийналишлари ҳамон унинг эсида.

Юсуф шу машаққатлари қаршисига ҳеч нарса ортира олмади. Колхоз қурилиши бошланғач, унга кириб ишлади, бу ишда у Чирчиқ қурилиши бошлангунча давом этди. Чирчиқ қурилиши бошланғач Юсуф қора ишчи сифатида ишга киришди.

Отасидан ёшлиқда эшитғон ҳикоялари унинг ёдидан ҳамон чиқмаган.

Кўприк ҳақидаги ишқий ҳикояни ҳам у биринчи марта тугал равишда ўртоқлариға сўзлаб берган эди. Унинг ёнидаги паст бўйли йигит ўша вақт унинг қизиқарли эртагига қулоқ солар экан, кўзларини сувдан олмай қолғон эди. Бу йигит ва унинг ёнидаги ёш рус хотин Чирчиқ қурилишида Юсуф билан бирга жонбозлик қилувчи Чирчиқ ударникларидан эдиларки, булар ҳақида айрим тўхтаяжакмиз.

V

Айғир нўхталанди

Чирчиқ қурилиши Чирчиқ дарёсининг ўзи каби тез бораётир, ишчилар Чирчиқ каби айғирларни нўхталаб, миниб олмоқда. Унинг ёнида яшаб келгонлар ва уни кўриб асовлигига хайрон қолгонлар бугун шундай нўхтасиз айғирнинг нақ юввош от сингари ишчилар қўлида бўйинини қуйи солиб турғонини кўриб, яна хайрон қолмоқдалар. Лекин буни ишловчи пролетариат бунга хайрон қолмайди. Чирчиқ ҳам буни сезгандек, уни хайрон қолдириш учун қўлидан келгон «жоду»ларини ишлатишдан воз кечган кўринадир. Тумшуғи остида кичқираётгон какку («кукушка»)ни ҳуркита олмаганидек, какку ҳам ундан ҳуркмай баҳузур сайраётир.

Ҳавода айланиб учиб юриб кўрган ови — ўлжасига бирданига човут солгон бургутдек, экскаваторлар унинг ёнида парвоз уриб айландилар. Чирчиқ майдонга келгандан буён қўл тегмаган ва ҳатто шундай кучли зарба билан уриб ўткани ҳолда Чирчиққа ҳам ортиқ таъсирланмаган метин қирғоқларни бу ажойиб қуш ўзининг кучли тумшуғи билан ўпирмоқда.

Чирчиқ нўхталанган, ҳозир у қайға етакласанг шу ёққа юришга тайёр, унинг ихтиёри пролетариат қўлига ўткан.

VI

Чирчиқ ёқалаб

Декабр ойининг совуқ кунлари, ҳаво булутдан эндигина очилгон, кечаси билан ёғиб чиққон қор гўё ҳаводаги булутни ўзи билан бирга олиб тушгандек, у кўзга кўринмай қолди. Узоқ замондан бери орзу қилгоним: Чирчиқ бўйиға чиқиб; тўғриси, Чирчиқ қурилишини томоша қилиш ҳаваси менинг юрагимни қитқлай бошлади. Эрталаб уйқудан туришданоқ сафарға ҳозирландим, куёш билан бирга мен ҳам йўлга чиқдим.

Буюк Тошкентнинг кенг бағрида товишини қолдириб, учиб ўтувчи трамвайлардан бирига ўтириб, Салор суви бўйиға етдим ва ундан автобусға ўтириб, тўғри Чирчиқ

қурилишига йўл солдим. Автобус йўлида давом этди. Мен йўлнинг икки томонини, экинлари йиғиштирилиб олинган ерлар, одим сайин автобус ёнидан шир этиб ўтиб, кетда қолувчи дарахтлар менинг завқимга завқ қўшар, айниқса узоқдан ялтираб, оппоқ қор билан қопланиб ётгон тоғлар кўзларимни ўзларига тортар эдилар.

Шу йўсинда мен бирор соат йўл юргандан сўнг Ниёзбек* қишлоғига етиб борганимни сезмай қолдим. Ниёзбекдан сал юриб автобус катта йўлдан четга бурилди ва мени икки қаватли буюк бинога элтди.

Менинг тўхтаганим бу ўрин Тошкент билан Хўжакент қишлоғининг қоқ ўртаси бўлиб, бу ерни илгари «Ёртиқўрғон» деб аташ эдилар. Мана шу ўрунда солинган икки қаватли бино Чирчиқ қурилишининг бош идораси бўлиб, бунда Чирчиқ қурилишига оид ишлар олиб борилмоқда эди. Мен бу бинода бир қадар вақт туриб, сўнгра кунчиқиш томонга йўл солдим.

Бош идорадан бир чақирим ҳам нари борган эдимки, қаршидан буюк ва маданий бир қишлоқ чиқди. Бундан бир неча йил бурун шу ердан ўткан эдим, у вақт бу ер бўш даладан иборат бўлиб, Искандардан то Ниёзбек қишлоғининг ёнигача бўлгон бу кенг далада яшовчи бир неча уйли қипчоқларни ҳисобга олмаганда, қишлоқ йўқ, қуруқ бир дала чўзилиб ётарди. Халқ бу далага «Сариқдала» номини берган ва 20 чақирим масофани олгон, айниқса яёв юрганларни зериктирар эдики, Тўхта бобога ўхшаган умри улов кўрмаган бечоралар бунга келгач, ихтиёрсиз равишда: «Сариқдала кишини саргайтирар» деб зорланишга мажбур бўлгонлар.

Эндликда Сариқдала бурунги тусини йўқотган, бугун у сариқ эмас, қизил тусда. Қийшиқ ва тартибсиз солинган қипчоқ овуллари ўрнида буюк ва тартибли бинолар ўрнашгон. Бу биноларда у қора чироқ эмас, электр лампалари ялтирайдир, буларнинг ичларида Сариқдаланинг эски танишларидан тортиб, янги ва уни обод қилишга келгон азаматларгача бор. Булар шу биноларнинг хўжайинлари, бу чиройли қишлоқ, келажакдаги шаҳар ёшлар номи билан аталган ва улар сингари тетик, ёш бир қишлоқдир. Кишининг хаёлига келмаган ва тез кунда майдонга келгон бу қишлоқ ки-

* Ниёзбек қишлоғи хонлар даврида қўрғон (крепость) вазифасини ўтаган эди. — Элбех.

шини ҳайратда қолдирарлик даражада ўскан ва унда яшовчи ишчи халқи ҳам фикрда шаҳардан қолиш-майтурғон ҳолга келгон.

Қишлоқдан чиққач, қурилишнинг бош тўғони — нуқтаси ўрнашгон Ғазалкент қишлоғига қараб юришга тўғри келди. Юқорида айтилгон Искандар қишлоғи ҳам илгариги ҳолидан бутун ўзгарган, унда янги ва маданий бир қишлоқ пайдо бўлгон. Мен бу қишлоқни айланиб чиқар эканман, эски замондаги холи кўзимга кўриниб кетди. Ҳатто бозор кунлари ўз маҳсулотларини, масалан, бугдойларини сотиш учун келгон деҳқонларни таловчилар ҳам кўз ўнгимдан қатор ўтдилар.

Чирчиқнинг қўйига бориб тақалган бу қишлоқнинг ранг-баранг бинолари орасидан ўтиб, тўғри қайиққа етиб бордим. «Паром» (деб) исмлани турғон бу қайиқ ёнида машинанинг гулдуреган товиши эшитилар эди, бу машина Чирчиқдан сув олиб турар ҳамда бу сув электр ёрдами билан юқориға қувур орқали физиллаб чиқиб борар эди.

Машинани идора қилиб турғон икки ишчи бардамлик билан ишлар эди. Ҳавонинг совуқлигига қарамасдан ишловчи бу ишчилар мени иссиқ сўз билан меҳмон қилдилар. Мен улар билан бир неча минут сўзлашгач, яна йўлга тушдим. Бироқ бу вақт кўз ўнгимдаги тепаликнинг кулаб тушаётғонига кўзим тушди. Ихтиёрсиз шу томонға бурилдим.

Бундан 8 йиллар бурун қазилган ва «Княз ариғи» номини олгон бу ариқнинг эски изи ўрнида пишқи-раётгон сув фонтани мени ўзи сари тортди. Унинг ёнига бордим. Унда 3 йигит ишлаб турарди. Булар сув қувурдан келаётгон кучли сув оқимини тепага тўғрилаб турар эдилар. Бир неча терак бўйи келатурғон бу тепа сувнинг кучли зарбига чидай олмасдан юнгдек тўзиб, уваланиб йиқилмоқда эди.

Йигитлар билан эсонлашиб бўлғач, уларнинг қайдан эканликларини ҳам сўраб қўйдим. Булар ўзларини менга таништирдилар. Ҳаммалари ҳам шу ердан 5 чақиримча наридаги Хондайлиқ қишлоғидан эканлар. Бу ишда, умуман Чирчиқ қурилишида анчагина замондан бери ишлашларини билдирдилар. Ҳавонинг совуқ ва фаввора бўлиб, тепаликка отилиб турғон сувнинг тоғ ҳамда дарё шамоли билан учиб келиб, ёмғир ҳолида юзларига уришиға қарамасдан, улар жон-тан билан

ишлар эдилар. Мен бир уларга ва бир халиги Княз арифининг тупроқлар остида қолиб кеткан изларига қарадим. Бир вақт шу бояқишларнинг оталари кучлари билан арзон қазилган Княз арифининг княз билан бирга дунёдан ўтканини хотирладим.

Янги ҳаётимизнинг янги авлодлари эски шароит ва у замоннинг қисинқиларидан аллақачон озод бўлгонлар. Бу ҳар бир қадамда сезилиб турадир. Илгари қуруқ белқурак ва кетмонлар билан ер чўқиб, арзон меҳнат қилиб, азобда яшаган меҳнатқаш омманинг авлоди бугун ўзининг майдонга келтирган давлати қўланқасида у меҳнат тузумини енгган. Илгари, кетмон ва курак билан бўлса-да, ишлашга ўрун топа олмаган бу йигитлар бугун ўша вақт оталарининг йилларча ишлаган ишларин, бир неча кунда бажармоқдалар. Ўз мақсадларига тўсиқ бўлгон ҳар бир нарсага қарши енгилмас куч бўлиб олгонлар.

Тепаликни ювиб, тезгина қайтиб, яна Чирчиқ томонга қараётгон сувлар қўйинларига тупроқ зарраларин тўлдириб, бўтана ҳолда Чирчиққа тўкиладир.

Мен қазилаётгон ва келажакда сувсиз ерларга боратургон Чирчиқ сувининг бу янги йўлидан — тепадан қайтганимда паром ёнида тургон бир йигит билан учрашдим. Бу йигит юқорида сўзлаб ўтканим, ёш йигит эди. У Ғазалкент қишлоғида давом этаётгон бош қурилиш инженерини эди.

Иккимиз паромга ўлтирдик. Чирчиқ паромни тислантирар, паром эса нақ оқиб кетишдан кўрққандай, дарё оша тортилгон йўгон симга маҳкам ёпишиб олгон ҳолда аста-секин соҳилга томон ҳаракат қиларди. Бир неча минутдан сўнг биз ўзимизни Чирчиқнинг нариғи бетида кўрдик. У узоқдан ялтираб кўринган ишчилар қишлоғига юрар экан, мен у билан хайрлашиб, тўғри «кукушка» ва экскаватор жойлашган ўрунга йўл солдим.

VII

Бош тўғонда

Чирчиқнинг бўйи паром ўрнашгон жойдан то Ғазалкент тумшугигача бўлгон 2—3 чақиримлик масофа ва бу масофа оралиғида узун лента сингари темир йўл чўзилиб ётадир. Тутунини кўкка бурқиратиб, қичқираётгон «ку-

кушка»нинг товиши Чирчиқ товишига қўшилиб, кент далаларга капалак сингари бир-бирлари билан ўйнашган ҳолда учадилар ва бориб-бориб, тоғларга урилардилар ҳам дара, тепалар орасига кириб сингадилар.

Чирчиқнинг кўм-кўк ва дара ўрнида ишлатиш мумкин бўлгон тоза суви жимирлаб оқиб ётадир. Илгари кирғовулларга ватан бўлгон сойлиқда қамишли ерлар оша ўткан темир йўл бўйлаб кунчиқиш сари бирор чақирим йўл юрилгач, «Днепрострой»нинг қахрамонлари ўрнашгон ўрдугоҳга етасиз. Чарчаш нималигин билмаган бу ботирлар, ўз борлиқларини қурилишга, янги ҳаёт қуриш йўлига дов тикканлар. Булар сизнинг қаршингизда пайдо бўладилар ва экскаватор номли отларига отланган ҳолда сизни қарши оладилар.

Мен уларнинг ёнларига етиб борганимда кун кеч бўлгон, қуёш уфққа санчилгон эди. Чирчиқ оқимини иккинчи ёққа солиб юборишга, маҳкам берилгон бу ботирлар, чарчамас ишчи авлодлари, кулар юзлар билан суҳбатка тутундилар ва менга тўғон ҳамда экскаватор ҳақида сўзлаб бердилар. Бу дўстлик руҳи билан руҳланган кимсаларнинг кўзларида келажак ҳаётнинг чироқлари ёнар эди. Сўз орасида ўзбекча, лекин жуда содда ва менга таниш жумлалар қулоғимга илинди, ихтиёрсиз ҳалиги сўйловчига қарадим, қарадим, аммо кўзларим унинг кўзларига йўл солгонича миқланиб қолди. Оғзимдаги сўзларни қандайдир бир куч тортиб олди.

Мени ҳайрон қолдирган одам Юсуф Тўхтаев исмидаги йўғон гавдали бир йигит эдики, ўқиғувчилар, шояд, бу кишини танирлар. Унинг бошида қулоқчин, кўзида каттакон ойнак, устида қора ва ялтироқ тери тўн эди.

Юсуф кўзойнагини манглайи томон кўтариб қўйиб, менга илжайиб қаради, худди сўзини йўқотган кишидек бир оз тўхтаб, сўнгра:

— Қалайсиз, бизнинг ёқларга ҳам келар экансиз-а, шаҳарда аҳвол қалай? — деб қўйди. Унинг кичкина жумладаги катта маъноли сўзлари мени ҳаракатга келтирди. Мен унинг саволига яраша жавоб берган бўлдим ва унинг аҳволини сўраб:

— Сизнинг ишларингиз қалай, чарчамай ишлаб юрибсизми? — деб қўйдим.

— Нега чарчайлик, тагимизда шундай кучли фил бўлгонда қандай ҳам чарчаймиз? — У кучли фил деб

экскаваторни атади. — Мана, шу филға миниб, Чирчик бўйида ов қилиб юрибмиз! — деди-да, қуёшдай барқ уриб кулди.

Мен у билан узоқ сўзлаша олмадим, чунки унинг иккинчи сменадаги иши бошланиб қолгон эди, вақтинча бўлса ҳам хайрлашдик.

Бош тўғондан қайтиб келаётганимда миямда Хўжакент кўприги остидаги катта тошлар ҳикоясини сўзлаган Юсуф Тўхтаев билан ҳозирги Юсуф Тўхтаев ҳикояси бир-бири билан тортишар эди. Мен бу икки ҳикояни сўйловчи кишининг бир киши эканига шубҳаланар эдим. «У вақтдаги Юсуф қаёқда бўлса экан?» деган савол кўнглимга келар эди. Лекин исм ва фамилиясининг бирлиги мени шубҳа ва хаёлдан чиқарар эди. Охири, у Юсуф ва тош тўғрисидаги ҳикоя қахрамони ҳозирги замонамизнинг қахрамони Юсуф Тўхтаев эканига қоникдим.

МЕН КИМ БЎЛАМАН?!

I

Ташқи ҳовлининг ўртасида қоровулдай қаққайиб турувчи нок дарахтидан бир япроқ худди капалакдек ерга тушди. У туси қочгон ҳолда ерга ағдарилиб, бир неча бор юмалаб, сўнгра ёнбошлаганича жим қолди.

Ҳовлига ўқтин-ўқтин оралаб, тезгина қайтиб чиқиб кетаётгон шамол, бу ҳовлидан ўзига фойда йўқлигини сезгандек, гўё шунга ғазаблангандек, аччиғини сочиб қолдирарди.

Ички-ташқи ҳовлини бир-биридан айирган жойнинг бир чеккасига қўндирилгон ошхонанинг мўркони ёнида кўзларини ялқовгина юмиб, чўкуб ётгон тарғил мушук баъзан ҳовлига кўз қирини ташлаб қўяр ва сўнгра пинакка кетар эди.

Дарвозадан кириб, ташқари ҳовлига бурилишда каттакон отхона ва бу отхона билан қамти тургон бир уйчани ҳисобга олмаганда қолгон уйлар тўқис-туғал ишланган, кўрганлар тўсатдан буларга қизиқиб қарашга мажбур бўлардилар.

Ҳовлининг ўрнашгон ери Тошкент шаҳрининг совуқ «Б» даҳасининг «М» маҳалласида бўлиб, бунинг эгаси шу маҳалланинггина эмас, балки Тошкентнинг

кўзга кўринган бойларидан саналган Умар бойвачча Дадаматбой ўғли эди.

Умар бойвачча ҳали йигирмалардан ошмаган, буғдойранг, кўзлари қора ва қисик, манглайи кенг, мурти ва соколи сийрак, худди яхши унмаган қилтириқ буғдой сингари бағажак бўлиб, юзларига санчилғон эди.

Умри базозлик растасида ўткан Дадаматбойнинг ўлганига ҳозир бир неча йил бўлғон эса-да, ҳамон тирикдек зикр қилинар, айниқса маҳалла халқи у тўғрида сўйлашганида исми ёнига «нонемас» деган кўшимча сифатини ҳам ортдириб такрорлайдилар. Агар биров бориб, булардан тўғри «Дадамат» деб сўрагудек бўлса, улар иккинчи бир Дадаматни кўрсатиб беришлари ҳам турғон гап эди.

Отадан қолғон бойликка яна бойлик қўшаётғон бу ота ўғли ҳар жиҳатдан отани ўткан ва ёшлигига қармасдан отасининг ҳамқурлари қаторига ўтиб олғон эди.

У кеча бозордан қайтиб келғач, ташқи ҳовлига чиқди, меҳмонхона ва отхоналарни бир қур кўздан кечирди. Хафтасига бир марта эшиги очилиб, бўлмаса, доим берк туратурғон бу меҳмонхонанинг равоғига сир билан ялтиратиб: «Мархабо, эй дўстон, хуш келдингиз, Тан уйига мисли жон, хуш келдингиз...» деб ёзилган байтни ўқиб, бадани зириллади, нақ меҳмонхонага кишилар босиб, кириб келаётғондай сезилди ва у шошганича эшикни ёпди-да, тез бориб дарвозанинг занжирини солди.

Кичкина гавдасига, қўғирчоқнинг қўллари сингари ярашиб турғон ажойиб қўлларини ҳаракатга келтириб, ҳовлида кезинарди, шу он том бошида ётғон тарғил мушукка кўзи тушди ва ўзича ниманидир ўйлаб қолди. Бир оздан сўнг бошидаги бархит-бахмал тўпписини олиб, унинг тўкилиб битаётғон қатларига кўз юргиздириб чиқди ва астагина бошига қўндирди.

Отхонанинг бир бурчида деворга суяниб ётғон шотини кўтариб, ҳовли юзига чиқарди, авайлаб секингина унинг бир бошини том бўғотига тиради ва ўзи томга ўрмалади.

Мушук ҳамон жойида қўзғалмасдан ялқовлик билан унга қараб қўярди. Лекин бойваччанинг ўзига яқинлашиб келаётғонини пайқагач, шир этиб қочиб қолди, бойвачча унинг кетидан чопиб борар экан, йиқилди. Ётган жойида сўкинди, ошхонадаги гўштнинг нега баракатсиз бўлаётғонини энди англаган бўлди, аммо му-

шукнинг шунчалик баланд жойдан ошхона ичига қандай тушиб, чиқиб юрганини ўйлаб ҳам кўрмади.

Кийимларининг чангини қоқиб, томға кўз ташлади, том тупроқли бўлганидан сувалмаса бўлмайтурғон холға келгон, сомонлари ўйнаб чиқиб ётарди. Бойвачча том сувоғи ҳақида фикр юритиб, мардикор ва сомонга кетатурғон харажатларгача ҳаммасини хомчўт қилиб кўрди-да, бошини ирғаб қўйди.

II

2 та қотган нонни бир чойнак чой билан эски патнисга солиб, ташқи ҳовлига чиқаётгон Умар бойвачча биринчи галдаёқ кўз қирини лой қориб турғон ёш йигитға йўналтирди, унинг ёнига ўзи етмасдан бурун кўзи етди.

— Кетмонни бардам ташласанг-чи, бундай қилгонда лой пишармишми, ажаб одам экансан-ку! Бозорда сендан бўлак киши қуругандай, сени келтирганимни қара-ю!..

— Ҳа, нима бўлибди, ака! Бундан ортиқ нима қилиб бўларди? Қўлимдан келганича ишляяпман, кечадан бери тупроқ ўйдим, мана шунча лойни ёлғуз ўзим қордим, бирёқдан қорним оч...

У ҳамон сўзини битирмаган ҳам эдики, бирдан унинг сўзини бўлди:

— Мени ака дема, мен ким бўламан? — деган ғазабли товиш кезди. — Мен сенга ака эмас ва бўлмайман ҳам. Мени бойвачча дегин!

— Хўп, бойвачча ака!

Бу сўзни такрорлаб, лой пиштаётгон йигит кўзлари кинидан чиқай деб, худди кетмон билан унинг бошини узай деб турса ҳам ноиложликдан лабини тишлаган холда ичидан ёнар ва ўзининг ишсиз тентираб, ахийри етишган насибасидан махрум қолишини, яна тўғриси, очлик хавфини ўйлаб, жим қолишга мажбур бўларди. Бойнинг жавраб туришиға чидолмаган йигит охири ишини тугатмасдан пулини сўрашга мажбур бўлди, ўзига тегишли ҳақнинг ярим-ёртисини олиб, белига тукканича йўлға тушди. Умар бойвачча эса, дарвозадан бош чиқариб, сўкишлар билан кузатиб қолди.

III

1933 йил. Юқоридаги воқеага анча йил бўлгон. Фарғона шаҳри ёнидаги Ёрмозор қишлоғи ўртасидан ўткан катта йўлни катт кесган ва бир тегирмон келатургон сув устига солинган кўприк ёнида сада кўланкасида ўрта яшар бир йигит чой ичиб ўтирарди. Бу йигит аслида шу қишлоқдан бўлиб, новча, бақувват гавдали, чағир кўз, соқол-мурти қирқилгон, манглайда қай вақтлар чиққон яранинг изи бор, туси қорамтир, тандирда ортиқроқ пишган обинондек бўлиб кўринарди. Бу киши чойхонада ёнбошлаганича кўк чой ичиб, уёк-буёкқа кўз ташлайдир ва ўзича гўнғиллаб, ашула айтадир-да чойни хўплаб, ишора бармоғи билан ерда тургон тус тўшисини чертиб кўяди.

Бир соатка яқин чой ичиб ўтирган бу йигит охири ўрнидан кўзғолди, бир неча чақани жиринглашиб пиёла ичига ташлаб, секин йўлга кирди. Тўғри Фарғонага қараб юз кадамча юриб бир ҳовлига кирди ва уйдагилар билан нима тўғрисидадир гаплашиб, тугунларини йиғиштира бошлади.

IV

Меҳнат таътилини қишлоғида ўтказган Мамарайим бугун тўғри яна ўз фабрикасига ишга келди. Тўқимачилик фабрикаси кучоғини кенг очиб, соғинган онадай, уни бағрига олди. Мамарайим ишдошлари — йўлдошлари орасида денгизга томган томчидай сингди.

Кунлар ўтдилар, ишлар эса кун сайин жонланиб, қайнаб турарди. Мамарайим фабриканинг тажрибакор ишчиларидан бўлиб, илгари у ҳарёқда кезиб юрган шумоёқ бир мардикор эди. Ҳозир уста — фабрика «устаси». У фабрикада бир неча йилдан бери ишлайди, саводини ҳам шунда чиқарди, шу ерда, ўнг ва сўлни ажратиб олгон бир йигит.

Мамарайим бир кун ишдан бўшаб чиқаётғонида фабрика эшиги ёнида эски кийимли, ўрта бўйли, жиккак бир кишига кўзи тушди, бунга бир-икки қаради, яна қарагиси келди, 3—4 кадам нари борган Мамарайим унинг ёнига қайтди, кўзига танишроқ кўринган бу кишини синчиклаб текширмоқ ва унинг бу ерда нима қилиб юрганини билмоқ бўлди.

Унинг ёнига келгон Мамарайим тўсатдан қичқириб юборди:

— Бойвачча ака, нима қилиб юрибсиз?

Умар бойвачча шошди ва тили тутилгон ҳолда:

— Мен-нин-бойвачча-ча-эмас-сс! Мен камбағал бир киш. Мен кўб ерда ишладим. Ҳатто бир неча йилдан бери «Наримон» колхозидаги фабрикада ишлар эдим. Ҳозир шу фабрикага ишлашга келдим...

Шошган ва қалтирагон ҳолда Мамарайимга қаради, қаршида кўзлари ўт сочиб тургон кишини таниши биланок ўша данғиллама бино, мол, рўзгорлари кўзига кўриниб кетди. Худди ўшаларни кўрмасликка тиришгандай кўзларини чирт юмди, боши ихтиёрсиз эгилди. Ошхона томонидаги тарғил мушукдек, фабрика эшигидан қайғадир қочди ва кўздан йўқолди.

Мамарайим андак хаёл суриб, фабрикага ялт этиб қараб қўйди, шахдам қадам ташлаб юриб кетди.

ҚАҲҚОРХЎЖА

I

«...Сени ташламайман!..»

Узун-узун мактубларнинг хулосаси шу билан жумладангина иборат эди.

Ёз ойининг ёқимли кунларидан бири, дунё чакнаб турарди. Шаҳарнинг ўрта еридаги маълум боғда бугун одатдагидан ортиқ киши тўпланган, булар сайру саёҳат билан машғул эдилар.

Боғнинг шимол томонидаги эшикдан икки киши кириб келди. Буларнинг бири менга таниш бўлмаса ҳам, иккинчиси менга маълум бир йигит, «Н» маҳаллали Қаҳқорхўжа Ортиқхўжаев эди. Бу икки йигит боғнинг ҳарёфига кўз ташлаб, оёқларини судраб босиб келди-да, йўлнинг четидароқ бўлгон бир исмлик ер (пивной)га ўлтиришди. Бояғи маълум йигит истолга айри миниб ўлтирди-да, гул чатилгон қора духоба тўпписини истолга қўйди. Керилгон қиёфада истолни чертиб, ичимлик чақирди. Оғиз кутиб туратургон хизматчилар буларнинг сўраган нарсаларини дарҳол тайёрладилар. Икки ўртоқ истаканларни тўлдириб-тўлдириб ичар эканлар, орада суҳбатлар ҳам қизиб кетди.

Қаххорхўжа Ортиқхўжаев 21 лар чамасида, қоратўри, ўрта бўйли, кўзлари қора, сокка каби ўйнаб чиқиб турғон; сочлари манглайдан бурнининг устига тушиб туратурғон, манглайдаги қандайдир бир яра натижасида қолғон доғни ҳисобга олмаганда, келишгангина бир йигит. У сўзлаганда ҳар вақт кўлини пахса қилиб сўзлар, қаттиқ-қаттиқ гапирар, сўз орасида кўпинча қахқахлаб кулиб қўйиш одати (бор) эди. Кўкимтир гусдаги материалдан тикилғон кўйлагининг киссасидаги сарик занжирли соатини кўлига дам-бадам олиб кўраётғон бу йигит бошқаларнинг кўзига нақ иши зарур бирор масъул ходим каби туюларди.

Ўлтирган истолини бир-икки кўзғотиб, уёқ-буёғига қараб олғач, яна илгариги ўлтиришича ўлтирди, бироқ энди кўпроқ ўз шеригигагина қарай бошлади. Унинг ҳаракати қандайдир бир нарсани айтмоқчи бўлаётғонин кўрсатар эди. Бироқ буни ичимликдан илгари очиш кизиқарсиз туюлганидек, ҳар тугул Қаххорхўжа ўз дардини бирдан бошлаб юборишни эп кўрмади.

Истол устида керилиб турғон мағрур шишалардан бир қанчаси истол остига тушди. Қаххорхўжанинг ярим илжайиб турғон оғзи энди тамом илжайди, унинг сўз халтаси ёрилди, сўзлар тўкила бошлади:

— Дўстим, ажаб одам экансиз-да, шу чокқача дунёнинг роҳатини ҳеч билмас эканмиз-а?! — Кўлидаги истаканини бўшатиб, яна бир қуйди ва сўзга жиддийроқ киришди. — Мен илгари жуда ҳам ғафлатда юрган эканман. Кўзимни очиб, атрофга бундай қарасам, турмуш у сен ила менинг ўйлаганим турмуш эмас экан. Мен ўзимнинг шу чокқача ўтказиб келғон турмушимни ўйлағач, ҳолимга афсус едим, ўрток! Энди дўстим янги турмушга кўчсам дейман. Бу тўғрида ота-онам унча қарши бўлмаса ҳамки, хотиним жуда ангров, у бунга қарши бўладир. Ўзи нодон бўлгани устига иш билмас, ярамас бир хотин. Уни қўйиб, ўзимга яраша бир хотин олсам дейман...

Бунинг тўхтовсиз сўзига қулоқ солиб турғон дўсти йўталиб олишга ҳам зўрға улгурди. Орада унга савол берган сўзини бўлмағонда Қаххорхўжа бу тўғрида кун бўйи сўзлашдан ҳам чарчамас эди. Бўшаган истаканларга пиво қуя бошлаган Қаххорхўжа кўзларини ҳалиги шеригидан олиб, нарироқдаги ўлтирган хотинларга

бир қаратиб чиқди. Унинг бу пайтидан фойдаланган дўсти эсига келгон саволларни кетма-кет қилиб, Қах-хорхўжанинг олдига тизди:

— Хотинингни қўйганигда жанжал чикмайдирми? Судға чақирса, нима жавоб берасан? Башарти, бу хотинингни қўйганигда ўрнига ўзингга ярашани топаоласанми?

Қаххорхўжа бу саволларға жавоб бериш қулай дегандек қилиб, бошини қимирлатиб қўйди. Сўроғ тугагач сўзга киришди:

— Эй дўстим, ҳали сен менинг ҳикоямнинг энг кизиқ ерига келганинг йўқ, мен сенга бошламасинигина сўзлаб турибман. «Хотинингни қўйсанг жанжал чикмайдими? дейсан. Жанжал чикса нима қиларди? Менки истаганимдан сўнг улар мени зўрлаб унинг ёнига боғлаб қўядиларми? Бу албатта, бўлмаган гап, ундан икки бошдан қутуламан. Аммо менинг қайғум бошқа нарсада. Энг қийини ҳам мана шу! Сенга айта қолсам, мен бир қизни суяман, у яхши, хат-саводли. Мен унга бир неча маротаба хат ёзим. Лекин қатъий жавоб ололмадим. Ҳар ҳолда у хотиним борлигини билса керак. Шунинг учун тездан хотинимни қўйишим лозим. Мана ишонмасанг, менинг унга ёзган хатим, — деб ёнидан бир қоғоз чиқарди. Бу қоғозда унинг борлиқ хунари ишлатилгон эди.

Айнан:

«Маъшуқамға.

Сизни жуда соғиндим. Шу вақтқача хатингизга кўз тутдим. Хатингиздан дарак бўлмади, ушбу хатим қўлингизга теккандан кейин менга бир хат ёзиб, мени хурсанд қилсангиз. Мен жуда ҳайрон бўлиб қолдим, жоним. Мен сизни сира эсимдан чиқара олмайман, мени сизга берган ваъдам ваъда, сизни ишқингизда юзларим сомондек сарғайиб кетди, ахир, нима бўлади, биттагина хат ёзсангиз. Мен бечора ҳам хурсанд бўлсам, ух, юрагим ўртанди, тоқат битди, қани тўйни қачон бошлаймиз? Энди бир қўришиб, гаплашсак эди, яхши бўларди. Сизнинг унутмаслик учун, ташламаслик учун сизга чин ваъдалар берувчи ошиғингиз: «Қ» деб билурсиз».

У ошиқона мактубини лаззатланиб ўқиғач, дўстининг башарасига:

— Қалай, яхши ишлабманми? — дегандек қилиб

тикилди. Дўсти унинг бу ишига бир нарса ҳам демади. Фақат ўзининг дўстлик «гина»сини қилиб:

— Ўрток, сен яқин дўст бўла туриб, шу кунгача менга бу ишингни билдирмағонингга хайронман, жуда бўлмағонда мен сенга ўз фикримни айтган бўлур эдим, — деб ундан ўпка килди.

Булар ичимликни тўйгунларича ичдилар-да, боғдан судралишиб чикиб кетдилар.

II

23-йилнинг ўрталари эди. Қаххорхўжанинг эски дўстлари орасида сўзлар юра бошлади:

— Қаххорхўжа уйланар эмиш!

— Хотинининг устиғами?

— Йўқ, хотинини қўйибди.

— Нега?

— Мурасаси келишмабди.

— Ҳа, ҳа! Энди кимни олармиш?

— Суйгани бор эмиш, шуни.

— Тўй қачон бўлармиш?

— Эртага.

— Эй, нега бизни айтмади экан?

— Бизни айтмас эмиш, тўй янгича бўлар экан, нуқул ўзига ўхшаганларни айтибди.

— Хай, ҳай, Қаххорхўжа янги бўлиб, биз кўзига кўринмай қолибмиз-да...

III

Қаххорхўжа уйи бугун тўпалон; тўйга келганлар уйларни тўлдириб, ховли юзига ҳам тошиб чиққонлар. Хотин-халажлар, бола-чақалар, айтилса-айтилмаса ҳам келганлар. Эшикнинг кираверишида бир неча чоллар ва ўрта ёшлилар келган-кетканларни кутиб, кузатиб турмоқдалар.

Дарвозадан киришдан ўнг қўлдаги бинода йигит-ялангларнинг товишлари гулдираб чикиб турмоқда. Қаххорхўжа ўз дўстлари билан шодланиб ўлтирар эди. Замон қўрган йигитлар турмушнинг ўнқир-чўнқирри, паст-баландларигача бориб, ундан баҳс очар, қайси бир уста сўзловчилари эса, ўзини тўхтата олмай сўзлар ва бошқаларни ўз оғзига қаратар эди.

Куёв уйида ўйин-кулги, ҳамманинг оғзи қимирлайдир. Ўлтирганлардан бири ирғиб турди-да, бошқаларига хитоб қила бошлади:

— Ўртоқлар! Барчамизга ҳам янги ҳаёт, яъни янги турмуш қуриш зарур. Хотин-қизларимиз билимсизлар, уларни бу аҳволдан қутқариш лозим. Бу иш албатта онгли ёшларга вазифа бўлиб тушадир. Ўйлайманки, ўртоқ Қаҳҳорхўжа мана шу ниятда иш кўрар ва хотин-қизлар озодлиги учун кўлидан келганича тиришар...

Унинг ёлқинли сўзи уй ичини жаранглатиб юборди, зотан, бу одам ишонч билан гапирар ва бу сўзларни жон-дили билан айтар эди. Мажлисдагилардан бирови унинг сўзини тасдиқлади:

— Онгли эрларимиз ўз хотинларини қутқаришда энг биринчи рўлни ўйнашлари керак!..

Қаҳҳорхўжага ёнма-ён ўлтирган бир йигит кўлидаги чекиб турғон папиросининг кулини бармоғи билан чертиб қоқаркан, сўзга аралашди:

— Мана шу Қаҳҳорхўжа каби ўртоқларнинг кўпайиши, ўйлайманки, бу ерда сўзлаган биродарларимизнинг сўзларига жавоб бўлиб тушар... — У сўзини тугатиб, Қаҳҳорхўжага қаради, топиб айтдимми дегандай қилиб керилиб кўйди.

Бу суюнчли ҳолга Қаҳҳорхўжа ҳам ҳайрон бўлмади қолмади. У ихтиёрсиз ўрнидан турди. Ўртоқларининг сўзларига жавобан деди:

— Суюкли ўртоқларим, энг олдин сизларга бу марҳаматларингиз учун раҳмат айтаман, сўнгра, ўртоқлар, маълумдирки, хотинларимиз ота-она истақлари бўйинча олинганлигидан бизнинг мақсадимизга тесқари чиқар эдилар. Мана энди у замонлар ўзгарди, ҳар ким ўз суйганини олишга йўл очилди. Бугун мен ўз кўзим билан кўриб, ўз дилим билан сезиб, олиб турғон хотинимга эришганимга жуда шодман. Чиндан ҳам ҳар ким ўз севганини олса, эр-хотин орасида жанжал чиқмайди. Айниқса янги турмушни севганлар бир-бирлари билан қовушганда уларнинг бахтли турмушлари, менингча, энг юқори бир турмуш бўлса керак. Мен севганим билан янги ҳаётка чиқишим бараварида бошқа ўртоқларимни ҳам шу йўлга олиб чиқишга сўз бераман. Яшасун янги турмуш, дўстларим! Битсун бизнинг йўлимизга ров бўлувчилар!..

IV

Шодликлар билан қилинган тўйга йилларча вақт ўтиб кетди. Унга эришмакка тиришган Қаҳҳорхўжа ҳам тилагига аллақачонлар етди. Икки севишганнынг турмуши ўзгаришсизгина, тинч, лекин ота-онанинг қўлида туриш уларни нотинч қилгондай бўлар эди. Энди Қаҳҳорхўжа қандай бўлса ҳам бу оиладан узоқроққа кетишга қарор берди. Бўлмаса бу чирик мияли ота-оналар унинг турмушини оғулайтурғондай сезиларди. Қаҳҳорхўжа бунинг учун биринчи чора деб уларни тарбиялашни эмас, улардан ўзини қутқозишни санар эди.

Қаҳҳорхўжа бу тўғрида узоқ тушунди, энг сўнг бунга ҳам чора топди: эски ҳаётдан бутунлай қутилиш учун муҳитни ўзгартириш керак. Бунинг учун бу оиладан бошқа жойга кўчиб кетиш зарурдир.

Ҳар масалани тезгина «ҳал қилатурғон» Қаҳҳорхўжа бунга ҳам тўхтаб қолмади, бошқа бир ховли топиб тезгина кўчиб кетди ва шу йўл билан бунга илож топган бўлди.

V

Қаҳҳорхўжаларнинг уйи «Т» шахрининг кунботиш томонида «Н» маҳалласида эди. Қаҳҳорхўжа шу маҳаллада туғилиб ўсди. Унинг отаси чорбозорчилик билан шуғулланувчи майда савдогарлардан бўлиб, илгарилари кўб вақтини шаҳардан ташқарида юриб ўтказди. Унинг Қаҳҳорхўжадан бошқа ҳам ўғиллари бўлиб, булардан катгаси — Мансурхўжа маҳалла гузарида баққолчилик билан касб этар ва Қаҳҳорхўжадан кичиги — Одилхўжа бўлса, кўпинча отаси билан бозорга юрар эди. Буларнинг орасида бошқаларига нисбатан ишбилармони шул, Қаҳҳорхўжа эди. Отаси ундан дўкон очишни талаб қилди. Дўкон учун тегишли маблағни уёқ-буёқдан тўплаб, дўкон куриб бергандан сўнг Қаҳҳорхўжанинг отаси бутун умидини шу дўконга бағишлади. У кўпинча ўғлининг ёнига келиб ҳам ўлтирар эди.

Қаҳҳорхўжа растада чит савдоси билан шуғулланар ва мол олғони келган хотин-қизларга айниқса ширин

муомала қилиб, уларнинг бетларига чиммат орқали кўз ташлашдан тинмас эди.

Қаҳҳорхўжа бирдан жонланиб кетди. Отасининг уйдан кўчкан кунидан эътиборан у ўз устидан оғир тоғни ирғитиб ташлагандай бўлди. Суюкли рафикаси билан янги шаҳар кўчаларида қўл ушлашиб юриш ниятидан воз кечди. Хотини бошқа тихирлик қилиб, ҳар кун кўчада узоқ қолиб, кеч қайтишларига эътироз қилса ҳам сўнградан кўнишга мажбур бўлди. Уста йигит уни анчайин сўзлар ва баҳоналар билан аллалай бошлади. Қаҳҳорхўжа шаҳарнинг қаттакон бир кооперативида мудир. У ўзигагина эмас, ҳагто ота-оналарига тегишли нарсаларни ҳам қулайлик билан топиб турадир. Бора-бора унинг маишати ўзининг ўйлаганидан ҳам ошиб кетди. Ҳафтасига бир неча топқир уйига чакирилатурғон меҳмонлар, қолғон кунларида эса суткалаб йўқолиб кетишлар хотиннинг жонига тегди. Айниқса меҳмонлар келганда хотиннинг авзойи жуда ўзгарар, ҳагто меҳмонлардан «Зеби» исмли бир қизни сира ҳам кўргиси келмас эди. Шу тўғрида кўпинча Қаҳҳорхўжа билан бутун кечаси уришиб ҳам чиқар эди.

Қаҳҳорхўжа хотинининг жанжалига кўпда эътибор этмас, баъзан уни қўйиш дўки билан тинчлантирар эди. Шу ҳолда кун кечира бошлаган Қаҳҳорхўжа кундан-кун ўзида ўзгариш сезарди, кейин-кейин шундай бир ҳолга келдики, ҳатто хотини ҳам анча тубанларда қолиб кеткандай сезилди. Унинг устига хотин бояқишнинг туғиб қолиши яна унинг ғашига тегди.

Уруш-жанжал, шовқин-сурон бу оиланинг кундалик ишига айланди. Қаҳҳорхўжа бир арзимас нарсани баҳона қилиб, хотинини ўзидан бездиришга уринарди. Ахийри, бунинг учун вақт топди. Унинг қийин аҳволдан фойдаланиб, хотинни уй ишларини бажара олмасликка айблашга тутинди, ҳатто бу тўғрида уни бирикки тутиб урди ҳам. Ота-онасининг ёнида ярим ҳуққли саналган бу келин эндигина ҳаётида ўзини тамом озод бўлдим, деб ўйлаган эди, аммо Қаҳҳорхўжанинг эндиги ўйинлари унинг кўзига ўшал эскини жонлантириб кўрсата бошлади.

Бир кун эри-хотин кечки сайрга чиқдилар. Хотин ёш боласини қўлига тутган ҳолда Қаҳҳорхўжанинг кетидан етиб югуришга тиришар, аммо у қасддан қилиб,

кадамни тезлатар эди. Нарироқ боргандан сўнг Қах-хорхўжа хотинига қараб жеркиди.

— Судралмасдан менга етиб, мен билан баробар юрсанг-чи, кўрдингми, ана бу оврўпаликларни қандай баробар, тартибли юрадилар. Сен бўлсанг худди рўдапоға ўхшайсан...

Унинг кўзига гўё бошкалар масхара қилиб, буларга карагандай туюларди. Бунинг ҳаммасига сабаб, хотинигина эканига эр аллақачоноқ «ишонган» бўлгандан бу хотиндан тамом қутилишни йўлда кетатурибоқ кўнглига тугиб қўйди.

VI

Киш элчиси — кузнинг сўнгги оёи. Ҳаво одатдаги ҳолидан ўзгарган, кундан-кун совуб бормоқда. Қаххорхўжанинг хотини кўча юзини кўрмасдан боласи ёнида айланиб қолди. У боласини бағрига босиб, унга алланарса айтар экан, кўз ёшлари билан юзларини ювиб, эрини қарғайдир ва эшикка кўз ташлаб, оҳ тортадир. Шу вақт Қаххорхўжа эшикдан хафа ҳолда ичкари кирадир ва бакириб:

— Ха, сен ҳам одам бўлай дейсанми? Кўча-кўйга ярашмаганинг, бирор ишга арзимаганинг устига, уй ишини ҳам бажармайсан, ҳайвондан ҳам фарқинг йўқ. Қорним очиб келганимда бирорта ҳам тузуккина овқат кўрмадим, емадим...

— Ўзингиз кўчада юрсангиз, менинг ёнимда пул бўлмаса нима қилай? Рўзгор ишини ёлғуз мен қилмайман. ҳар иккимизнинг ишлашимиз шарт!..

— Ха, ха, ўрнингдан қўзғалишга ҳафсаланг йўқ-да, яна мен айбли.

— Албатта, сиз айбли, сиз менинг кўчага чиқишимни ва ишлашимни, тўғриси айтсам, истамайсиз, истаганингизда мен бу ҳолда қолмас эдим.

— Ха, ха, ҳали сен шундай сўз билатурғон ҳам бўлиб қолдингми, шундайми? Мана бўлмаса, бор, кет, билғонингни қил, менга сен керак эмас!..

— Ваъдаларинг қани, ноинсоф? Болам билан қайга бораман?

— Сўзлаб ўлтирма, аҳмоқ. Ваъда жойида, аммо сен ёмон...

— Ваъданг жойида, тўғри айтасан, лекин... — боя-

қиш хотин ўзини тутолмай йиғлади. — Ахир, мени битирдинг, — деди-да, кўз ёшларини енги билан артди.

Эшикдан ўқсиб чиқар экан, унинг қулоғи остида Қаххорхўжанинг «Сени ташламайман» деган жумласи жаранлагандай бўлди.

1926

ҚЎШЧИ ТУРҒИН

(Бошланғич)

Қўлингиздоғи бу кичкина ҳикоя «ер ислохоти» муносабати билан ёзилмишдир. Буни ёзишда мен, гарчи ўзимнинг ҳикоя ёзиш тўғрисида тажрибам бўлмаса-да, ўзимдаги табиий завқ билан ёзишга тутиндим.

Туғилгон ўрнимнинг деҳқонлар орасида бўлиши ва ўзимнинг-да, шул деҳқонларга мансуб бўлишим мени ёзишга журъат эттирди.

Мен бунда «мўда» ҳолиға кирган деҳқон отини ўзимга тақмоқ учун эмас, балким деҳқонларга бўлгон муҳаббат ва уларнинг эзилишлари тўғрисида юрагимда ўрун олиб қолгон ҳасрат юзасидан буни ёздим.

Бунда жуда кўб ўқсик ўрунларнинг бўлиши табиий. Бу менга биринчи тажриба бўлгонлигидан ўқуғувчиларнинг кечиришлари сўралур.

Асар майдонга чиқмасдан бурун бир қадар тузатилди. Буни тузатишда ўртоғим Сайид Аҳмаднинг анчагина кўмағи тегди, бунинг учун раҳмат айтишни ўзимга бурч санайман. Эндиги нуқсонларини кўрсатишда бошқа ўртоқларнинг-да кўмакларин сўрайман.

* * *

Қуш каби уча олиб, кўкнинг энг юксак ўрnidан ерга қарасангиз, қишлоқ, шаҳарларнинг кенг далага ёйилгон жониворлардай ёйилиб ётгонин кўрардингиз.

Сизнинг қуш боқиши қарашингиз, ердаги нарсаларнинг қандай вазиятда тургонликларин сизға англатарди-да, кўнглингизни ихтиёрсиз ўзига тортарди.

Юксакдан тубанга қарашда киши кўзига кўб нарсалар кўриниши мумкин. Лекин буларга қуш боқиши билан қараб уларни бир-биридан ажрата олиш кўб кийин.

Кундан-кун юксалмоқда бўлгон инсон юқорилашаркан, унинг кўзи ҳам тубанға эмас, юқориға томон қарайдир. Тубанликдан қанча узоқлашса, тубанликни шунча туманли, хира кўра бошлайдир. Тубанликда бўлгон нарсаларни чиндан текшира олиш учун унинг орасида бўлиш, тубанлик билан юксаклик орасиға энг яқин йўл очиш керакдир.

Фараз этинг, сиз ҳалигидек бир қараш билан шул қишлоқ, шаҳарлар устидан бир қараб ўтдингиз. Лекин сизнинг кўзингизга буюк ва паст бинолар, кўм-кўк япроқли оғочлардан бошқа нарса кўриндими? Йўқ. Сиз энди ундан-да, тубан тушинг, тўғриси шул қишлоқ, шаҳарлар теграсида айланинг. Мана бул вақт сизнинг кўзингизга бошқа дунё кўрина бошлайдир. Бу кўринган нарсалар орасида инсон деган бир махлуқнинг ҳам ҳар томонға талпиниб юргани кўринадир. Сиз бу вақт бошқа нарсаларни кўйинг-да, шул «инсон» деган махлуқнинг устиға ақл кўзингизни ташланг...

Нима кўрасиз?

Сиз бунда юксакка томон кўтарилишни эмас, тубанға томон тушишни кўрасиз. Сиз буларнинг ҳар бирининг ёкасиға, бағриға осилгон, уларни тубанға тортган кўлларни кўрасиз. Бу вақт нима қиласиз?

Ўзингиз каби кўкка уча олмаганларни ташлабми кетасиз? Ёки буларни шул йўллардан қутқарибми оласиз?

Сизнинг кўнглингизда уларни қутқариш ҳаваси бўлмаса, ўзингизни қутқарасиз-да қочасиз...

Лекин мен сизни ундай, яъни қайғурмагувчи деб ўйламайман. Чунки сиз тубандан чиқдингиз, бошда ўзингизни қутқариш учун эмас, балким шул тубандагиларни яхши билмак учун юқориға чиқдингиз!

Сизнинг у ўткур кўзингиз энг тубандагиларни-да кўрадир. Сизни шул кўрган ерларнинг ҳар бириға тортиб олиб борадир.

Сиз мана шундай айланиб юришда бир ерда тўсатдан тўхтайсиз-да, узоқ текширишга мажбур бўласиз. Мана шул тўхтаган ерингизда сизга қизиқ ҳоллар кўринадирлар, сиз буларни бирдан текшириб чиқа олмай қоласиз, шошасиз!..

Энди бу тўғрида сўзлаш учун менға рухсат этасиз.

Бу ер ҳам шул кўрган ерларингиз каби бир ер. Лекин бунинг бошқача кўриниши узоқ замонлардан бери ўз бошидан турли ҳолларни кечиришидандир.

Эшитинг!

Кўрасизми, бу жонсиз куш қандай ерга кўнган? Чексиз далаларга кўнмасдан бориб-бориб шул «Ч» тоғининг бағрига кўнган.

Кўрасизми, бир-бирига ёнашиб, тоғнинг икки томонига қараб чўзилган уйларни, киши кўзига нақ қанотин ёйиб турғон кушдай кўринадирлар?! Тинмайин эсиб турғон ёз шамоли кишлокни эркалайдир! Ўз-ўзи-ча чиққон турли ёввойи чечакларнинг ҳидлари кишлок ичра қандай сочиладир?! Ҳатто куёшни кўрасизми, ўз ёвдусини энг олдин шул кишлокқа сочадир. Ва ундаги халқнинг кўнглини очиб турадир. Мана, сизга бу кишлокни танитай.

Халқ оғзида бу кишлокнинг қай вақт солинганлиги ва халқининг қандай тирикчилик қилиб келганлиги тўғрисида кизик-кизик ҳикоялар юрадир.

Уларнинг айтишларича, гўё бу кишлок солинган чоғида ҳозирги холидай бўлмаган. Тегралари қалин ўрмонлар билан қопланган, унда турли емишли оғочлар ўскан, бу емишларнинг теграсида сонсиз йиртқич жониворлар яшаган.

Ўзларин йиртқич жониворлардан сақламоқ учун ул вақтдаги кишилар ҳар вақт қуролланиб юрар эканлар. Ўрмондаги емишлардан келтирмакчи бўлғонларида энг камбағалларни йиғиб йиртқич жониворлар қаршисига юборилар экан. Булар жонивор орасида қолиб кўб вақт нобуд бўлар эканлар. Омон қолғонлари бўлса, қўлларига тўплаган емишларин хўжайинларига келтириб берар эканлар.

Баъзи вақтларда буларнинг уйларига йўлбарслар ҳужум қилар экан. Буларга ҳам ҳалиги камбағал — хизматчилар қарши чиқар эканлар. Қарши чиқиш билан ҳам бир иш чиқмағач, кишлокнинг теграсига ўралар қазиб ўзларин кўриқлар эканлар.

Мана шул анчагина йил умр кўрган кишлок бугунги сизнинг кўриб турғонингиздай эмас, эски вақтдаги ўрмонлардан из ҳам қолмаган, куёш қаршисида қизиб турғон бир кишлок экан.

Бурунлари оз меҳнат билан қорин тўйғазиш умидида табиатнинг бой ерларига ўрнашғон халқ у бойликдан ажралиб қолғонлар.

Узоқ вақт шул табиий бойлик орқасидан кун кечиргандан сўнг йўқсулликқа — фақирликка юз тутган.

Уларнинг эскидаги ўйин-кулгилари ўрнига эса, энди қайғу-йиғи ўрнашган экан.

Замоннинг ўтиши билан кўпая келган халқ ўз эҳтиёжлари учун табиий бойликни ишлата борганлар. Ўрмонлар кесилган, емишли оғочлар ёқилиб битган...

Буларни кўпайтириш ёхуд тегмасдан сақлаш уларнинг кўнгилларига ҳам келмаган.

Майдонда қип-қизил ерга эга бўлиб қишлоқнинг ўзи қолган.

Қишлоқ халқи табиий бойликдан ажрагач кўб қийин ҳолга қолганлар. Ўз турмушларин ўтказиш учун чоралар излашга тутинганлар. Булар учун энг қулай чора экинчилик бўлиб чиққон.

Мингларча йилдан бери ишланмай ётган ер юзи кучли қўллар орқали ости устга айланган. Эски вақтдаги ўрмонлар ўрнида турли экинлар бош кўтарган ва халқнинг очлигига қарши кучли бир ўрду каби саф тортиб турган.

Дехқонлар бу ҳолни кўргач севинганлар, қишлоқни турли иморатлар билан безаганлар. Халқ орасида тўқлик бошланган.

Сиз мана шул қишлоққа тонг чоғида қарасангиз, унда сизнинг кўзингизга юксак — баланд иморатлар ва кичкина-кичкина иморатларнинг қаторлашиб уйқуга чўмиб ётқанликларин кўрардингиз. Лекин сизнинг ўткур кўзингиз, шул иморатлар орасидан узоқ бир ердаги яқин бино ичида ўтнинг милтиллаб ёниб турғонин-да кўрмай қолмасди.

I

Кўшчи Турғин чиндан-да, ўз отиға лойиқ турғин эди. Унинг мияси маълум бир масала устида турғин эди.

Ул турмушнинг қўлга келиши учун энг кўб тиришган бир киши эди. Унинг қўллари кўб меҳнатлар сабабли ёрилиб, қадоқланиб кеткан, аллақандай ҳаёллар ичида туси саргайган. Лекин кўзлари ҳаётга тўғри қарар ва умидли бир ҳолда доимо ярқираб ёнар эди.

Ўрта бўйли, оғир меҳнат сабабли букилган гавдали бу киши ҳали қирқ ёшиға тўлмаган бир деҳқон эди.

Деҳқон эди, аммо қўшчи эмас эди. Бунинг кучи — меҳнати ер бағриға бориб кирганда ердан олтинлар

унарди. Табиат хар вақт бунга таслим бўларди ва ялиниб турарди.

Ул ўзининг билак кучи билан бир хотинини, бешта боласини боқарди. Қишлоқнинг ўрта ҳолли дехқонларидан бири эди. Турмуш бағрида тинчгина ётгон ялқовлар ўзлари ишламаганга кўра бошқа ишлагувчини ҳам ўз ҳолига қўймас эдилар. Оёқни узатиб умр кечириш иккинчи бир бахтсизга захар ичиришнинг ўзгинаси эди. Бу ярамас ялқов унсурлар бу қишлоқда ўзлари учун кўбдан бери план чизиш билан машғул эдилар.

Булар бир кимсанинг бахтли яшамоғи, иккинчисининг бахтсизланишига сабаб бўлатурғонлигин жуда яхши англаридилар. Лекин англаганлари ҳолда қасддан буни ишлардилар.

Бунинг учун энг қулай йўл ўзларидан кучсиз бўлгон дехқонларнинг ерларини қайси йўл билан бўлса-да қўлларига тортиб олиш эди.

Қўлидан ери кеткандан сўнг дехқоннинг ҳоли қандай кечиши ўз-ўзидан белгили, албатта.

Мана бу қулай йўл бу қишлоқда жуда ривожга минган эди. Бизнинг қўшчи Турғин ҳам бу балога йўлиққонлардан бири эди. Тахминан Турғиннинг 25 ёшлардаги вақти эди. Ул янги уйланган, балки куч билан суғорилгон эди. Ул буюк хаваслар билан ишлар эди. Отаси ўлгандан сўнг энг кейинги — «кенжа» ўғил бўлгонликдан бунга бошқа ўғилларига қараганда кўброқ энчи теккан эди. У отаси вақтида бошқа оғалари ичида энг ишчани бўлгонликдан отасини-да қувонтирган ва яхши бир ишчан киши бўлиб етишувига ишонтирган эди. Бунинг ишчанлиги отаси сўнгида яна ортди. Ўз турмушини яхши кечириш тўғрисида ул ўзининг билагидан бошқа бир кимсага ишонмади. Отаси вақтидаги турмушга, яъни ўрта ҳолли дехқон бўлишга уринди. Илгари ер-сув, боғ бўлинмаган чокда сансалорлик билан ишланмай қолгон ерларни ўз қўлига ўтказгандан сўнг чин кўнгил билан ишлаб эски ҳолига қайтарди. Ерларни серунумли, боғни серемишли қилди. Фақат, бахтсизнинг бу даври узоққа бормади. Бутун қишлоқни ўз қўлига олмоқ дағдағаси билан юрган қишлоқ бойларидан Муҳаммад Амин дегани бунинг кетиға тушди.

Кенг қишлоқни «ўзимники» деб хаёл қилгон, қўлидагига қонмаган бу очкўз қутурғон ит каби Турғиннинг

устига ҳужум қилди... Бўлмаган баҳоналар билан уни тутдириб ҳам урдирди.

Бу ерда мен сизга унинг ким эканлигин айтиб ўтай.

Муҳаммад Амин илгарилари бой бир киши бўлмаса ҳам сўнградан бойиган бир киши эди. Туркистон русларнинг қўлига ўткан вақтда унинг отаси руслар томонидан мингбошиликка белгиланган эди. Рус мустабидларининг ҳимоясига суяниб келгон бу оила қишлоқнинг ёзиқсиз халқи устига баҳоналар қилиб, уларнинг молларин кўрқитиб олиб бойиган эди.

Ёшлиқдан шул тарбия остида яшаган Муҳаммад Амин катта бўлгач, ул ҳам шул харомхўрлик касби билан тўйина бошлаган эди. Унинг харомхўр оғзи қишлоқнинг бойлигин еган билан сира тўймасди. Ёлғиз қорни учун ул бутун қишлоқни ўзига қаратиш ҳавасига тушган эди.

Ул ўзини ҳеч кимдан кўрқмайтургон бир ҳоким деб сезарди. Бўчка каби қорни унинг моҳиятин кишига очик англатиб турарди. Ул қишлоқ кўчаларидан ўтканда ўзини қишлоқнинг тор кўчаларига сиғмас каби ҳис қиларди. Мағрурона атрофга қараган ғаразли кўзлари бояқиш халқ устига ўқ бўлиб отиларди. Қисқаси, қишлоқ халқи уни кўрганда шошмай қолмасди. Бунинг зулми халқ устига икки бошдан эди.

Мана шул бизнинг Турғиннинг-да ризқини қийиб, ёзиқсиз болаларининг кўз ёшларин тўкишига сабаб бўлгон кимса шул бой эди.

Турғиннинг олти таноб қадар ери бу бойнинг ерига чекдош эди. Бой бу ерни кўбдан ўзига олмоқ истарди. Турғиндан: «ерингни сотғил!» деб кистарди. Турғин ер сотишни деҳқон учун завол эканин яхши биларди. Ул бунинг учун бойнинг сўзига қулоқ солмай, доим сўзини қайтарар эди.

Бул тўғрида узоқ ўйлаб ўлтурмади. Ул бундай фикр ўйлаб чиқарди: «Майли, сотмаса сотмасун! Ул қани менинг кучимни ҳам бир синаб кўрсун! Мен буни шундай баҳоналар билан хайдаб, ерини ўз қўлимга олайким, ўзи билмай қолсун. Мана яхши чора: эккан оғочларини ердан суғуриб ташламоқ, экинларига кечаси мол қўйиб юбормоқ».

Қора юрак бойнинг бу фикри Турғин учун албатта зарарли эди. Ёз бўйи ишлаб-ишлаб энди ўраман деб тургон экиннингиз ёки тераман деб тургон пахтангизнинг

устига мол хайдаб юборса, албатта, сиз учун қийин. Экилгон нарса бир кунда тайёр бўлатургон нарса эмас-ким, бугун бўлмаса, эрта бўлур, деб парво қилинмаса! Бунинг учун ёз олти ой ишлаш керак, олти ойлаб ишлаган ишни бир кечада қўлдан бериш, бу қандай гап?..

Бой ўзининг фикрини ишга оширди. Турғин бояқишнинг энди пишиб тургон буғдойининг ҳамда энди очилай деб тургон пахтасининг устига бир тўда молни хайдаб киритди, ёшгина, энди мевага кириб келаётгон дарахтларни кестирди ва баъзиларин тошларга бостиритди.

Жўжадек болаларининг олдида ўлтуриб уларга: «Болаларим, тездан қовунимиз ҳам пишиб қоладилар. Қовунга ийан* бўлиб қоласизлар!» деб уларни юпатиб, овутиб ўлтургон чоғида Турғинга бу совуқ хабар қўшнисининг молбоқар ўғли Турсундан эшитилди.

Турғиннинг кўз олди қоронғилашти, кайғуси кўкларга ошти. Ўрта дехқонлар қаторига кириб қоламан деб интилгон Турғин қаноти синган руҳи билан бирга юқоридан тубанга тушти.

Энди Турғин учун бир чора қолгон эди. Ул ҳам бўлса, бой билан тузуккина ёқалашмоқ, унинг бўчкадек қорнига тўқмоқ каби оёқлари билан яхшилаб тепмак...

Ул бу тўғрида қўб ўйлаб қолди. Уни ўйлатган нарса бойга қарши кураш очғонда ёлғузлик қилиб ундан енгилиш эди.

Мол аччиғи — жон аччиғи. Чидаб бўлмайдир, ахир! Ул ўрнидан сакраб турди. Қўлига кетмонини олиб тўғри бой сари югурди.

Бунинг мақсади бойни ёлғуз бир ерда топиб, яхшилаб уриб қолмоқ эди. Лекин бахтига бу иш бўлмай қолди.

Умр бўйи бойларга малайлик қилиб, уларнинг товоқларининг тагини ялаб, ювиндисини ичиб келгон ёлғончи Пўлаг девор орқасидан Турғиннинг фиғон билан қичкириб сўзлаган сўзларини эшитгон, аллақачон бу сўзларни бойга етказган эди.

Бой Пўлатнинг сўзини эшитгон замониёк, бунинг тайёрлигин кўрган ва ул бу масалада ҳам киши кучидан фойдаланишнинг йўлин излаган эди.

Чақимчилик қилиб қорин тўйғизатургон кишиларнинг иши шундай сўз ташиш билан битмаганда ва ҳар кимнинг эшиги тубинда ёхуд оғзи остида ҳозир

* Ё.т.и.б.

бўлмағонда қорни тўйиши ҳам қийин, албағта. Мана, Пўлат ҳам яхши мукофот олди, яъни Турғинни тутиб уриш учун бой томонидан унга ўзининг тубан баҳосига лойиқ пул берилди.

Турғин шиддат билан кўчада югуриб кетмакда эди. Кўчадаги кишилар Турғинга қараб алланарсаларни ўйлар эдилар. Лекин бунинг нима учун кетишини Пўлатдан бошқа бир кимса билмас эди. Кўрганлар фақат ағрайиб хайронликда қолар эдилар.

Аламзада Турғин отилғон чақмоқдай бойнинг эшигига етти. Бойни уйдан чақириб экинни тепкилатганининг сабабин сўрашга тутинди. Бой бунга ҳам узоқ ўйлаб турмади. Ёлғонга ўрганган тилини бир бурадида, Турғиннинг устига тухмат оловини сочди: «Экиннингни ёввойи чўчқалар тепкилагандир! Бўшига вокирлаурма!» деб унга дўк килди.

Юзида қайғу-алам аралаш мазлумлик излари кўрииб турғон Турғин ўзини тута олмади. Ўксиган ҳолда:

— Инсофсиз, мунофик! Менинг еримни ўз кўлингга олмоқ учун бу ишни сен ишламадингми? — деб олов ёнмоқда бўлғон кўзига ёш билан сув сешиб кетмонини кўтара бошлаган ҳам эди, бунинг қўлини белгисиз бир қўл келиб тутти. Бу қўл маълум бир қўл эдиким бу, ҳар вақт мана шундай ифлосларнинг тириклигин сақлашга ишлатилар эди. Буни эса, ўшал чақимчи — хоин Пўлат кўтариб юрар эди. Бояқиш Турғиннинг бошига зулм қўлининг сўнгги калтаги тушмакда эди. Ул ўзини икки итнинг орасида қолғондай сезарди. Бу икки ит унинг ёқасидан ва почасидан тинмайин тишлар эди.

Турғиннинг мазлумона фарёди кўкларга ошти. Кўкнинг ҳар томонига момақалди роқ каби тошти.

Атрофдаги кишилар бу ҳодиса устига отилдилар. Турғинни бу ярамас, кутурғон итларнинг тишидан зўрға қутқариб олдилар.

Бояқиш Турғиннинг боши ёрилғон эди. Қизил қонлар унинг ярасини кўрсатмасга тиришган каби яра устини ёпган эди. Турғин ўзини зўрға сезарди. Оғзидан тинмай чиқиб турғон ўтли охлари, гўё оғзига сифмаганидай, унинг бутун баданидан чиқмоққа тиришарди. Унинг баданини тинмай қиздирарди.

Турғинни кўтаришиб уйга элтиб қўйдилар. Унинг уй ичи бу ҳолни кўриб ақлидан шошти. Болалари кўз-

ларидан ёзиксиз ёшларини окиза бошладилар. Кечагина севиниб турғон бу боякишлар бугун қайғу дарёсига чўмиб эсларин йўқоттилар.

Турғин бу ётишда узоқ ётиб қолди. Унинг эккан экинларин қариндошлари ҳашар қилиб, тўплаб бердилар, лекин узоқ вақт ётиб қолғон Турғин анчагина чиқимга илиниб қолди.

Қаралмай қолғач, экинлар турғон еридаёқ озайиб қолғон эди. Тўпланган ошлиқларнинг борлиғи эса, экин учун эмас, ейиш учун ҳам етмайтурғон даражада эди. Эккан пахтаси эса, очилмасдан бурун сочилғон эди.

Турғин қарзи учун қўш хўкизининг бирини сотти. Бу билан ҳам унинг эҳтиёжи ўталмади. Экин учун ҳам озиқнинг бўлиши керак эди. Ул манглайдаги ерининг энг серунумлисини «Турди эшон» деган текинхўр бир эшонга арзонгина пулга сотти.

Турғиннинг бу ҳолати Муҳаммад Амин учун қутилмаган даражада шодлиқ берарди, ул: «Энди нима бўларди, бир хўкиз билан экин эка олармиди, яхши, ери бўлса сотилди, энди қолғони бугун бўлмаса эртага меникида!..» деб умидланиб турарди.

«Ҳолвани ҳоким ер, калтакни етим»; «Сув келтирган хор-зор, кўза синдирган азиз» мақолларида (айтилғони) каби боякишнинг холиға қайғургувчи топилмади, ҳам калтак ҳам мол, мулк!..

Турғиннинг бу холини кўриб ачингувчи ва тишларини бойларға қарши фикрлатиб, ёниб юргувчи бир қанча аламзада мазлумлар бор бўлсалар ҳам улар ҳам Турғиннинг холиға тушиб қолишдан қўрқар эдилар. Ўз-ўзларига: «Бизни ҳам ёқлагувчилар бўлармикин?!» деб кўярдилар.

Боякиш Турғин ёзнинг ўрталарида ётғонича баҳорга яқин жонланди. Лекин бу вақт бошиға янгидан бир савдо ўрнашғон эди. Бу савдо қандай дехқончилик қилиш эди.

Дехқончилик қилмай деса, оч қолиш қўрқинчи, қилай деса, бир хўкиз билан иш чиқмаслиғи ва бунинг устиға ернинг қўлдан кетиб қолғонлиғи ҳамда пахта унмаган учун унга олинган пулга ҳовлининг сотилиб кетиш эҳтимоли бунинг миясида жавлон қиларди. Ул узоқ ўйлади, энг сўнг хўкиз сотиб олмоқ ва қарзига тўламоқ учун ҳалиги олти таноб ерни сотишға қарор қилди. Ўз-ўзига: «Бирарта кимсанинг ерига шерикчи-

лик эксам хамки, ер топилар, аммо хўкиз учун кимга сарғайиб юраман?» деди-да ерни арзон-гаровга ҳалиги бойнинг ўзига сотишга мажбур бўлди, лекин бу ердан олинган пул ҳам хўкиз олмасдан бурун кутилмаган чиқимга кетти.

Беш боланинг бошини силаб ўлтурғон она йилларча чўзилган қайғу, ҳасратда қаттиқ касалга йўлиққон эди. Ул бояқиш баҳор ойининг энг ёқимли вақтларида йўқ дунёга сафар этти.

Бунинг билан Турғин бояқишнинг бошига бало тоғи йиқилди.

Бахтсизлик аскарни ўзининг сўнг ҳужумини ясади.

II

Турғин узоқ вақт қайғули фикрга чўмиб ўлтурғондан сўнг бошини кўтарди. Теграсиға ғамли бир қараш билан қаради-да: «Бой бойга боқар, сув сойга оқар», — деб кўйди. Турғиннинг бу мақолни топиб айтиши чиндан-да ўрунли ва тубли эди.

Унинг бу ҳолатга тушишиға бошлича сабаб юқоридаги мақолнинг аччиқ ҳақиқати — маъноси эди. Агар Турғиннинг теграсида ёклагувчилари бўлғонда эди, ул бу ҳолатга тушмас эди. Шахсий фойдалари учун бир-бирлари билан бирлашатурғон ва уч пулли зарар устида инсопикдан кечиб хайвонларча тортишатурғон бойлар Турғин каби камбағалларнинг манфаатини ўз кўлларига олишда бир ёқадан бош, бир оғиздан сўз чиқарар эдилар: «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бой боласи гапирсун» деган мақол (да айтилғони) каби эгри сўз бўлса ҳам буларнинг сўзлари ўз аҳллари ёхуд виждонсиз сотқинлари томонидан тўғри деб топилар эди.

Буларнинг қаршиларига сўзлангуси ҳар бир ҳақиқий сўз ёлғонга чиқар ва буни сўзлагувчиларга ёлланган муштлар тушар эди.

Камбағалларнинг бирлашган чоғида зарар бўлиши аниқ бўлғонлигидан улар буни истамас эдилар. Ўзларининг ярамасликларини ишлаш учун кундуз кунининг ҳам бўлишин ёқтирмас эдилар.

Бу фикрлар мухитида айлангучи кўршабнаррлар фақир халқ мухитининг ёришиға чин кўнгилдан қарши гуарардилар. Уларнинг қоронғи мухитида истаганча қанот ёзиб кезардилар.

Бу ҳаром тезакни егувчи кўнғизлар кучлари борича уялари теграсиға ҳақсизлик ва ҳаромхўрлик билан йиққон нарсаларин келтириб тўплардилар. Булар охир бир кун шул ҳақсизлик билан тўпланган молнинг тагида қолиб ўлишларин сезмас эдилар.

Чунки буларнинг сезгилари, ҳақсизлик билан тўпланган молнинг қайғусида бўлгон виждон, инсофлари эса, ҳаромхўрлик билан семирган гавдада ўрун қолмагач аллақайга қочгон эди.

Буларнинг кўзлари фақирларнинг оғзидан чиққон ўтли охларнинг тутуни билан қопланган эди. Шунинг учун бу кўзлар ҳақлик ва ҳақиқатни кўра олмас эди.

Қисқаси, одам шаклида юргувчи икки оёқли йиртқичлар киши ўлкасининг сўнгги тинимидаги талпиниши каби ўзларин ҳарёққа уриб, ўзларига чуқур тайёрламоқда эдилар.

Булар бир томонда тинмайин бу ҳаракатда юрар экан, иккинчи томонда, яъни турмушнинг иккинчи ёғида бунинг тескариси кўринарди. Зулмлар, дахшатлар, очликлар, хўрликлар... булар барчаси фақирларнинг тўрт томонидан ҳужумга киришкан эди.

Баҳор ёғмурининг сўнгги чокларида ҳавони қора, калин булутлар қоплаб, энг сўнг қаттиқ бир қалдираб, кучли шамол томонидан бир томонға ҳайдалгани каби мазлумлар устини ўраб олгон бу ғам, ҳасрат булутлари ҳам кучли бир шамол тўлкини ва шиддатли довулни кутиб турарди.

III

Турғин 25 ёшға етиб уйланган бўлгонлигидан унинг энг қатта боласи 15 ёшға тўлган бир қиз эди. Ундан кейингилари 13, 10, 8 ва 3 ёшдаги болалари бўлиб, булардан ҳам 13 ва 8 ёшдагиси қиз болалар эди.

Кутилмаган ҳолда балога маъруз қолгон бу бояқишлар боши янчилгон илон каби тўлганиб ҳар томонға термилиб ўлтурар эдилар.

У, сиз билгон деҳқончилик кўпдан битган, ер-сув ва моллар қарз учун сотилиб кеткан эди.

Бояқиш Турғин эса куздан бери ўзини ҳарёққа урса ҳам бир иш чиқмаслигини билиб, ҳалиги текинхўр эшонга қўшчи тушиб кеткан эди.

Мана, халиги сизнинг кўзингизга тонг чоғида чирроғ ёқиклик кўринган уй Турғиннинг уйи эди.

Турғин бунда уйқудан уйғониб қўшга кетмак тайёрлигин кўриб турарди.

Ул уйқусин ҳаром қилиб, ёш-ёш болаларини шул ҳолда ташлаб, тонг қоронғисида ишлаш учун кетарди. Шўрли болалари эса, кечанинг кўрқинчида қонлар ютарди.

Турғин қўшчиликда тинмай ишларди. Ул бу ҳаракатида гўё эшонга ёқиб ундан ўз ҳақини розилик билан олмоқ ва пахтачи бойдан бўлгон қарзига бериб, ундан ўзин қутқармоқ истарди. Кўб вақт ҳам ўтмади, экинлар пишти. Тоғнинг бағрини сариқ олтин каби қоплаб олгон кузги буғдойлар, ҳали пишиб етмаган кўм-кўк баҳорилар қизиқ кўринишлар берарди. Бунинг устига пахталар чечаклар билан безаниб келгуси зўр байрам тайёрлигин кўрарди.

Гўё буғдой ўриб чарчаган экинчилар учун букук буғдойлар, очилгон пахталар уларнинг кўнгилларин ўзлари каби очишга, яшартиришга тиришарди. Ва ағанаб ётишга мос «кўк майса» ерлар каби туюларди.

Барча қувонган эди. Қизиб тургон қуёш қарписида ўйнаган ўроқлар ўзларидан ёддулар чиқариб қуёш билан ўзишмоқчи ҳам бўлишардилар.

Соф кўнгилли, ёзиқсиз, мияси турли хийлалар билан тўлмаган кишлоқ йигитлари бир-бирлари билан қизиқчилик қилишиб қулишардилар.

Қайси бирлари ўзининг қаллиқ ўйнамоқ учун қаллиғининг ёнига борганда, қизнинг акаси билиб қува-лаб чиқорғонини айтиб қуларди. Баъзи вақтларда ёлғузгина қаллиғининг ўзи ётгон чоғида кириб унинг билан ўйнашиб, шодлиқлар қилғонини айтиб мақтанарди ва қоронғи уй ичидан шошиб чиқишда обреза йиқилиб кетканини айтиб, қотиб-қотиб қуларди.

Ўртоқлари бунинг бу сўзларига завқ қилишиб, сўзни яна шул қаллиқ ўйнаш томониға бурардилар. Халиги йигит эса, яна сўзга тушиб, биринчи гал боришда қизнинг онасиға ва қизнинг ўзига олиб борган рўмол, собун каби нарсаларин бир-бир санаб чиқарди-да:

— Қизи тушқур, жуда муғомбир экан, мен унинг йиғисига алданиб ундан қўлимни тортсам, ўзи менга яқинлашиб келадир. Мен ёпишсам, яна йиғлайдир.

Кейин билсам, бу унинг эркалиги экан, — деб бошка ўспирин йигитларнинг хавасини келтиратурғон даражада сўзлар эди-да, шодлигидан кичкириб ашулалар айтиб юборарди.

Бу қий-чув, кулги, ашулалар ичида шодланмаган, кулмаган ёлғуз бир кимса бор эди — ул Турғин эди. Турғин ҳалиги йигитнинг сўзларига қулоқ солғон сайин ўзида кулгининг қаршиси бўлғон қайғунинг зўрайганин сезарди. Кўб нарсани ўйлаб чарчаган миясин кўтариб турғон боши баъзан уни кўтара олмай ерга томон эгилар экан, у зўрға қаддини тўғрилаб олар эди.

Ўзининг куёвлик чоғидаги қаллиқ ўйнашлари, хотинининг ишчан, чиройли бир хотин бўлиб, унга ҳар вақт буюдой ўроқлари, пахта териш ва хирмон вақтларида овқат ташиб қарашлилари бирма-бир кўзларидан ўтти. Айниқса, унинг чарчаб турғон чоғида: «Хорманг, отаси!» деб келиб кулиб туришлари буни жуда эзиб юборди.

Турғин бошини кўтариб турди-да, қаттиқ, барчага эшитилатурғон даражада оҳ тортти. Ўроқ уриб ётгонлар кутилмаган товишга ганграшиб, Турғинга бир-бир қараб олишдилар. Турғин уларга бир нарса демади-да, ўроғини яна ўра бошлади.

Тушли емак чоғи келди. Барча ўроқчилар шул ердаги ўсиб турғон дўлана оғочининг тагига тўпланишдилар. Буюйдан ясалган «гўжа» ошларин ичар экан, яна сўзга киришдилар. Бу галги сўз ҳалиги кулдиргувчи — қизик йигитнинг қаллиқ ўйнаши тўғрисида эмас эди. Балким жуда муҳим ва кўпларнинг кўнглига келмаган бир масала устида эди.

Бу яширин — белгисиз нарсанинг устин очғувчи — маълум Турғин бўлди.

Турғиннинг кутилмаган ерда оҳ тортишидан абдираб қолғон кишилардан қайсилари унинг сўзининг кетини кутмасданок, сўзини бўлиб савол ёғмурини ёғдира бошладилар.

Бу жиддий масалага ёнбошлаб ётгонлар туриб чин кўнгил билан жон қулоғин бериб тинглашга киришдилар. Ичилиб турғон ош ҳам буларни кутиб қолди, мўнди ичида зериккач, ўзига махсус товиш билан кичкиришга тутинди. Лекин бунинг сўзига қулоқ солғувчи йўқ эди. Турғин сўзида давом этти:

— Ўртоқлар, мана шул ерга тўпланганлар барчаси ҳам ўз билак кучи билан кун кўргувчи — қўшчи, чорикор. Бизнинг орамизда бир-биримиздан яширилатурғон сўз йўқдир, албатта?

Бошқалар бунга:

— Албатта, албатта! — деб жавоб қайтардилар.

— Бас: шундай эса, бизларнинг барчамизнинг ҳам дардимиз бир дард, барчамиз ҳам бир касалга йўликқон. Қани, биз дардимизни тузатиш чораларин шул ерда биргалашиб кўрайлик! Бунга қарши яхши бир чора бўлса, уни баб-баравар ишлатайлик. Орамизда-ку, ўз хўжайинини яхши кўрган ва унга бундаги сўзларни ташиб турғон киши йўқдир? — деди-да Турғин барча қўшчиларнинг кўзига кўзин ташлаб ўтти. Уларнинг:

— Йўқ! Йўқ! — деган товишлари бунинг яна бошлаган сўзини давом эттиришга кўмак этти.

Турғин аламзадали ва асабийлашган бир ҳолда сўзга киришиб, деди:

— Биласизларми, биз киммиз? Биз шул хўжайинларнинг ишларин ишлагувчи кишилармиз. Биз йил — ўн икки ой ишлаймиз-да, орттирган нарсамизга қорнимиз ёлчиб тўймайдир, эгнимиз эса яхшироқ кийим кўрмайдир, бу қандай гап? Биз ишлаб туриб тўя олма-сак, — қўли билан бир томонни кўрсатиб, — хўжайинлар ишламай туриб, тинчу тўқ яшайдилар. Бунинг сабаби нима? Биз ҳам улардек бир одам. Қайтага бизнинг кучимиз уларникидан минг бор ортик. Бизга нима бўлди? Нечун биз хўжайинимизга: — Бу бературғон нарсангиз оз, кўпрак беринг! — деб айтмаймиз? Башарти, ёлғуз-ёлғуз айтишга кўркқанимизда нечун тўпланиб туриб шуни сўрамаймиз? Агар биз тўпланиб туриб сўрасак, улар нима қила оладирлар? Ўзлари қўшнинг қулоғин тутиб ер ҳайдарлар деб айта-мизми? Ёки ўроқчининг ўроғин олиб ўроқ ўрарлар деб ўйлайсизми? Хеч-хеч, улар ўроқ ўролмайдирлар, қўш ҳам ҳайдолмайдирлар. Буларнинг бор ҳунарлари бизни ишлатмак... бошқа бир нарса эмас! Биз ишламасак, булар оч қоладирлар... Оч қолғонларидан сўнг албатта биз билан келишишга мажбур бўладирлар-да, бошқа иложлари қанча? — деб Турғин бошқаларнинг фикрин кутиб турди.

Халиги қизиқ йигит бу гал ҳам барчадан бурун сўзга киришти.

Ул қизиқчилик билан:

— Яхшиси, шул падарлаънатларга ялиниб: «бунча берасизми, йўқми?» деб юргандан кўра, биратўра қўлларидаги молларин тортиб олсак нима бўларкин?! — деб сўради.

Бунга яна Турғин жавоб бермакчи бўлиб эди ҳамки, ўртадан бошқа бири шарт этиб:

— Эй! Ўз манглайингга бермагандан кейин бошқанинг молини олгон билан тўярми эдик, бўм-бўшига халққа ўзимизни ёмон кўрсаткандан кўра, ҳалолгина ишлаб еяверайлик-да, — деди.

Бунинг сўзи мажлисдагиларнинг фикрин иккига бўлди, бир бўлаклари:

— Тўғри, чиндан ҳам шундай тинчгина юришимиз ҳам яхши эмасми? «Оч қорним, тинч қулогим деб» машойихлар нечун айтганлар, ахир? Садағалари кетайлик уларнинг! — дейишиб, дарров илгариги фикрга қўшилмасликларин билдирдилар.

Энди иккинчи бўлак нима дейишларин билмай қолди. Масала яна Турғиннинг устида айланди. Турғин энди сўзни бир оз узокроқдан, ўз бошидан кечган қизғинли воқеалардан бошлаб, уларнинг қонларин қиздириброк қўйди, деди:

— Биласизми, ўртоқлар? Менинг бошимдан қандай кунлар кечти?

Бунга ҳовриққон ҳолда мажлисдагилардан кимдир-бирова:

— Биламан, анави Муҳаммад Амин бойнинг сизни ургани, ерингизни тортиб олиб қўйганими? Пахтачи Турсун хўжанинг ҳовлингизни соттирмакчи бўлиб турғоними? — деб сўроққа қарши сўроғ ҳам бериб қўйди.

Турғин унга ярим ишорат билан «ха» дегандек бўлди-да, яна сўзга тутинди:

— Ҳозир, ўртоқлар! Мен нақ мана шул қорни тўк хўжайинларнинг азобини тортиб тураман. Мана, кўрасизми, менинг шунча еримнинг қўлимдан чикиб кетишига шулар сабаб бўлдилар. Ҳатто бу кунги хотинимнинг ўлишига ҳам энг катта сабаб яна уларнинг шу қилгон зулмлари бўлди. Мен ўз ерим тўғрисида улар-

нинг калтакларин едим. Натижада ярим йиллаб ётиб бутун борлиғимдан ажрадим. Хозир энди «дехқон» эмас, «қўшчи» бўлиб қолдим. Шу л ноинсофлардан бирорталари ўз еридан бировга кўмак учун бердими? Албатта йўқ, ер устиға ер сотиб ва зўрлаб оладилар-да ўзлари ишламай, нукул сизу биз каби бечораларни ишлатиб қўядир. Биз бу кетишда кетаверсак, бунинг охири, энди жуда айтиб бўлмайтурғон даражада ёмон бўлиб чиқса керак-да! Биз ишлайверамиз, ишлайверамиз, охири бир тийинга эга бўлмай, киши эшигида кипригимиз оқариб ўламиз. Тўғриси айтсам, биз ўзимиз учун ўзимиз қайғуришайлик, бўлмаса, менинг бошимга тушган калтаклар сизу бошқаларнинг бошларидан ҳам жуда узоқ бўлмаса керак.

Турғин сўзини уларни бирликка ундов билан битирди.

Сўзнинг узоққа чўзилиши қоринларининг очиб қолғонлиги сўнгида билинди. Булар ярим ичилиб қолғон ошни яна ича бошладилар...

IV

1917 йил феврал ойининг бир кечаси эди. Кеча одатдагича ўз вазиятини сақлаб турарди. Ёлғиз бунинг вазиятини бузатурғон нарса бўлса, ул ҳам итларнинг ҳар томонга югуришлари, ора-сира эшакларнинг ханграшиб қўйишлари эди. Қишлоқдаги баланд бинолар муқобилида ерга сингиб, йиқилай деб турғон паст бинолар қоронғилик ичида киши кўзига қўрқинчли кўринишлар берарди.

Қун бўйи ишлаб ва кайф-сафо билан ўйнаб, чарчаган қишлоқ халқини бу бинолар ўз бағриға босғон, уйқу эса, ўз пугини буларнинг бўйниға осғон эди. Лекин, нима учундир, баланд-баланд оғочларга ўрнашғон хўрозлар сахар бўлмасдан турибоқ фарёд кўтариб юбормоқда эдилар.

Турғиннинг эшигидаги ҳали майда, яхши етилмаган хўрозлар ҳам бу тун тинч қолмаган, гўё булар ҳам кагта хўрозларга эргашиб, калта-калта «қиқ-қиқи-қува» деб чувирлашар эдилар.

Узоқ вақт ҳам ўтмаган эдиким, қоронғилик қўшини ёриғлик қўшинига қарши туролмай енгилиб қочди.

Кундузнинг эрка хончаси — куёш ҳам ўз юзини бугун хар кундагидан ортиқроқ кулги билан очди. Халқ яна ўзининг одатдагича ишига машғул бўла бошлади.

Лекин бундан кўб пайт ҳам ўтмаган эдиким қишлоқ ичида бир ўзгариш, халқда сўнг даража шошилиш кўриниб қолди. Бу шошилиш денгизга шамол урганда тўлқинланиши каби кўрқинчли эди.

Кишилар югуришган ҳолда бир томонга чопар эдилар. Булар бу кетишида қайга борадилар, деб ўйлайсиз? Албатта, ош — худойига эмас, балким шодлиқли бир жанозага, дунёни ўзининг кўрқинчли қаноти остига олиб ётгон мустабид Русиянинг жанозасига.

Русия мустабид ҳукуматининг тахтидан тобут олинганлигини ҳали ҳеч ким билмас эди.

Қишлоқ халқи буйруқ бўйинча ва «товочи»нинг томға чиқиб «Одам бор эсанг, гузарға йиғилавер!» деб чақариши билан гузарга чопишиб борар эдилар. Буларнинг кўнглида: «Яна нима бало бўлди? Оқпошшо энди барчамизни ҳам аскар қилатурғонга ўхшайдир. Ё бўлмаса, каттарак хирож пули солатурғонга ўхшайдир!» деган кўрқинчлар ўрунлашган эди.

Майдонга йиғилгон деҳқонлар ўртасида кийган кийими ва кўкрагига таққан қизил лентаси билан бошқалардан ажралиб тургон бир йигит дафъатан киши кўзига кўринарди. Деҳқонлар ҳам бу йигитга қизиқ бир қараш билан қараб турардилар.

Йигит ҳовриққон, аммо ўзини хийла босиб олгон бир ҳолда сўзга киришти. Лекин бунинг сўзи аскарлик устида ҳам эмас, хирож устида ҳам эмас, балким бутунлай бошқа бир масала устида, яъни шул аскар ва хирож олгувчи золимнинг йиқилгонлиги тўғрисида эди.

Халқ унинг сўзин тинглаб турар экан, ора-сира бир-бирларига: «Балким, бу бизни алдар. Ёлгондан бизнинг сиримизни билиб олиб катталарга айтар, бизнинг уйимиз куйиб қолар!» дейишар эдилар. Лекин бу фикр янглиш эди. Ундай қилгувчилар ҳозир ернинг тегига кирган, майдонда буларнинг ўрнин янги бир куч олгон эди.

Чечан йигит соатларча сўзлаб, айтмакчи бўлгон сўзларин айтиб ўтти-да минбардан тушти.

Халқ бунинг устига турли ёқдан турли мавзуда савол бера бошлади. Қайсилари: «Таксир, бизнинг еримиз йўқ. Бизга ер берилсун» деса, қайсилари: «Так-

сир, энди бизни тоғ қоровули Иван қийнамайдирми? Ё ўз кўлингиз билан шу кофирни ҳайдаб берасизми?» каби сўроғларни берар эдилар. Қайси бир кўрқоқлари кўрка-кўрка: «Энди, ўрислар бутунлай кўчиб кетадиларми?» деб аллақандай сўроғларни берар эдилар.

Хуллас, нотик буларнинг сўзларига қараб мувофиқ жавоблар берар эди. Халқ кутилмаган ердан бундай ҳолатнинг келиб чиқишига чиндан ҳам ҳайрон эди. Ёлғизгина бунга ҳайрон бўлмагувчи ва: «Мумкин, биздек аламадалар дунёда йўқдир, деб ўйлайсизми? Жонидан тўйган халқ тўпланиб подшоҳни уриб ўлдирган бўлса, эҳтимол?!» деб, бу ишнинг чин эканига кўпрак ишониб турғувчи бизнинг Турғин эди.

Ул ўзининг бу кечадаги кўрган кизик-кизик тушларининг таъбирларини «шунинг учун экан-да!» деб билди.

Тун бўйи қичқириб чиққон хўрозларнинг, айниқса, кичкина хўрозчаларининг «ўтиш»ларининг сабабсиз эмас эканлигин ул очиқ англади.

Унинг кўнгли қувонч билан тўлди. Кун оралатиб бўлмаса-да ҳафтада бир, ҳеч бўлмағонда, ўн беш кунда бир, сўз қилғувчилар келиб бу кишлоқда ҳам сўзлаб турарди.

Кишлоқнинг қорни катта бойлари бу хабарлардан сўнг хийлагина юмшаган, қайғу қўшинлари эса, уларнинг устларига томон от солғон эди.

«Иштонсизнинг чўпдан ҳадиги бор» дегандек, кишлоқ халқини ит ўрнида сўкуб келғон ўруснинг наҳс босғон, ярамас қоровуллари ўзларидан қўрқиб қоровуллигин ташлаб қочишга тутинғон эдилар. Кишлоқнинг энг яхши ерларини зўрлик билан олиб: «Бу ер подшоҳлиқ бўлди» деб, болари боқиб, деҳқончилик қилиб турғувчи фойдаталаб ўруслар бир кетиш, бир кетмас бўлишиб турардилар. Хар ҳолда кетмаганда ҳам «бирор воқеа бўлиб қолса керак бўлур» деб бешотар милтиқларнинг тайёрлигин аллақачон кўриб қўйган эдилар.

Аммо бояқиш халқ шундай қўрққан эдиким, ўруснинг ўзи эмас, шапкаси ҳам буларни қўрқитар ва бир неча вақт идора қиларди.

Мустабид ҳукуматининг халқ ичида қолдирган меросининг энг каттаси қўрқоқлик, йўқсуллик, нодонлик эмасми эди?

Подшоҳларнинг ўз фуқароларига зулм этиши ўз девори остини кавлаш билан баробарлигин букур, мағрур, мустабид ҳукумат сира сезмас эди. Шарқнинг файласуф шоири Бедилнинг:

*Ёвузлар ўрни энг сўнг кучсизу йўқсуллара қолгай,
Ки улар ўтга ўхшашким ёқилгач кулга жой бергай,*

деган маъноли сўзининг нақ ўзи мана шул ҳол эди.

Чиндан-да, бугун олов ўрнида кул қолғон эди, яъни ўт каби ёқиб, йиқиб турғон бир давлат бугун йиқилғон, унинг ўрнин эса кул каби остида босилғон бир синф олғон эди.

Илгарилари шубҳа билан қараган халқ энди кундан-кун бу ишнинг чин эканлигини тушуна борар эди. Айниқса, оқсоқоллар ўрнига «комиссия» сайланиб иш кўриши, буларга бошли-оёқли бир далил эди.

Лекин халқ нима учундир ҳали илгаридаги каби кийноқда эди. Қишлоққа чиққон катталар камбағалларнинг яқинига бормасдан бурун бойларнинг мунофиқоналик билан тўқилғон хушомад тўрларига тушиб қолар эдилар. Уларнинг бойлигин кўришда кўнгилли қоровуллик вазифасин ўтар эдилар. Қайси бир вақтларда яхши, инсофли кишилар чиқиб қолсалар ҳам, лекин бундай кишилар бойларнинг тайёрлаган ярамас муҳитида бўғиларди(лар). Сутдан ҳам оқу пок юзларига тухмат куяларин сурттириб қайтарди (лар). Тўғриси, алмашиниш сиртдангина эди, аммо ичда ҳали эски вақтдаги ўйинлар ўйналар эди.

Ора-сира кулоқлариға кириб қолғон сўзлар билан қўшчи, батрақлар жонланиб, ўзларининг ўлдиргувчи ёвларин таниб олғон эсалар-да, буларнинг бойларға қарши ғалаёни ёлғуз ичдангина эди. Тўғриси, булар бир гугурт чақилишин кутиб ётғон ёндиргувчи нарсалар эдилар.

V

Нихоят, буларнинг тутаган ўтинларига гугурт чакувчи 1917 йил ўзгариши майдонға келди... Қишлоқдаги қўшчи, батрақлар бу ўзгариш кўлагасида бир ерга тўпландилар ва ўзларига уюшмалар очдилар. Буларнинг

уюшмаларининг очилишига шахардан келгон уста, ишчан кишилар кўмак этар эдилар. Булар қишлоқларга юриб, ҳар бир қишлоқда шундай уюшмалар очар эдилар.

Бу қишлоқда очилгон уюшма ҳам ҳалиги ишчилар томонидан йўлга қўйилиб, раис, котиб ва аъзолар белгиланган эди. Бу уюшмага биринчи галда бошлиқ бўлиб Турғин белгиланди. Турғин ишга жон-кўнгил билан киришти. Ул тинмай, тун-кун ишлар эди. Илгариги вақтларда уюштира олмаган кишиларини энди ул қулайлик билан уюштира бошлади. Тез кунда бутун қишлоқ қўшчилари бу уюшма байроғи остига тўпландилар.

Бу вақт бойларнинг кўрмас кўзлари анча кўратургон бўлгон, ғазабдан титраган лаблари бугун ўлганининг кунидан қўшчилар қаршисида кулатургон ҳолга келгон эди. Аммо бу кулиш кўрқинч ва истехзонинг қотишуvidан ҳосил бўлгон бир кулиш эди. Пайти келгонда бу кулгиларнинг бошқа тус олиши майдонда эди.

Турғин энди жуда қувонган эди. Ул қафасдан бўшалган қуш каби истаган боғига қараб учар, элнинг қашшоқларини ўз бағрига тортиб кучар эди.

Ул қўшчи, батрақларни тўплаб, уларнинг фойдаси учун иш кўриш ила бирга, уларни саводли қилиш тўғрисида ҳам қараб турмас эди. Дунёдаги ҳақсизликларнинг кўпи шул онгсизлик қўлагасидан келатургонлигини кўздан тушунган эди. Шунинг учун ул қишлоқнинг катта бойларидан бўлгон Тошбой деган кишининг донғиллаган ҳовлисин мактабга олди. Ўзи бош бўлгон ҳолда кечалик курс очиб қўшчи батрақларни ўқуттирди. Бунинг билан ҳам қараб қолмасдан, қишлоқда катта бир чойхона очтириб, унга қўшчи, батрақларни тўплади. Турли сиёсий китоблар, газеталар келтириб, тўпланган халққа баланд товиш билан ўқиб эшиттириб турди.

Қишлоқнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ кишилари газеталардаги сўзларни эшитиб ўзларига керакли маълумотлар олиб фойдаланар эдилар. Кечалик курсида саводлари чиқиб қолгонлари эса, газета ва китобларни ўзлари ўқиб, тушунилмаган ерларини тўпланишиб музокара этишардилар.

Хуллас, қишлоқ эски ҳолида эмас эди. Жонсиз таналарга жон кирган, маздумларнинг кўз ёшлари қуриган эди. Бунинг устига ҳукумат томонидан ёш болалар

учун ҳам мактаб очилгон эди. Бу мактабга барчадан илгари Турғин ўзининг болаларин келтириб берди. Ўзининг сўзи ўтатурғон кишиларнинг барчасининг-да болаларин шул мактабга келтиритти.

Ул қишлоқ ичида ифво қўзғаб юргувчи чала мулларнинг сўзига кулоқ осмас эди. Уларнинг сўзларини анойи бир сўзгина деб биларди.

1925 йилнинг сентябр ойи бўлса керак, кимдир-бирова бир газетани ховриққонча кўтариб Турғиннинг ёнига келтирди. Турғин бунинг нима мақсадда ховриқшини яхши англаб етмаган ҳам эди, ул киши бирдан газетани очди ва «Ер ислохоти» деган бир мақолани унга кўрсатти. Бул мақолада бойларнинг қўлларидаги ҳақсизлик билан тўпланган ва ўзидан ортиқча бўлиб қолгон ерларнинг ерсиз, батрак, қўшчиларга берилиши тўғрисида жиддий сўзлар ва қарорлар ёзилган эди. Турғин буни кўрган замониёқ газетани унинг қўлидан олди. Идорасидан чиқиб югурганича тўғри чойхонага борди. Чойхонага тўпланган кишилар Турғинни газета кўтариб чолиб келишидан бунда бир гап борга ўхшайди... деб ўйлаша бошлаган эдилар. Турғин ховриққонча чойхонанинг ўрта бир ерига борди-да чойхонадагиларга қараб:

— Ўртоқлар, сизларнинг фойдангиз учун бу газетада муҳим гаплар ёзилибдир. Сизлар, бунга яхши кулоқ солинглар! — деди ва қўлидаги газетани баланд товиш билан ўқий бошлади: «Кўб ерлиларнинг қўлларидаги ерлар ерсиз қўшчи, батрақларга бўлуниб берилсун». «Оз ерли, тубан деҳқонларни кўтариб, ўрта деҳқонлар қаторига чиқариш керак». «Шўролар ҳукуматининг севган деҳқони ўрта деҳқонлардир. Ўрта деҳқонларнинг ерига тегилмасин. Қўшчи, батрақларни ўрта деҳқонлар сирасига чиқариш учун ҳукумат қўлидан келгон кўмагин аямайди». «Киши кучидан фойдаланиб иш кўргувчи қишлоқ бойларининг қўлларидаги ерларин қўлларидан олиб қўшчи, батрак артелларига бериш керак».

Турғиннинг оғзидан отилиб чиқмоқда бўлгон бу севинчи хабарлар, гўё газетада ёзилган сўзлар эмас, балким Турғиннинг ўз оғзидан отилиб чиқмоқда бўлгон сўзлар каби туюларди. Турғин ҳар бир қарорни ўқур экан, кўкрагин кўтариб, виқор билан умидли

кўзларидан ўтлар сочар эди. Тўпланган халқ бу қарорлардан шундай суюнган эдиким, шодлиқларидан бир нечалари ўрунларидан туриб: «Яшасун бизнинг қайғумизни чекувчи ҳукуматимиз!» деб юборишдан ҳам тоймай қолдилар. Буларнинг кўнгиллари жуда қувонган, ҳаётга қарашлари бутунлай ўзгарган эди. Мумкин бўлса, барчалари ҳозирдан оқ бойларнинг қўлларидаги ерларни борсалар-да, бўлиб-бўлиб олсалар...

Бу севинчли хабар бойлар учун ўлим хабари шаклини олди. Қишлоқнинг бир бўлаги шодлиқдан сакраб ўйнаган халқ билан байрам ўрнига айланган эса, иккинчи бўлаги қайғули гавдаларнинг оҳ-воҳлари билан аросат ҳолини олғон эди.

Шул кунгача бир сўз демасдан аллақайларда юратурғон Муҳаммад Аминбой ҳам бугун шул қайғурганлар орасида эди. Лекин ул ўзича бир хийла ишлатмакчи бўлиб Турғиннинг ёнига келди. Товланиб туратурғон юзларини Турғинга кўрсатиб, эрки ўзида бўлмаган тилини сўзга солди. Унинг оғу томизиб туратурғон тили ҳозир шакар томизар эди. Ул ёш болаларча ялинарди, Турғиннинг кўнглини овлаб, гўё ундан афв ўтиниб дерди:

— Турғин ўртоқ, киши деган янглишмай қолмас экан, мен сизнинг ҳаққингизга кўб ёмон ишлар қилдим. Албатта, бу менинг аҳмоқлигимдан эди. Мени кечиринг, мен сизга ўшал ерингизни қайтариб берай, яна сизга қўш ҳўкиз учун етарлик пул ҳам берай. Сиз мени зинҳор шу балодан сақлангиз!..

Турғиннинг ҳақиқатни кўргувчи ўткур кўзлари бойнинг ярамас, хоин кўзларига қараш учун таназзул этмас эди. Ёлғиз унинг тилаигина ўзин тўхтата олмай дерди:

— Биз пора-ришват олиш учун ҳукумат қурмадик. Пора олатурғон ҳукумат кўндан энди майдондан йўқолғон. Пора билан қутулмоқчи бўлатурғонлар ҳам тездан йўқоларлар... Бизнинг соф кўнглимиз ифлос, қора пораларни ҳеч вақт сиғдира олмас. Бизнинг орамиздан кимки бу ишни қабул қилса, бизнинг кўзимиз уни кўрмайин қолмас. Бизнинг бир мақсадимиз пора-хўру пора бергувчиларни орадан йўқ қилмоқдир! Боринг, сиз билан мен бу тўғрида сўзлаша олмайман.

Буни ҳукуматимизнинг олий буйруқлари ҳал қилар,
— деди.

Бой йўлда юриб борар экан, уни оёқлари истаристамас зўрға кўтариб борар эди. Гўё оёқлари ҳам унинг аҳмоқ миясига алданиб бўм-бўшга қийналиб юришини сезар ва уни ерга йиқитиб юбормоқ истарди.

Буюк қайғу билан уйига қайтган Муҳаммад Амин шул кечаси билан ўлтуриб чиқди. Унинг ҳайвоний сезгилари энди бутунлай битган, ул жонсиз жисмлар қаторига ўткан эди. Ёлғиз-ёлғуз турмуш ўз ишин ишлаган, унинг оҳ-фарёдлари эса, бўшлиқлар орасида йўқолғон эди.

Бундай кишиларнинг ўтмас пулларига алданувчи кимса қолмаган, кўллар эса энди бутунлай бўшалган эди.

1925

ТИЛШУНОСЛИККА

ОИД

ИШЛАР



ИМЛО МАСАЛАСИ

Имло масаласи кўпдан бери тортишилиб келмоқда бўлгон бир масала эса-да, ҳалигача бир ерга етиб тўхталганлиги белгили эмасдир.

Балким, кундан-кун унинг куч олиб, кўб тортишувлар ичида турфонлиги кўз олдимиздадир. Шунинг учун-да мен шул имло масаласин янгидан очиб, Туркистонда бўлгон ёш имлочиларнинг қарашларига ўз фикримни айтмоқчи бўламан. Ҳам бу тўғрида мен билан тортишувчилар топилгудек бўлса, ўзимнинг қувонч билан қарши олувимни-да уларга билдираман.

Белгилидурким, дунёда бўлгон ҳар бир ишнинг яхшигина негиз олиб, бир йўсин остига кируви учун кўб танқидчилар томонидан танқид этилуви ёхуд бир неча тузатувчилар томонидан яхши текширилиб, майдонга отилуви керак бўладир. Бусиз майдонга отилгон бир ишнинг, албатта, камчилик ерларининг бўлиши мумкиндир. Шунинг учун бошқа кимсаларнинг томонидан кўрилуви ва танқид этилиб унинг бузуқ ерларини тузатиб борилуви ўрунлидир.

Ёлғизгина кўриб, унинг ишловчиси-да «баракалла» деса ёхуд жимжитгина қолиб кетмоқ келишмайди. Бу чоқда ишловчининг ишига кўмак берув эмас, унга зарарни истагангина бўладир.

Бу кун Туркистонда янгидан ишланиб, юзага чиқарилмоқда бўлгон ишларнинг кўпи танқидсиз кечиб ўтмоқдадир. Қайси бирлари танқид этилса-да, танқидчиларимиз танқид қилмоқ йўлин яхши билмаганларидан бўлса керак, танқиднинг орасига ўз ёвликларин ҳам қўшиб юбормоқдалар. Шу тўғридан танқидда ташланган ишда яхшигина олға кетмай турадир.

Биз бошқа нарсаларни иккинчи ёққа қўйиб билиш ёғидан ёлғуз имло масаласини қўлға олсак, бу нарсанинг ҳам яхши йўлга қўйилгонлиги белгили эмасдир. Чунки, имло масаласида танишувчи ўртоқларнинг ҳам кўплари шул юкорида (баён) этилгон ўз ёрликларин танқидларининг ичига келтириб сукқон эдилар, ҳам

шул танкидлари орқасида бир-бирларидан ўч олмоққа тиришдилар. Натижада кўзда тутилгон имло масаласи яна ўз холича қолди. Бунинг билан турли кишилар турли йўлда ёза бошладилар. Қайси бирлари «Чигатой гурунги» томонидан ясалган имлони қабул қилиб, унинг йўли билан кетдилар. Қайси бирлари эса ул имлонинг ўзига-да ва чиқарувчилар ифодасига қарши кетиб, ўзларининг илгариги тугган йўлларидида қолавердилар. Энг сўнг Ички Русияда бўлгон имло ўзгаришин кўргач, уларнинг қайсилари секин-секин чигатой имлосининг теварагига йиғилдилар ҳам шул имлода ёзадирган бўлдилар.

Белгили, иш бунинг билан битмас эди. Зеро, замон бир юксалув замони, бугунги иш эртага эскиб, ишдан чиқиб қоладир. Унга (таъсир) ўтказмоқни истовчилар учун албатта янгиликнинг кетидан кетувдан бошқа чора йўқдир. Бу ҳол буларнинг-да эскиликни ёқловчи ўзгариши ва янгилик тегирмонининг орасида бўғулиб қолувлари аниқдир.

Энди замон билан бирга борув учун замонга қараб ишланган ишларни қабул қилувдан бошқа йўл йўқдир. Имло масаласида ҳам нақ шу ҳол борадир. Бугунги ёзилган нарса эртага кунга тўғри келмас экан, шул эрта учун чиқа олгон нарсанинг ёнига тўпланиб, у билан бирга борув керак бўладир.

Мана, энди иш шул ерга келиб етдими? Тўғридан-тўғри имлода бўлгон эскиликларни (нуқсонликларни) ва қийинликларни йўқ этиб, янги ҳақида уни қабул эттирув лозим келади. Бунинг учун энг биринчи чора имло масаласини янгидан юзага чиқариб, уни орага ташловдир. Бизнинг бу кунгача қўлланиб келмоқда бўлгон имломиз икки турда эди: бири чигатой имлоси ва иккинчиси эски имло. Бу имло (лар)дан «эски имло» (деб) атаган имломиз бурунги чоғлардан бери бўғунсиз, негизсиз ёзилиб келмоқда бўлгон бир имлодирким, бунинг билан бир нарсани очиқ англов жуда кийиндир. Чунки, бир сўзни бир неча турли ўқимоқ мумкин бўлгонлигидан киши қўб янглишади. Қулги бўлса-да, сўзлаб ўтаман: «йигирма олти» жумласин «игирма олти» ёзиб,.. арабча деб ўқиғонлари-да бордир. Демак, эски имлонинг бўлувсизлиги учун ташламоқдан бошқа чора қолмайди.

Энди чигатой имлоси аталган янги имлога келсак:

бу имлонинг эски имлодан айрилуви олти чўзгини қабул этув, сўзларни тагин ингичкаликка бўлиб, ёзув ва талаффуз олдида ишлатув биландир.

Хар ҳолда бу имло эски имлодан кўб юқори турсада, бунинг камчиликларин ва янглиш ерларин билан кўргач, унинг-да тузатилиб, йўлга солинмоғи лозимдир. Зеро, булар ҳам кўрсатилган бўйинча кетканда ҳам киши қийинчиликдан қутулмайди.

Бунда ҳам орага эскиликни сукиб, эскиликни сақлаган ўрунлар кўб учрайди. Жумладан, ҳарфлар тўғрисида энг олдин уларни иккига бўлиб, ёт туркий отида атайдилар. Ёт ҳарф деганлари арабча, форсча, русча сўзларда ишлатиладиган «ха», «айн», «алиф», «зод», «сод», «итки», «изғи», «со», «зол», «жи» ҳарфлари бўлиб, буларнинг меҳмон бўлгонликлари учун туркча ҳарфлардан юқори ўрун бериб, туркча учун келадиган калтакларнинг бошларида синмасликларин истайдилар, шунинг билан яна бир қийинликни ўртага ташлайдилар.

Қолгон йигирма тўрт ҳарфлар ўзимизники... бўлгонликлари учун уларни истаганча ёзмок бўладилар. Ҳолбуки, бу тутган йўл катталар учун қийин бўлгани каби, тубанда кўзда тутилгон ёш болалар учун жуда қийинлик қилади.

Гўё уларнинг ҳам туркча, арабча, форсча сўзларни айирадурган бўлмоқлари керак бўлади. Ўз тилини яхши англамаган ёш болалар учун бу йўлнинг қийин эканлиги ўз-ўзидан англашилиб туради. Шунинг учун тўғридан-тўғри ёт ҳарф деган шул тўққиз ҳарфларни бутунлай орадан чиқариб, қутилишга ҳам туркча кийим кийинтирув ва уларга туркча жадат (қилиқ)ларни тушунтирув керакдир. Бу чоқда бизнинг имлодаги йўл бир даража қулайлашган бўлади.

Энди чўзги масаласи. Бу масала янгичилар билан эскичилар орасида тортишган «хамза», «алиф» масалаларидан ҳам керак бўлгонлиги учун бу нуктада ҳар бир кимсанинг узоқ ўйлаб, ишга киришуви керак бўлади. Бундан бир неча йил бурун шул имло тўғрисида бир неча топқир тортишган Татаристон имлочилари бу кунда етти чўзгини қабул этиб, шунинг билан ёзмокдалар.

Етти чўзги деган нарсамиз: «у», «қ», «а» («айн»), «а» («алиф»), «и», «й» — «ёй» чўзғилари бўлиб,

булардан «алиф» қалин-йўғон ўтру, «у» ингичка ўтру аталади, буларнинг ҳар бирларининг ишлари бир ҳарфнинг сўнгига келиб, уни олға чўзмокдир. *Қўл, пул* сўзлари каби.

Иккинчи уст чўзғилар бўлиб, булардан «а» («алиф») бир ҳарфни устига, қисқа «э», «о» чўзғиси эса йўғон чўзғидир. Шунинг учун буларни «уст чўзғилари» деб юритиладир. *Бор, кел* каби.

Учинчи ост чўзғилар бўлиб, булар ҳарфнинг остига қараб, чўзилганига сабаб бўлгонликлари учун «ост чўзғилари» деб аталадурлар. Бирок ост чўзғилар ҳарфларнинг чўзилувдаги товишларига қараб учга бўлинадирлар: йўғон ост чўзғи «э», ингичка «и», қисқа ост чўзғи «й-е»: *кел, ёзди, оийла* каби. Мана шу етти турли чўзғиларнинг (қисқа ост чўзғисидан бўлаги) «Чиғатой гурунги» томонидан қабул этилгон бўлиб, ҳозирда ҳам шул ост чўзғи билан келмоқдадирлар. Қисқа чўзғини қабул қилув-қилмаслик иши айрим бир масала бўлганидан бу шундай ҳолда қолиб турадир.

Чиғатой имлосида Ички Русия имлосидан айримча бир йўл бўлса, у ҳам уларнинг исталганча ёзиб, буларнинг эса бир фикр (қоида) остига кириб ёзилувидир.

Бу тўғрида «Чиғатой гурунги»нинг тузган қоидаси жуда ўрунли топиладир. Зеро, ҳар бир иш учун бир йўл биринчиси бўлур-са, тегишлидир. Бирок, шунисида борким, бу ердаги тузилган имло қоидаси ёлғуз туркча сўзлар учун бўлиб, арабча, форсча сўзлар мундан ташқари этилмишдир. Яхшиси, бу қоидани-да ялпи — умумий қилмоқ керак эди. Чунки болалар шул қоидани ўргангач, албатта, шул йўлда ёза бошладилар. Бу вақт уларнинг қаршиларига қандай сўзлар келса, келсин «танимаганни сийламас» деб, бир турли муомала қилмоқлари аниқдир. Бу ҳолни кўзда тутгач, шул қоидани қандок ўрнаштирув учун тўғридан-тўғри уни ёт сўзларга ҳам юритув керак бўладир. Йўқса, туркча учун тузилган қоидани-да бузиб ва татарлар каби эшитилғонича ёзувдан ўзга чора қолмайдир. Иш шу ерга келиб етгач, мен яна илгариги ўз фикримга қайтиб, «ёт сўзлар туркча ҳарфлар билан ёзилсун» деганим каби, ёт сўзлар-да туркча учун тузилган қоида остига киргизилсун, дейман. Зеро, бир тилнинг талануви ва ўзига бўйинсундириб, уларни-да ўз йўлига юргазмоқ билан бошланадир. Бундан бир неча юз йил бурун

ёзилиб қолдирилгон одат қоидалари бу кунгача бизнинг орамизда рўл ўйнаб келгон экан, мундан сўнг бизнинг қоида ҳам бошқаларнинг орасида рўл ўйнасин, негаким, бу замон эзилганларнинг замонидир.

«Иштирокиюн», 1920, 18 ва 19 сентябр 192 ва 193-сонларида босилгон ушбу мақоланинг давоми мазкур газетанинг шу йил 7 октабр 206-сонида чоп этилгон. Уни ўқинг.

Бундан бурун ёзган бир мақоламда ёзилиб келмоқда бўлгон эски имло билан янги имло орасида бўлгон айирмани кўрсатиб ўтгач, янги имло-да ҳали тездан йўлга қўйилатургон бир нарса эмас эканлигин ва тузатилатургон ўрунларининг борлигини ўқуғувчиларга англа-тиб ўткан эдим.

Мана шул имлода бўлгон камчиликларни тузатмоқ армони билан бўлса керак, «Иштирокиюн» газетасининг 198-сонида «Элчи» ўртоқнинг «Имло масаласи» деган бир мақоласи кўрилиб, ўша ўртоқнинг томонидан ёзилган бу мақола ҳарна қадар ўз бошли ва ўша тегишли бир йўлда ёзилган бўлса-да, қайси бир ўрунларда менинг имло тўғрисида ёзган мақоламга-да тегишли ўрунлари кўб кўриладир. Шунинг билан бирга ул мақолада ёзилган қайси бир фикрларимнинг тўғри эмаслиги англа-тиладир.

Мен ўртоқнинг кўча бошида кишилар орасида сўзлаб юрмасдан, газета бетиға чиқиб, керакли бир масала тўғрисида тортишувига кўнглимдан севинганимни билдирсам-да, ўртоқнинг ёзган нарсасининг қайси бир ўрунларига қарши ўз фикримнинг кучли далиллари билан ёзмасдан ўтолмайман.

Тилчи ўртоқнинг ёзган ёзувида менга қарши юри-тилгон фикрининг бири, ёт сўзлар ўзгача негиз (қоида) остида ёзилмасдан, эшитилгонича ёзилсун деган фикридир. Бу фикрни мен ҳам сўзлаб ўтканим билан бирга тоқ сўзлардан бурун имло учун тузилган негизни-да англа-тган эдим. Ҳамда ёт сўзларни кўзда тутган чоқда тўғридан-тўғри имло негизин орадан кўтариб, эшитилгонича ёзмокни-да бир йўсин юри-тиладир. Бу йўсин бўйинча ёзган чоқда ҳар бир ингичка сўзда ингичка уст чўзғи («айн») билан ҳарфлардан «к», «г» нигина қўймоққа тўғри келиб, йўгон сўзларда эса уст чўзғигина қалини (йўғони) билан «қ», «х», «ғ» ҳарф-лари қўймоқ ўрунли топиладир. Мана шул тўғридан

тилимизнинг орасига кирган ёт сўзларни шул негизга киритиб ёзмоқ керакдир. Янада бизнинг бу негиз ва бу йўсинимиз тугул турк-ўзбек тили учун тузилмиш бўлгонликдан чет сўзларнинг ўрнига ўз сўзимиз топилгон чокдагина уни ёзсак тўғри келадир.

Ўз сўзимиз тургон чокда, «Элчи» ўртоқнинг кўрсатганидек, «ёзоқлар» (мактублар) ўрнига «макотиб», «ёзғич» (қалам) ўрнига «қолом» ёхуд «қалом» деб кийналиб ўлтиришнинг, бизнингча, сира кераги йўқдир.

Биз ўзбек тилининг бойлигига ишонамиз, шунинг билан ўқутилгон сўзларни-да топмоққа тиришамиз. Топилгон сўзларимизни ўз негизига солиб ёзаверамиз. Қачонки, бир сўзнинг тури остида сақлаймиз, ўзимизники топилгач, уни орадан йўқотамиз. Бу иш ҳозирда қулай бўлмаса-да, тез пайтда қулай бўлмоғи аниқдир.

Уч-тўрттагина ёт сўзлар (билан) ўзбек тилининг уйин йиқитмоқ, ёхуд ёт сўзларни сийлаб, уни ўз ҳолида қолдирмоқ, яна айтаман, ярашмайди. Тутган йўсинимизга тескари бўлгон сўзларни бутунлай орадан чиқармоқ керак.

Бу иш жуда мумкин бўлмаган чокдагина уни қайси йўл билан бўлса ҳам негиз ва йўсин қаршисида бўйин эгдирмоқ тегишдир.

Энди биз қўрқмайлик. Мумкин бўлганича туркийча ёзганимиз каби, ёт сўзларни-да, чоқли ўлароқ ўз негизимиз остига олиб борайлик. Биз бу тўғридаги сийла-масликни (ҳурматсизликни), бошқаларни қўяй, арабларнинг ўзларидан ўргангандик, улар: ўз тилларида бўлмаган ҳарфларни ўз ҳарфлари билан ёзганлари каби (г ўрнида ж, ч ерида с, генерал — женерал, чин — син каби), таъриф остига бир нарса киритиб, чет сўзларни бузмоққа-да, қурол ясадилар ҳам шунга қулайлик билан эришдилар. Бу йўл аллақанча ёт сўзлар бутунлай араб кийими, араб қолибида ёзиладирган бўлиб, ўз ўнитларини (шаклларини) йўқотдилар: *география* ерида **жўгрофия** ёзгани каби. Шунинг учун мен «Элчи» ўртоқнинг фикрига қарши ўз фикримни кучлаб, яна айтаман, тузган негизимиз улар учун бузилмайди ва уларни сийлаб ўз ҳолича қолдира олмайди, балким тез кунда шулар орадан чиқарилади.

1920

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ОНА ТИЛИ

(Қозоқ қардошларимиздан шоир ва адиб М.Жумабоевнинг «Бошланғич мактабда она тили» отли китобидан мафҳуман таржима этилди. Мисоллар ва қайси бир жумлалар, ўзбек шевасининг истагича, бутунлай бошқа бир тусга солинди).

БИР-ИККИ СЎЗ

Ушбу «Бошланғич мактабда она тили» китобин ёзишдан, бизнинг озми-қўпми бир тилагимиз бор. Ул ҳам бўлса, бошланғич мактабларда она тили дарси ўқитғувчиларга қўлимиздан келганича кўмак бермакдир.

Белгилидирким, бу кун мактабларимизда оз бўлса-да, она тили тўғрисида ёзилган китобларимиз бордир. Бирок, бу китоблардан тўғридан-тўғри, воситасиз фойдаланмоқ оғирдир.

Зеро, ҳар бир ўқитғувчининг қўлига тушган асардан бирдангина текширмасдан ўқутиш ёхуд уни болаларнинг қўлларигагина бериб қўйиб, ўзининг кўнгли тинчиб вазифасин адо этган каби бўлиш, қўб янглиш бир ишдир.

Ёлғиз китобдан ўқутиш билан масала ҳал бўлмайди. Балким, ул китобдаги ёзилган нарсаларни жонлантириб, англата билиш ва ўқутган нарсаларини амалга ошириш керакдир. Албатта, бу иш учун ўқитғувчиларнинг оз бўлса-да, мана шул китоблар каби ўқутиш йўлларин кўрсататурғон бир асарни кўздан кечиришлари тегишдир.

Шул тилакни кўзда тутиб қозоқ-қирғиз мактаблари учун ёзилиб, улар томонидан бошланғич мактабларда қабул этилғон ушбу асарни, билим кенгаши педагогика комиссиясининг ўзбек мактабларида ҳам қўлланишини лойиқ топиб, менга топшириши ила мен бу вазифани бажардим.

1923 йилнинг сентябри.

МАКТАБИМИЗ

Бизнинг бошланғич мактабимиз бўйи ўсувда, суяги қотмаган ёш мактабдир. Бошланғич мактабимизнинг эски алифбо мактабидан янги мактаб ҳолиға кўчканига ҳали йигирма йил ҳам бўлгани йўқ ва бу тузуккина оёққа босмаган мактаб учун тўғри ва кенг йўл ҳам солингани йўқ. Шунинг учун бизга, агар қўлимиздан келса, «болани бошидан» дегандай, ёш мактабимизни бошидан (мукамал) тузиш, тузук йўлга солиб юбориш қийин бўлмаслиги тегишдир.

Хар бир элнинг янги туққон мактаби бошланғич даврида тўлуқ маъноси билан билимнинг турли бутқларидан билим бературғон мактаб бўлмай, ёлғуз ёзув танитиш мактабигина бўладир. Янги кўзи очилғон эл эса олди билан ёзув танишка имтиладир, бизнинг ёш мактабимиз ҳам ушбу кунгача ёлғуз ёзув танитиш мактаби бўлиб келди.

Ўқитғувчиларимизнинг сўнғги 5—10 йил ичидаги бературғон дарслари ҳам кўпроқ «Адиби аввал», «Совға» ва шунга ўхшаш китоблардан бўлиб, бунда ҳам билимнинг бошқа бутқлари бўлғон фанлар оз ўргатилди. Тўғриси, мактабимизнинг туб тилаги — савод чиқариш бўлди. Табиий бу, уётга санарлик нарса эмас, бу мактабимизнинг ёшлигидан келғон табиий бир йўл эди. Бирок эсаймайтурғон* ёш йўқ. Мактабимиз ҳам эсайиб, эсга кириб, бошланғич мактабнинг туб вазифаси ёлғуз ёзув танитиш эмас эканин, бирта-бирта бошқа билимларни киритиш керак эканин англаб, сўнғги даврларда жўғрофия, табиийёт, тарих, ҳисоб каби она тилидан бошқа билимлар ҳам мактабимиздан ўрун ола бошлаб эди. Шундайин янги эскириб келаётғон кезде, мактабимиз дунёнинг ўзгаришиға тўғри келди.

Ўзгариш мактабимизнинг олдига «иш» деган шиорни ташлади. Бундан сўнгра мактаб «иш мактаби» бўлсун деди. Янгигина оёқ босиб келаётғон мактабимиз, «иш» деган шиорни уқолмай шошиб колди. Билим беришнинг ўрниға болаларни курашга бер дегани қандай бўладир деб, «иш» сўзини ўзларича тушуниб қаради ва бўйинларига совуқ сув тўкулди. Эндигина оёққа

* Улғаймок, ўсмок.

босиб келаётгон мактабимиз қуврай, ўқитғувчиларимиз мактабдан турли силтов билан жилиб чиқиб кета бошлади.

Ўзгаришдан бериги 5—6 йил ичида мактабимизнинг қуврашининг бир сабаби ушбу ёш мактабимизнинг «иш» деган сўзни уқа олмай гангиганидан эди.

Чиндан-да, иш мактаби шунча хуркарлик ёт, шунча қочарлик зиёнли нарсами? Бу кунда бул сўроғни бериш ўрунсиздир, ўқуш-ўқутиш ишига айланишган одам бунга жавобни аллақачон олмоғи тегишдир. Бизнинг бул орада, айтатургон биргина сўзимиз, «иш мактаби» деган шоир мактаб билан турмушни кўшиш учун, бирин-бирига босқич (поя) қилиш учун солингандир. Мактаб билан турмуш бири Қофқоз ва бири Хитойда ётмасун.

Мактабда ўқиғон одам билимни кучоқлаб олиб, турмушга ёроқсиз бўлиб чиқмасун деган ўйдан (фикрдан) туғмишдир. Бола нимани билса-да, кўзи билан кўруб, кўли билан ушлаб мумкин бўлғонча ўзи ишлаб билсун, деган фикрдан чиққон. Очиғроқ айтганда, иш мактабимизнинг негизи ушбудир. Болани, одам мактабга, тўти бўл деб бермайдир. Сўзидан ишни айирмайтурғон иш олими бўлсун деб берадир. Шунинг учун иш мактабидан хуркиш, кўрқишнинг ҳеч бир қисилинчи йўқ. Ёш мактабимизни бошдан тузук йўлга соламиз десак, мактабимизни ушбу иш негизига (асосига) қуришимиз тегишдир.

Эндиги масала бу иш мактабиға қурилғон бошланғич мактабимизнинг неча йиллик бўлишидир. Ушбу сўроққа жавоб бериш керак.

Сўнгғи беш-олти йил ичида ҳукумат қоғозининг бетида бошланғич мактабнинг йил сони юз турли қўйилди, демак мумкиндир. Беш бўлди, тўрт бўлди, етти бўлди: ўзгара берди. Бироқ, ҳукуматнинг бул ўзгарта боришининг биртаси ҳам бизнинг қишлоқға чиққон йўқ. Бизнинг туғилғондаги тўрт йиллик мактабимиз ҳали ҳам тўрт йиллик. Мактабимизнинг бундай ўзгармаслиги бир турли англашилмов ва ё парвосизликдан туққон эмас, мактабимизнинг тарихидан, муаллимларимизнинг билим кучларининг чамасидан туққон эди. Қўб излаш сўнггида ҳукумат ҳам ушбу кунда айланиб тўрт йилликға қайтиб турибдир. Яъни ҳукуматнинг сўнгғи ёрлиқлари билан бошланғич мактаб тўрт йил-

лик бўладир. Шунинг учун биз ҳам мактабимизни тўрт йиллик бўладир деб билиб, мактабда болага берилатурғон билимни шул тўрт йилга чамаламоғимиз тегишдир.

ТЎРТ ЙИЛЛИҚ БОШЛАНГИЧ МАКТАБДА ОНА ТИЛИ

Биринчи йил

1. Боланинг тилин ўстариши ҳам малакалантириши.

Қўлдаги асарни қисинмай сўз билан ёруққа чиқариш, оғиздан ёдлаган шеър ва масалларни тузук, очик айтиб ўқуй олиш, қисқа бўлса-да, тузук сўзлаш.

Ўқушга кўникиш. Ўзи солғон суратларнинг остига отин ёза билиш.

Тахтадан, китобдан кўчириш.

Кун отларин ҳам барча болаларнинг отларин ёза билиш.

Ўқиган ҳангомаларин ҳам бошидан кечган воқеаларни муаллимнинг етакчи сўрашларининг кўмаги билан қайтадан оғзаки айтиб бера олиш. Эртақларни — хикояларни, ҳангома ва чўпчакларни тўла айта олиш, яъни тасвир қила олиш.

2. Тилни текшириши ҳам имло.

Жумлаларни сўзларга, сўзларни бўғунларга (хижо-ларга) ҳам товишлиқларга айириш.

Товишлиқ ва чўзғилар ҳам уларнинг айирмаси. Бунга кичкина-кичкина кўрсаткич мисоллар ҳам жумла сўнгида қўйилатурғон нуқта.

Иккинчи йил

1. Тилни ўстариши ҳам малакалантириши.

Эшитғони ё кўргани тўғрисида тўлароқ хикоя ва ҳангома қилиб айтиш. Эшитғон, кўрган, ўқиғон воқеани тўлайтиб ва жонлантириб айтиш.

Биров билан тузук ва тўла сўзлаша билиш.

Сурат бўйинча воқеани сўзлаб бериш.

Бир белгили ҳангомага ўхшаш иккинчи ҳангомани фикридан чиқариб айта билиш. Ҳангоманинг бир бўлагин олиб ташлаб айта олиш.

Тайёр хикояга ўз ёнидан ортдириб айта олиш. Ки-

тобдан ва қўлёмздан яхши ва қисқа мақолларни кўчириш.

Ёзув ёза билиш, кундалик калиндар тузиш. Ўқушга усталаниш.

2. Тилни текшириш ҳам имло.

Сўзларнинг турларига қараб бўлуниши.

Туб, ясама, қўшма сўзлар ҳам қўшимчалар.

Жўнроқ тугалгичлар тўғрисида ялпи режа.

Узук ҳарфлар. Қўшма сўзларнинг ёзилиши. Ясалма сўзларнинг жўрноқлари (намуналари). Уларнинг ўзгариши ҳам ёзилиши каби.

Учинчи йил

1. Тилни ўстарттиш ҳам малакаланттириш.

Бошидан кечган воқеалар бўйинча фикрдан ҳикоя чиқариб тажриба ясан.

Болалар йиғилишида (мажлисида) фикрни далиллаб тўла қилиб сўзлай билиш.

Бошдаги бир фикрни тартиби билан тўла қилиб чиқара олиш.

Бир асарнинг тилининг руҳин йўқотмай сақлаш. Адабиёт асарига чамасинча турли ёқдан баҳо бера билиш.

Кундалик калиндарни туза бориш.

Болаларнинг ўз асарларидан албўм тузиш, жўрнол чиқариш, йиғилишлар, экскурсия (фанний саёҳат)лар каби воқеалардан оғиз ҳам ёзма ҳисоб бера билиш.

2. Тилни текшириш ҳам имло.

Жумланинг тўққуз муча (аъзо)сидан ясолғон сўзлар: зоти, исм, сони исм, исмлик каби турли жумлаларни текшириб буларни айтиш.

Отолғич сўзлар: иш, олмош, қўшимча сўзларнинг туғуши, ўзгариши ҳам ёзилиши тўғрисида сўраш ҳам сўроғ, хитоб белгилари ҳам тескари ўтру ва нуқталар тўғрисида маълумот.

Тўртинчи йил

1. Тилни ўстарттиш ҳам малакаланттириш.

Белгили бир фикрнинг режаси билан тўла, тузук сўзлаш ҳам ёзиш.

Адабиёт асарларин ўлчовли, ўлчовсиз, сурат, жой, ҳикояларига қараб сайлай билиш. Адабиёт асарлари-

дан олинатургон гўзал сезги бератургонларин дикломатсия билан айтиш. Ўқуғонларин тасвир этиш. Адабиёт асарин жонлантира олиш.

Оғиз ҳам ёзма баённома ҳам гал билан чиқиб йиғилишларда сўз сўзлаш. Жўрнолларни яхши англаб ўқуш.

Испиктоклга оралашиш. Мактабнинг ўқуш уйин (кироатхонасин) бошқаришга кўмак қилиш.

2. Тилни текшириш ҳам имло.

Жумла мучаларин текширишни юксалтиш (ўзбекча ўқушнинг 3-бўлаги бўйинча), сўзларнинг бир-бирига боғланишин ҳам, жумлаларнинг ҳам турларин айира оларлиқ наҳвдан билим бериш.

Тинишларни текис билдириш.

ОНА ТИЛИНИНГ МАКТАБДАГИ ЎРНИ

Бир элнинг мактабин тиргизатирган нарса у элнинг она тилисидир. Тили бўлак эл тури бўлак мактаб излайдир. Бир элнинг мактаби ўшал элнинг ўз тилининг негизига қурилгон бўлмоғи тегишдир. Эл тили эл мактабига она бўлмоғи тегишдир. Чиндан, у шундай бўладир. Бирок, бир элнинг тарихида турли сабаблар билан эл мактаби бир даврларда онасидан айрилиб етим бўлиб қолиши мумкиндир.

Шундай давр биз — ўзбекларнинг мактабининг бошидан-да кечди, тўғриси, энди кечиб турибдир.

Кечани кунги мактабимиз, араб ва форсларнинг хижжа (хижо)лаб ўқутатургон «**Хафтияк**» ва «**Чор китоб**» каби болаларга, англайиши ҳам ўқулиши ёт ва қийин бўлгон ҳамда ёзув ёздирганда арабий, форсий қотиш мадраса тили билан «дуойи салом», «биллонихоя» деб ёзишга ўргататургон мактабимиз, шул онасидан — миллат тилидан айрилган етим мактаб эди. Ул кунларда тошюрак бўлгон етимга ўзини тукқон онаси ёт кўринар эди.

Ушбу етимлик мактабимизнинг бошидан ҳали ҳам аниқ-очик кетгани йўқ. Она билан бола кўкни, ерни гуркиратиб ҳали топишгани йўқ. Тузук, сўнгги 5–10 йил орасида қувғунди юрган она тили қайтиб, унга ўрун берилгондак бўлди. «**Адиби аввал**», «**Совға**», «**Адиби соний**» ва «**Ўзбекча ўқушлар**» каби ўзбек тилида китоблар чиқди. Курсларда эл муаллимлари

тайёрланди. Болалар «Алифбо»нинг ўрнига «Алифбе» ўқуйтурғон, араб, форсийнинг сўзларин тутиб ёдлашнинг ўрнига ўз эли тилидаги масал, шеър, ҳикоя, мақол ҳам сўзларни ўқуйтурғон ва ёдлайтурғон бўлди. «Дуойи салом» деб ёзишнинг ўрнига «Севикли йўлдошим» деб ёзатурғон бўлди.

Мактабда она тилига берилғон бу ўрунлар, албатта, баҳоли ўрунлардир. Бироқ, она тили, мактабнинг зол тўридан ҳали ўзига ўрун ололгани йўқ. Тўғриси, мактабимизда она тили ҳали тузук негизга қурилғони йўқ. Ушбу кунги бола она тилига ўзининг тили эмас, муаллимнинг тили деб қарайдир. Тилнинг режаларин бола ўзи сўзлаб юрган тилнинг режалари деб эмас, «Ўзбекча ўқуш»нинг режалари деб тушунадир. Ишнинг бундай бўлуши кўб сабабларининг энг тублиси ўзларининг билими оз ёш муаллимларимиз қўлида ўқутиш йўлин кўрсаткан бир китоб, тўғриси бир мақоланинг бўлмаслигидир.

Бизнинг мана шу китобчамиз шул йўлда бир кичкина тажрибадир. Энг олдин она тилининг мактабдаги ўрнига келайлук.

МАКТАБДА ОНА ТИЛИНИ ОЛИБ БОРИШ

Бошланғич мактабнинг вазифаси болани атрофидаги (теграсидаги) дунё билан, яъни яратилиш — табиат билан, эл билан ҳам одам болаларининг эмгак (меҳнат) турлари билан таништиришдир. Таништириганда, яқиндан олисга (узоққа), танишдан ётга (танилмаган нарсага) кўчуб, бирта-бирта босқичлаб кенгайтиб таништириш. Мисол: *уй, мактаб, қишлоқ, бўлис, уез, губирна, бутун ўзбек ери*. Бошланғич мактабда бола яратилиш — табиат ҳам болаларнинг турмуши билан танишадир. Булар билан таништиргувчи, кўпинча ёлғуз муаллимнинг ўзи бўладир. Яъни ҳисобдан бошқа барча билим она тили сабоқларида бериладир. Айниқса, бошдаги бир-икки йилда шундай бўладир. Мунинг сабаби, яъни билимнинг турли бутоғин болаға тутқуза билдириш мумкин бўлмай — боланинг оғзида сўз оз, кўнглида сурат оз бўлғонликдан бошдаги йиллар боланинг кўнглига суратни кўб солиш учун, унинг оғзига сўз кўб солинадир, ҳам бунинг тескарисича оғзидаги сўзни бойитиш учун кўнглига сурат кўб қуйиладир.

Яъни билимнинг барчаси она тили орқали бериладир. Сабаби, оғзида сўз оз, миясида билими оз ёш болаға яратилиш ҳам одам боласининг турмуши тўғрисида билим беришга она тилидан бошқа қуроллар — мисоли: *ҳисоб, сурат солиш, чолғу-музика* кабилар она тилидан-да тузук қурол бўла олмайди.

Ёлғиз булар орқали олинган билим қаттиқ тубли билим бўлмайди. Мисоли, болаға бир ишга рағбат этиш одатин сингдириш учун ёлғуз бир тотли куй тинглатиш етмайди, балки этдан ўтуб суюкка етатурғон ва рағбатни ҳосил эттиратурғон бир сўз керакди. Яъни она тили керакди. Шунинг учун мактабдаги она тили — борлиқ билимнинг негизи ҳам босқичидир.

Энди мактабда она тилин қандай олиб бориш масаласига келайлук. Она тили ўқутиш деган сўзни болаға ёзув танитиш дебгина тушуниш янглишди. Мактабнинг вазифаси бир ёқдан ёзув танитиш бўлса, иккинчи ёқдан болани дуруст сўзлашга ўргатишди. Тузук, бола мактабга келмасиданоқ сўзлай олатурғон бўлади: бироқ ул сўзлаган билан шул сўзнинг маъносин тўғри, аниқ билмайди ҳам ўйин-фикрин тузук ва чиройли қилиб сўз билан ёруққа (дунёга) чиқара олмайди. Яна тузук сўзлаб ўрганган билан ҳам ёзув таниган билан бола тузук ёза олмайди. Тузук ёзишга ўргататурғон нарса ёлғуз мактабди. Бул ишлар билангина муаллимнинг мактаб боласи олдидаги вазифалари текис ўталмайди.

Улуғ бир вазифа — болаға тузук тарбия бериш учун уни гўзал адабиёт билан таништириш ҳам болани тушуниб, ўқуб ўқушга ўргатиш керакди.

Ушбу айтилгонларни бажарганда тўрт синфлик бошланғич мактабда она тилининг ўқутиш тартиби мана шундай бўлади:

1. Ўқуш, ёзишга ўргатиш.
2. Имлоға малакалантириш.
3. Оғиз ҳам ёзма сўзни юксалтиш.
4. Боланинг англашиға лойиқ оғиз ҳам ёзма адабиёт турлари билан таништириш.
5. Англаб ўқушга одатлантириш.

Ўқуш, ёзишга товиш йўли билан ўргатилади. Ёзув танитишнинг турли йўлларининг ичинда товиш йўлидан ўткур ҳам негизли йўл йўқди. Шокиржон Раҳимийнинг «Алифбе»си ушбу товиш йўли билан тузулгандир.

Ўқитувчилар шул «Ўзбек алифбеси» ва «Совға» китобларини йўлбошчи қилсунлар. Яна ўқумоқ керак. Зотида «Алифбе»ни боланинг қўлига бериб қўйиб, шундан четка чикмайман деб юруш янглишдир. Сўз офизда, товиш офизда. Ундай бўлса бола китобга боғланмасун.

II

Имлоға малака ҳосил этдириш

1. Болани имло бўйинча тузук ёзишға малакалантириш керак. Бунинг учун қоғозға ёзилатурғон жумланинг ичиндаги тумонли сўзларни бошлаб жуда тузук ёздириб малакалантириш керак.

2. Болани янглиштиратурғон сабаблардан муаллимнинг ўзи қочиши керак. Яъни муаллим сўзни тумонли айтиб, шогирдни янглиштирмасун. Яна шогирднинг имлосидаги янглишни тузатмай ташламасун. Янглиш сўзнинг остива қалам чизиб кетишдан фойда йўқ. Яна боланинг ўқуйтурғон, кўчиратурғон китобларин тузук имлоси бўлсун.

III

Оғзи ҳам ёзма сўзни ўстартиш йўллари

Муаллим боланинг офиз ҳам ёзма сўзин ўстартайин деса, олди билан ёнидаги асарларин ё офиз билан ё ёзиш билан чиқаришға боланинг ҳавасини ўйғотсун.

Болада шундай ҳавас уйғонганда, муаллим уни офизга қоқмай ё офиз билан, ёхуд ёзиш билан сўзлатсун. Шундай сўзлаганда эҳтиёт билан сўзнинг маънога тўғри бўлушиға, гўзаллигига ҳам сарф, наҳв ёғидан тузук бўлушиға малака ҳосил этдирсун. Фикрнинг қанча турлисини сўз билан чиқаришнинг мумкин эканлиги болаға жуда чуқур тушунтирилсун ва ўқидрилсун.

Кўнглидаги фикрни, таъсирни ёруққа чиқармоқ ҳавасини бола ё яратилишдан оладир, ё қаршисидаги одамларнинг турмушидан оладир, ё санъатдан оладир. Энди шуларнинг ҳар қайсисин айрим қарайлук.

Яратилиш. Ҳар бола бир ерга қамалмай, эркин

яратилишнинг кучоғида бўлсун. Қизик, чиройли, ёт ерларга фанний саёҳат учун атайин олиб борилсун, фанний саёҳатга куп-қурук, ёб-ёдоғ тартибсиз равишда олиб борилмасдан, кун бурун тайинланган бир пилон бўйинча борилсун. Белгили нарсаларни ёхуд кўри-нишларни текшириш учун, мисоли: *кўкнинг тусин, бу-лутларнинг турин (хилин), қумурсқанинг уясин, қуш-ларнинг учушин, япроқ, гулларнинг тури, тусларин текшириш* каби. Мундай текшириш вақтларида олгон таъсирларин сўз билан ёруққа чиқаришга имтилиш ҳам боланинг оғзига тўғри, чуқур, гўзал сўзларнинг тушуши аниқ бир нарсадир.

Болаларга турли овқатнинг (қимиз, нон, қатик, эт) қандай ясалатурғонлигин, турли кийимнинг қандай тикила-турғонлигин текшириб ўргатиш керак. Яна, пўчта, телег-ром, касалхона каби эл маҳкамаларин, мумкин бўлгон-да яқин ердаги чорва, экинчилик турмушин, йиғилиш, сайлов... каби эл турмушининг турларин текширтиш керак. Мундай фанний саёҳат сабоқлари боланинг кўнглидаги тасвирни кучайтириб, янглиш ўрнашган таъсир ва тасвирларни йўқ қилиб оғзига сўз соладир.

Санъат. Бола бошлаб санъатдан яхши таъсир ол-сун: куй, ун тингласун. Гўзал — чиройли картиналар-ни қарасун, театр сахнаси билан таниш бўлсун, ада-биёт турларин тингласун. Шундай яланғоч таъсир олиб малака ҳосил этгандан сўнг муаллиф фалсафа кўшмай юмшоқ соддача ҳангома билан болаларнинг олгон яланғоч таъсирларин аниқ уқурсун. Ўқуса шул яланғоч таъсирларин кийинтириш учун бола чиройли сўзни ўзиёқ излайдир. Яна театр сахнасида яхши тек-шириб кўрган таъсирларин болалар ўзлариёқ ўйлаб, ҳатто ўзлари-ўзларича сахна таъсирларин ўйлаб чиқа-ришлари мумкин.

Мактаб. Юқорида саналганлардан бошқа, бола-ларга кўб таъсир бературғон нарса мактабнинг ўзидир. Она тили учун таъсир бериш ёғидан мактабни қурол қилгонда, муаллим икки нарсага эътибор қилсун:

1. Болаларнинг ўйини.

2. Болаларнинг йиғилишлари.

Ўйин. Болаларнинг танаси кўзғолмай тинч турол-майдир. Шунинг учун бола ўйнамай турмайдир. Ўйна-ганда боланинг хаёли ўткур бўладир, ҳам ўйин вақтида бола турли таъсирларни бутунлай очиқ оладир. Шунинг

учун, боланинг тилин ўстартиш учун унинг ўйини билан фойдаланиш керак. Бирига бири ўйиннинг маънисин айтганда, шартларин уктирфонда болалар қисқа, тўғри, қаттиқ, очиқ сўзлайдир. От бўлиб ўйнаш, беркинмачак ўйнаш, қўғирчоқ каби ўйинлар болаларнинг хаёлин ўткур қилиб, ўзларига уқумли ҳангома, ҳикоя айтдирадир.

Қисқаси, ўйин боланинг кўнглига янгидан сурат солиб, бор суратларни очиқ қилиб, боланинг она тилин ўстартадир. Бироқ ўйинда боланинг тили тузук кўркамланиш учун, тили тесқари, янглиш йўл билан кетмаслиги учун ўйинда муаллим болалар билан бирга бўлиши шартдир. Бирга бўлғонда, муаллим уларнинг ишига монёъ бўлғувчи бир ҳалфа бўлиш учун эмас, болаларнинг бир йўлдошигина бўлиб бирга ишлашиши тегишдир.

Болаларнинг йиғилиши. Мактаб жойида сўзлайтурғон болаларнинг йиғилиши уларнинг тилин ўстартишга энг яхши қуролдир. Мундай йиғилишлардан тузук фойдаланиш учун мана шул шартларни ўрунлатиш керак:

А. Йиғилишда қаралатурғон масалалар барча болаларни қизиқтиратурғон бўлсун.

Б. Йиғилишга қотишган болалар ўзларидан бошқаларнинг фикрларига қитиқланиб кетатурғон бўлмасун. Қулайсиз бир сўзи учун сўзлаган болани кулги қилиб одатланмасун.

Т. Йиғилишда ботир, чечан болаларгина сўзлаб, юввош болалар сўзсиз колмасун. Йиғилиш бошлиғи шунга эътибор қилсун.

Йиғилиш бошлиғига шундай оғир жавобли юк юклатилғонда, бўлак тубан синфларда муаллимнинг ўзи йиғилиш бошлиғи бўлиши керак. Бироқ муаллим йиғилишнинг тартибин сақлагани, бошқаргани бўлмаса, ҳожат бўлмаган тақдирда, қаралиб турғон масалага қотишмасун.

Аммо юқори синфларда эса йиғилишларга гали билан болаларнинг ўзлари бошлиқ бўлсун. Юввош болаларни муаллим кун бурун бошлиқликка тайёрласун.

Юқорида айтилғон нарсалар, яъни яратилишга, эл турмушига фанний саёҳатга чиқариш, санъатдан таъсир олдириш, болаларнинг ўйинлари ҳам йиғилишлар — буларнинг бари нуқул боланинг оғиз сўзин ўстартурғон нарсалардир. Оғиз сўзни ўстартиш юқориғи си-

нфларда қолмаган билан бутунлай бош синфларда ишлатилатурғон нарсадир. Бола ёзув билиб, оғиз тили тузук йўлга қўйила бошлаш билан бирга боланинг ёзув тилин яхшилашга киришиш керак. Боланинг ёзув тилин жўнлашка киришканда муаллим уларнинг ҳавасли бўлиб ишлашин кузатсун. Боланинг ёзув тили ўстартатурғон нарсалар:

А. Жумлачалар тузиш. Бул иш биринчи синфда ишланадир. Жумлачалар тузганда туб шарт жумлачаларни турмушдан олиб тузиш керак.

Мисол: «*қор ёғди*», «*қайнаган сув*», «*хом сув ичманглар*», «*эшикни ёпиб юринглар*», «*бу кун янги йил байрами*» каби. Мундай жумлачаларни бошлаб бутун синф тузиб, ундан сўнг гал билан ҳар бола ёзиб, мактабнинг ҳар ерига илиб қўядир.

Б. Кундалик — калиндар, текширилатурғон нарса ёхуд кўруниш тўғрисида бул ишни биринчи, иккинчи синфларда ишланадир.

Яъни, синфнинг бир қобирғасига ёпиштирилғон узун оқ қоғозга бутун синф жуда бўлмағон йилига тўрт ойда ўзларининг текширган нарсаларин ёзиб борадир: *куз кун* (сентябрда), *қиш кун* (январда), *ёз бошида* (апрелда) ҳам майда.

Ишнинг тартиби бундайдир:

1. Бола қоғозга йил, ой, сон, кунни ёзиб текширган вақтидаги яратилишни, мактаб турмушининг ёхуд одамзод турмушининг бир турлисин сурат қилиб соладир;

2. Суратнинг остига болалар шул текширган кунда бўлғон воқеани ёзадир. Мисол: «*ёғмур ёғди*», «*сувга тушдик*», «*от миниб ўйнадик*» дегандаги каби;

3. Шул кунни олғон таъсирларга лойиқ ёддан ё китобдан кўчуруб қиска бир шеър, мақол, жумбоқ ёзиб қўйиш керак. Ойнинг адоғида ёзилиб бўлғон қоғозлар бир дафтар бўлиб тўпланиб, сиртига шул ойга лойиқ сурат солинадир ёхуд шеър ёзиладир.

Юқориғи 3—4-синфларда бул кундалик — калиндар иши шундай юритила берадир. Бироқ мундай ўзгаришлар бўлиши тегишдир:

1. Яратилишнинг ялпи картиналарининг алмашувин (қишнинг баҳорга, баҳорнинг ёзга, ёзнинг кузга, кузнинг қишга алмашувин, куннинг очикдан ёгинга айланиши каби) текширилиб, бирта-бирта қоғозга тушира бориш;

2. Молнинг ҳам бошқа жониворлар умрининг, турмушининг ўзгаришин;

3. Ишининг яъни, турмушининг ўзгаришин текшириб қоғозга тушира бориш каби.

Г. Текширишдан ҳисоб бериш. Учинчи йилдан бошлаб бола ҳар бир текширган нарсасидан ёзма ҳисоб бериб ўргансун. Учинчи йилнинг ўртасидан тўлиқ ҳисоб берсун. Мисоли: синфга бир бола бир тошбақа олиб келадир. Болалар уни бир идишга солиб қўядир. Олди билан энди туткуннинг (тошбақанинг) еятурғон томоғи нима эканин билиш керак. Шунини билиш учун турли овқат олиб келиб қарайдир. Шундан сўнг тошбақанинг одатларин текширадир — қай вақтда ухлайдир, қандай вақтни яхши кўрар экан... деган каби; ўшандай текширишларнинг барчаси айрим қоғозга ёзила борадир. Тегишли вақт ўткандан сўнг, синфнинг барча боласи текшириш ҳисоби ёзилган дафтарни қараб, янглишин тузатадир. Шундан сўнг синф тугали билан тошбақанинг жойин ёзадир.

Ушбу йўл билан бир ўсимликни-да текшириб, унинг жойидан тўла ҳисоб бериладир. Яна ҳар бир сабоқдан сўнг, бошлаб ҳар бола шул сабоқда нима ишланганидан, кекирак (ушбу калима Махмуд Кошғарий ва Алишер Навоий асарларида «кекирмак» тарзида, яъни «ўтказмоқ» маъносида қўлланган. Фикримизча, унинг «ўтадиган, ўтказиладиган» маъносини англатувчи бир варианты. — *Муҳаррир.*) гал билан қўйилғон бола, шул сабоқда нима ишланганидан тўла ҳисоб ёза борадир.

Мундай ҳисобларга қўб буюм бературғон фанний саёхатлардир. Синф тугали* билан белгили мазгилларда ишланганидан тўла ҳисоб берадир. Мисоли: *қиши бўйи, куз бўйи, кўклам бўйи ёхуд ҳар ойда, бўлмас юқориги синф болаларига ҳисобни бўлиб бергиши бўладир (мумкиндир).* Мисоли: *бир тўпи ҳисобдан нима ишланганидан ҳисоб берадир, бир тўпи фанний саёхатдан ҳисоб берадир, бир тўпи болалар сабоққа келмай қолиб юрадими, шундан ҳисоб берадир.*

Шундайин ишларидан ёзиб, ҳисоб беришга ўргана борса, тўртинчи синфда болаларнинг, йиғилишининг ишларин ҳисоб беришга, қарорларин ёзишга ҳам чама-си келатурғон бўладир.

* Бутунлай, мустақил, тўлалик.

Юқорида «А», «Б», «Т» ҳарфлари билан кўрсатилган йўлларни ўрунлатиш учун ушбу нарсаларни эсда тутиш керак:

1. Болани нима нарса билан ҳам айлантирсак-да, бола шул ишига ҳавасли бўлсун, қизиқ кўрсун, керакли бир нарса ишлаётиман деб билсун.

2. Бошланғич мактабда она тилини ўргататурғон нарса-да (шахс-да), ҳисоб билан таништиратурғон нарса-да, яратилиш тўғрисида билим бературғон нарса-да барчаси биртагина муаллим бўладир. Шунинг учун муаллим барча билимга она тилин негиз қила билсун. Бўлмаса, тили тузолмаган ўйини (фикрини) сўз билан уқтира билмайтурғон, сўз бўлиб ёруққа чиққон ўйини ука билмайтурғон болага ҳеч бир билим бериш мумкин эмасдир.

Ж. Эркин имло. Муаллим қисқа бир адабий асарни ўқуйдир. (Бошлабки вақтда 15–20 йўлдан ошмов керак). Иккинчи маротабада бўлумларга бўлиб ўқуйдир, ҳар бўлум тўла, очиқ маъноли бўлиш шарт билан. Муаллим бир бўлумни ўқуб бўлғон(дан) сўнг шул бўлумни болалар эсларида қандай қолса шундай ёзадир, бўлумни муаллим қайта-қайта ўқумайдир.

Мисоли: «Алифбе»нинг ичидаги «Бир қоп талқон» деган ҳикоячани аввал тугал ўқуб чиқади, ундан сўнг шул ҳикоячани икки бўлумга бўлиб биринчи бўлумин ўқуйдир: *«Бир подачи тушунда бир қоп талқон кўрубди, ундан олиб емакчи бўлғонда, қошиқ тополмаган».*

Болалар ушбу жумлаларнинг маъноси эсларида қандай қолса, шундай ёзадир. Ундан сўнг муаллим иккинчи бўлумин ўқуйдир: *«Эртаси кун ботишида ўзи билан бирга бир қошиқ олиб ётгон. Бироқ бу кеча бир қоп талқонни кўрмаган».*

Болалар яна эсларида қолғонини ёзиб борадир.

Эркин имлонинг фойдаси шул: мундай имлода шогирдлар эслаб қолғон сўзларинигина эсида ушлаб қолишга имтилмай, тўла бир суратни-картинани эсида ушлаб қолиб, шуни ўз сўзи билан ёзадир.

Шундай қилиб, бола бошқаларнинг сўзин, фикрин тез олиб, унинг унутилиб қолғон сўзининг ўрнига ўзи сўз кўшуб ёзиб боришга малакаланадир.

4. Кўчириш. Қисқа адабий асарларни тугал, мукамал ёхуд адабий асарларни гўзал ерларин сайлаб кўчуртиш керак. Кўчуртганда диққат этатурғон нарса,

бола кўчирган асарининг фарқига бормаи, қуруқкина ҳарф кетиға ҳарф тизиб, ёлғузгина ҳарф кўчуруб ўлтурмасун. Балким, фарқига бориб бутун жумлаларни кўчурсун. Бола кўчурушга киришмасидан бурун кўчуратурғон асарни ўқуб чиқсун. Ичида тушунилмаган сўзлар бўлса, муаллимдан сўрасун — ундан сўнг бир жумлани ўқусун ва кўчурсун. Гумони бўлганинигина ҳарфларин айрим қарасун.

Д. Сураат бўйинча нарса ёзиш. Сураат боланинг ўйин ҳам хаёлин уйғотади. Шунинг учун боланинг хаёлин ўтқур қилиш учун сураат билан фойдаланиш керак. Сураат бўйинча асар бундай ёздирилади:

Синфга бир ҳикояни сураатлаган бир неча турли сураат олиниб келинади. Бошлаб биринчи сураат кўрсатилади. Мисоли: бир сувнинг устиға солинган тахтанинг устида бир-бирига қарши икки эчки келаётган сураат.

Муаллим ўқуғувчилардан:

- *Мунда нима сураатланган?* — деб сўрайди.
- *Икки эчки.*
- *Улар қандай ерда келаёттибди?*
- *Сув устида.*
- *Сувдан қандай ўтади?*
- *Тахта билан.*

Болалар ушбу сўзларни ёзадир. Мундан сўнг иккинчи сураат кўрсатилади. Шул икки эчкининг сузушган сурати. Муаллим турли сўроғ билан болалардан тағин тегишли жавобни олади.

«Икки эчки, бирининг бирига йўл бергуси келмай сузиша бошлади».

Учинчи сураатда ҳар икки эчкининг сувға қулагани. Муаллим болалардан яна сўраб: *«Икки эчкининг иккиси ҳам сувға йиқилди»* деган жавобни олади. Бул жавобларнинг бари ёзила боради.

Шундай қилиб, ушбу жавоблардан бир кичиккина ҳикоя ёхуд бир ҳангома чиқади. Болалар ёзганларин йиғиб, ортигин олиб, камин тўлдуруб, шу ҳангома ё ҳикояга бир от қўйгандан сўнг, жавоблардан қурилган ҳангомадан сураат бўйинча ёзилган асар чиқади.

Шунга ўхшашни мундай ишлаш ҳам бўлади. Болаларга бир ҳангома ёхуд бир ҳикояча ўқулади. Шул ўқулган нарсанинг ҳар бир бўлумига лойиқлаб болалар бир сураат солиб боради. Шундай қилиб, сураат билан бир ҳикояни ўқумоқ ва уқтирмоқ мумкин бўлади.

Мундай иш болаларга ўқумлик ҳам қизиқли бўладир. Болалар шундай суратлар бўйинча асар ёзишга ҳам орзуланса, уларни бир сурат билан тўла бир асар ёздиришга ўргатса бўладир. Мисоли, болаларга бир сурат кўрсатиладир. Болалар уни текшириб қарайдир. Обдан қараб бўлгондан сўнг, муаллим болаларга «Ушбу суратдаги воқеанинг боши қандай бошлангон? Сўнги қандай битадир?» деган маънода сўроғлар бериб, улардан жавоб оладир. Шундай қилиб, бир сурат билан тўла ҳикоя, асар ёзишга ўргатиладир...

ЁЗУВ ЙЎЛЛАРИ

(Биринчи бўлак. Бошланғич мактабларнинг 2, 3, 4-бўлум ўқувчилари учун сабоқлик)

БИР-ИККИ СЎЗ

Элимизда шу кунгача «ёзув йўллари» йўқлигидан ёзувларимиз бир турли ёзилмасдаг, ҳар кимнинг ёзғичи истаган ёққа бурилиб, истаган йўл билан кеткан ва шул йўл орқасида бир неча турли йўлсиз ёзувлар юзага чиқиб қолгон эди. Бу йўлсиз ёзувларни бир тўғри йўлга солиб, бир негиздир йўсин остига олмоқ керакмиди.

Буни энг олдин қайғурган ва тушунган «Чифатой гурунги» мучалари бўлдилар. Булар йўлсиз қолгон ўзбек элининг ёзувин бир йўлга ва бир негиз остига қўймоқ тилаги билан энг биринчи бўларлик **«Билим йўллари»** (номи) остида бир китобча тарқатиб, элга янги ёзув йўлларини кўрсатдилар. Табиий, бунинг билан бизнинг ёзувимиз анчагина йўлга солинди. Эл болалари анчагина бундан фойдаландилар.

Бироқ 21-йил бошинда бўлгон тил-имло қурултойи сўнгида имломизга яна янгиликлар қўшулди. Шунинг билан «Билим йўллари»даги кўрсатилган негизларнинг бир ози ўнгарди. Бунинг устига «Билим йўллари» ёлғуз ўқувчилар учун йўл бошчилик этатургон бир китоб бўлгонликдан мактаб болалари учун сабоқлик этиб тузулган эди.

Шунинг учун мен ушбу қўлингиздоғи битикча (китобча)ни янги йўлда қурултой тўқтамига (қарорига) мослаб ёздим. Менинг-да бу ёзган битикчам ўргатиш йўллари (усули таълим)га тўғри келмайтургон ва кам-

чиликлар тўлган бўлса бўлар. Бироқ, мен бундай камчиликларга қарамадим. Қисқаси, қараб ўлтурмоқни уят деб билдим. Бу кун менинг ёзганимнинг иккинчи бир ўртоқ янгилаш йўлларин кўрсатар: мен шунинг кўрсатиш билан тузата борарман. Аммо битиксиз турғон чоғимизда бўлгон камчиликларни ҳеч ким тузатмас. Шунинг учун мен, ўқуб афсусланувчи ўртоқларнинг, айниқса, ўқитғувчи йўлдошларнинг битикда бўлгон камчиликларни кўрсатишларин умид этиб, бу битикни ёзишга ботирлиқ қилдим.

Табий, бу битик йўлбошчилик учун ёзилмашидир; болаларининг қўлларида тутиб ёзув, ёзув йўлларин ўрганмаклари учун **«Сабоқлик»** ўлароқ тайёрланмишидир.

Битикда бўлгон камчиликларни кўрсаткан ўртоқларга қуллуқ этиб, кўрсаткан йўлларининг тўғри бўлгонларин битикнинг иккинчи босмасида қўшармиз ва шунинг билан битикнинг тузалишига йўл очармиз.

1-САБОҚ

ТОВИШЛИҚЛАР (ҲАРФ)

1. Кишининг оғзиндан чиқиб ёзилгонда ўзинга тегишли афт (шакл) ва товишга эга бўлгон нарсага **товишлиқ** (ҳарф) деб айтилади: «қ», «ш», «т», «л» каби.

Товишлиқларнинг афт ва товишлари ёлғуз ўзларига тегишли бўлиб, биртасида бўлгон афт ва товиш иккинчисида бўлмайди. Юқорида кўрсатилган мисоллардағи каби.

Бизнинг ёзувимизда (ўзбек ёзувида) қўлланилатурғон товишларнинг сони 23 дир.

Улар: **а, б, п, т, ч, ж, х, д, з, р, с, ш, в, к, қ, г, нг, л, м, н, ф, х, й** товишлиқларидир.

Сўровлар:

- 1) «Товишлиқ» деб нимага айтилади?
- 2) Бизда товишлиқнинг сони қанча?

1. Тубандаги сўзларда неча товишлиқлар борлигин кўрсатинг: *қиш, тиш, тил, қир, бир, эл, чин, тим, лиқ, чит, сил, энг, нил, ким, тизгин, билгил, қилгил, Чирчиқ, қирғиз.*

ТОВИШЛИҚ ЧЎЗФИЛАРИ (ХАРФ ХАДЛАРИ)

2. «Қўл», «қол», «кел» деганимизда биринчи **«қўл»** сўзидаги «к» товишлиғининг илгарига чўзилганлигини, **«қол»** деганимизда «қ» товишлиғининг устига чўзилганлигини ҳамда «кел» деганимизда **«кел»** сўзидаги «к» товишлиғининг остига чўзилгонлигини кўрамиз. Мана шундайин товишлиқларнинг ўз айтилишидаги товишлиқларидан ортиқроқ товиш бератиришига сабаб бўлгон товишлиқларга: **«товишлиқ чўзгиси»** ёхуд ёлғузча **«чўзги»** деб айтиладилар.

Чўзғиларнинг ёзилишида ўзларига тегишли афтлари бўлса-да, ўқилишда товишларин сақлаёлмайдирлар. Ёлғиз ўзларидан бурун келгон товишлиқларнинг чиқоргон товишларига қўшулуб, уларга кўмак берибгина турадирлар. Ёзувимизда бундай чўзғиларнинг олти турлиси ишлатиладир. Улар: «а», «ў», «у», «э», «и», «о»дир.

Булардан **«о»**, **«а»** афтида бўлгонлари товишлиқни устига чўзишга кўмак берганликлари учун **«уст чўзгилари»** деб аталадирлар.

Уст чўзғилардан **«о»** товишлиқни устига қалин чўзадир. Шунинг учун бунга **«қалин уст чўзгиси»** деб айтиладир: «қол», «ёз», «бор» каби.

«А» товишлиқни устига ингичка (қисқа) чўзадир. Шунинг учун бунга **«ингичка уст чўзгиси»** деб айтиладир: «кана», «тана», «гал» каби.

«Ў» ва **«у»** чўзғилари бир товишлиқни илгарига чўзганликлари учун **«ўтру чўзгилари»** деб аталадирлар. Булардан **«ў»** товишлиқни олдинга қалин чўзгани учун **«қалин ўтру чўзгиси»** деб аталадир: «қўл», «ўн», «сўл», «кўл» каби.

«У» товишлиқни олдинга ингичка чўзгани учун унга **«ингичка ўтру чўзгиси»** деб айтиладир: «куул», «туун», «уун» каби.

«Э», **«и»** чўзғилари бир товишлиқни остига чўзганликлари учун **«ост чўзгилари»** деб аталадирлар.

«Э» товишлиқни остига қалин чўзгани учун **«қалин ост чўзгиси»** деб аталадир: «кел», «эл», «беш», «сен», «мен» каби.

«И» товишлиқни остига ингичка чўзадир. Шунинг

учун мунга «*ингичка ост чўзгиси*» деб айтиладир: «*тили*», «*ўзи*» каби.

Сўроғлар:

- 1) «*Товишлиқ чўзгиси*» деб нимага айтиладир?
- 2) Товишлиқ чўзгиларининг сони қанча?
- 3) Товишлиқ чўзгилари неча турлидир ва ҳар бирларининг отларин айтиб кўрсатинг.

2. Тубанда кўрсатилган сўзлардаги товишлиқларни ҳам товишлиқ чўзгиларини бир-биридан ажратинг: *қўл, тун, юз, ун, чўл, бўл, тош, ёз, ёр, қир, қизил, кетар, беш, ёшар, қуёш, чиқар, ўтун, кесар, тол, синар, узоқ, йўл, тор, кўча, турсун, ёзар, ўсма, кетар, қош, қолар.*

3-САБОҚ

сўз

3. Товишлиқ ва товишлиқ чўзгиларининг бир ўрун-ға тўпланиб кишиға белгили бир нарса англатишиға «*сўз*» деб айтиладир.

Сўз айтилғон чокдаги эсимизда қолғон нарсалар-нинг маъноси булдилр: *қуёш, бер, қиз, из, келди* каби.

Эскартиш:

Сўзлар ёлғуз товишларнинг ўзларидан ҳам ясаладилрлар: *тил, йил, қиш, у, тиш, из* каби.

Бу мисоллардаги сўзларда ҳам чўзгилардан ингичка ост чўзгининг борлиги англашилса-да, ёзишда қулайлик киритмак тилаги билан қолдирилади, ҳам бунга: товишлиқ билан тугалган сўз бирла келарида ингичка ост чўзғи тушиб қолади деган бир қоида киритилди. Юқоридаги мисолға боқиш керак.

Сўроғлар:

- 1) «*Сўз*» деб нимага айтиладир?
- 2) Сўзлар ёлғуз товишлардан ҳам ясала оладилрларми?

4-САБОҚ

СЎЗ БЎЛАГИ

4. Бир сўзни айтган чоқда шу сўзимиз бир ва/ё бирдан ортуқ бўлақларга бўлуниб эшитиладирлар. Мана шундай сўзнинг бўлуниб эшитилишига **«сўз бўлағи»** дерлар: *қиш, қуёш, ё-зиш, ўл-ди, бор-дим, ў-қу-моқ-чи* каби.

Сўроғ:

1) «Сўз бўлағи» деб нимага айтилади?

3. Тубандаги ёзилган сўзлардаги сўз бўлақларин ажратинг: *қиш, қуёш, кўк, япроқ, оғоч, ютилди, йиртилди, бормоқчи, ўқимайман, келсам, кетдим, ёз, ўқув, қўнғироқ, чолди, тур-сун, қочди, сен, бугун, қайда, эдинг.*

5-САБОҚ

ҚАЛИН ВА ИНГИЧКА ЧЎЗФИЛАР

5. Сўзлайтурғон сўзларимизнинг қайсилари айтилишда «қалин», қайсилари эса «ингичка» эшитиладирлар: *қолди, келди, ўқидим, кулдим, йиғлар, югурар, ёзар, кетар, этар, гал* каби.

Бир сўзнинг қалин ёхуд ингичка эканликларин билмак учун бизда қалин ва ингичка сўзлар учун белгиланган товишлиқ ҳамда товишлиқ чўзғилари бордир. Шул белгилардан бири бир сўз орасида келса, ул белги қалин сўз қалин (сўз белгиси) бўлса шул сўз **қалин**, ингичка сўз белгиси бўлса шул сўз **ингичка** бўладир.

Бизда қалинлик белгилари товишлиқлардан: «х», «ғ», «қ»дир, чўзғилардан ёлғуз сўзнинг бош бўлағида келмак шарти билан қалин уст чўзғи «о»дир. Мисол: *бор, ёз, ўқув, йиғлама, ухлаган.*

Ингичкалик белгилари товишлардан «к», «г» чўзғиларидан сўзнинг биринчи бош бўлағида бўлмоқ шарти билан ингичка уст (чўзғи) «а» билан қалин ост (чўзғи) «э»дир. Мисол: *югур, гал, яна, мана, эр, гал, эл* каби.

Сўроғлар:

1) Қандай товишлиқлар сўзнинг қалин бўлмоғига сабаб бўладирлар?

2) Қандай товишлиқлар сўзнинг ингичка бўлмоғига сабаб бўладирлар?

3) Товишлиқ чўзгиларидан қайсилари ҳам қайси ўрунлардан келиб сўзнинг ингичка ёхуд қалин бўлмоғига сабаб бўладирлар?

Эскартиш:

Қалинлиқ ва ингичкалик белгилари йўқ сўзларнинг қалин ва ингичка «и» эканликларин билмак учун шул сўзларнинг «сифат»ларин охтармоқ тегишдир: *билак* — *билик*, *синмоқ* — *синиқ*, *йиртмоқ* — *йиртиқ*, *ўлик* — *ўлук* каби.

4. Тубанда кўрсатилган мақоллардаги сўзларнинг қалинми, ингичками эканликларин юқорида ўқиғон негизлар бўйинча ажратинг:

Кўр тутганин қўймас, кар эшитгонин қўймас;

Ўғрини қароқчи урар;

Кампирнинг дарди гўзада;

Сўқирнинг тилаги икки кўзи;

Бош тўпти учун эмас, тўпти бош учундир;

Эрга берсанг ошингиз, эрлар силар бошингиз, итга берсанг ошингиз, итлар чайнар бошингиз;

Қалин огочнинг эгилгани сингани;

Эр йигитнинг уялгани — ўлгани;

Йўқсулни туянинг устида ит қопар;

Бойнинг минг қўйининг орасидан йўқсулнинг бир қўйин бўри ер;

Ёв қочса ботир кўпаяр;

Сичқоннинг иши минг танга;

Йўлбарс очликдан ўлса ҳам итнинг сарқитин емас;

Чумчуқ семирса ботмонча келмас;

Сичқон сизмас инига, галвир боғлар думига.

6-САБОҚ

ТУТАШ ВА УЗИҚ ТОВИШЛИҚЛАР

6. Ҳар икки ёқдан қўшилиб ёзилатурғон товишлиқларга **«туташ товишлиқлар»** деб айтилади: «т», «ш», «қ», «л», «м» каби.

Бир ёқдан туташиб, иккинчи ёқдан узилиб қола-

турғон товишлиқларга **«узиқ товишлиқлар»** деб айтиладир: «р», «в», «д», «з» каби.

Эскартиш:

Товишлиқ чўзгиларидан ёлғуз уст чўзгилари **узиқ товишлиқлар** каби бир томондан узилиб, ёзиладирлар; колғон ўтру ва ост чўзгилари туташ товишлиқлар каби ҳар икки томондан қўшулуб ёзиладирлар.

Сўроғлар:

1) **«Туташ товишлиқлар»** деб қандай товишлиқларга айтилади?

2) **«Узиқ товишлиқлар»** деб қандай товишлиқларга айтилади?

3) Чўзгилардан қайсилари туташ товишлиқ ва қайсилари **узиқ товишлиқлар** қаторига кирадир?

5. Тубанда кўрсатилган сўзлардаги товишлиқ ва товишлиқ чўзгиларининг қайсилари туташ ва қайсилари **узиқ товишлиқлар** эканини ажратинг: *қиш, куз, ёз, беш, қирқ, йигирма, қўй, сот, ёзгич, милтиқ, қора, темир, эл, оғоч, мерган.*

Эскартиш:

Бир сўзда бўлғон туташ товишлиқлар айри ёзилмайдирлар, буларни айри ёзмоқ янглишдир. Мисол: **«ишладим»** сўзин **«иш ладим»**, **«кетдим»** сўзин **«кет дим»** ёзмоқ каби. Шунинг каби икки сўзни бирга қўшиб ёзмоқ ҳам бўлмайдир. **«Мен кетдим»** сўзин **«менкетдим»**, **«кўруб қайтдим»** сўзин **«кўрибқайтдим»** ёзилмоғи каби.

Икки сўз бир кишига ёхуд бир нарсага от бўлса, ул вақт қўшилиб ёзиладир: *Тошкент, мингбоши, оқсоқол* каби. Буларни: *Тош кент, минг боши, оқ соқол* суратда ёзмоқ янглишдир.

Сўроғлар:

1) Қандай сўзларни айриб ёзиб бўлмайдир?

2) Икки сўз қандай чоқларда бирга қўшулуб ёзиладир?

5. Тубанда кўрсатилган сўзларни ўрганган қондангиз бўйинча тузатиб ёзингиз: *келдим, бордим, ўқимоқчи, Йўлдош ўқуди, бермади, қолсун, келма, йўқлама, бозор, бўлмади, қўй, сотиб олмади.*

7-САБОҚ

ҚЎШИМЧАЛАР

7. «Қўшимча» деб ёлғузликда кишиға бир нарса англатмасдан, ёндаги сўзга қўшулғоч, бир нарса англатган сўзларга айтиладир: *-да, -га, -ға, -дан, -нинг, -ни, -дир* каби.

Булар ҳам чокда ўзларидан бурунғи сўзларга қўшулиши мумкин бўлғон ўрунларда қўшулуб ёзиладирлар: менинг, ўқушдан каби.

Қўшулиш мумкин бўлғон ўрунларда қўшмасдан ёзмоқ бўлмайдир. Мисол: ўқуш дан, мактаб дан, йўл да, уйинг га каби. Буларни ўқуш-дан, мактаб-дан, йўл-да, уй-нинг каби ёзмоқ янглишдир.

Сўроғлар:

- 1) «Қўшимча» деб қандай сўзларга айтиладир?
- 2) Қўшимчалар қандай ўрунларда қўшулуб ёзиладирлар?
- 3) Буларни қўшуб ёзиш мумкин бўлғон ўрунларда айрим ёзмоқ бўлурми?

6. Тубандаги ёзилган сўзларнинг қўшимчаларин тузатиб ёзингиз: *Мактаб нинг, ўқуш ни, бола да, йўл га, куч га, беш ни, келиш га, термак ни, кўрмак да, билмак ни, ёзиш да, йўл ни, ўлим ни, киши га, яхши га, қиш га, ўтун ни, қай дан, топа дир, йўл ни, эл ни, ой да, бой дан.*

8-САБОҚ

ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ ЁЗИЛИШЛАРИ

8. Қўшимчалар ўзларидан бурунғи келғон сўзларга қўшулуб ўқулғонликлари учун ёзилиш тўғриларинда ҳам шул юқорида келғон сўзларнинг қалин ёхуд ингичкаликларига бўйинсунадирлар. Ўзларидан илгари келғон сўз қалин эса қўшимча ҳам қалин, ингичка эса қўшимча ҳам ингичка ёзиладир. Мисол: *қишда, кўча-га, қуёшго, тошдан* каби.

Эскартиш:

Бир сўз қалин эса унда бўлғон товишлиқда чўзғиларнинг ҳамда мунга туташқон қўшимчаларнинг-да чўзғи ва товишлиқларининг қалин бўлмоғи, ингичка сўз эса товишлиқ ва чўзғи-

ларнинг ҳамда қўшимчаларинда бўлгон товишлиқ ва чўзғиларнинг ингичка афтиларида ёзилмоқлари керакдир.

«Қолғон» сўзин «**қолган**», «келғон» сўзин «**келган**», «**қолғонлардан**» сўзларин «**қолганлардан**», «келғонларидан» сўзин «**келганларидан**» ёзмоқ янглишдир.

Сўроғлар:

1) Қўшимчаларнинг чўзғи ва товишлиқлари қандай ёзиладир?

2) Бу сўзнинг товишлиқ ва чўзғилари қалин ва ингичкалик тўғрисида неча турли ёзиладирлар?

7. Тубандаги ёзилган товишлиқ ва чўзғиларнинг ҳар бирларин ўз ўрунларига қўйиб ёзинг: *қолгон, кўрган, ўқушда, кераклиқ, оғизда, йўқлик, ёмонлик, қуёшдан, иссиққа, қишин, совуқдан, ўлган, кўчада, кишилар кўб, экан, ёзда, кўчалар, тўзонлар билан қопланарлар.*

9-САБОҚ

ТОВИШЛИҚЛАРНИНГ ЎЗГАРИШЛАРИ

7. Қайси бир товишлиқлар бир ёққа олиш билан ёхуд икки ўхшашнинг бир ўрунга тўпланиши билан ўз афтиларин йўқотиб, иккинчи бирининг афтига ҳамда унинг товишига бўйинсунадирлар. Бундай товишлиқларга «**айнама товишлиқлар**» деб айтиладир.

Бизнинг ёзувимизда бундай товишлиқлардан икки турлигинаси бордир. Булар: «қ», «к» товишлиқларидирлар.

Буларнинг ҳар икковлари ҳам икки ўрунда ўзгарадирлар:

1. Сўз бўлагининг энг сўнгида келгач, остига чўзилса «қ» «ғ»га, «к» «г»га айланадир. Мисол: *ўқумоқ — ўқумоғи, кўрмак — кўрмағи каби.*

2. Бир-бирига ёқин бўлгон «қ» билан «ғ», «к» билан «г» бир ўрунда келсалар, сўнггиси илгаригисининг тусига киради. Мисол: *оёқ-оёққа (бунинг асли оёқгадир).*

Сўроғлар:

1) Қандай товишлиқларга «айнама товишлиқлар» деб айтиладир?

2) «Айнама товишлиқлар» сўзнинг қайси ўрнида ўзгарадирлар?

3) «Қ», «Ғ» ва «к», «г» товишлиқлари қандай ўрунда келсалар бир-бирларининг тусига кирадирлар?

8. Тубанда ёзилган сўзларда кўрсатилган «қ», «к» товишлиқларининг ҳар бирларини остига чўзуб ўқунг: *оёқ, тоёқ, қулоқ, сабоқ, қовоқ, саноқ, чатоқ, булоқ, ётоқ, овлоқ, тўқун, пўк, тошлоқ, қишлоқ, қароқ, чўлоқ, тилақ, билақ, курак, элак, челақ, тентақ, терақ.*

10-САВОҚ

ҚОИДА

10. Сўзнинг сўнгги бўлагида келатурғон «б» товишлиғидан бурун ўтру ёхуд ост чўзғиларнинг бирталарин ёзмоқ учун сўзнинг бош бўлагига қарамоқ керакдир. Сўзнинг бош бўлаги ўтрулиқ эса, «б»дан бурун бир ўтрулиқ эса, «б»дан бурун бир ўтру ёзиладир: *кўруб, туруб, юруб, сўруб каби.*

Сўзнинг бош бўлагида уст ёхуд ост чўзғиларидан бири бўлса «б» дан бурун ост чўзғининг ингичкаси ёзиладир: *келиб, бориб, қолиб, кетиб каби.*

Сўроғлар:

1) «Б»дан бурун ўрту чўзғисин ёзмоқ учун сўзнинг бош бўлагида қайси чўзғининг бўлмоғи керакдир?

2) «Б»дан бурун ост чўзғисин ёзмоқ учун сўзнинг бош бўлагида қандай чўзғининг бўлмоғи керакдир?

9. Тубанда ёзилган сўзларни тузатиб ёзинг: *келуб, боруб, туриб, олуб, сотиб, қочуб, кетуб, қуруб, қолиб, сотиб, қўйиб, кўчуб, юриб, кулиб, териб, эллуб, кўмуб, еқуб.*

Эскартиш:

Ёлғиз «у-ў» чўзғилари билан битмайтурғон сўзларда шул чўзғиларга «у» дан сўнг «в», «ў» дан сўнг «и» товишлиқлари ортдирилиб ёзиладир: *сийламақ, сийпамақ, қуламақ, сув каби.*

11-САБОҚ

ЎҚУГУВЧИЛАРГА СИНАШ УЧУН ЮКЛАТИЛГАН ИШЛАР

10. Ўзинг учун ўл етим;
Ёлқов бўлма, тиришқоқ бўл;
Кучсиз қолиб эзилгунча, кучланиб эз;
Ит боши товоқда турмас;
Ёвингнинг сенга қилгон яхшилиги сенинг энг яхши кўрган
нарсангни ўз қўлига олмоқ учун бўлур;
Итни ювиш билан тоза бўлмас;
Олтинни булғотгон билан олтинликдан тушмас;
Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қолиб сўзлар;
Сенга энг ёмон ёв ва энг яхши дўст ўзингнинг тушунчанг-
дир;
Қорани ювиш билан оқартириб бўлмас;
Ит — итлигин қўймас;
Тўқайга ўт тушса хўл ва қуруқ бирга ёнар;
Яширин нарсангни ўртоғингга ҳам айта кўрма, ўртоғинг-
нинг ҳам ўртоғи бор;
Ўзи бир нарса иш ишлаёлмагон тентаклар бошқаларнинг
ишин бузмоқга тиришарлар;
Туянгнинг оёгин боғлаб Тангрига топиш;
Насаб билан мақтанганлар ўз тентакликларин билдирган
бўлурлар;
Насаб толашма, илм толаш;
Бор-йўғинг билан мақтанма, илм-хунаринг билан мақтан;
Бир кимсани қаттиқ қайгуртмоқга тиришма, қайгуртир-
гон кишинг бир кун сенга энг яқин ўртоқ бўлса эҳтимол;
Ёлқовга иш буюрсанг сенга сира эшитилмаган ўгуллар қи-
ладир;
Ишлаган — тишлар;
Қозонда бўлса чўмичка чиқар.

СЎНГ

ҚЎШМАЧА

Тилимиз орасиға қотишиб қолгон ёт сўзларни ёзгон чоғимизда бутунлай ўз товишлиқларимиз билан ёзмонимиз керакдир. Ёлғиз сўзларнинг қалинлиқ ва ингичкаларида мумкин бўлгон қадар қоида билан ёзиб, мумкин бўлмагонларин эшитилганича ёзмоқға тўғри келадир.

Чунончи: олим, китоб, мактаб каби сўзларни

товишларин ўзгартиб олим, носир сувратида ўз товишлиқларимиз билан ёзсоқ-да *китоб* сўзин *китаб*, *мактаб* сўзин *макатаб* ёзмоғимиз кўб оғир бўладир.

Элимиз билим-хунарга чинлаб эга бўлғоч ва тил — ёзув қоидаларин бойитиб, ўз тилининг бойитилмоғиға тирришгувчилар кўпайгач, ёт сўзлар чиқарилиб, ўрниға ўз сўзимиз олинғон замонларда, табиий, биз бу қийинлиқлардан-да қутулғон бўладирмиз.

Шундай бўлса-да, ҳозирдан бошлаб ёзувимизнинг орасиға кириб олиб бизга тузган қоидамиз ёғиндан монеликлар бературғон сўзларнинг ўрниға ўз сўзимизни охтариб топмоғимиз тегишдир.

Мисол учун, *китоб* деб қоидаға тесқари ёзиб қийналганча «*битик*» сўзин ишлатсак, қийинлиқдан қутилишимизға анчагина йўл топиладир.

Битди.